

БАХТИЁР ЭРАЛИЕВ  
НИКРОМИДДИН ОСТОНАКУЛОВ  
ФАРРУХ АҚЧАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЗИЁРАТГОҲЛАРИ  
ВА ҚАДАМЖОЛАРИ

Сурбат ва  
Жуззах вилоятлари



**БАХТИЁР ЭРАЛИЕВ  
ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛОВ  
ФАРРУХ АҚЧАЕВ**

# **ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ**

*Сирдарё ва Жиззах  
вилоятлари*

*Туртинчи китоб*

Тошкент  
«Turon zamin ziyo»  
2017

УЎК: 016:908(575.121)

КБК 85.11(5Ў)

Э-73

**Эралиев, Бахтиёр**

Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари: Сирдарё ва Жиззах вилоятлари [Матн]/ Б.Эралиев, И.Остонакулов, Ф.Ақчаев. – Тошкент. «Turon zamin ziyo», 2017. – 232 б.

ISBN 978-9943-4830-6-4

Ушбу китоб куп жилдли «Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари» туркумидаги асарларнинг туртинчиси булиб, унда Сирдарё ва Жиззах вилоятларида жойлашган зиёратгоҳлар, қадамжолар, тарихий обидалар ва меъморий ёдгорликлар тарихи, пайдо булиши ва ижтимоий-маданий аҳамияти ҳамда зиёратгоҳларнинг вужудга келишига сабаб бўлган азиз инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти, кудсий фазилатлари хусусида хикоя қилинади.

«Ўлкашунослик ва туризм», «Маданиятшунослик», «Этнология» фанлари учун янги ўқув адабиёти саналган мазкур китобдан тарих, география, фольклор, агиология (қудсиятшунослик), аксиология (қадриятшунослик), маданиятшунослик, адабиётшунослик, диншунослик фани билан шугулланувчи урта махсус ва олий ўқув юрти ўқитувчилари, талабалар, мактаб ўқувчилари, шунингдек, тележурналистлар, киноижодкорлар, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 016:908(575.121)

КБК 85.11(5Ў)

*Масъул муҳаррирлар:*

**Шайх Абдулазиз Мансур,**

Халқаро ислом уламолари кенгаши аъзоси;

**Акмал Саидов,**

юримдик фанлари доктори, профессор

*Тақризчилар:*

**Сафар Абдуҳоликов,**

фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Матлуба Қаҳхорова,**

фалсафа фанлари доктори

ISBN 978-9943-4830-6-4

© Б.Эралиев,

© «Turon zamin ziyo».

Тошкент, 2017 й.

## КИРИШ

«Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари» рукнида чоп этилаётган китобларнинг биринчи жилдидан Фарғона вилоятида жойлашган зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихи ўрин олган эди. Иккинчи китобда Андижон ва Наманган вилоятлари табаррук манзиллари тўғрисида ҳикоя қилинган эди. Учинчи китобда қадимий ва муаззам Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган зиёратгоҳлар, қадамжолар, улар билан боғлиқ азиз-авлиёлар, машхур олимлар ва мутафаккирлар ҳаёти, ноёб фазилятлари тўғрисида ҳикоя қилинган.

Ушбу тўртинчи китоб Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидаги зиёратгоҳ ва қадамжоларларга бағишланган бўлиб, у ҳам неча йиллар давомида заҳматкаш тарихчи, археолог, этнолог, адабиётшунос ва диншунос олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар, адабий-публицистик асарлар, хорижлик олимларнинг географик, тарихий китобларидаги ҳужжатлар, шунингдек, оғзаки маълумотлар, ривоятлар, газета-журналларда босилган мақолалар, лавҳалар, ниҳоят, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»дан олинган айрим материаллар асосида тасниф этилди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, муҳим истехкомлар, йўллар тарихи, айниқса, Тошкент ва Самарқанд тарихи билан боғлиқ илмий асарларда кўп тилга олинади. Кейинги пайтларда бу ҳудудлар тарихи археологлар ва этнографлар томонидан алоҳида ўрганилиб, жуда кўп қизиқарли маълумотлар жамланмоқда. А.А.Грицина, И.Д.Иваницкий, К.Рахимов, С.Қудратов каби олимлар Сирдарё вилоятидаги меъморий ёдгорликлар ҳақида тадқиқотлар яратган бўлса, Ў.Носиров, С.Қорабоев, М.Атаев каби олимлар Жиззах вилоятининг алломалари, зиёратгоҳлари ва қадамжолари ҳақида рисола ва монографиялар ёзишди. Шоир ва адиблар эса ўзларининг адабий ва публицистик асарлари орқали мазкур ҳудудларнинг табиати, табаррук манзиллари, тарихий оби-

далари ва машҳур кишилари ҳақида қимматли маълумотларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишмоқда. Бу уринда Тура Сулаймон, Ҳамроқул Ризо, Саъдулла Ҳаким, Равшанбек Маҳмудов каби ижодкорлар асарларини эслаб ўтиш мумкин.

Айниқса, биз танлаган мавзу учун Саттор Қорабоевнинг «Жиззах вилояти зиёратгоҳлари» ва Муслим Атаевнинг «Жиззах алломалари» китоблари қатта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур китоблардаги зиёратгоҳлар ва азиз кишилар ҳақидаги маълумотлар жузъий таҳрир орқали қайта келтирилар экан, уларни тасниф қилишда қайси туман ҳудудига тегишли эканлигига эътибор берилди ва бошқа маълумотлар билан тўлдирилди. Айрим зиёратгоҳлар тўғрисида ёзилган мужмал талқинлар таҳрир этилиб, бошқа манбалар асосида янгидан ёзиб чиқилди.

Китоб матнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун муаллифлар олдиндан ардоқли ўқувчилардан узр сўрайдилар ҳамда уни нашрга тайёрлашда ёрдам берган ходимларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, ҳолис ишларига Яратгандан савоблар талаб қоладилар.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТТОҲЛАРИ  
ВА ҚАДАМЖОЛАРИ**

Тошкент вилояти билан чегарадош бўлган Сирдарё янги ўзлаштирилган кўрик ерларда барпо этилган вилоят бўлиб, унинг ҳудудида қадимда кўплаб муқаддас жойлар мавжуд бўлган. Аммо чўлларни ўзлаштириш, канал ва коллекторлар казиш жараёнларида қудратли техника уларни ер билан яқсон қилиб кетган. Вилоят маркази Гулистондаги «Мирзачўл тарихи» музейига қўйилган кўплаб асори-атикалар шундан далолат беради.

Сирдарёда республикамизга танилган машҳур пахтачилик усталари доврўқ таратиб яшаб ўтган. Асли андижонлик бўлган қахрамон пахтакорлар Мамажон Дадажонов, унинг ўкаси Тулан Дадажоновларни катта авлод кишилари ҳурмат билан эслашади. Улар ҳақида очерк ва қиссалар ёзилган. Кўрик бўзтўрғайлари бўлган бағрикенг ижодкорлар эса Сирдарё ўланини баралла қуйлаб, ажойиб қўшиқлар яратишган. Сирдарё деганда кўз олдимизга Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Тура Сулаймон, хассос шоир ва журналист Ҳамроқул Ризо каби ижодкорлар келади.

Сирдарё вилояти ҳақида гапирганда унинг ўтмишдоши бўлган шу номдаги вилоят тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлиш зарур бўлади. Маълумки, Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олгандан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, унинг ҳудуди 5 та вилоятга тақсимланади. Шулардан бири 1867 йили ташкил этилган Сирдарё вилояти эди. Таркибида Ғазали, Перовский, Чимкент, Авлиёота, Тошкент (1887 йилгача Қурама номида), Хўжанд (1887 йилгача), Жиззах (1872 йилгача) уездлари, Тошкент шаҳри (1886 йилгача) Амударё бўлими кирган, 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин Фарғона водийсида олтинчи вилоят — Фарғона вилояти ташкил этилган.

далари ва машхур кишилари ҳақида қимматли маълумотларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишмоқда. Бу ўринда Тура Сулаймон, Ҳамрокул Ризо, Саъдулла Ҳаким, Равшанбек Махмудов каби ижодкорлар асарларини эслаб ўтиш мумкин.

Айниқса, биз танлаган мавзу учун Саттор Қорабоевнинг «Жиззах вилояти зиёратгоҳлари» ва Муслим Атаевнинг «Жиззах алломалари» китоблари катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур китоблардаги зиёратгоҳлар ва азиз кишилар ҳақидаги маълумотлар жузъий таҳрир орқали қайта келтирилар экан, уларни тасниф қилишда қайси туман ҳудудига тегишли эканлигига эътибор берилди ва бошқа маълумотлар билан тўлдирилди. Айрим зиёратгоҳлар тўғрисида ёзилган мужмал талқинлар таҳрир этилиб, бошқа манбалар асосида янгидан ёзиб чиқилди.

Китоб матнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун муаллифлар олдиндан ардоқли ўқувчилардан узр сўрайдилар ҳамда уни нашрга тайёрлашда ёрдам берган ходимларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, ҳолис ишларига Яратгандан савоблар тилаб қоладилар.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ

Тошкент вилояти билан чегарадош бўлган Сирдарё янги ўзлаштирилган кўриқ ерларда барпо этилган вилоят бўлиб, унинг худудида қадимда кўплаб муқаддас жойлар мавжуд бўлган. Аммо чўлларни ўзлаштириш, канал ва коллекторлар қазииш жараёнларида қудратли техника уларни ер билан яксон қилиб кетган. Вилоят маркази Гулистондаги «Мирзачўл тарихи» музейига қўйилган кўплаб асори-атикалар шундан далолат беради.

Сирдарёда республикамизга танилган машхур пахтачилик усталари доврुक таратиб яшаб ўтган. Асли андижонлик бўлган қахрамон пахтакорлар Мамажон Дадажонов, унинг укаси Тулан Дадажоновларни катта авлод кишилари ҳурмат билан эслашади. Улар ҳақида очерк ва қиссалар ёзилган. Кўриқ бўзтўрғайлари бўлган бағрикенг ижодкорлар эса Сирдарё ўланини баралла қуйлаб, ажойиб қўшиқлар яратишган. Сирдарё деганда кўз олдимизга Ўзбекистон халқ шоирлари Халима Худойбердиева, Тура Сулаймон, хассос шоир ва журналист Ҳамрокул Ризо каби ижодкорлар келади.

Сирдарё вилояти ҳақида гапирганда унинг ўтмишдоши бўлган шу номдаги вилоят тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлиш зарур бўлади. Маълумки, Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олгандан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, унинг худуди 5 та вилоятга тақсимланади. Шулардан бири 1867 йили ташкил этилган Сирдарё вилояти эди. Таркибида Ғазали, Перовский, Чимкент, Авлиёота, Тошкент (1887 йилгача Қурама номида). Хўжанд (1887 йилгача), Жиззах (1872 йилгача) уездлари, Тошкент шаҳри (1886 йилгача) Амударё бўлими кирган, 1876 йили Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин Фарғона водийсида олтинчи вилоят – Фарғона вилояти ташкил этилган.



1910 йилги маълумотга кўра, вилоят майдони 439 минг 428 чақирим кв; аҳолиси 1 миллион 911 минг 464 киши бўлган.

Қадимги Сирдарё тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим ёзма манбалардан бири қадимги юнон тарихчиси Аррианнинг «Искандарнинг ҳарбий юришлари» асаридир. Бу асарда Сирдарё «Танаис», «Яксарт» номи билан юритилади. Милoddan аввалги III-II асрларда Марказий Осиёнинг шимолий районларида 5 та майда давлатдан иборат Қанғюй давлати иттифоқи юзага келади. Унинг таркибига ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудудлари ҳам кирган. Ушбу даврда кўчманчи аҳолининг вилоят ҳудудига келиб ўрнашиши ер танқислигини юзага келтиради. Натижада, ҳозирги Ховос туманининг ғарбий қисмлари ҳам аҳоли томонидан ўзлаштирилади. Шўрбулоксойнинг қуйи қисмида Эски Ховос ёдгорлиги, Ширинсойнинг қуйи қисмида Мунчоктепа ёдгорлиги қад кўтаради.

Сирдарё ҳудуди илк бор алоҳида ўлка бўлган Уструшона Бейши, Суйши ва Танши каби Хитой йилномаларида тилга олинади (бизнингча, бейши – байчи, савдогар, суйши – сувчи, дехқон, Танши – танчи, молбоқар сўзларининг хитойча айтилиши бўлган бўлиши ҳам мумкин, масалан, жиззахликлар қорамолни тана дейди). Ундан олдинги манбаларда Шарқий Цао (суви йўқ) деб юритилади. Унинг бундай номланиши ҳудудда қўшни Чоч ва Сўғддан фарқли равишда сув манбаларининг кам бўлганлиги билан изоҳланади.

Нисбатан ўлканинг тўларок номланиши Таншу йилномаларида («Шуайдушана», «Суйдушана» номлари билан) берилган. Тан императорлари саройида ўлка номи, шунингдек, Лайвий (мағрурлигини сезган ҳолда бўйсунмоқ) деб ҳам юритилган. Вилоят қадимги аҳолисининг тили суғд тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Хан даври ёзма манбаларида Довондан (Фаргона) то Аньси (Бактрия)гача бўлган ҳудуд аҳолиси турли шевадарда гаплашсалар ҳам, бир-бирига яқин тилда гаплашганлар ва ўзаро бир-бирини тушунганлар, дейилади.

Милодий 6-асрда Турк ҳоконлиги даврида маҳаллий аҳолининг турк-муғул қабилалари билан муносабатлари ривожланиб, қудачилик ришталари ўрнатилди. Уструшона афшини Ҳасан ибн Ҳайдар турк лашкарбошисининг қизига уйланган. 8-асрга оид Хитой ёзма манбаси «Сюаньдзан»да ёзилишича, ўлка «Сутулисэн» деб номланади. Шунингдек, унда шимолий-ғарбда катта чўл (Мирзачўл) жойлашганлиги, ўлка ҳукмдори Боси тоғининг (Туркистон тоғ тизмаси) шимолий ён бағрида яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўлкада зарб қилинган VI-VIII асрларга оид тангалар Уструшонанинг илк ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатагари, Раханг ҳақида маълумот беради.

8-аср бошида Уструшонага араблар бостириб кирган. Уструшона араб ва Тан сулоласи ўртасидаги кураш майдонига айланган. 749 йили хитойликлар юриш қилган бўлса, 751 йили Уструшонани араблар босиб олган. Фақатгина 9-аср бошларидан Ҳайдар ибн Қавус араб халифаси хизматига киради.

893 йили афшинлар сулоласи ағдарилиб, Уструшона Сомнийлар давлати таркибига киритилган. Ўрта асрлардаги Уструшона ҳақида бирмунча тўлиқ маълумотлар араб ёзма манбаларида мавжуд. Уларда айтилишича, ўлка худуди Хужанддан Самарқандгача, Сирдарё дарёси ва Мирзачўлдан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган. Истахрий (10-аср) маълумотига кўра, Уструшонанинг кўпгина қисмини тоғлар эгаллаган бўлиб, унда «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ». Ибн Ҳавкалга биноан, Мовароуннахрнинг бошқа вилоятлари қатори Уструшона ҳам деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши билан ажралиб турарди. Бу маҳсулотлар вилоят ташқарисига, жумладан, Хужандга чиқарилган. Айрим шаҳарларда бозорлар бўлган. Уструшоналикларнинг фахри темир қуроллар бўлиб, улар Хуросонда ишлатилган ва Ироққача шу қурол-яроғ билан қуролланганлар. Уструшона пойтахти Бунжикат шаҳри бўлган. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар қатори Уструшона ҳам кейинги ҳаётида қорахонийлар, муғуллар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа давлатлар таркибидаги тарихий даврларни бошидан кечирган.

\* \* \*

Вилоят худудида Хужамушкентсой, Шурбулоксой, Муғолсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сув манбалари бўлган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ёки бошқа жойга кўчиб ўтилишига олиб келган. Вилоятда қадимги каналларнинг излари, сардобалар мавжуд. Уринбойўғиз, Искандарарик, Бухороарик каби қадимги каналлар бўлган. 15-асрда Шохрух ва Улуғбек Сирдарёдан Мирзачўлга сув чиқартирган. Кейинчалик Мирзачўлнинг жанубий шаркида Бўзарик, Сирдарёнинг ўнг томонида Далварзинарик барпо этилган. Қиёт кўли ёнида Сирдарёдан сув оладиган майда ариқлар бўлган.

1872 йили Бекобод ёнида Кауфман канали (13 км), 1878-82 йиллари Тунғизарик (6 км) қазилди. 1883-85 йиллари Искандарарик ва Бухороарик қайта қазилди. 1891-95 йиллари Фарход тоғи ёнида махсус тўғон (Шохтўғон) қурилди. 1896 йили ҳозирги Дўстлик канали казилиб, Мирзачўлнинг ичкарасига сув юборилди. 1897 йили Мирзачўлда биринчи марта 6 гектар ерга пахта экилган.

### ХУШКАТ– СИРДАРЁ КЕЧУВИДАГИ ШАҲАР

Марказий Осиёда сомоний ва қорахонийлар даврига келиб марказлашган давлатнинг пайдо бўлиши, савдо-сотиқнинг ривожланишига сабаб бўлади. Сомонийлар давлати марказининг ер- ости қазилма бойликларига бой Шош (Тошкент) билан савдо алоқалари ҳозирги Сирдарё вилояти худуди орқали ўтган. X аср охири – XI асрнинг 1-ярмида Уструшонадан Чочга 2 та йўл Сирдарё бўйлаб Ховос орқали Самарқанд–Зомин–Ховос–Бинокат йўналишида фаолият юритган. Бу йўл IX-X асрларда «Эски Бинокат йўли» деб номланган. Ушбу йўлда Ховосдан чиққан қарвон Сирдарёнинг чап қирғоғи бўйлаб бориб, Бинокат (Шохрухия) шаҳри рўпарасидаги кечув орқали Шошга ўтган. Кечув муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу сабабли унинг чап қирғоғида Бинокатнинг қарама-қарши томонида (ҳозирги Сирдарё вилоятининг Сайхунобод тумани Нурота қишлоғида) Хушкат шаҳри қад кўтарган.

Хозир Хушкат шаҳристонини археологик тадқиқотлар ўтказиш объекти саналади. XX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институтининг (академик Ю.Буряков бошчилигидаги) Чоч-Илок отряди томонидан, 1984 йилда эса шу институтнинг (тарих фанлари номзоди А. Грицина бошчилигидаги) Сирдарё отряди томонидан ўрганилган.

Шаҳар уч қисмдан – Арк (7,5 гектар), шаҳристон (40-45 гектар) ва рабоддан иборат бўлган. Арк ва рабод қисмлари бузиб юборилган, фақатгина шаҳристон қисмидан 7,5 гектар жой қабристон бўлганлиги сабабли сақланиб қолган. Шаҳарда ҳаёт IX аср охирларида бошланган ва XVI асрнинг 1-ярмигача давом этган.

X асрга оид маданий қатламлар арк ҳудудида учрайди. Ушбу даврда Хушкет кулоллари Шош учун хос бўлган илк сирланган сопол ишлаб чиқаришни ўзлаштиришган. Бу нарса дастлабки хушкетликлар бу ерга Шошдан, аниқроғи, дарёнинг нариги қирғоғидаги Бинокетдан келишган бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдиришимизга асос бўлади. «Буюк ипак йўли» бўйида жойлашганлиги, шунингдек, Шошга ўтувчи кечувда жойлашганлиги сабаб шаҳар тез ривожланади. Шаҳар аҳолисининг бир қисми қайиқчилик билан шуғулланган.

XI аср бошларида Хушкет қорахонийлар давлати таркибида бўлган. Ёдгорликдан ушбу даврга оид пишиқ гиштлар, қорахонийларнинг Шошдаги илокхони томонидан 1003-1004 йиллари Бинокетда зарб этган мис тангалар, сопол буюмлар топилган. Ушбу даврга оид сопол буюмлар бугунда ҳам қабр қавлаш жараёнида кўплаб учрайди.

Хушкат 1219 йили Чингизхон лашкарбошиларининг 5 минг кишилиқ кўшини томонидан вайрон этилган. Шаҳар 1391-1392 йиллари Амир Темур томонидан қайта тикланган. Улугбек даврида Хушкат қарвон йўлидаги муҳим шаҳар ҳисобланган. 1503 йили шаҳар Шайбонийхон томонидан бошиб олинади.

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ҚАДАМЖОЛАР

Тарихий манбаларда улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий Сирдарё соҳилидаги Фороб кишлоғида туғилганлиги кайд этилади. Бугунги кунда Фороб кишлоғи (Сирдарё вилояти ҳудуди билан чегарадош) Жанубий Қозоғистон вилояти Жеттисой тумани ҳудудига тегишлидир. Абу Насрнинг болалиги Сирдарё бўйларида кечган. У Ўтрорда, Тошкентда савод чиқариб, сўнг Самарқанд ва Бухорода таълим олиб, ундан кейин камолот ҳосил этиш учун Бағдод ва Дамашқ шаҳарларига бориб яшаганлиги маълум.

Шунинг учун Сирдарё вилояти зиёратгоҳлари ва қадамжолари китобида Форобий туғрисида ҳам маълумот беришни (маънан ҳақимиз борлигини инобатга олиб) лозим топдик. Зеро, юртимиздан етишиб чиққан, асарларини араб тилида яратган аллома мероси барча инсоният катори Марказий Осиё халқлари учун муштарак меросдир. Қозоғистон пул бирлигида Форобий суратини кўриб қозок биродарларимизга таҳсин айтамыз. Қозоғистонда босилиб чиққан Абу Наср Форобий китобларини излаб топиб ўқиймиз. Шунингдек, қозоғистонлик олимлар ҳам ўзбек форобийшунослари асарларини кадрлайдилар.

Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Махмуд Кошғарий каби алломалар каторида турувчи буюк олим Форобий асарларини ким яхши ўрганса, улардан унумли фойдалана билса, кадрласа, Форобий ўша халқникидир.

Форобийнинг тулик номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон бўлиб, 873 йили таваллуд топган. 950 йили ўша вақтларда ислом давлатлари пойтахти саналган Дамашқда вафот этган. Форобий ўрта асрларнинг улуғ мутафаккири ва комусий олими сифатида оламшумул шухратга эгадир. У юнон фалсафасини чуқур билгани, юнон олимлари асарларига шарҳлар битганлиги ва жаҳонга тарғиб қилгани ҳамда замонасининг илмларини пухта ўзлаштириб, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун «Ал муаллиму-с-соний» – «Иккинчи муаллим», яъни Арастудан кейинги етук аллома, «Шарқ Арастуси» номларига сазовор бўлган.

Абу Насрнинг отаси туркий қабилага мансуб ҳарбий хизматчи, яъни амир бўлган. Ўша даврда Мовароуннаҳрда сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилаётган эди. Булажак файласуф бошланғич билимини Ўтрорда олгандан сўнг, ўқишини Тошкент,

Самарқанд ва Бухорода давом эттирган. Бағдодга йўл олиб, йўл-йўлакай Эроннинг йирик шаҳарлари Рай, Ҳамадон, Исфажонда ҳам бўлган. Бағдодда кўзга кўринган олиму фузалолар билан танишади, улардан илм сирларини ўрганади. Масалан, Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870-940) юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Хайлондан (860-920) эса тиббиёт ва мантиқ илмини ўрганади. Баъзи тарихий манбаларда келтирилишича, Форобий 70 дан ортиқ тилни билган.

Шу ўринда турли комуслардан олиб ёзилган «Машҳур даҳолар сийрати» китобидаги маълумотларни келтириб ўтамыз:

«Файласуфлар шайхи, ҳаким Абу Наср Муҳаммад ибн Тархон ибн Эвазлиғ (Ўзлуғ) Туркий Форобий Мантиқий. Заковат соҳибларидан бири. Абу Наср Ироқда араб тилини мукаммал билган, насронийлардан бўлган Матто ибн Юнус билан учрашиб, ундан мантиқ илмини ўрганган. Сўнгра Харронга бориб, Юҳанно ибн Хайлон Насронийга шогирд тушган. Айтишлари-ча, у киши подшоҳ Сайфуддавла ибн Ҳамнон хузурига кирганларида турк кийимида бўлганлар.

Оталари турк амирларидан эдилар. Абу Наср етмиш тилни билганлар. Мажлиснинг тўрида ўтириб, олимлар билан турли фанлардан мунозара қилганлар. Сўзлари устун келиб, қобилиятлари сезилгач, ҳамма у кишини тинглай бошлаган.

Рубобни яхши чалганлар. Халталаридан рубобни чиқариб, созлаб чала бошлаганларида ҳамма хурсанд бўлиб қула бошлаган. Сўнгра торларнинг чертилиш ўрнини алмаштириб, бошқа куйни чалганларида ҳамма тинглаб, охири ухлаб қолган. Ҳатто эшик қоровули ҳам ухлаб қолган. Ўзлари ташқарига чиқиб кетганлар.

Қонунчиликка асос солган дастлабки арбоблардан. У киши ёлғизликни хуш кўрардилар. Сўлим жойларда дам олишни ва илм билан машғул бўлишни ёқтирар эдилар. Файласуфлардек зоҳид бўлиб, оддий кийим кияр эдилар. Уйларини ортикча безатмас эдилар. Ибн Ҳамдон унга хар куни тўрт дирҳам юбориб турар эди. Абу Наср Форобийдан: «Сиз билимдонроқми ё Арасту?» деб сўраганларида, «Агар мен Арастунинг замондоши бўлганимда унинг энг пешқадам шогирдларидан бўлар эдим», деб жавоб берган. Абу Насрнинг ажойиб назмлари ва ҳукамолар наздида чиройли саналадиган зикр ва дуолари бўлган. Абул Аб-

бос ибн Абу Усайбийнинг зикр қилишича, Усомий деган олим Форобий ёзган асарлар мундарижасини тузиб чиккан экан.

У киши (ҳижрий) 339 йили ражаб ойида саксон ёшларида Дамашқда вафот этганлар. Жанозаларини подшоҳ Сайфуддаула ибн Ҳамдон ўқиганлар. Қабри «Бобус Сағир» қабристонидан (Имом Шамсиддин Заҳабий. Сияри аъламин нубало. Машҳур даҳолар сийрати. Тошкент: 2015. Б.360).

Мавжуд маълумотларга қараганда, Форобий 160 дан ортиқ асар ёзган. Лекин уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Асосий асарлари: «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги тўғрисида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Энциклопедиядан мантик булимининг бир қисми», «Таликот» (шарҳлар), «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Бушлик ҳақида мақола», «Донолик асослари», «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши», «Ҳайвон аъзолари, функцияси ва потенцияси», «Мантик тўғрисидаги рисолага муқаддима», «Мантиқ илмига кириш», «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Мусиқа ҳақида катта китоб», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Масалалар моҳияти», «Буюк кишиларнинг нақллари», «Ихсо ал улум», «Ҳикмат маънолари», «Ақл тўғрисида», «Илмлар ва санъатлар фазилати», «Қонунлар ҳақида китоб», «Субстанция ҳақида сўз», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида», «Шеър ва кофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Физика усуллари ҳақида китоб», «Фазилатли хулқлар», «Фозил шахар аҳолисининг фикрлари», «Аристотель «Метафизика» китобининг мақсади тўғрисида».

Алломанинг асарлари 20-асрнинг 70 – 80-йилларида Тошкент ва Олмаотада «Фалсафий рисолалар», «Мантикий рисолалар», «Математик рисолалар», «Ижтимоий-ахлоқий рисолалар», «Тадқиқотлар ва таржималар», «Нафс ҳақида рисола» номлари остида рус тилида нашр этилган. Қозоғистон олимлари аллома асарларини рус ва қозок тилига таржима қилишда катта ишларни амалга оширганлар.

Форобий Шарк Уйғониш даврида ижод этди. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, хунармандчилик, ирригация иншоотларининг юксалиши, янги шахарларнинг бунёд этилиши, маданий ва маънавий ҳаётнинг раванқ топиши юз берган, дунё мамлакатларининг ички ва ташқи савдоси глобаллашган, айниқса,

Ҳиндистон, Хитой, Византия, Миср (Африка) мамлакатлари билан Марказий Осиё мамлакатлари алоқаси йўлга қўйилган. Олимнинг илм-фан олдидаги хизматларидан бири унинг юнон мутафаккирлари асарларини шарҳлаганлиги ва уларни янги гоёлар билан бойитганлигидир. Аллома Афлотун, Александр Афродизийский, Эвклид, Птолемей, Порфирий асарларидан кенг фойдаланган. Гипократ, Эпикур, Анаксагор, Диоген, Хрисипп, Аристипп, Сукрот, Зенон асарларидан хабардор бўлган ҳамда эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабларини яхши билган. Форобий ўрта аср учун мукаммал ҳисобланган илмлар таснифини яратди.

У илмларни диний ва фалсафий туркумларга ажратади. Диний илмларга *тафсири*, *ҳадис*, *тарих*, *адаб ва лугат илмларини* киритади. Фалсафий илмларга кимё, физика, математика, табиёт, механика, мусика, тиббиёт каби илмларни киритади. Олимнинг фикрича, фанлар, билимлар борликни кузатишдан келиб чиқиб, борликни узок вақт ўрганиш асосида тўпланиб боради. Илмларнинг турлилиги бир-бирини инкор қилмайди, балки ўзаро бир-бири билан боғлиқликда ривожланади. Улар дунёни идрок қилишга ва инсонларни фаровонликка эришишига қаратилгандир.

Форобийнинг ёзишича, грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби, мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. «Мантиқ илмига кириш» асарида ҳеч қандай далил-исботсиз билинадиган фикрларни 4 га тақсимлайди: мақбулот (яъни, барча кишилар қабул қила оладиган фикрлар); машхурот (яъни, тўғрилиги ҳаммага машхур бўлган); маҳсулот (яъни сезиш ва идрок натижасида пайдо бўлган); бошланғич маъқулот (яъни одамлар маъқуллаган билим ва тушунчалар). Форобийнинг мантиқ илми ҳақидаги қарашлари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ, улар олий ўқув юртларида қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Форобий Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари файласуфлари орасида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, унинг мақсад ва вазифалари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Ўрта аср шароитида жамият табиий равишда келиб чиққанлигини, инсон фақат бошқалар ёрдамида ҳаёт қийинчиликлариغا қарши кураша олиши мумкинлигини асослаб берди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, унинг яшаши ва олий даражадаги етуқликка



эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёжманд бўлади. Шунинг учун инсонлар қўпайдилар ва ернинг аҳоли яшаши учун қўлай бўлган қисмига ўрнашдилар, натижада, инсон жамоаси вужудга келди».

Форобий «Мусика ҳақида катта китоб» номли кўп жилдли асаридида мусикани инсон тарбиясига таъсир қилувчи, инсонга нафосат, эстетик завқ бағишловчи, ҳис-туйғулари ва ахлоқини тарбияловчи муҳим восита деб ҳисоблайди. Шунингдек, қўйлар уйғунлиги, қўй ижро этиш усуллари ҳақида сўз юритади. У янги мусика асбоби яратган, қўй басталаган, мохир созанда сифатида ном чиқарган.

Мутафаккир қолдирган мерос фақат Шарқ мамлакатларида эмас, балки Европада ҳам тарқалди ва ижтимоий фикр тараққиётида сезиларли таъсир кўрсатди. Европа олимлари Карра де Во, Р.Хортен, М.Алонса, Д.М.Донлап, А.Штекл, Г.Фармер, Н.Ришар Форобийнинг илмий меросини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Рус олимлари А. Кримский, М.М. Филиппов, Т.И.Райнов, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс Форобий асарларини тадқиқ этиш борасида кўп иш қилдилар.

Қозок олимлари А.Мошанов, А.Х.Қосимжонов, С.К.Сатибекова Форобий асарларини рус тилида чоп этиб, фалсафий, мантиқий ва ахлоқий қарашларини таҳлил қилдилар. Ўзбек олимлардан А.Саъдий, Т.Н.Қори-Ниёзий, И.М.Муминов, М.К.Орипов, Р.Носиров, Ҳ.Алиқулов, О.Файзуллаев, А.Қазибердиев, А.Ирисовлар аллома асарларини таржима қилиш ва ўрганишда катта ишларни амалга оширдилар. Музаффар Хайруллаев И.М.Муминов раҳбарлигида 1966 йили Форобийнинг фалсафий мероси ҳамда дунёқарашига бағишланган докторлик диссертациясини химоя қилди ва Ўзбекистонда форобийшуносликка асос солди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, комусий олимнинг асарлари ўзбек тилида чоп этила бошлади, унинг бой мероси ҳолисона, тарихийлик ва мантиқийлик тамойиллари асосида ёритишга киришилди. Эндиликдаги асосий вазифа Форобий асарларини бугунги ўзбек адабий тили ютуқлари асосида араб тилидан ўзбек тилига қайта таржима қилиш, аввалги таржималарни қайта таҳрир этиб нашр қилишдан иборат.

Қуйида алломанинг нафс моҳияти тўғрисида ёзилган, 1913 йили литографик усулда эски ўзбек тилида чоп этилган асари-

дан парча келтирамиз.<sup>1</sup> Мазкур рисола матни Абу Наср Форобий асари асосида, шунингдек, Мисқвайҳ, Носириддин Тусий, Жалолиддин Даввоний каби алломаларнинг ахлоққа оид асарлари асосида яратилган.

Йирик олим Нажмиддин Комилов рисола сўзбошисида шундай ёзган эди: «Маълумки, инсон тарбиясига жиддий эътибор бериш қадим замонлардан бери аждодларимизнинг асосий юмуши ҳисобланган. Тарбияни самарали амалга ошириш учун улуғ мутафаккирларимиз, аввало, инсон хилқати, руҳи ва жисми, нафс маърифати, инсон шарафини кўтарувчи фазилатлар, шахс ва жамият, шахсни юксалтирувчи воситалар ҳақида кузатишлар олиб бориб, қатор ўлмас асарлар яратганлар. Буларда ибратли ҳикоятлар, зарбулмасал ва ўткир маъноли шеърӣ байтлар орқали нажиб, эзгу ахлоқӣ сифатларни улуғлаб, инсоният жамиятига зарар келтирувчи кабиҳ хулқларни қоралаб, ундан қутилиш йўллари кўрсатишга сайъ-ҳаракат қилишган».

Абу Наср Форобийнинг «Рисола фи моҳият ун-нафс», Носириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий», Жалолиддин Даввонийнинг «Ахлоқи Жалолий», Мисқвайҳнинг «Таҳзиб улаҳлоқ» каби асарлари асосида XIX аср охири – XX аср бошларида таржима қилиниб, нашр этилган муаллифи ҳозирча номаълум бўлган туркий китобдир. Асарда яхши ахлоқӣ сифатларни эгаллаш фазилати, илм-ҳунар ўрганишнинг аҳамияти, одамийлик шарафи, уйланиш ва оила қуриш маъсулияти ва зарурияти, севгимухаббат сирлари, дўстлик ва биродарликнинг фойдаси ҳусусида, раҳбарлик ва бошқариш илми, оила, маҳалла, юрт, мамлакат интизомининг ўзаро вобасталиги ҳақидаги чуқур фикрлар акс этади.

Асар фуқаролик жамияти қуриш жабҳасида, бозор иқтисодидаги ўтиш жараёнларида шахснинг ҳуқуқӣ, иқтисодӣ ва маънавий маданиятини оширишга катта ҳисса қўша оладиган фазилатларга эга бўлиб, бугунги ёшларнинг маънавий камолотида аҳамияти катта.

Бу рисола ўзликни англаш ва ўз ўзини тарбиялаш китобидир. Шу маънода у маънавият асослари, диншунослик, педагогика, психология, иқтисодиёт, айниқса социология фани учун кизикарли ўқув адабиёти вазифасини ўтайди.

<sup>1</sup> Умр ва нафс. Рисола (Нашрга тайёрловчи И.Остонакулов). «Янги аср авлоди» нашриёти, Т.: 2001. 32 б.

**ЭСКИ ХОВОС ҚАДАМЖОСИ**

Ховос Сирдарё худудидаги энг қадимий манзилгоҳлардан бири бўлиб, Тошкент билан Хужандни бир-бирига боғловчи йўл устида жойлашган. Бу ерда жуда кўп қадимий аجدодларимиз бунёд этган қалъалар қолдиқлари ҳозир ҳам сақланиб турибди.

Маълумотларда ёзилишича, Александр Македонский маҳаллий аҳолига тегишли бўлган еттита қалъадан бештасини забт этади. Қолган иккита қалъани ҳийла ишлатиб, лаҳм кавлаб, ер остидан кириб бориб истило қилган. Бу қалъалар грек аскарлари учун муваққат қўналга вазифасини бажарган.

Кейинчалик ушбу худудлар мил.ав. III асрнинг охирларигача бўлган даврларда салавкийлар давлати таркибида бўлган. Мил. ав. III аср ўрталарида салвак шоҳларидан Антиохнинг лашкарбошиси Демодамант Милетлик бу ерлардан ўтиб, Яксартнинг (Сирдарёнинг эски номларидан бири) нариги қирғоғидаги саклар билан уришган ва ҳозирги Оккўрғон тумани худудида Қанка (Шохрухия) шаҳрига асос солган.

Эски Ховос мил.ав. III асрнинг охирларидан милодий IV асрларгача бўлган даврда Қанғуй давлати таркибида бўлган. Ховос сўзининг келиб чиқиши борасида турли ривоятлар мавжуд. Улардан бирида айтилишича, Шаҳристонда Қахка шоҳ бўлиб, унинг Ҳавасхон исмли кизи қаттиқ бош оғриғи дардига мубтало бўлган. Қуллардан бир қуни шоҳ қизи билан Ховос ерларида ов қилгани келади. Қелган қулларининг эртасига шоҳ қизи қучли бош оғриғидан фориғ бўлади ва шоҳ кизининг шарафига қишлоқ номини «Ховос» деб атаган. Қизи учун у Шаҳристондан канал қазиб келишни буюрган. Сирдарёлик тадқиқотчи С.Қудратов ўзининг «Сардобалар ўлкаси» (Тошкент, 2001) китобида «Амир Темур баҳорда бу ерларда бўлган ва «ҳавас қилса арзийдиган жой экан», деган экан. «Ховотак» сўзи «Қуёш этаги» деган маънони берар экан, балки «Ховос» дегани «қуёшли» деган маънони англатар», деб ёзади.

Вилоятнинг қадимги аҳолиси қандай номлангани ҳақида фанда аниқ маълумотлар йўқ. Юнон муаллифлари қўчманчи саклардан фарқли равишда Сирдарёнинг чап қирғоғида ўтроқ ҳаёт кечирган аҳолини умумлашма ном билан «варварлар» (ёв-

войилар) деб айтишган. Фақатгина Квинт Курций Руф асаридагина ўзларининг бош шаҳарлари – Кирополни – македонияликлардан ҳимоя қилган «мемакенларнинг кучли қабиласи» ҳақида сўз кетади. Тарихчи олим И.В.Пьянков фикрича, маркази Киропол бўлган бутун воҳа аҳолиси «мемакенлар» деб аталган. Шунга кўра чамалаш мумкинки, мемакенлар вилоятнинг қадимги аҳолиси таркибига кирган қабилалардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик бу бир-бирига яқин бўлган қабилалар вилоятнинг энг қадимги элатини ташкил этган. Археологлар бу элатга тегишли маданиятни Нуртепа маданияти деб номлашган.

Бу ўзига хос маданият бир томондан қадимги Чочнинг Бурғулук, Фарғонанинг Эйлатан, Кайроққум, Сўғднинг Қадимги Сўғд маданиятлари таъсирида бўлган бўлса, иккинчи томондан юкоридаги маданиятлар ҳам Нуртепа маданиятининг айрим кўринишларини ўзларида акс эттиради. Ушбу маданиятга оид Эски Ховос сингари бугунги кунда вилоят ҳудудида ўнга яқин аҳоли манзилгоҳлари мавжудлиги аниқланган.

Ушбу маданиятга мансуб аҳоли уй-жойларни туғри тўртбурчак ва квадрат формадаги хом ғишт ва пахсадан қуришган. Шу билан бирга, ярим ертўласимон уйлар ҳам бўлган. Уй ҳайвонлари суюқлари, тош ёргучок, кели ва сопларининг учраши уларда чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланганлигидан далолат беради. Сопол буюмлар чархда ёки қўлда ясалган. Курол-яроқлар ичида бронзадан ясалган ўк-ёйлар кенг тарқалган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривож, темирчиликнинг юксалиши, кулолчиликда чархнинг кенг қўлланилиши ва вилоят аҳолисининг қўшни ўлкалар билан савдо-сотик муносабатларининг тараққий этиши вилоят ҳудудидаги аҳоли турмушининг иқтисодий юксалишига олиб келади. Иқтисодий юксалиш ўз навбатида мил.ав. IV-III асрларда Эски Ховос шаҳрининг пайдо бўлишига шароит яратади.

Ушбу шаҳарда ҳаёт XX аср ўрталаригача давом этади. Жумладан, Эски Ховос номи ўрта аср манбаларида ҳам тилга олинади. Масалан, XI аср бошларида Ховос Сомонийлар сулоласининг сўнгги вакили Мунтасир ва Қорахоний илоки ўртасидаги жанг муносабати билан тилга олинади. Манбаларда ёзилишича, 1003 йил сомонийлар давлатининг амири Абдул Иброҳим билан

қорахонийлар илоқи Носир ибн Али ўртасида Ховос қалъаси ёнида жанг бўлади. Жангда амир Абдул Иброҳим ғолиб чиқади. Ривоятларда Абдул Иброҳимни асли ховослик бўлган дейишади. Жангларда енгилмаганлиги сабабли унга ал-Мунтасир (арабча Енгилмас) деган ном беришган. Кейинчалик ушбу саркарда ҳозирги Туркменистоннинг Керки шаҳри яқинида бўлган жангда ўлдирилган. Керки шаҳрида унга атаб улугвор мақбара қурилган.

Академик В.В.Бартольднинг ёзишича, 1366 йил Амир Темур Амир Ҳусайнга қарши курашда Ҳисор ҳокими Кайхусрав билан яқинлашади, Кайхусрав Тошкентдан 2 минг кишилиқ қўшини билан келиб, Ховосда турган Амир Темурга қўшилади. Шундан сўнг (Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида ёзилишича) Амир Темур ҳозирги Мирзачўл ерларида Амир Ҳусайннинг сон жиҳатдан устун бўлган қўшинини тор-мор этган.

Ховосда Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам бўлган. «Бобурнома»да ёзилишича, Бобур Шохрухия ва Ўратепа оралигидаги Ховос қишлоғидаги жангда Умаршайх Султон ва Аҳмад Мирзодан мағлуб бўлган. XV асрнинг иккинчи ярмида Ховосда Абдурахмон Жомий ва Хожа Аҳрор Валий ҳам тўхтаб ўтган. XVIII асрда Самарканд ўзаро урушлар натижасида хувуллаб қолганда у ерга ховосликлар ҳам кўчиб боришган ва у ерда ўзларининг маҳалла ва гузарларини ташкил қилганлар.

Бухоро амири Музаффар қўшини чор Россияси қўшинларидан Сирдарё сохилларида енгилган (1866 йили) ва амир кочиб, кечқурин Ховос қишлоғида тўхтаб, 200 минг кишилиқ қўшинини маҳаллий аҳолининг уйларига жойлаштирган.

Бугунги Ховос шаҳарчаси Сирдарё вилояти Ховос тумани маркази бўлиб, 1899 йили Урсатьевская темир йўл станцияси сифатида барпо этилган. Катта Ўзбекистон тракти ёнида, вилоят маркази Гулистондан 30 км нарида жойлашган. Ховос тумани 1926 йили ташкил қилинган.

Қадимий Ховос шахри нафақат Сирдарё, балки бутун Мирзачўл худудидаги энг катта ва кўхна ёдгорликдир. Ўрта асрларда гуллаб-яшнаган бу шаҳар харобалари бугунги Ховоснинг жануби-ғарбида, Карвонсарой кишлоғи қаршисида жойлашган. 1987–1988 йилларда Ўзбекистон ФА Археология институти олимлари Ховос тепалигида археологик изланишлар ўтказиб, унда қадимий қатламлар мавжудлигини аниқлашди. Топилмалар манзилгоҳнинг 2000 йиллик тарихга эга эканини кўрсатди.

2014 йили эски Ховос шахри харобаларида бешинчи марта қазилма ишлари олиб борилди. Натижада, бу ердан қадимий тегирмон тоши, ёрқин бўёқлари ва безаклари кўчмаган сопол идишлар топилди. Топилмалардан маълум бўлдики, Ховос милoddан олдинги IV асрдан милodий X асрга қадар қадимги Фарғона, Чоч (Тошкент) ва Сўғдга борадиган савдо йўллари чоррахасида жойлашган қулай ва муҳим манзилгоҳ бўлган. Чорраханинг бир тармоғи Ховосдан Қурқад орқали Хужанд ва Фарғонага, иккинчиси тўғри Чоч дарёси – Сирдарё кечувидан сўнг шимол томон – Шохруҳия шахрига, ундан Ҳарашкентга, кейин Чоч пойтахти Бинкатга борган. Низомиддин Шомийнинг машҳур “Зафарнома” асарида ҳам қадимий Ховос тилга олинади. Китобда келтирилишича, Амир Темур қадимий Ховосда бўлган. 1367–1368 йилларда Амир Хусайн ва Амир Темур ўрталарида тўқнашув бўлиб ўтади. Бу жангда Соҳибкирон қўшинлари рақиби Амир Хусайн қўшинини, сон жиҳатидан кўп бўлишига қарамай, Ховосдан бошлаб тор-мор этади.

Кўхна Ховосни Бобур Мирзо ҳам бир неча бор тилга олади. Унинг таърифлашича, Умар Шайх Шохруҳия ва Ўратепа оралигидаги Ховос кишлоғида Султон Аҳмад Мирзо билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди. XV асрнинг иккинчи ярмида ушбу қадимий заминга машҳур шоир Абдурахмон Жомий ва накшбандия муршиди Хўжа Аҳрор Валий ҳам қўниб ўтишган.

XVIII аср бошларида Туркистон заминида ўзаро ички урушлар боис иқтисодий ва демографик парокандалик бошланади, Самарқанд вайрон қилинади. Аҳолиси шаҳарни тарк этади. Бу ҳақда Муҳаммад Ёқуб Бухорий бундай ёзади: “Мовароуннаҳрда

очарчилик бошланди. Одамлар ўз уй-жойларини ташлаб, ҳар томонга тарқалиб кетдилар. Самарканд шаҳри кимсасиз, хувиллаб қолди”. Орадан кўп ўтмай турли томонлардан Самаркандга одамларнинг оммавий кўчиб бориши кучаяди. Жумладан, бошқалар қатори ховосликлар ҳам шаҳарга бориб, ўз маҳаллаларини пайдо қилишади. Улар шаҳар шимолидаги Ҳайдаробод деган жойда гузар ташкил этиб, мусофирларни ўша ерга жойлаштиришади. Гузар “Ховоси якум” ва “Ховоси дуввум” қисмларига бўлиниб, шимолда Юсуфбой, шарқда Минорикаж ва Бибихоним масжиди билан, жануби-ғарбда эса Пасткишлок билан чегарадош эди.

Бора-бора Ховоснинг гузар ҳудудида иккита масжид, мактаб, мадраса, мазор ва қарвонсарой пайдо бўлган. Тарихчиларнинг ҳисобига кўра, Ховосда жами еттита масжид бўлиб, улар “Қизил масжид”, “Намозгоҳ”, “Оқмасжид”, “Қалъа”, “Юсуфча”, “Боло” ҳамда “Шонатарош” деб номланган. Ҳар бир масжид қошида мактаб бўлган. Улардан фақатгина “Қизил” жоме масжидида жума намози ўқилган. Ховосда еттита маҳалла, еттита ҳовуз бўлган. Ховос орқали Буюк ипак йўли бўйлаб йўлга чиққан савдо қарвонлари ўтган. Эски Ховос сўлим ховоси ва гузал биною иншоотлари билан, ҳатто Амир Темурни ҳам маҳлиё қилган. Соҳибқирон бобомиз битикларида кўҳна Ховосни: “Ҳавас қилса арзийдиган жой экан”, деб таърифлаган.

## МУСТАФОҚУЛ ОТА ТУРБАТИ

Замонавий ўзбек уламоларидан бири юртимизда Ҳанафийлик мазҳаби барқарорлигини, ватанимиз тинчлиги, ободлигини таъминлаш учун интиланган олим, фикҳ илми ва ирфоний адабиётни пухта билган ориф инсон, тариқат тарбиячиси Мустафоқул ҳожи ота (Мустафоқул Караев) турбати Ховос туманидаги Оқчангал кишлоғи қабристонидида жойлашган.

У киши 1956 йили таваллуд топиб, 2015 йили вафот этган. 1981-1984 йиллари Бухородаги «Мир араб» мадрасасида 1994-1998 йиллари Тошкент Ислоҳ институтидида таҳсил олиб, 1997 йилдан 2003 йилгача Ховос тумани бош имом-хатиби лавозимидида ишлаган. 2003 йилдан бошлаб бир неча йиллар Ўзбекистон Республикаси Муслмонлар идораси фатво бўлими мудири лавозимларида ишлаган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) саҳобаларидан бири Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) тарихини чуқур ўрганиб, шу китобни чоп эттирди.

Мустафоқул ҳожининг сайи-ҳаракатлари билан Ховос туманида янги масжид қурилишига руҳсат олиниб, биринчи ғиштни қўйишга муяссар бўлди. Оқчангалда янги қабристон ташкил этилишига елиб-югуриб ҳаракат қилган Мустафоқул ҳожи домла ўзлари биринчи бўлиб, шу ерга дафн этилдилар. Бугун унинг турбати мухлислари, ҳамкишлоқлари, фарзандлари учун зиёратгоҳ ҳисобланади.

## «ЁҒОЧЛИ» САРДОБАСИ – ҚАДИМҒИ МАНЗИЛҒОҲ

Сардоба (форс-тожик: сард – совуқ ва об – сув) – сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз. Марказий Осиё ва Шарқдаги бошқа мамлакатларда қурилган. Сардобанинг девори цилиндр шаклида, айланаси 12-13 метр, чуқурлиги 10-15 м, ҳовуз юзаси ер сатҳи билан бир текис бўлган. Сардоба гумбазли сифатли пишиқ ғишт ва ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларида ҳовузга сув тушадиган тешиқлар қилинган. Кириш учун унга эшиқ ҳам ўрнатилган, унинг олди сувни тоза сақлаш мақсадида девор билан ўралган.



Сардоба ёнига молларни суғорадиган охур қилиниб, унга ховуздан махсус тарнов орқали сув окизилган.

Баъзи сардобаларда уларни назорат қилиб ва тозалаб турувчи мироблар учун хоналар ҳам бўлган. Сардобалар географик жойлашуви, жойнинг табиати, рельефига кўра, бир неча – хил қор, ёмғир сувлари, анхор, арик сувлари, ер ости сувлари (коризлардан) йиғиладиган бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннахрда 44 та сардоба бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент билан Фарғона ўртасидаги қадимги савдо йўлида, биттаси Кармана яқинидаги Чўли Маликда қурилган бўлиб, XIX аср охиригача ишлатилган.

Сардобалардан бири ҳозирги Туркменистондаги Сандикли чўлида XVII аср ўрталарида Керки ва Қарши шаҳарларини боғловчи қарвон йўлида қурилган, ховузининг айланаси 17 метр бўлган Сангисувлок сардобасидир. Сардобалар қадимда дашт ва чўлларда чорвани ва савдо қарвонларини сув билан таъминлашда муҳим ўринда турган. Ҳозирги сақланиб қолган сардобалар тарихий этнографик аҳамиятга эга. (Қудратов С. Сардобалар ўлкаси, Т., 2001.)

Сардоба – Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги Гумбаз қишлоғида жойлашган. Қишлоқ қадимги сув иншооти атрофида пайдо бўлгани учун шу ном билан аталган.

Шу ўринда Сардоба тарихи ҳақида айрим маълумотларни келтирамиз. Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлган, инсоният тарихидаги энг қадимги китъалараро (немис олими Рихтгофен томонидан «Буюк ипак йўли» деб номланган) савдо йўли кишилиқ тарихида муҳим ўрин тутди. Ғарб ва шарқни боғлаган узунлиги 12 минг километрга чўзилган ушбу йўлда олиб борилган савдо муносабатлари орқали халқлар бир-бирларининг ютуқларидан баҳраманд бўлишган ва шу тариқа тезроқ ривожланиш юз берган. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу йўлда ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудуди ўзининг эгаллаган географик ўрни сабабли муҳим роль ўйнаган. Зеро, Римдан чиққан ва Хитой сари отланган ҳар қандай қарвон қадим Бухоро ва Самарқанддан кейин, албатта, Сирдарё заминидан ўтган. Шу сабабли ҳам ушбу ҳудудда қарвонларга хизмат кўрсатувчи кўплаб иншоотлар қад кўтарган.

Масалан, Ўрта аср араб географларининг ёзишича, қадимда Мирзачўлни кесиб ўтувчи учта қарвон йўли бўлган. Иккитаси Зоминдан Ховос орқали Сирдарё бўйлаб Шош (Тошкент)га борган бўлса, учинчи қарвон йўли Жиззахдан ҳозирги «Бетон» йўли бўйлаб Шошга борган. Бу йўл Шошга олиб боровчи энг қисқа, бироқ чўлни кесиб ўтганлиги боис машаққатли йўл бўлган. Шу сабабли бу йўлда учта сардоба қурилган. Илгари сув сақлаш учун ёпик ҳовуз, асосан, ҳарбий қўшинни сув билан таъминлаш эҳтиёжи туфайли қурилган.

Биринчиси, Чиноздан 40 км. жанубда, ҳозирги Қозоғистон Республикасининг «Славянка» манзилгоҳи яқинида бўлган. Ушбу сардоба «Яккасарой» деб номланган. Иккинчиси, Яккасаройдан 13 км. жанубда, Оқ олтин туманига қарашли Мирзақишлоқ яқинида бўлган. Ушбу сардоба «Мирзасардоба» деб аталиб, унинг яқинида қарвонсарой ҳам бўлган. Ушбу қарвонсарой «Мирзаробод» деб номланган. Учинчи сардоба «Мирзасардоба»дан 30 км. жанубда, Жиззахдан 35 км. шимолда жойлашган Сардоба тумани Гумбаз қишлоғидаги сардобадир.

Тадқиқотчи С.Қудратов Сирдарё ҳудудидаги сардобалар тарихини жиддий ўрганиб, кизикарли маълумотларни тўплашга муяссар бўлди. Жумладан, у «Ёғочли» сардобаси тарихи ҳақида шундай ёзади:

«Ушбу сардоба XIX аср тарихчилари асарларида «Ёғочли сардобаси» (рус олимлари «Агачли» деб ёзишади) деб юритилади. Яхши сақланган ушбу меъморий иншоот вилоят ҳудудидаги ажодларимиздан бизга етиб келган энг қадимги обида ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бухоро хони Абдуллахон II (1534-1598) Тошкентга юриши (1579-1583) даврида 1580 йил 10 апрелда ушбу жойда бўлиб, бу ерда сардоба ва қарвонсарой қуришга фармон беради.

Ёғочли сардобаси гумбазсимон кўринишга эга. У ниҳоятда сифатли гиштдан қурилган. Гиштар квадрат шаклда бўлиб, ҳажми 25х25х5 сантиметр. Гумбазнинг ички диаметри 15 метрни, баландлиги 12 метрни ташкил этади. Сардобанинг ички қисмида полдан 2 метр баландликда ёпик, уясимон туйнуқлар жойлашган. Сардоба деворининг қалинлиги пастки қисмида 1,5

метрни ташкил этса, юкорига кўтарилган сари юпкалашиб боради ва энг юкори қисмида унинг қалинлиги бир гишт кўринишига келади.

Сардобага бир томондан – шимол тарафдан қирилган. Қолган уч тарафида арк кўринишидаги туйнуклар бўлган. Кириш арксимон бўлиб, ундан гиштли зинапоялар орқали сардоба ичкарасига қирилган. Кириш қисмида ўзига хос коридор мавжуд. XIX аср тарихчиларининг ёзишича, коридорнинг тепасида сардоба хизматчилари ва кўрикчилари учун махсус хона бўлган. Унга сардоба ташқарисида қирилган айланма зинапоя орқали кўтарилган. Ҳозирда ушбу хона мавжуд эмас.

«Ёғочли» сардобаси ёмғир ва қор сувлари билан тўлдирилган. Шу сабабли «Ёғочли» сардобаси сойликда жойлашган, ушбу ҳолат унга теварак-атрофдаги сувларни қабул қилиш имконини берган. Ён-атрофдаги сувлар махсус қазилган ирмоқчалар ёрдамида сардобага қуйилган. Сардобага сувнинг кириши учун махсус ясси тарновлар ўрнатилган бўлиб, улар бир-бирлари билан ҳалқасимон тарнов орқали боғланган.

Сувнинг айниб қолмаслиги учун сардобада учта махсус шамоллатувчи туйнуклар ўрнатилган. Гумбазнинг юкори қисми ҳам шу мақсадда очик қолдирилган. Шу сабабли ҳам сардоба суви муздек, тоза ва тиник бўлган. Сардоба йилда бир марта тозалаб турилган. Ўрта аср тарихчиларининг ёзишича, «Ёғочли» сардобаси яқинида қарвонсарой ҳамда чорбоғ бўлган».

**ТўРА СУЛАЙМОН ТУРБАТИ**

(1934-1999)

Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон Сирдарё вилояти маркази Гулистонда яшаб, ижод этган бўлса ҳам, Сайхунобод туманидаги Шароф Рашидов кишлоғидаги ота-боболари қабристонига дафн этилди. Вилоят ҳокимияти томонидан қабри устига муъжаз макбара тикланди. Айни кунларда бу манзил зиёратгоҳ мақомини олди.

Тўра Сулаймон 1934 йили 15 февралда Жиззах вилояти Бахмал туманида туғилган. Асли исми шарифи Тўракул Сулаймонкул ўғли бўлган (Шоир ўзининг «Давлат одами» номли таржимаи ҳолида шундай лутф этган эди: «Онам раҳматлининг айтишига қараганда, мен аргумоқлилар от-сиз, сайидзодалар авратсиз қолган, покдомонлар хор, харомзодалар бахтиёр; беклар қулга, уламолар бир пулга айланган йили дунёга келган эканман»). Бўлажак шоир ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетини битириб чиққан (1964). «Гулистон» журнали ва «Сирдарё ҳақиқати» газетасида ходим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлимида масъул котиб (1972-77), адабий маслаҳатчи (1977-81) вазифаларида ишлаган.

«Истар кўнгил» (1962), «Қорасоч» (1965), «Мен қайга борар бўлсам» (1965), «Жаҳонгашта» (1970), «Ҳамқишлоқларим» (1973), «Интизор» (1973), «Сирдарё кўшиқлари» (1974), «Илтижо» (1976), «Алҳазар» (1976), «Туйбоши» (1977), «Сизни эслайман» (1980), «Қорақўзгинам» (1981), «Гулшан» (1988), «Сарвиноз» (1990), «Харсанг» (1994), «Жаҳоннома» (1996), «Гул бир ён, чаман бир ён» (1996), «Ёвқочди» (1998), «Сайхон» (2003) китоблари нашр этилган. Кўплаб шеърлари кўшиқ қилинган. 1999 йили «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан тақдирланган.

Тўра Сулаймон турли жанрларда қалам тебратган. Шоирнинг соф лирик шеърлари, қасида ва фахриялари, манзумаларидан ташқари, халқ йўлида битилган, ўз даврининг долзарб масалаларига бағишланган, воқеликни қадимги бахшилар усулида тасвирлаган асарлари ҳам ўзига хос халқчиллиги билан ажралиб туради. Айниқса, «Эргаш Жуманбулбул эл кезади» туркумидаги

бахшиёна шеър ва дostonлари ўзбекнинг миллий гурурини тиклашга муносиб ҳисса қўшган асарлар сирасига киради. Унинг мустақилликдан илҳомланиб ёзилган ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига бағишланган публицистик мақолалар тўплами «Мамлакатнинг таянч нуқтаси» номи остида 2004 йили босилиб чиққан.

Тура Сулаймон 1999 йили вафот этди. Шоир отаси дафн этилган қабристонга ўзини ҳам қўйишларини васият қилган бўлиб, бир марта қабристонга зиёратга келиб тўртлик ёзиб кетган экан. Бугун ўша тўртлик унинг қабртошига битиб қўйилган.

*Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр тошлари,  
Майсадаги шудринлар кимларнинг кўз ёшлари.  
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,  
Ҳар йил кўкламда келар қавму қариндошлари.*

Сирдарёликлар ҳар йил кўкламда ўз шоирлари руҳини шод этиш учун бу гўшага зиёратга келишади.

Шоир азиз Ўзбекистонни Миртемир ва Ойбек каби севиб, шундай туйғуларни назм ипига тизган эди:

*Тошларин тавоф қил, тупрогини ўп,  
Гардин кўзга суртиб, тугросини ўп,  
Ҳар саҳар юкиниб байрогини ўп,  
Бу ота Макондир,  
Бу она Юртдир.*

*Азалдан ардоқли, ор-номусли эл,  
Тўқсон тўққиз бовли, бий, бўлисли эл,  
Сабр-қаноатли, қут, қомусли эл,  
Бу ота Макондир,  
Бу она Юртдир.  
Бу қадим Турондир – жон ичра жондир.*

## ХАМРОКУЛ РИЗО (1940-2008)

Сирдарёнинг яна бир шоири ва адиби Ҳамрокул Ризо (Ҳамрокул Бобоевич Ризоқулов) эди. У 1940 йили 26 декабрда Гулистон туманида таваллуд топган. Гулистон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини битирган. 1963-1970 йилларда «Сирдарё ҳақиқати» газетасида маданият ва адабиёт бўлими мудири, 1970-1979 йилларда Гулистон туманидаги «Гулистон» газетасида муҳаррир, 1979-1982 йилларда «Сирдарё ҳақиқати» газетасининг муҳаррири биринчи ўринбосари, 1982-1992 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби, 1992-1994 йилларда Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, 1994-1995 йилларда Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, 1995-2004 йилларида «Сирдарё ҳақиқати»нинг бўлим мудири, 2004-2008 йилгача вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар бошқармасида «Меҳр ва мурувват» бўлимининг ходими вазифасида ишлаб келган.

Ҳамрокул Ризонинг мазмунли умри Сирдарё вилоятининг ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. У ўз ижодий фаолиятини вилоят меҳнат аҳли хизматларини тараннум этишга, айниқса, ёшларнинг маънавий тарбиясини юксалтиришга сафарбар этиб яшади.

Ҳамрокул Ризонинг «Баҳор келтирган қувонч», «Сирдарё касидаси», «Зангори дарё», «Яйлов мушоираси», «Чул қалдирғочи», «Нон», «Олтинсоч», «Бургут боласи», «Ўғирланган болалик», «Чулни чаман этганлар», «Ёрқин такдирлар», «Мирзачўл», «Турон тулпорлари», «Бешбулоқда баҳор эди», «Шарқнинг машҳур аёллари», «Ҳуқуқий онг – юксак маънавият белгиси», «Маънавиятнинг тиник чашмаси», «Сирдарё чинорлари» (икки китобдан иборат) китоби, «Умид карвонлари» сингари йигирмадан ортиқ шеърӣ ва насрий асарлари бор. Ҳамрокул Ризонинг 3 жилдлик «Сайланма» асарлари нашр этилган.

Сидқидил хизматлари учун 1991 йили Ҳамрокул Ризога «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. Шоирнинг халқимизга меҳри ифодаланган

фахрияси ўзига хос ватанпарварлик ҳислари билан тўлиб-тошган бўлиб, уни марҳум шоирнинг фуқаролик паспорти деса бўлади.

### ЎЗБЕК ЭЛИ БУ

Куй-қузига яйлов бўлган сой этаклари,  
Фарзандини шоир қилган куй, эртаклари.  
Далаларда ишлаб этик нағали кучган,  
Орзулари каптар бўлиб самога учган,  
Йигитлари чақмоқ мисол булутни кесган,  
Кукраклари шамолларни, довулни тўсган,  
Улуг инсон ҳам мусулмон ўзбек эли – бу!

Луппи пахта, тасма-каноп, қайроқи бугдой,  
Дарвозаси кенг очилган уй устида ой,  
Қуръонини кукрагига босиб ўқиган,  
Термизийдек бобосига шеърлар тўқиган,  
Сир-Амунинг сувларига қумилиб олган,  
Бешик-бешик тўлқинига қумилиб олган,  
Улуг инсон ҳам мусулмон ўзбек эли – бу!

Баҳор фасли ялпизларнинг исига тўлган,  
Шоир Эркин, Абдулланинг сузига тўлган,  
Бухоронинг чулларида жайрони чопган,  
Келинлари тандирларга ширмой нон ёпган,  
Елка узра қўниб турган илҳом қуши – бу,  
Саодатга олиб борар йўлнинг боши – бу.

Тоҳирлари тузар севги тузукларини,  
Зухролари яйраб тақар узукларини,  
Пулат янглиг қайрилмасдир кенг қанотлари,  
Сувлиқ билан сув ичади тулпор отлари,  
Туйгулари қўғирмочдай қоврулмаганим,  
Олтин вақти шамолларга соврулмаганим  
Улуг инсон ҳам мусулмон ўзбек эли – бу,

Рустамларнинг, Фарҳодларнинг толмас қўли – бу,  
Маишхур бўлган олам аро Туроннинг кучи,  
Тогни ёгдай кесганида Темур қиличи,  
Улугбекнинг умидлари кенг осмон бўлган,  
Али Қўйчи марҳамати бир достон бўлган,  
Аммо-лекин имон ютган не-не бебурдлар  
Навоий «сув» деган чоғда заҳар тутдилар.  
Бобур учун она эди жон Андижони,  
Бунга гувоҳ булар, билсанг, шоир забони.  
Кийшларнинг лабларидан учиб қўшиқлар,  
Шоҳларида олиб келди гулдор бешиклар.  
Бешикларда ором олиб ухлайди наслинг,  
Жаннатларга эшик очар ўтган ҳар фаслинг.  
Улуг инсон, ҳам мусулмон ўзбек эли – бу,  
Ғафур Ғулом – шоирининг қайноқ дили – бу.

Томиримдан силқиб-силқиб оққанди қонлар,  
«Пахта иши» мусибатин тортгач инсонлар,  
Дўст жасадин йиглаб, қақшаб кўмгач мозорга,  
Мозорлардан тўлиб қайтди қалблар озорга.  
Ғаним олиб кетолмади ерга меҳрингни,  
Атласларга, тиллоларга кўчган сеҳрингни.  
Олиб кетди, кунжарангни, буйраларингни,  
Лекин олиб кетолмади дарёларингни.  
Бу – шундай юрт, эркаклари бугдой ўради,  
Аёллари саккиз ўғил тугиб беради.  
Улуг инсон, шон-шавкатли ўзбек эли – бу,  
Мустақиллик қарвонининг нурли йўли – бу.



## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ

Мовароуннахр ўлкаси тарихида Бухоро, Самарканд, Тошкент, Термиз, Урганч, Хива, Андижон каби қадимий шаҳарлар бутун жаҳон тамаддуни ривожига хизмат қилган буюк муҳаддис ва фикшшунос олимларни вояга етказган илм маскани сифатида ҳам ном қозонган. Зеро, биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, *«Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислон дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтариллишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди»*. Жиззах ҳам шундай табаррук масканлардан бири бўлгани айни ҳақиқат. Жиззах воҳасида ўтган аждодлар фаолияти бундан қарийб уч минг йил аввалдаёқ тарих китобларида эътироф этилган. Уша олис замонларда гоҳо Суғдиёна таркибига, гоҳо «Суғдорти саклар қабиласи», илк ва ўрта асрларда Уструшана таркибига кирган ушбу худуднинг катта қисми чўл бўлса-да, у ерда работлар, карвонсаройлар, тоғ олди худудларида эса ўрта асрларда бир қатор қалъа-қўрғонлар, шаҳарлар ва кишлоклар кад ростлаган.

Бу худуд қадимда Уструшана номи билан аталган бўлиб, қадимдан Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўли бўйида жойлашганлиги учун унинг илм-фан ривожига ва маданият юксалишидаги ўрни жуда юқори бўлган.

Ўрта асрларда Уструшана тараккий этган худудлардан бўлгани боис бу ўлка ҳақидаги маълумотларни Ибн Ҳавқал, ал-Истахрий, ал-Мақдисий, Ибн Ҳурдазбих, Ибн ал-Факих, Абу Саъд ас-Самъоний, Ёкут ал-Ҳамавий каби араб географ олимларининг тарихий-географик асарларида ҳамда бир қатор тарихий-биографик асарларда ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, Бейши ва Суйши каби Хитой йилномаларида Уструшана хусусида бир қанча маълумотлар қайд этилгани ҳам унинг ўз даврида катта мавқега эга бўлганини исботлайди. Шарқшунос В.В.Бартольд,

археологлар А.А.Грицина, Н.Б.Немцева, Н.Н.Негматов, меъморий санъат тарихчилари С.Г.Хмельницкий, В.А.Лившиц, А.И.Билолов, замонавий ўзбекистонлик археолог тадқиқотчилар Л.М.Сверчков, Б.Б.Ғўйчибоев ва бошқа олимлар томонидан Уструшана тарихи, мазкур ҳудуд топографияси каби масалалар юзасидан бирмунча маълумотлар келтирилган бўлиб, уларда Уструшана тарихи масалалари бир қадар ўрганилган. Лекин қайда утилган олимлар асарларида минтақада яшаган уламолар туғрисида маълумотлар берилмаган.

Ўзбек шарқшуносларидан тарих фанлари доктори Ш.С.Намолиддинов Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Китоб ал-ғаноъа» асари устида олиб борган тадқиқоти давомида Уструшана вилояти ва у ердан етишиб чиққан бир неча Уструшанийлар ҳақида маълумотлар келтиради. Тарих фанлари доктори А.Муминов уструшаналик факих Маждуддин ал-Уструшаний ҳақида ўзбек исломшунослигида илк бор маълумот бериб ўтган.

Тарихий манбалардан маълумки, милодий III аср охирига келиб буюк Кушонлар империяси парчалана бошлаган даврда Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолиси яшаган икки дарё ораллигидаги ерлар бир неча табиий-географик ҳудудларга бўлиниб кетди. Замонлар ўтиши билан бу ерларда сиёсий тузилмалар шакллана бориб, IV–V асрларда ҳудуднинг деҳқончилик воҳалари негизида илк давлатлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай давлатлардан бири Уструшана Марказий Осиё минтақасида муҳим аҳамият касб этувчи географик ҳудудга айланди.

Манбаларда Уструшана минтақаси турлича ном билан аталганини кўриш мумкин. Бу жой номи айрим манбаларда Асрушана ёки Ашрусана, Осрушана ёки Сутрушана, Сурушана, Шурусана, Шурушана шаклида ҳам учрайди. А.Г.Малявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари асосида ҳудуднинг Шуайдушона, Судуйшона, Цзебуцзюйна (Цзебудана), Судушина, Суйдушана, Кобугюйна, Судучжини тарзида номланганини эътироф этади. Шунингдек, Бейши ва Суйши каби Хитой йилномаларида бу ҳудуд Шаркий Цао (суви йўк) деб юритилади. Унинг бундай номланиши кўшни Чоч ва Сугддан фаркли равишда дарёларнинг қуп бўлмагани билан изоҳланади. VIII асрга оид Хитой геогра-

фик сайёҳи Сюань-Цзян ўзининг «Йилнома» асарида бу ўлкан «Сутулисэн» деб ҳам номлайди. Тан императорлари саройид ўлканинг номи Лайвий (хитойча – мағрурлигини билган ҳолд ўзгага бўйсунмок) деб ҳам юритилган.

Н.Негматов томонидан Уструшона деб талқин қилинган бу но кейинчалик В.А.Лившиц томонидан Муғ ғоридан топилган суғ хужжатлари таҳлили асосида Уструшана деб талқин қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Маждуддин ал-Уструшаний асарларининг қўлёзмалари синчикла урганилиши натижасида бу минтақани В.А.Лившиц таъкидлаганидек, «Уструшана» шаклида ўқишни тўғри деб ҳисоблаи мумкин.

Хитой манбаларида Уструшана IV–V асрлардаёқ мустақи ҳокимлик сифатида тилга олинади. Милоддан аввалги II асрнинг охири – I асрнинг бошларида яшаб ўтган, хитой тарихининг отаси деб эътироф этилган Сима Цзян асарида ва яна бир қадимги хитой тарихчиси Бан-Гунинг (мил. ал. 206 – мил. 25 й.) «Цян ханьшу» («Хон катта хонадони тарихи») йилномасида Довонда (Фарғона) то Ансигача (Бактрия) бўлган жойларнинг аҳолиси бир-бирига яқин турли шеваларда гаплашганлари қайд этилган. Яъни Уструшана аҳолисининг тили суғд тилига ўхшаш тилд. сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Бу асарда Уструшана халқларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳаёт тарзи ва урф-одатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Тадқиқотчи К.В.Тревернинг таъкидлашича, Уструшана нинг худуди бактрияликлар еридан то Сирдарё жанубиди яшаган суғд қабиласининг еригача бўлган ўн иккита вилоятни ўз ичига олган.

Уструшана минтақаси ҳақида илк ўрта асрлар хитой ва суғд ёзма манбалари ҳамда ўрта асрларга оид араб ва форс тилларидаги тарихий-географик асарларда ҳам айрим маълумотлар берилган. Қадимги хитой сайёҳи Сюань-Цзян бу худуд ҳақида қуйидаги таърифни бериб кетган: «...Цао вилояти (Уструшана) айланасига 1400 лидан 1500 лигача масофага эга бўлиб шарқдан Нами (Сирдарё) дарёси билан туташ. .... Бу вилоятда

гарбий денгиз (Каспий)дан шарқда жойлашган барча халқлар эътиқод қилувчи «Деси руҳи»га ибодат қиладилар. ... Дай-йе (605-617 й.) ҳукмронлиги даврида Уструшананинг ёш, ташаббускор ҳукмдори Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади».

А.Г.Мазявкин илк ўрта аср хитой ёзма манбалари, «Тан сулолавий солномалари» (618-907 й.) асосида Уструшананинг ҳудуди ҳақида қуйидагиларни маълум қилади: «Шарқий Цанонинг ҳукмдори Боси тоғи (Туркистон тоғ тизмаси)нинг шимолда Ёлбағрида яшайди. Бу жой катта Хан сулоласи даврида Эрши шаҳри ҳудудига тегишли эди. ...Бу-дэ ҳукмронлиги даврида (618-626 й.) бу подшолик Кан билан биргаликда саройга ўз элчиларини юборган». Илк ўрта асрлар Уструшанаси суғдшунос олим М.Исҳоков томонидан ҳам бир қадар ўрганилган.

Илм-фан ва маданият таракқиётида кўхна Уструшананинг йирик илмий-маданий марказлардан бири сифатидаги ўрни аҳамиятлидир. Мовароуннаҳр нафақат ўзининг илмий салоҳияти, балки моддий-иқтисодий ривожига билан ҳам машҳур бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Жумладан, машҳур географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Истаҳрий «Масолик ал-мамолик» асарида Мовароуннаҳр ислом оламидаги энг бой минтақа ҳисобланиши ва бу ерда кишилар йилига бир неча марта ҳосил олишлари ва агар кургокчилик рўй берса, уларнинг йиғиб олган маҳсулотлари яна бир-икки йилга бемалол етишини таъкидлайди. Шунингдек, Суғд, Уструшана, Фарғона, Шош ва бошқа ҳудудларда мевалар кўп ҳосил бериши ва ҳаттоки жониворлар мева билан боқилганлиги ҳақида хабар беради.

Ал-Истаҳрий ўлканинг географик хусусиятларига ҳам тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдиради: «Уструшана Суғд каби ўлка номи бўлиб, бу номдаги шаҳар бўлмаган. Уструшананинг аксарият қисми тоғ, ғарб томондан Самарқанд ҳудуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим ҳудуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағонийн, Шумон, Вошгирд ва Рошт ҳудуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган. Уструшанада жойлашган шаҳар ва қишлоқлар Бунжикет, Зомьт, Дизак, Арсияникет, Куркет, Ғазақ, Ғагкет, Собот, Нуржет ва Харақона деган номлар билан аталган. Уструшана

шаҳарлари орасидаги масофага келсак, Харақонадан Дизаккича беш фарсах (Фақиҳ уламолар хулосасига кура, бир фарса ҳанафий мазҳабида 5 544 метр, моликий мазҳабида 5 5616 метр, шофийий ва ҳанбалий мазҳабида 11 128, 32 метр Харақонадан Зомингача тўққиз фарсах, Зоминдан Соботгача у фарсах, Зоминдан Ховос йўли орқали Куркетгача ун уч фарса Нуржкет ва Харақона масофаси икки фарсах, Харақонанинг жинубий шарқидан Фарғона чегарасидаги Арсияникетгача тўққиз фарсах. Фагкет шаҳри (Бунжикет)дан тўққиз фарсах, Хужан йўлида, Фагкет Ғазақгача икки фарсах, Ғазақдан Хужандгач олти фарсахдир». Шу билан бирга, Зарафшон тепасидаги Бутим тоғида жойлашган қишлоқлар ҳам Уструшана минтақаси тегишли жойлар ҳисобланган.

«Худуд ал-олам» асарида Уструшанада жойлашган шаҳар в қишлоқларга қуйидагича таъриф берилади: «Навинжқас – Сарушананинг қасабаси ва бу ноҳият амирининг қароргоҳидир. Аҳолиси кўп, обод, ноз-неъматли фаровон ва оқар сувлар бор бир жойдир. Фагқас, Фарқ, Собот, Курқас – Сарушан ҳудудидаги шаҳарчаларнинг экинзорлари ва аҳолиси кўп. Бутимон – тоғ-дараларда жойлашган ноҳият, Сарушана ҳудудида. У уч қисмдан иборат: Ички Бутимон, Ўрта Бутимон ва Ташқ Бутимон. Бу экинзорлари кўп бир ноҳиятдир; дарвешлар жойи. Унинг қишлоқлари ва рустоқлари кўп. У ерда шароб кўплай тайёрланади ва тоғларидан темир қазиб олинади. Тоғларида новшодир конлари кўп эрур. Чарқон – Сурушана шаҳарчаларида: бири, обод жой».

Марвлик йирик муаррих Абу Саъд ас-Самъоний (1113-1167 «ал-Ансоб» («Нисбалар») асарида, Уструшана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуйи қисмидаги катта бир вилоят бўлган, деган фикрни билдиради.

Ўрта аср географ олимларидан бири Ибн Ҳавқал Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари қатори Уструшана ҳам қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларининг сероблиги билан ажралиб туриши ва бу маҳсулотлар вилоят ташқарисига, жумладан Хужандга олиб борилгани ва айрим шаҳарларда жуда катта бозорлар бўлганини таъкидлайди. Уструшаналикларнинг фахри Минк ва Маросимандада темир қуроллар ишлаб чиқарилганлиги

ва бу курул-яроглар Хуросон ва Ироқда жуда машхур бўлганлиги таъкидлаб ўтилади.

Машхур библиограф олим Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) ўзининг «Муъжам ал-буғдона» асарида Уструшана Самарқанд қазинида ва Сайхуннинг қўйи қисмидаги катта воҳа бўлиб, у ерда гўра юнга экин истеҳкомлар бўлганлиги, олтин, кумуш, темир ва бошқа қимматли табиий бойликлар мавжудлиги ҳақида хабар беради.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ўн бешдан ортик кичик мамлакатларга бўлиниб кетган ва улар турли номда юритилган. Бугунги вақасида – бухорхудотлар ва вардонхудотлар, Миёнколда – дивустоҳлар, Уструшанада – афшинлар, Чоч ва Илоқда – булун ва тудун, Сугд ва Фарғона подшолари унвони ихшид бўлган. Улар маҳаллий туркий қабилаларнинг турли сулолаларига мансуб бўлган.

Милодий VI асрда Турк ҳоконлиги даврида маҳаллий аҳолининг турк қабилалари билан муносабатлари ривожланади. Қўда-андачилик алоқалари ўрнатилади. Ўлкада зарб қилинган VI–VIII асрларга оид тангалар Уструшананинг илк ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатачари, Раханчлар ҳақида маълумот беради.

Уструшана минтақасининг сиёсий ҳаёти ҳақидаги тўлиқ маълумотларни IX–X асрларда ижод қилган тарихчи ат-Табарий, ал-Балазурий ва Низомулмулкнинг асарларидан олишимиз мумкин. Ат-Табарий, асосан, Уструшананинг сиёсий тарихи, уструшаналикларнинг арабларга қарши кураши, Уструшана афшинлари шажараси ҳақида қимматли маълумотлар беради. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида, асосан, халифанинг машхур лашкарбошиси, Уструшананинг охирги афшини Ҳайдар ибн Кавуснинг Бобак кўзғолонига қарши олиб борган кураши ўз аксини топган.

Хитойликлар 131/749 йилда Уструшанага юриш қилган бўлса, 133/751 йилда эса минтақани араблар фатҳ этдилар. Нағижанда, Уструшана араблар билан Тан сулоласи ўртасидаги кураш майдонига айланади. Уструшананинг охирги афшини Ҳайдар ибн Кавус (197/813-218/833) халифа Маъмун хизматига ўтади ва кейинчалик (218/833-226/841) халифа Муътасим хизматида бўлган. Ҳайдар ибн Кавус араб қўшинига 220/835 йилда хали-

фанинг энг йирик кўмондони сифатида тайинланади. У Кичи Осиёда юнонлар устидан ғалаба қилгани ва Бобак кўзғолони бостиргани эвазига халифанинг юксак эътиборига сазов бўлган. Араб манбаларида кўрсатилишича, бу жангда 60 ми киши ҳалок бўлган. Бирок Ҳайдар ибн Қавус халифа саройида баъзи бир мансабдор шахсларнинг унга нисбатан ноҳақ фитна туфайли 226/841 йилнинг июнида ислом динидан кайтганлик айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилган.

Афшинлар сулоласи 280/893 йилда тугатилиб, Уструшани Сомонийлар давлати таркибига киритилди. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар катори Уструшана ҳам кейинги даврларда қорахонийлар, муғуллар, теурийлар (1370–1506), шайбонийлар (1500–1604) ва бошқа давлатлар таркибига кирган.

Араб географ олимлари Уструшана Суғд каби ўлка ном бўлиб, Уструшана номидаги шаҳар ёки кишлоқ бўлмаган, дега фикрни ёқлайдилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарларида Ўратепа ҳақида шундай ёзади: «*Фарғона, Хўжанд ва Ўратепа* қим, асл буларнинг отлари китобларда *Уструшана* деген *Уструш* ҳам битирлар». Бобур ўз асарида Фарғона, Хўжанд ва Ўратепа худудлари Уструшана минтақасига тегишли эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, XVII асрда яшаган марказий осийлик олим Маҳмуд ибн Валий ўзининг «Баҳр ал-асрор фи манокиб ал-ахёр» номи тарихий-географик асарида Ўратепа деб мурожаат қилган. Агар ўша даврларда Ўратепа Уструшана деб номланганида, Бобур ҳам, Маҳмуд ибн Валий ҳам ушбу шаҳарни Уструшана номи билан тилга олган булар эди.

Юқорида таъкидланганидек, Уструшана ғарб томондан Самарқанд худуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим худуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағониён, Шумон, Вошғирд ва Рошт худуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган катта бир вилоят бўлган.

## ДИЗАК – ЖИЗЗАХ

Ёлмоятнинг катта шаҳри Жиззах тарихий манбаларда «Дизак» деб ёзилган. Топоним олимлар Жиззах номини суғдийча «Дизак» («диъ-заъ») дег – «салъа, истехком кўрғон», ак – кичикликни билдирувчи қўшимча, деб таъриф берадилар.

Юнон географлари тоғ бу ҳудудни «Газо» деб атаб, уни қўшқин талаб оқидилар. Археологлар Газо шаҳрининг ўрнини ҳозир ва асосан таърих ёзмавларида, манбаларда уни Самарқанд ва Ташкент қишлоғида жойлашгани айтилади. Юнонлар таъкидлагани Геката қалъаси Жиззах деб тахмин қилиш мумкин.

Шаҳар асрлар фатҳидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Феодализм ҳукмронлиги вақтида Дизакда кўплаб карвонсарой ва меҳмонхоналар қурилган. Шаҳардан бир фарсах узоқликда жойлашган Хутайсар карвонсаройи, меҳмонхона ва кўплаб уйлар бўлган. Дизак эса Шошнинг йўлидаги, Самарқанд билан Зоминнинг ўртасидаги шаҳар. Дизакда Маросмманда деган жой мавжуд бўлган, у ер юз гектардан иборат бўлиб, ҳар йилда у ерда бир маротаба катта савдо «ярмаркаси» ўтказилиб қурилган. Атрофи тоғлар билан ўралган Маросммандининг қишлоғида Минг деган жой бўлган.

«Ҳудуд ал-олам» асарида қуйидагича таъриф берилади: «Дизак – шаҳарча, унда оқар сув бор. Унинг яқинида Маросимманда деган жой бор, унда бир йилда бир кун бозор бўлади ва ўша куни уш бозорда юз минг динор (микдорида мол) савдо қилинади, дейдилар».

Илк ўрта асрларда жаҳон бозорида Дизакда тайёрланган жун ва тери маҳсулотларига талаб катта бўлган. VIII-IX асрларда куллар, заргарлар, аравасозлар каби маҳаллаларнинг мавжудлиги миллий хунармандчиликнинг ривожланганлигидан дарак беради.

Жиззахдаги қадим ва ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. Ўрта асрларга оид кўпгина қалъа-кўрғон ва карвонсаройлар тепа ва кўрғон (Култепа, Оқтепа, Работ, Кўрғонтепа, Хонимкўрғон, Калиятепа) каби номлар билан аталади. Буларнинг сони юздан ортиқ. Жиззах ва Ғаллаорол туманлари ҳудудидаги Такалिसойдаги қоятошларда



ибтидоий чорвачилик, овчилик даврига оид мингдан ортиқ расм, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида жуда кўп ер ости йўллари сақланган. Бахмал тумани ҳудудида Будда ибодатхонаси қолдиғи топилган. Парпи ота, Гирекушоҳ, Авлиё Сероб, Нуриддин масжидларининг қолдиқлари сақланган. Фориш туманида қадимий «Банд» тўғони қолдиғи ҳозир ҳам мавжуд. Жиззах туманида Узунота қабри, Ўрда, Бобо Якка, Қалиятапа қабри тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Жиззах XVIII асрнинг иккинчи ярмидан 1866 йилгача Бухорамирлигига тобе бўлган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX–XI асрлардаёқ бу воҳадан юзлаб жуда салоҳиятли олиму фузалар, саркардалар, козию элчилар, савдогару хунармандлар етишиб чиққан. Уструшана подшоҳи афшин Ҳайдар ибн Қавус 220/835–225/840 йилларда шимолий Эрон, Озарбайжон, Арманистон ҳудудларини, Рум давлатини халифалик бўйсундирган бош қўмондон бўлган. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий кўрикчиси ҳам Жиззахлик Турдибек Юсуфбек ўғли бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур замонида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари яна обод бўлди. Дехқончилик, хунармандчилик савдо-сотик ривожланиб, кўплаб мадраса, масжидлар қурилган. Амир Темурнинг ҳордиқ олиш ва ов қилишда сеvimли манзиллари ҳисобланмиш Бахмал, Зомин туманлари, Морғузар тоғининг шимолий ёнбағирларида боғлар яратилган. Морғузарнинг шимолий бикинидаги Олтиховуз манзилида Соҳибқирон Амир Темур бобомиздан ёдгор қолган баҳайбат ёнғок дарахти ҳали-хануз мева беради. Жиззах вилоятида Мирзо Улуғбек ва Абдуллахон Сонийнинг хотира ёзувлари сақланган. Шунингдек, вилоят ҳудудида 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган.

Зиёратгоҳлар ҳар бир халқнинг миллий кадриятларини ўзида мужассам этган муқаддас жойлар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Саъд ибн Абу Ваққос, Парпи ота,

Хўжамушкент ота, Новка ота, Ўснат ота, Саид Мир Халилиллоҳ ота, Хўжабоғбон ота, Жондаҳар ота, Кўк тўнли ота, Хўжаи Сароб ота, Хожа Шохимардон Шердор, Саййид Бурҳониддин Қилич, Хожа Қахҳор вали, Чўқмозор ота, Сайфин ота, Арчамозор ота, Ғубдун ота, Парпи ойим, Қоплон ота, Нарвон ота, Кулфисар ота, Чанговул бобо, Қирқчилтон, Қобулмозор, Қум ота, Бобоякка, Бешбулоқ ота, Ҳазрат Зайнулобидин сингари зиёратгоҳлар халқ меъморчилигининг нодир намуналари сифатида ўзбек халқининг миллий-маданий ёдгорликлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида кўҳна Уструшана ҳам тарихда Мовароуннаҳрдаги йирик маданият марказларидан бири сифатида ном қолдирган. Бу ерда адабиёт, тасаввуф фанлари билан бир қаторда, ҳадис, тафсир ва фикҳ илмлари ҳам ривожланган. Бу ҳол дунёда юз берган ўзгаришлардан Уструшана минтақаси четда қолмаганлигини, ўзга диёрларда пайдо бўлган маданий тараққиётдан маълум даражада баҳраманд бўлиб турганлиги ва ўз навбатида, Уструшанада ҳам турли илмлар ва маданият ривожланиши билан бирга ҳунармандчилик, иқтисодий муносабатлар ва савдо-сотик ҳам кенг тараққий этганлигини тасдиқлайди.

Ўрта аср араб манбалари асосида Уструшана – Истаравшан шаҳри эмаслиги, балки Уструшана Самарқанднинг олди ва Сайхун дарёсининг қуйи қисмидаги катта бир вилоят эканлиги аниқланган. Уструшана минтақасининг ҳозирги жойлашган ҳудуди Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудини ўз ичига олади, деб хулоса қилиш мумкин.

Ўрта аср араб манбалари асосида шаҳарнинг ҳозирги кунда жойлашган маскани Жиззах вилоятининг Бахмал тумани бўлганлигини қайд этиш мумкин. Жиззахдан қадим замонлардан бери алломалар етишиб чикқан. Улар каерда яшашидан қатъи назар «Дизакий» тахаллусини олиб ижод қилганлар. Уларнинг айримларини М.Атаев маълумотлари асосида келтириб ўтамиз.

**ИСМОИЛ ИБН АХМАД АД-ДИЗАКИЙ**

Абу Иброхим Исмоил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Дизакий Дизакда тугилиб, кейинчалик илм-маърифат қидириб Шарк ўлкаларини кезган. Хусусан, у Макка ва Бағдод шаҳарларида бўлган. У ҳадисларни Макка шаҳрида Абул-Аббос Аҳмад ибн Ҳасан ар-Розийдан ривоят қилган. Аллома 448/1056 йили вафот этган.

**АЛИ ИБН АБДУЛАЗИЗ АД-ДИЗАКИЙ**

Абул Ҳасан Али ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳомид ад-Дизакий ал-Лоҳузий аз-Зубайрий Уструшананинг Дизак шаҳрида таваллуд топган. Аллома Дизакда яшаб, шу ерда вабо таркаган 448/1056 йилда вафот этган. У асли саҳоба Зубайр ибн Аввоннинг авлодларидан. Унинг Маккадан кўчиб келган отаси Абдулазиз ибн Муҳаммад ўз замонасида етук олимлардан бири бўлиб, Самарқанддаги Хон Мусода ваъз айтар эди. Отасининг ун икки нафар ака-укаси бўлиб, барчаси уламолардан эди. Абу Саад ал-Идрисий аллома Абдулазиз ибн Муҳаммад ад-Дизакий Самарқанд шаҳрида яшаб, шу ердаги фозил зотлардан бири бўлганлиги ва 380/991 йилдан олдин хаж сафарига чикиб, йўлда вафот этганини таъкидлаб ўтган.

**УМАР ИБН АХМАД АД-ДИЗАКИЙ**

Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад аш-Шабибий ад-Дизакий Қорахонийлар даврида Самарқанд ҳадис илми тараккиётига ўзининг ҳиссасини қўшди. Асли Дизакдан бўлиб, муҳаддис дастлабки таълимни Дизакда зоҳид аллома зотлардан бўлмиш шайхул-имом Исмоил ибн Аҳмад ад-Дизакийдан олди. Жуда кўп ҳадисларни ёд билиши билан ҳофизлик мақомини эгаллади. Абу Ҳафс ан-Насафий ўз асарида 120 дан ортик жойда аш-Шабибийни эслатади.

Аллома ўз замонасида жуда кўп уламоларга устозлик қилган. Шундай шогирдларидан бири Абу Ҳафс ан-Насафийдир. У ўз шайхларини «Тидод аш-шуюх ли-Умар мустатриф ало-л-хуруф мустатир» («Алифбо тартибида берилган Умарнинг устозлари саноғи») асарида бирма-бир санаб ўтган. Аммо ан-Насафийнинг ҳадис соҳасидаги шох асари маълумотларига асосланиб, му-

элиф устозлари орасидан уч муҳаддисни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ибн Али ибн Мусо ибн Исрофил ан-Насафий (XI-XII асрлар), Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн аш-Шабиб аш-Шабибий ад-Дизакий (ваф. 511/111, 8 й.) ва Абу Муҳаммад Абдуллох ибн Аҳмад ан-Нофила (ваф. 503/1109 й.). Умар ибн Аҳмад ад-Дизакий 511/1118 йили Самарқандда вафот этиб, Чоқардиза қабристонининг «Машҳад ал-аймма» номли қисмининг ташқарисига дафн этилган.

### **АҲМАД ИБН МУҲАММАД АД-ДИЗАКИЙ**

Абу Тоййиб Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Исҳоқ ибн Дийзқаҳ ат-Тоний ад-Дизакий Дизак шаҳрида таваллуд топган. Асли ота-боболарининг келиб чиқиши Асбаҳон ахлидан. Аллома ҳадисларни Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Али ал-Муқаррийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Абул Қосим Ҳибатуллох ибн Абдулворис аш-Широзий ривоят қилган.

### **УМАР ИБН ШУАЙБ АД-ДИЗАКИЙ**

Абу Ҳафс Умар ибн Шуайб ибн Аби-л-Қосим ас-Сарром ад-Дизакий Дизак шаҳрида туғилиб, Уструшананинг қишлоқларидан бири – Борқасда 525/1131 йили 6 октябрь жума кечаси вафот этган. Аллома Самарқанддаги бир харбий истехкомда қози бўлган.

### **ЖИЗЗАХЛИК АЛЛОМАЛАР**

IX асрнинг охирига келиб, Марказий Осиёда араблар ўз ҳукмронлигини Сомонийлар сулоласига тақдим этди. Сомонийлар даврида савдо, иқтисодий муносабатлар ривожланди. Қурувчилик, меъморчилик маданияти равнақи туфайли шаҳарлар кенгайди. Айнан мана шу даврда дунё адабиётининг мумтоз даврига тегишли бутун жаҳон миқёсида тан олинган ва туркий тиллар тарихида жуда юқори мавқега эга бўлган илк асарлар яратилади. Бир қатор араб биограф олимлари ўз асарларида араб тилида ижод этган кўпгина жиззахлик шоирлар, мутасаввифлар, муҳаддис ва фақиҳлар ҳақида маълумотлар келтиради. Агар мана шу мутасаввиф олимлар ва шоирлар ижо-

дий мероси ва ҳаёт йўлларига чуқурроқ назар солинса, уларнинг мусулмон маданияти билан бир каторда, дунё тамаддунида жуда юқори мавқега эга бўлганликлари ойдинлашади. Улар ўз асарларида инсон ва жамият муносабатлари, диний-ахлоқий қарашлари ва инсонпарварлик ғояларини, шунингдек, меҳнат аҳлига чуқур ҳурмат ва эҳтиромни тараннум этганлар. Шу билан бирга, улар ижодида диний эътиқод, эътиқоднинг инсон камолотидаги ўрнини мутаносиб англаш ва тарғиб қилиш, Яратганга хизмат қилишнинг энг мўътабар усуллари каби масалаларга ҳам қатта ўрин берилган. Мазкур алломаларнинг кўпчилиги келиб чиқишига кўра Жиззахдан бўлсалар ҳам, ўз тафаккури ва идроки, истеъдоди ва ақлий салоҳиятларининг ўткирлиги боис бутун мусулмон олами тараққиётига ҳам хизмат эта олганлар. Шу билан бирга улар Бағдод, Эрон, Ироқ, Саудия, Миср ва бошқа мусулмон маданияти ўчоқларида ҳурмат ва эъзозга эга бўлиб, жуда қатта маърифий фаолият олиб борганлар.

«Китоб ал-қанд», «Китоб ал-ансоб», «Муъжам ал-булдон» ва «Тариху Бағдод» каби манбалар маълумотларига кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3 мингдан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Уларнинг мингдан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортигининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шаҳри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, Уструшанада, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар.

Жумладан, Жиззах воҳасида таваллуд топиб, Мовароуннаҳр ва Шарқ мамлакатларининг илм марказларида ўз илмий фаолиятларини олиб борган 8 шоир, 73 муҳаддис ва 33 фақиҳ яшаб ўтганлиги тарих фанлари номзоди Муслим Атаевнинг диссертациясида аниқлаб берилган. 2014 йили «Адиб» нашриётида муаллиф ўз диссертацияси асосида «Жиззах алломалари» монографиясини нашр этди. Биз ишимизда мазкур олимнинг маълумотларидан кенг фойдаландик. М.Атаев маълумотларига кўра, Мовароуннаҳрнинг илмий марказлари ҳамда Шарқ мамлакатларида куйидаги мутасаввиф шоирлар (асосан араб тилида ижод этган) яшаб ўтган.

**АБУ БАКР ДУЛАФ ИБН ЖАҲТАР АШ-ШИБЛИЙ**

Уструшананинг Шибла кишлоғида таваллуд топган шоир кейинчалик илм-маърифат кидириб, Шарк ўлкаларини кезган. Абу Бакр Хатиб ал-Бағдодий «Тариху Бағдод ав Мадина тас-Салом» асарида шундай хикоя қилади: «Алломанинг исми ҳамда отасининг исми борасида ихтилофлар мавжуд. Манбаларда шундай дейилади: машхур тасаввуф намояндасининг исми Жаъфар ибн Юнус ёки Дулаф ибн Юнус, бошқа бир манбада эса Жаҳдар ибн Дулаф ёки Дулаф ибн Жабгавайх ёки Дулаф ибн Жаъгара ҳам дейилади».

Ал-Қазвиний шундай таъриф беради: «Унинг исми Дулаф ва отасининг исми Жаъфардир. Унинг тулик исми Абу Бакр Дулаф ибн Жаъфар аш-Шиблий аз-Зоҳид ал-Ориф. У ўз даврининг соҳиби кароматларидан ва инсонларни хайратга солувчи ҳолатлар соҳиби бўлган. Унинг отаси халифа ал-Муваффақнинг саройида юкори лавозимда хизмат қилган. Алломага отаси етмиш минг дирхам мерос қолдирган. Абу Бакр Дулаф ибн Жаъфар Бағдоднинг Хайр ун-Нассож исми билан танилган сўфийнинг мажлисида бўлган ва бутун мол-мулкию барча меросини камбағал-бечораларга эҳсон қилиб юборган. У ўзида насиҳатқўйлик ва хушмуомалалик санъатларини бирлаштирган киши эди. У Эрондаги Дамованд вилоятига бориб, унинг аҳлига қарата шундай деган: «Бирон бир масалани ечишда менга муржаат қилаверинглар, чунки мен сизларга ва мамлакатингизга валий бўлдим. Ҳадд (жазолаш) борасида бирор-бир масала бўлса, уни ҳал қилишда биринчи бўлиб менга учрашинглар».

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Шозон шундай таъриф беради: «Аш-Шиблий Уструшана ахлидандир, у бир кишлоклик бўлиб, уни Шиблия дейилади, унинг асли келиб чиқиши ўша ердан ҳамда унинг тоғаси Искандария амирларининг амири эди. Аш-Шиблий Бағдоднинг машхур сўфийларидан Хайр ун-Нассож хузурда тавба қилиб, сўфийликни ихтиёр этган. Унинг отаси халифа ал-Муваффақнинг бош хожиби вазифасида ишлаган. Алломанинг ўзи эса шимолий Эрондаги Дамованд вилояти валийси этиб тайинланган. Аш-Шиблий ўша даврнинг энг буюк машойхларидан эди. Унинг номи тилларда дoston бўлган. Аллома аш-Шиблий 245/859-334/946 йили зулҳижжа ойида 87 ёшида Бағдодда вафот этган. Унинг қабри «Язор» номи билан машхур

булиб, ҳозирда муқаддас қадамжоларидан бири». Араб манбаларида унинг тасаввуфий шеърларидан намуналар келтирилган (М.Атаев. Жиззах алломалари. Т.: «Адиб» нашриёти. 2014.).

Юқоридаги маълумот Абу Бакр Шиблийнинг 859 йили туғилганлигини кўрсатади. Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиё» асари фихрестида Шиблий номи кўрсатилган бўлса ҳам, зикри берилмаган. Фаридиддин Аттор асарида ҳам шу аҳволни кўриш мумкин. Аммо бир неча авлиёлар зикрида Шиблий билан боғлиқ нақллар келтирилади. Жумладан, Шиблий Хайр ун-Нассож мажлислари таъсирида тавба қилиб, тасаввуф йўлига кирганлиги таъкидланади. Тазкиранинг Абу Ҳафз зикрида шундай нақл этилади:

«Келтурубдурларким, Шайх Шиблий Абу Ҳафзни тўрт ой меҳмон қилди. Ҳар кун ранго-ранг таом ва неча қисмлар қилиб келтурди. Охир ал-амр Абу Ҳафз ёнур бўлди. Хублашур вақтда дедиким:

– Эй Шиблий, агар бир вақт Нишопурга келсангиз, сизга жавонмардликни ва меҳмондорликни ўргатсам эрди.

Шиблий деди:

– Мен сизга на иш қилдим?

Абу Ҳафз деди:

– Такаллуф қилдингиз, таклиф қилғувчи жавонмард бўлғувсидур. Меҳмонни андоғ тутгойким, келгони сенга оғир келмагай ва кетганига шод бўлмагойсан. Ва чун такаллуф қилдинг келгони оғир келгон бўлур ва кетганига шод бўлгон бўлурсан. Меҳмонга бу янглиг бўлса, ул жавонмардлик эмасдур.

Неча муддат ўткондин сўнг Шайх Шиблий Нишопурга келиб Абу Ҳафзнинг уйига тушди. Қирк киши бирла эрди ва чун кеча бўлди, Абу Ҳафз қирк бир чароғ ёндурди.

Шиблий деди:

– Менга демадингизмиким, такаллуф хўб эрмасдур.

Абу Ҳафз деди:

– Мен на такаллуф қилдим?

Шиблий деди:

– Қирк бир чароғ ёндурдингиз, бу такаллуф эрмасму?

Абу Ҳафз деди:

– Сиз кўпунг, бу чароғларнинг ҳаммасини учуринг.

Шиблий кўпди, ҳарчанд жидду жаҳд қилди, бир чароғдин ўзгани ўчиролмади ва деди:

– Эй Шайх, бу на ҳолатдурким кўрсатурсиз?

Абу Ҳафз деди:

– Сизлар қирқ тан меҳмон бўлуб келдингизлар, меҳмонни Худо юборгон бўлур. Мен ҳар бирингизга Худо учун бирдин чароғ ёндурдим ва ўзум учун бир чароғ ёндурдим. Ул қирқ чароғни Худо учун ёндуруб эрдим, ани ўчиролмадингиз ва бир чароғни ўзум учун ёндуруб эрдим, ани ўчирдингиз. Ва сиз ҳар нимарсаки, Бағдодда қилиб эрдингиз менинг учун қилиб эрдингиз. Мен ҳарнаки қилдим, Худо учун қилдим. Ложарам такаллуф бўлмағувсидур. Бу ишларни сизга ўргатмак учун қилдим» (Муҳаммад Сиддик Рушдий. Тазкират ул авлиё. Қулёзма. 419 ғарак. 1780 йили ёзилган. Низомий номидаги ТДПУ АРМ фонди. Инв.№83543.).

*Шайх Шиблий, Шайх Антор, ул «Аналҳақ» суҳбатин*

*Қурди, ичди бодани Мансурни дорда қилди ишиқ.*

Бобораҳим Машраб юкоридаги байтини Шиблий ва Мансур Ҳалложлар зикридан илҳомланиб битган. Шиблий машҳур мутасаввиф Мансур Ҳалложнинг энг яқин дўсти эди. У Мансурнинг ҳибсга олиниш ва дорга осилиш воқеаларини ўз кўзи билан кўрган, Мансурнинг қатл этилишига жуда ҳам қарши киши бўлган. Афсуски, у бундай адолатсиз ишнинг олдини ололмади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Мансур Ҳаллож хақида шундай ёзади (ҳозирги адабий тилда берилаётир):

«Ҳусайн Мансур Ҳаллож учинчи табақадандир. Кунияти Абулғайс. Форснинг Байзосидан эди. Уни аввал «Ҳаллож» демас эдилар. Бир ҳаллож (чигирикчи, пахтани чигитидан ажратувчи) дўсти бор бўлиб, дўконига келиб ўтирган пайтда уни ишга буюрди. Ўшанда устани ишдан қолдирдим-а, деб кўнглидан ўтказди. Бармоғи билан уюм пахтага ишора қилади – пахтанинг момуғи бир зумда чигитидан айрилиб кетади. Бу амал юртда овоза бўлгач, ҳамма уни «Ҳаллож» деб атаётди бошлайди. Восит ва Ироқда тез-тез бўлиб, Жунайд Бағдодий ва Абулҳасан Нурий билан суҳбат қурган эди. Абу Амр Усмон Маккийнинг шоғирдидир.

Машойихлар унинг тўғрисида ҳар хил фикрда эди. Уни (қарашини) рад этишган. Шайх Абул Аббос Ато, Шайх Абу-бакр Шиблий, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф, Шайх Абулқосим Насро-



бодий ва Шайх Абдуллоҳ Саранж унинг қатл этилишига розилик бермаганлар. «Биз унинг нима деганига тушунмаймиз», деб фатво битмайдилар».

Алишер Навоийга кўра, Ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорий уни қабул қилганларни кўпроқ севарман, деган. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф эса уни «имомни раббоний», деб атаган.

«Тазкират ул-авлиё»да ёзилишича, Мансур Ҳаллож қатлидан кейин Шайх Шиблий шундай деган экан: «У нима деган бўлса, мен ҳам шундай деганман, аммо телбалик мени қатлдан асраб қолди, унинг ақли бошини еди». Бир куни Шайх Шиблий Шайх Мансур Ҳалложнинг қошига келган эди. Деди:

– Эй Шиблий, менга маслаҳат бергил, мен улуғ ишга қадам қўйибдурман. Шу улуғ иш учун саргашта ва ҳайронликка қолибман, холбуки, мени ўлтиришлари аниқ бўлиб турибди.

\* \* \*

Келтирибдурларким, Шайх Шиблий Мансур Ҳалложни занжирбанд қилиб боғлаб қўйишган ернинг рубарусида турган эди. Қичқирди:

– «Аналҳак» демагилки, муллоларнинг қўлида ҳалок бўлурсан, демадимми?

Сўнг Шиблий ундан сўради:

– Тасаввуф недур?

– Тасаввуфнинг кичкинаси ушбудур – кўриб турибсан.

Шиблий деди:

– Мундан улуғроғи қайсидир?

Ҳаллож деди:

– Уни сенга айтмоққа йўл йўқдир.

Шундан кейин ҳар киши тош ота бошлади. Шайх Шиблий ҳам халойикка мувофик қилиб бир чолма (қўйкумалок) олиб отди. Ҳаллож бир оҳ тортди.

Халойик деди:

– Бизлар тош отармиз, ҳеч ун чиқармайсиз, Шиблий ушоқча чолма отганига оҳ чекмак нечукдир?

Ҳаллож жавоб берди:

– Улар менга билмасдан тош отарлар, Шиблий тош отарни билиб туриб, чолма отади.

Шайх Шиблий айтур:

– Хусайн Мансурни дафн қилишган кечаси мен унинг тупроғи бошига бордим. Тонг отгунча намоз ўтадим. То сахар вақти бўлди эса муножот бирла арз қилдим: «Эй Парвардигор, ул сенинг бандаларингдан эди, ориф, яъни сени топган эди, мувахҳид, яъни сени бир деб билгувчи эди, бу балони унга не учун бердинг?»

Мен бу муножотда эдим, кўзим уйқуга борибди. Қиёматни туш кўрдим. Худои таолодан фармон келди. «Мен Хусайн Мансурга балони шунинг учун юбордимки, у менинг сирларимни ғайрга ошкор қилди».

Шиблий айтур:

– Мансурни туш кўрдим. Сўрдим: «Ҳақ таоло сенга зулм қилган халойикка на иш қилди?» Хусайн Мансур руҳи деди: «Ҳар иккала тоифани мағфират этди. Оллоҳ менга шафқат ва меҳрибонлик кўрғазди, уларга раҳмат қилди. Кимки Худойи таоло учун менга адоват қилди – билмай қилди, уларга ҳам раҳмат қилди. Ҳар иккала тоифа маъзур бўлдилар».

Машраб:

*Ломаконни шахрида ошиқни шайдо қилди ишқ,  
Анбиёу авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ,  
Жилвасини кўрсатиб, зоҳирда элга ранг-баранг,  
Ору номусдан кечиб оламга гавго қилди ишқ.  
Ёши етмишига етиб соттурди ўзни Боязид,  
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ.  
Шайх Шиблий, Шайх Аттор, ул «Аналҳақ» суҳбатин  
Курди, ичди бодани, Мансурни дорда қилди ишқ.  
«Куфр кетти!» деб Насимий терисини сўйдилар,  
Гушту пустин сўзлатиб, оламга гуё қилди ишқ.  
Шайх Санъондин бўлиб тўрт юз мурид соҳибкамол,  
Курди тарсозодани ҳукбону тарсо қилди ишқ.  
Билдию эшитти Маширабнинг қарори йўқ экан,  
Зоҳирин гуё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.*

Зиёуддин Ҳазиний (1867-1923) ҳам Абу Бакр Шиблийни ўз ғазалларида эсга олади:

*Шиблийдек рақс айласам ҳар кучаю бозор аро,  
Ишқнинг савдосида девона бўлсам қошки.*

### МУҲАММАД ИБН ҲУСАЙН АШ-ШИБЛИЙ

Абу Али Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдуллоҳ аш-Шиблий Шибла қишлоғида таваллуд топган ва дастлабки илмларни шу ерда олган. Кейинчалик илм-маърифат истаб, Бағдодга йўл олади ва у ерда Ибн аш-Шибл номи билан танилади. Шоир ҳақида Абул Қосим ас-Самарқандий, Абул Ҳасан ибн Абдулкарим, Абу Саад ибн аз-Зузуний каби бағдодлик олимлар ривоят қилганлар. Аллома 471/1078 йили вафот этган.

### УСМОН ИБН АЛИ АШ-ШИБЛИЙ

Усмон ибн Али ибн Башора ибн Абдуллоҳ Собикиддин ас-Солиҳий аш-Шиблий ал-Ҳанафий 673/1274 йили Шибла қишлоғида таваллуд топган. Ибн Рофи унинг назмий ва насрий асарлари бўлганлиги ҳақида шундай хикоя қилади: «У ўз шеърлари билан (кишини) қандай завқлантирса, насрий асарлари билан ҳам шундай завқлантирар эди». Шоир ва муҳаддис Усмон ибн Али аш-Шиблий 755/1354 йили вафот этган.

### АБДУЛКАРИМ МАХМУР КОРИЗИЙ

Ғаллаороллик истеъдодли шоир Абдулкарим Махмур Коризий 1820 йилда Кориз қишлоғида маърифатли оилада дунёга келади. Отасининг исми Барот Боймат ўгли бўлган.

Абдулкарим бошланғич маълумот олгач, 1836 йилда Наманганга бориб, Мажзуби Намангоний номи билан шуҳрат топган тасаввуф пиридан тўққиз йил таълим олади («Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари» кўпжилдлигининг 2-китобида Мажзуб Намангоний ҳақида кенг маълумот берилган). Сўнгра эса 25 ёшида таълимни тугатиб, Самарқандга келади, таълимини такомиллаштиради. Унинг кейинги ҳаёти Кориз, Исфара ва Самарқандда кечади. У ҳаётининг асосий қисмини Самарқандда (вафоти 1876) мактабдорлик билан ўтказган.

Махмур Коризийнинг фарзандларидан бири – Инъомхон (1875-1943) ҳам танилган шоир ва хаттот бўлиб, у Махмур тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилида девон тартиб берган. Махмур Коризийнинг ўғли томонидан 1318/1900 йилда кўчирилган (тўғрироғи, девон холига келтирилган) девони

бизгача етиб келган. Набираси Авлиёхон Инъомхон хонадонда сақланаётган девондан шоирнинг уч минг мисрага яқин шеъри ўрин олган.

Шоирнинг ғазал, соқийнома, мухаммас ва мактуботлари ўзи яшаган даврнинг янграк овози бўлиб жаранглайди. Уларда юксак инсоний фазилатлар, ишк ва вафони улуглаш, ахлоқ ва одобга оид ўғитлар, ҳақсизлик ва разолатни қоралаш ғоялари ўз бадиий ифозасини топган.

Абдуқарим Махмур Коризий ижодини кўздан кечириш шундай ҳўлосага олиб келадикки, шоир ўз ижодига сўфиёна ғояларни тарғиб этишга алоҳида эътибор беради. Булар саховат, раҳм-шафқат, ҳаё, қарам, тавозе, вафо, садоқат қабиларни ташвиқ этиб, хирс-хавасга берилиш, зулм, нодонлик, умуман, айрим-айрим нарсаларни қоралашдан иборатдир. Бу нарса, албатта, бадиий ижод учун фазилат.

Маълумки, халифаликнинг кейинги даврларида мол-дунёга, зеб-зийнатга, дабдабазликка ружу қўйиш расм бўлгач, диний амалларга путур ета бошлаган эди. Бундан норози бўлган кишиларнинг бир қисми орасида дунё лаззатларидан воз кечиш ғояси келиб чиқади. Улар қаноат ва тоат-ибодатни ташвиқ-тарғиб этар эдилар. Уларнинг энг кўзга кўринганлари VIII асрда Увайс Қараний ва Ҳасан Басрийлар бўлган. Улар ибодат йўли билан охираат мағфиратини қозонишни тарғиб этар эдилар. Сўфийлар эса яхши охираат умидида тақводорлик қилиш тамағирликдир, деб ҳисоблайдилар. Улар Тангри талонинг ҳақиқий ошиғи бўлиш, унинг висоли йўлида дард чекиш, яъни ёмон хусусиятлардан тозаланиш, ахлоқи қаримани эгаллаш ғоясини олға сурадилар. Уларча, Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб, амри маъруфни бажариш садоқат эмас, балки риёкорликдир, қўрқув эмас, балки ўтли муҳаббат билан Аллоҳга интилиш ҳақиқий ошиқликдир.

Махмур Коризий шеърларида ана шу ишк, ана шу ахлоқ бадиий акс эттирилади. Шу жиҳатдан унинг ижоди Бобораҳим Машраб ва Мажзуб Намангоний ижодий руҳига гоят яқиндир.

**УБАЙДУЛЛОХ АЛАМКАШ**

Убайдуллох Аламкаш 1845 йили Янгиқўрғон (Ғаллаорол) туманига қаршли Қизилқўрғон кишлоғида туғилган. Аламкаш Самарканд ва Бухоро мадрасаларида таълим олиб қайтгач, ўз кишлоғида мактабдорлик қилади. Буш вақтларида эса хат-тотлик, махсидўзлик билан шуғулланади. Убайдуллох Аламкаш ўлкамизда таълим-тарбия ишининг йўлга қўйилиш ишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У бошланғич мактаб ўқувчиларига бағишлаб ҳисоб илмига оид қўлланма яратган. 1898 йилда эса «Чаҳор китоб»ни форсийдан туркийга эркин таржима қилади. Бу китоб тошкентлик Абдулқанош деган кишининг маблағи ҳисобига 1910, 1913-1914 йилларда Ғуломҳасан Ориф-жонов матбаасида чоп этилади.

Убайдуллох Аламкаш 1898 йилда ўзининг баёзига тартиб беради. Баёз ғазаллар, рубоий, мусаддас, сокийнома, фард, мухаммас каби жанрлардаги шеърлардан ташкил топган. Убайдуллох Аламкаш халқимиз орасида шоир сифатида машҳурдир. Унинг олти минг мисрадан ортик шеърини ўз ичига олган девони Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ кулёмалари Марказида сақланмоқда. Девонда 257 ғазал, 61 та рубоий, 18 та қитъа, 10 та сокийнома, 4 та мухаммас жамланган. Шоирнинг ўзи тартиб берган иккита катта баёзи ҳамда Ғозибек Муҳаммадёр ўғли тартиб берган яна бир баёзи орқали Аламкашнинг қўлаб шеърлари бизгача етиб келган. Аламкаш ғазаллари анъанавий мавзуларда ёзилган бўлиб, уларда ишқнинг ранг-баранг жиҳатлари ўзининг бадиий ифодасини топган. Шунингдек, уларда сўфиёна майллар инъикосини ҳам кўриш мумкин.

**МУҲАДДИСЛАР**

Уструшана муҳаддисларининг ўзига хос томони шундан иборат бўлганки, улар зоҳидликка кўпроқ эътиборни қаратар эдилар. Зоҳидлик макоми таркидунёчилик деб қаралмаслиги керак, балки мулойимлик, хушмуомалалик, озга сабр қилиб, асосий эътиборни илм олиш ва халқни илм-маърифатга чақиритиш назарда тутилган. М.Атаев ўз тадқиқотида асли Уструшанада туғилиб, Уструшана ҳамда ўша давр илмий-маданий марказлари

Самарқанд, Бухоро ва Бағдодда фаолият юргизган 73 муҳаддис номини аниқлаган. Биз улар ҳақидаги маълумотларни тугилган шаҳар ва кишлоқлари айна ҳозирги кунда вилоятнинг қайси туманига қарашли эканлигига қараб жойлаштириб чиқишга ҳаракат қилдик. Тумани аниқланмаган алломалар ҳақидаги маълумотларни эса шу ўринда бериб ўтамиз.

### **ТОЛИБ ИБН АЛИ АШ-ШИЙРАКАСИЙ**

Абу Аҳмад Толиб ибн Али ибн Ҳасан ибн Турхор аш-Шийракасий кўплаб ҳадис ривоят қилган муҳаддислардан бири. Унинг Абулҳусайн Муҳаммад ибн Толиб исмли муҳаддис ўғли бўлган. Аллома ҳадисларни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Язид ал-Муқаррайлардан ривоят қилган. Аллома Абу Аҳмад аш-Шийракасий 288/901 йили 14 ёки 15 сентябрда вафот этган.

### **РАЙҲОН ИБН МУҲАММАД АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Тоййиб Райҳон ибн Муҳаммад ибн Айюб ал-Уструшаний ўзининг умри давомида жуда сермахсул илмий ижод қилди. Уструшанада туғилиб, шу ерда таҳсил олади ва кейинчалик илмини ривожлантириш учун Самарқандга кўчиб ўтади. Аллома ўз замонасида жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилган ва ундан ҳадисларни шайх Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад аш-Шиблий, шайх Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ал-Форисий ва бошқалар ривоят қилганлар. Бундан ташқари, у ханафий мазҳаби фақиҳларидан бири эди. Унинг Абдулмулк деган ўғли бўлиб, у ҳам муҳаддис эди. Ўғли Абдулмулк ибн Райҳон ал-Уструшаний отаси ҳақида шундай хикоя қилади: «Мен дастлабки илмни ўз падари бузрукворимдан олдим. Отам (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) 357/968 йили Самарқандда вафот этиб, Навкамин работига дафн этилди».

Аллома ўз замонасида жуда кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Унинг шогирдларидан бири Абу Саад Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий ал-Астрободийдир. Унинг Самарқанд муҳаддислари ҳаёти ва фаолиятини ўзида жамлаган «Китоб ал-камол фи маърифат ар-рижол мин уламо Самарқанд», «Тарихи Астробод» каби асарлари бор. Ал-Идрисий илм талабида Ироқ,

Хуросон ва Мовароуннахрнинг турли шаҳарларида, жумладан, Бағдод, Марв, Нишопур, Журжон, Бухоро, Шош, Кушония, Дабусия, Исфижоб каби шаҳарларда хофиз-муҳаддислардан ҳадис тинглади ва улардан ҳадис ривояти учун ижозат олди. Ал-Идрисий Самарқандда 406/1015 йилда вафот этиб, Чокардиза кабристонининг «Талл асҳоб ал-ҳадис» қисмида қарор топди.

### **АБДУЛВОҲИД ИБН АБДУРРАҲМОН АШ-ШОВКАТИЙ**

Абул Қосим Абдулвоҳид ибн Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Иброҳим ибн Аҳмад ибн Ҳарб аш-Шовкатий Уструшанининг Шовкат қишлоғида 407/1016 йили таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат йўлида Самарқандга кўчиб ўтган ва шу ерда ал-Ҳаким аш-Шовкатий номи билан машҳур бўлган. Аллома кўп йиллар Самарқандда ваъз айтган. У ҳадисларни имом-хатиб Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ воситасида Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Али ал-Боҳилийдан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни шайх, факих ва адиб Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ибн Абдулазиз ал-Бухорий ривоят қилган. Аллома 87 йил умр кўриб, 494/1101 йили апрель ойида Самарқанд шаҳрида вафот этган.

### **АЛИ ИБН АБУ ИБРОҲИМ АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Асад Али ибн Абу Иброҳим Муҳаммад ал-Уструшаний Уструшанада туғилиб, кейинчалик илм истаб Самарқандга боради ва шу ерда ўзининг илмий фаолиятини давом эттиради. Аллома ўз замонасининг машҳур муҳаддисларидан бири бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Шулардан бири Абул-Ҳасан Али ибн Абу Ҳасан ибн Исмоил ас-Самарқандийдир. Аллома 446/1054 йили Самарқандда вафот этган ва Чокардиза кабристонига дафн этилган.

### **МУТРИФ ИБН ЖАМҲУР АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Бакр Мутриф ибн Жамҳур ибн ал-Фадл ал-Уструшаний Уструшанада туғилиб, дастлабки илмларни шу ерда олган ва кейинчалик илм истаб кўплаб Шарк мамлакатларида бўлган. Хусусан, ҳаж сафарига Бағдод орқали бориб, у ерда Ҳамадон

ибн Зиннун ва Абдуссамад ибн Фадр ал-Балхийлардан ҳадислар ривоят қилган ва алломанинг ўзидан ҳадисларни Али ибн Умар ал-Ҳарбий ас-Суккарий ривоят қилган. Абу Бакр ал-Уструшаний ривоят қилган ҳадислар орасида имон, зуҳд, тақво, ахлоқ мавзуларига оидлари асосий ўринни эгаллайди. Мавжуд манбаларда у бирор мансаб эгаси эканлиги ёки ўз даврида унинг мавкеи қандай бўлгани, ҳаттоки таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **ҲАКИМ ИБН НАСР АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Талҳа Ҳаким ибн Наср ибн Хониж ибн Хандабек Уструшанада таваллуд топган. Аллома Муҳаммад ибн Фадр ибн Ҳаррош ал-Балхий (бу аллома Балхдан сургун бўлиб, Самарқанднинг Ургут туманида яшаган. Қабри Ургут шаҳрининг Торинжак маҳалласида. Халқ Хожай Омон деб атайди. «Тазкиратул авлиё»да зикри келган), Ҳилол ибн ал-Илои ар-Рикий, Муҳаммад ибн Мусаллама ал-Воситий, Қосим ибн Ибод ат-Термизий, Ибн Заҳл Убайдуллоҳ ибн ал-Ғоз ал-Асқалоний, Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Барқий, Абу Заръа Абдуorraҳмон ибн Амр ад-Димашқий ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган. Ундан Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Зоҳир ибн Абдуллоҳ ал-Муғқоний, Абу Зарр Аммор ибн Муҳаммад ат-Тамимий ал-Бағдодий ва бошқалар ҳадислар ривоят қилганлар. Манбаларда унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида унинг мавкеи қай даражада бўлгани, ҳаттоки унинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **ЮНУС ИБН АЛ-ФАДЛ АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Саид Юнус ибн ал-Фадр Уструшанада туғилиб, шу ерда дастлабки илмни олади ва кейинчалик илм-маърифат истаб Самарқандга бориб, Абдуллоҳ ибн Айюб ал-Мухаррабийдан ҳадислар ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Абу Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ас-Самарқандий ривоят қилган. Аллома фикҳ соҳасида ҳам ижод қилган фақиҳлардан саналади. Аммо мавжуд манбада бирор мансаб эгаси бўлгани ёки ўз даврида унинг



мавқеи қандайлиги, ҳаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **ЛУҚМОН ИБН АШ-ШАЪБИЙ АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Лукмон ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон Уструшанада туғилиб, шу ерда вафот этган. Аллома фикҳ соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. У ўз замонасида Бухоро қозиси бўлган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон ал-Уструшанийнинг (ваф. 404/1013 й.) амакиси бўлиб, унга устозлик қилган.

### **АҲМАД ИБН АБДУЛМУЛК АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Наср Аҳмад ибн Абдулмулк ибн Мусо ибн Музаффар ал-Уструшаний 433/1042 йили таваллуд топган. У дастлабки илмларни Уструшанада олиб, шу ерда илмий фаолиятини давом эттирди. Аллома ўз замонасида «Кок» номи билан жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилган. У ҳадисларни Маҳмуд ибн Ҳасандан ривоят қилган. Аллома ҳақида Ибн Ҳажар «Ад-Дурар ал-комина фи аён ал-миа ас-сомина» ва ан-Наимий ўзининг «Ад-Дорис фи тарих ал-мадорис» тарихий библиографик асарларида таъкидлаб ўтган. Аллома 519/1125 йилнинг апрель ойида вафот этган.

### **БАКР ИБН ЯМОН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Бакр ибн Ямон ал-Уструшаний Уструшанада таваллуд топган ва дастлабки илмларни шу ерда олиб, кейинчалик илм-маърифат йўлида Самарқандга кўчиб ўтади. Аллома қози, имом Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Қассор ва Ҳоким Абу Амр Муҳаммад ибн Абдулазиз ал-Қантарийлардан ҳадислар ривоят қилган. Унинг Самарқандда шахсий мадрасаси бўлиб, у ерда толиби илмларга ҳадис, фикҳ илмларидан сабоқ берган. Аллома 519/1125 йили Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн этилган.

**ҲАСАН ИБН МУҲАММАД АШ-ШИЙРАКАСИЙ**

Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Шуайб аш-Шийракасий кўплаб ҳадислар ривоят қилган муҳаддислардан бири. Аллома ҳадисларни Абу Мансур Абдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Юсуф ал-Карминий, Муҳаммад ибн Усом ибн Абу Аҳмад ал-Қатавоний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шошийлардан ривоят қилган. Аллома Шийракас кишлоғида 408/1018 йили февраль ойида вафот этган.

**УСМОН ИБН ЯХЁ АЛ-БУНЖИКАТИЙ**

Усмон ибн Яхё ибн Муҳаммад ал-Ҳажжож ал-Бунжикатий ас-Самарқандий Уструшана пойтахти Бунжикатда туғилиб, сўнг илм олиш мақсадида Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда муқим яшаб қолади. Аллома илм-маърифат йўлида жуда кўп Шарқ мамлакатларига боради. Хусусан, у 426/1035 йилда Масжидул ҳаромда жума куни кечкурун ҳадисларни шайх фақиҳ Абул Қосим Абдуorraҳмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорийдан ривоят қилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Агарда у 426/1035 йили Масжидул ҳаромда ҳадис ривоят қилгани ҳақидаги маълумотга асослансак, унинг вафот санаси 426/1035 йилдан кейин юз берганлиги равшанлашади.

**НУҲ ИБН ЖАНОҲ АЛ-МОЖАРМИЙ (ФОРИШ ТУМАНИ)**

Абу Абдуллоҳ Нуҳ ибн Жаноҳ ал-Можармий ҳадисларни Қутайба ибн Саид ал-Бағлоний, Абу Ало Исмоил ибн Абдуллоҳ ал-Бағлоний, Абд ибн Ҳамид ал-Касий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Шабавайҳ ал-Марвазий ва бошқалардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Аҳмад ибн Солиҳ ибн Ужайф, Абу Назар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳаким ал-Баззоз, Иброҳим ибн Ҳамдвайҳ ал-Иштихоний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Усом ал-Қатвоний ва бошқалар ривоят қилганлар.

**АҲМАД ИБН АММОР АШ-ШИЙРАКАСИЙ**

Абу Наср Аҳмад ибн Аммор ибн Исмаат ибн Маоз аш-Шийракасий кўплаб ҳадислар ривоят қилган муҳаддис. Алломадан ҳадисларни Абуляъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Али ибн Муҳтож ал-Кашоний, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Жамол, Абу Аҳмад Бакр ибн Муҳаммад ибн Ҳамадон ал-Марвазий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аш-Шофейй ва бошқалар ривоят қилган. Аллома 400/1010 йили март ойида ҳаётдан кўз юмган.

**АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АН-НАВҚАДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ружоъ ибн Фиросий ан-Навқадий кўплаб ҳадислар ривоят қилган. Аллома ҳадисларни аллома Абу Муслим ал-Кажий ва Абу Шуайб ал-Ҳаронийлардан ривоят қилган. У 400/1010 йили вафот этган.

**МУҲАММАД ИБН АБУ БАКР АЛ-ХОВОСИЙ**

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдурахмон ал-Ховосий Ховос шаҳарчасида таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат истаб, Самарқанд шаҳрига кўчиб боради ва шу ерда муқим яшайди. У ҳадисларни Абул-Ҳасан Али ибн Саид ал-Мутаҳҳарийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган.

**ЗУННУН АЛ-ХОВОСИЙ**

Зиннун ал-Ховосий. Ҳақида Нажмиддин Абу Ҳафс ан-Насафий шундай ёзади: «Зиннун ал-Ховосий 449/1057 йили 18 июль пайшанба куни Шайх Али ибн Аҳмад ас-Санкабосий имло қилган ҳадисни эшитиб олганлигини ривоят қилган». Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорга маълумот келтирилмаган. Агарда у ас-Санкабосийдан ҳадисни 449/1057 йилда эшитганлигидан хулоса қилсак, унинг вафот санасини 449/1057 йилдан кейин деб белгиласак бўлади.

**АЛИ ИБН МУҲАММАД АМР АЛ-ЁРКАСИЙ**

Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Амр ал-Муаддаб ал-Ёркасий Ёркас қишлоғида таваллуд топган. Кейинчалик илм истаб Самарқандга кўчиб боради ва шу ерда шайх Абул Қосим ал-Ҳақимга шоғирд бўлади. Аллома ҳадисларни Абу Саид Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ужайф ибн Аҳмад аш-Шумонийдан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Абу Бади Мансур ибн Муҳаммад ас-Самарқандий Самарқандда 413/1022 йили ўқиётган вақтида ёзиб олганлигини таъкидлаган. Уша даврда Самарқанддаги мадрасалар ҳадис дарсларининг алоҳида марказлари эди. Алломанинг «Шарҳ ал-мақомот» номли асари бор. Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Лекин ҳадисларни Абу Бади Мансур ибн Муҳаммад ас-Самарқандий алломадан 413/1022 йили ёзиб олганлигини ҳисобга олсак, унинг вафот санасини 413/1022 йилдан кейин деб белгиласак бўлади.

**БАКР ИБН АҲМАД АС-СОБОТИЙ  
(ҲОЗИРГИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ)**

Абул-Ҳасан Бакр ибн Аҳмад ас-Соботий ал-Уструшаний Уструшананинг Собот қишлоғида таваллуд топган. Баъзи бир манбаларда Абу Муҳаммад Бакр ибн Аҳмад ал-Уструшаний ас-Соботий, деб таъриф берилади. Аллома ҳадисларни Фағх ибн Убайдуллоҳ ас-Самарқандийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Абу Зарр Усмон ибн Муҳаммад ибн Мухаллид ат-Тамимий ал-Бағдодий ривоят қилган.

**АҲМАД ИБН АБДУЛЛОҲ АС-СОБОТИЙ  
(ҲОЗИРГИ ЯНГИОБОД ТУМАНИ)**

Абул-Аббос Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муфаззал ал-Ҳумайрий ас-Соботий Уструшананинг Собот қишлоғида таваллуд топган. Уни Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ҳам деб атар эдилар. Аллома ҳадисларни Али ибн Осим, Язид ибн Ҳорун, Муҳаммад ибн Каноса ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорийлардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Али ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Меҳрон ас-Саввоқ, Муҳаммад ибн Мухаллид ал-Аттор ва Язид ибн Ҳасан ал-Баззоғлар ривоят қилганлар.

### **ЗУЛ-ФАДЛ ҲАМЗА АС-СОБОТИЙ (ҲОЗИРГИ ЯНГИБОД ТУМАНИ)**

Зул-Фадл Ҳамза ас-Соботий Собот кишлоғида таваллуд топган. Зул-Фадл Ҳамза ас-Соботий илм-маърифат йулида Самарқандга бориб, у ерда муқим яшайди ва Амир Нунад маҳалласида мударрислик қилади. Аллома ўз замонасида кўзга кўринган факиҳлардан бири бўлиб, фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган. Аллома Жужония даҳасида шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Нажжордан 437/1045 йилда ҳадис эшитиб ёзиб олганлиги манбаларда таъкидланган. Шунингдек, аллома ҳадисларни Мусо ибн Ҳорис ибн Ужайф ал-Хуканийдан ҳам ривоят қилган. Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Агарда ан-Нажжордан 437/1045 йилда ҳадис эшитиб ёзиб олганлигидан хулоса қилсак, унинг вафот санасини 437/1045 йилдан кейин деб белгиласак бўлади.

### **ҲАМД ИБН ҲАМИД АЛ-ХУДИЙСАРИЙ (ҲОЗИРГИ ЖИЗЗАХ ТУМАНИ)**

Абул-Форис Ҳамд ибн Ҳамид ал-Худийсарий Уструшананинг Худийсар кишлоғида таваллуд топган. Баъзи бир манбаларда Абул Қосим Ҳамд ибн Ҳамид ал-Худийсарий ҳам деб ёзилган. Аллома ҳадисларни Абд ибн Ҳамид ал-Қашший, Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ас-Самарқандий ва бошқалардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни факиҳ Абу Яҳё Аҳмад ибн Яҳё ас-Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Саҳл аз-Зоҳид ас-Самарқандийлар ривоят қилганлар.

### **МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ АС-СУРҲАКАТИЙ**

Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Фоиш Сурҳакат кишлоғида таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат йулида Самарқандга кўчиб келиб, шу ерда муқим яшайди. У ўз замонасида ханафий мазҳабининг кўзга кўринган машҳур имомларидан бири эди. У «Мажд ал-аймма» ва «Мажд ад-дин» деган шарафли лақабларга эга бўлган. Аллома ал-Ҳосимий у билан бирга Бухорога борганлигини ўзининг «ал-Фатово» аса-

рида таъкидлаб ўтган. Абу Бакр ас-Сурхакатий 518/1124 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

### **АБДУССАЙИД ИБН АБДУССАЛОМ АЛ-ЁРКАСИЙ**

Абу Музаффар Абдуссайид ибн Абдуссалом ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Кандар ибн Абу Шужо ал-Ёркасий Ёркас қишлоғида таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат истаб Самарқандга, сўнг Қашғарга боради. У ерда Абу Али Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Банокасийдан ҳадислар ривоят қилади. Аллома 520/1126 йили Самарқандга қайтиб келиб, шу ерда муқим яшайди. У ўз бобоси Аҳмад ибн Кандар ҳақида шундай ҳикоя қилади: «Бобом ҳиндлар билан бўлган жангда ўн олти йил ва турклар билан бўлган жангда ўн етти йил бўлиб, сўнг умрларининг охирида биз билан етти йил бирга яшаганлар». Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Бироқ у Самарқандга 520/1126 йили қайтганини эътиборга олсак, унинг вафот санасини 520/1126 йилдан сўнг деб белгиласак бўлади.

### **АЛИ ИБН АБУ ТОЙИИБ АЛ-ЁРКАСИЙ**

Али ибн Абу Тоййиб ибн Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ари-Рихшаний ал-Ёркасий Уструшананинг Ёркас қишлоғида таваллуд топиб, кейинчалик илм талаби билан Самарқандга келади ва шу ерда муқим яшаб қолади. Аллома ҳадисларни Самарқандда шайх Абу Али Ҳусайн ибн Салмон ибн Муҳаммад ал-Балхий ва шайх Абдулазиз ибн Зайд аз-Зубайрий воситасида фақиҳ Абул-Лайс Наер ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Самарқандийдан ривоят қилган. Аллома 520/1126 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

### **АБДУЛМУЛК ИБН ҲУСАЙН АЛ-ЁРКАСИЙ**

Абу Муҳаммад Абдулмулк ибн Ҳусайн ибн Абу Аҳмад ал-Матуий ас-Саҳҳок ал-Ёркасий Уструшананинг Ёркас қишлоғида таваллуд топиб, кейинчалик Самарқанднинг Нуқад ал-айн маҳалласига кўчиб келиб, шу ерда муқим яшаган. Аллома ҳадисларни Тоҳир ибн Муҳаммад ан-Надарий ва Абу Бакр

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон воситасида Муҳаммад ибн Моҳондан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Абул-Фатҳ Муборак ибн Исмоил ат-Термизий ривоят қилган. Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган.

### **МУҲАММАД ИБН УСОМ АЛ-ҚАТАВОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Усом ибн Абу Ҳамадон ал-Қатавоний Уструшанининг Қатавон кишлоғида туғилиб, шу ерда 352/963 йили вафот этган. У ҳадисларни Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Абу Саад ал-Идрисий ривоят қилган.

### **МУҲАММАД ИБН ИБРОҲИМ АН-НАВҚАДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Навқадий **уз** замонасида етук муҳаддислардан бири бўлган. Алломадан ҳадисларни Абулаббос ал-Мустағфирий ва бошқа кўплаб алломалар ривоят қилганлар. У 425/1034 йили вафот этган.

### **АЗИЗ ИБН НАСР ИБН ЛАЙС АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Наср Азиз ибн Наср ибн Лайс ибн Абу Лайс ал-Уструшаний Бағдодга бориб, у ерда Али ибн Исмоил ал-Хўжандий ва Бикрон ибн Абдуррахмон ал-Бағдодийлардан ҳадислар ривоят қилган. Ундан Али ибн Умар ас-Саккарий ҳадислар ривоят қилган.

### **УМАР ИБН МУҲАММАД АЛ-ХУШУФАҒНИЙ**

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бажир ибн Хозим ибн Рошид ал-Бажийрий ал-Ҳамазоний ал-Хушуфағний – муҳаддис. Аллома ҳақида невараси фақиҳ Аҳмад ибн Абу Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Умар ал-Хушуфағнийнинг «Китоб ал-жомиъ ас-сахих» асарида таъкидлаб ўтган.

### **НАСР ИБН ОМИР АН-НАВҚАДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абул-Лайс Наср ибн Омир ибн Ҳафс ан-Навқадий кўплаб ҳадисларни ривоят қилган. Аллома ҳадисларни Абу-н-Назар Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Самарқандий воситасида Иброҳим ибн ас-Сиррийдан ривоят қилган. Аллома ҳақида факих Абулқосим ан-Наҳавий ал-Мустағфирий шундай хикоя қилади: «Аллома жуда кўп мавзуларда ҳадисларни Муҳаммад ибн Тамим ал-Фарёбий ва Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Жуйборийлардан ривоят қилар эди». Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган.

### **МУҲАММАД ИБН АЛИ АН-НАВҚАДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Ҳамидиддин Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ан-Навқадий ал-Фардий кўплаб ҳадислар ривоят қилган алломалардан бири. Алломадан ҳадисларни Нажмиддин Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад ал-Коҳуштувоний ривоят қилган. У ҳақида дўсти аллома Сирожиддин Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдурашид ас-Сижовандий ўзининг «ал-Фароиз» («Мерос») номли фикҳий асарининг муқаддимасида эслаб ўтган. Лекин мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган.

### **АБДУЛҲАМИД ИБН УМАР АЛ-УСМАНДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тоҳир ал-Усмандийнинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина ёзиб қўйилган бўлиб, унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, ҳаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **АҲМАД ИБН МУҲАММАД АШ-ШИЙРАКАСИЙ**

Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Саид ибн Иброҳим ибн Юсуф аш-Шийракасий кўплаб ҳадислар ривоят қилган муҳаддис. Алломадан ҳадисларни унинг невараси қози, имом Абу Наср Аҳмад ибн Тоҳир ривоят қилган. Аммо мав-



жуд манбада бирор мансаб эгаси бўлгани ёки ўз даврида унинг мавқеи қандайлиги, ҳаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта ҳам маълумот келтирилмаган.

### **АБУ СОЛИҲ АЛ-МОЖАРМИЙ (ФОРИШ ТУМАНИ)**

Абу Солиҳ Шуайб ибн Абдуллоҳ ал-Можармий ҳадисларни аллома Али ибн Исҳоқдан, ундан Зоҳир ибн Абдуллоҳ ас-Сугдийлар ривоят қилганлар. Унинг Абу Шуайб Солиҳ ибн Шуайб ибн Абдуллоҳ ал-Можармий номли бир муҳаддис ўғли бўлиб, у ҳар доим ҳадисларни отасидан, ундан фақиҳ Бакр ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Зоҳир ал-Муғконийлар ривоят қилар эдилар. Аммо мавжуд манбаларда аллома ва ўғлининг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган.

### **УСТРУШАНА ФАҚИҲЛАРИ**

Исломшунос олим Аширбек Муминов «Мовароуннаҳр му-сулмонлари: ҳанафийлар» номли илмий мақолада таъкидлашча, ўша даврда (IX-X асрлар) «...Мовароуннаҳрда кечаётган жараён ҳали маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақа ислом марказларида Хуросоннинг бир қисми ҳисобланарди. Фақиҳ гуруҳлари Сомонийлар (261/875-389/999) амалдорлари зўравонликларидан аҳоли турли табақаларининг ягона ҳимоячиси сифатида чиққанликлари натижасида уларнинг ижтимоий обрўси ва таъсир доираси кенгая борди». Мақола муаллифи ёзишича, ўша даврда фикҳ илми турли жиҳатдан, масалан, яратилган асарларнинг озлиги нуктаи назаридан ҳам шаклланиш ва кучга тулиш даврини бошдан кечирмоқда эди.

Давлат ҳокимияти Қорахонийларга (389/999-608/1212) ўтгандан кейин Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожини ва такомилни учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Ушбу омиллардан бири, А.Муминов таъкидлаганидек, шундан иборат эдики, Қорахонийлар давлати қарор топиши натижасида «Мовароуннаҳрнинг Хуросон билан алоқалари заифлашиб, оёққа турган маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига асос яратилди. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир до-

ирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикх нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илм марказларига айлантирилди. Бу шаҳарларда Насаф, Марв, Фарғона, Уструшана фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар».

Ўрта Осиёда фикхнинг ривожини учун иккинчи омил Қорахоний хукмдорларнинг фикх – ислом ҳуқуқи ва қонунларига кизиқиши ва ҳуқуқий нормаларнинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши эди.

Манбаларда таъкидланишича, Қорахонийлар давлати хукмдорлари, айниқса, Иброҳим Махмуд Тамғочхон диёнатли киши бўлиб, фақиҳлар фатвосини олмагунча ҳеч бир жиноятчини жазоламас, молу мулкани мусодара қилмас эди. У Бағдод халифаси билан яхши ва дўстона муносабатда бўлиб, унга Имомуд-давла, Тоҷул-милла, Каҳфул-муслимин, Маликул-машриқи вас-Син Тамғоч Буғрохон (давлат имоми, миллат тожи, мусулмонлар паноҳи, Шарқу Хитой хокони) каби унвонлар берилган эди.

Давлат ва аҳоли ҳимояси остида маҳаллий диний мактаблар аста-секин ўсиб, ривожланиб, катта илмий мадрасалар даражасига кўтарилган. Сони кун сайин ошиб бораётган мадрасаларнинг катта харажатлари вақф мулкларидан тушган даромадлар билан қопланган. Давлат арбоблари, хайр-эхсон эгалари саройлар, дўконлар ва ҳаммомлар қуриб, уларни ва баъзан ўз ерларини мадрасаларга вақф қилардилар. Мударрислар, мутаваллилар ва толиби илмларнинг маошлари ушбу мулклардан келадиган даромаддан туланарди. Ўша даврдан қолган Бухоро Жомий масжиди, Минораи қалон ва бошқа бир қатор меъморий обидалар айтиб ўтилган ривожланишнинг моддий гувоҳлари ҳисобланади.

Афғонистонлик машхур муаррих Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор «Афғонистон тарихи ўзанида» номли китобида берган маълумотларга кўра, ўша даврда фақиҳлар нафақат давлат ишларига қатнашар, балки баъзан элчилик вазифасини ҳам бажарар ва муҳим ишларда улардан маслаҳат олинарди, суд ишлари бутунлай уларга топширилган бўлиб, шахзодалар тарбияси билан ҳам шуғулланардилар. Мир Ғулом Муҳаммад Ғуборнинг фикри тўғрилигини тасдиқлаб айтиш мумкинки, Қорахонийлар давридан тортиб Темурийлар давригача суд вазифалари машхур фақиҳларга топширилган бўлиб, ундан ташқари, Бурҳониддин Марғиноний авлодлари шайхул-исломлик вазифасини ҳам ҳатто

меросий шаклда бажариб келганлар. Улар баъзан сиёсий ихтилофларни ҳал қилиш бўйича ҳам фаолият олиб бориб, Мирзо Улуғбек ва Мирзо Бобур ҳомийлари сифатида садоқат билан хизмат қилганлар.

Муғуллар давридан кейин Амир Темуր (736/1336-807/1405) даврида исломга давлат дини мақомининг қайтарилиши янги уламолар табақаларининг шаклланишига олиб келди. Абулфазл Қазвиний эслатиб ўтишича, XII асрларда Хуросон шаҳарларидан тортиб Ўзганд, Самарқанд, Мовароуннахр ва Туркистоннинг барча ҳудудларида аксарият аҳоли ханафий мазҳабида бўлган.

Уструшана минтақасидан 33 фақиҳ етишиб чикканлиги аниқланган.

### **АҲМАД ИБН ҲУСАЙН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Саид Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Уструшаний ал-Бардаий Уструшанада таваллуд топган. Абу Бакр Хатиб ал-Бағдодий ўзининг «Тариху Бағдод ав мадинат ас-салом» асарида шундай хикоя қилади: «Шайх имом Абу Саид Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Уструшаний ал-Бардаий машҳур фақиҳдир. Аллома ўз замонда қароматийларга қарши кескин фикрлар билдиргани учун қароматийлар томонидан 317/929 йилда муқаддас ҳаж сафарига кетаётганда йўлда қатл этилган».

### **АБУ ЖАЪФАР АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр аш-Шаъбий Уструшанада таваллуд топиб, Самарқандда яшаган. У Бухоро ханафий фақиҳларининг устози Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл ал-Каморий ал-Бухорий (ваф. 381/991 й.)дан фикҳ илмини ўрганган. Ал-Каморий бухоролик илоҳиётчиларга қарши чиқиб, Самарқанд илоҳиёт олимларининг «Имон – яратилган», деган фикри тарафдори бўлган. Абу Жаъфар ал-Уструшаний Самарқандда қозилик қилган. Шунингдек, унинг ироқлик машҳур олим Абу Бакр ал-Жассос ар-Розий (ваф. 370/980 й.)дан ҳам фикҳ илмидан таҳсил олгани манбаларда қайд этилган. Абу Жаъфар ал-Уструшаний 404/1013 йили вафот этган.

Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг «Ал-жомийъ ал-кабир», «аз-

Зиёdot» ва «Кифоят аш-Шаъбий» каби фикхий асарлари маълум. Унинг «Аз-зиёdot» асари бугунгача етиб келмаган, фақат ундан иктибослар мавжуд. Алломанинг «Кифоят аш-Шаъбий» асарининг учта кўлёмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Абу Жаъфар ал-Уструшаний Мовароуннаҳрда ҳадис илми ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшган. Абу Зайд ад-Дабусий «ал-Асрор» асарида тўртта ҳадисни ал-Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий (290/902-378/988)дан Абу Жаъфар ал-Уструшаний воситасида ривоят қилган.

Машҳур ханафий факихларидан бири Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. 431/1039) Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг шогирдидир. Абу Зайд ад-Дабусийнинг «Таквим ал-адилла», «Таъсис ан-назар», «Ал-асрор», «Ал-амад ал-аксо» ва бошқа фикхий асарлари бор.

### **МУҲАММАД ИБН ҲАСАН ИБН МУҲСИН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳсин Уструшанада 342/953 йилда таваллуд топган. Аллома фикх илмидан таҳсил олиш мақсадида 366/976 йили 23 ёшида Бағдодга бориб, у ерда шайх ас-Саймарий ва козилар қозиси Абу Абдуллоҳ ад-Домиғонийларга шогирд тушади. Аллома таҳсил олиб бўлганидан сўнг Байтул Мақдасга бориб, у ерда муқим яшаб қолади. Умрининг охирида яна Бағдодга қайтиб келиб, шу ерда 407/1016 йили вафот этади. Унинг ўғли Ироқнинг Мусал шаҳри юқорисида жойлашган Ибн Умар оролидаги қурдларнинг мустаҳкам кичкина Фанак номли қалъасида кози бўлган.

### **МУҲАММАД ИБН АЛИ ИБН ИСМОИЛ АД-ДИЗАКИЙ**

Абу Маҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ибн Мансур ибн Яҳё ад-Дизакий Уструшананинг Дизак шаҳрида 489/1096 йили таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат излаб Самарқандга кўчиб келади ва шу ерда муқим яшаб қолади. У илмий салоҳияти билан ўз замонасида «Ҳажжож ал-Каробисий» номи билан машҳур бўлган. Унинг нигъасини ад-Дизакий деб ҳам айтишган. У Самарқанддаги Минор масжидида фаолият кўрсатган.

### **МУҲАММАД ИБН НАИМ АЛ-ГУБДИНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абулҳасан Муҳаммад ибн Наим ибн Исҳоқ ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳотим ибн Шаддод ибн Саид ал-Ғубдиний ханафий мазҳаби фақиҳларидан бири. Унинг Наим ва Аъло исмли икки фақиҳ ўғли бўлган. Аллома 381/991 йили март ойида вафот этган.

### **МУҲАММАД ИБН АБДУЛҲАМИД АЛ-УСМАНДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Хусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ал-Усмандий ўз замонасида Алауллоам ал-Усмандий номи билан машҳур бўлган ханафий мазҳаби фақиҳларидан бири. У илм талаби билан жуда кўплаб Шарк мамлакатларида бўлган. У фикҳ, ҳадис ва тафсири илмларини пухта эгаллаб, бир неча жилддан иборат фикҳий асар ёзган. Аммо бу асари бизгача етиб келмаган. Аллома (408/1017) Усматда туғилиб, (502/1109) шу ерда вафот этган.

### **АБУ АҲМАД ЗОҲИД АЛ-ХОВОСИЙ (ХОВОС ТУМАНИ)**

Абу Аҳмад Зоҳид ал-Ховосий ҳақида Абу Саъд ас-Самъоний шундай ҳикоя қилади: «Мен Самарқандда бўлган вақтимда бир фақиҳ бўлиб, уни аз-Зоҳид ал-Ховосий деб атар эдилар. У амри-маъруф, наҳйи мункар қилар ва одамларга ўрнатқуч бўладиган солиҳ амаллар қилар эди. У Самарқанддан етти фарсах масофада жойлашган Уструшананинг Қатавон қишлоғида работ қурдирган».

Баъзи бир манбаларда Мусо аз-Зоҳид ас-Самарқандий ал-Хоквасий ҳам деб ёзилган. Аллома ҳақида Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ас-Самарқандий шундай ҳикоя қилади: «Уни асли бухоролик дейишар эди. У урушдан қайтаётган вақтида Уструшана минтақасининг Ховос шаҳарчасида вафот этган. Абу Саад ал-Идрисий унинг қабрини Бурнамад қишлоғида деб таъкидлаган». Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Агарда Абу Саъд ас-Самъоний (507/1113-562/1167) уни Самарқандга борган вақтида қўрганлигини ҳисобга олсак, Абу Аҳмад Зоҳид ал-Ховосий 562/1167 йилдан кейин вафот этган, деб хулоса қилишимиз мумкин.

**ИСМОИЛ ИБН АБДУРРАҲМОН АС-САНЖАФИНИЙ**

Абу Али Исмоил ибн Абдурраҳмон ас-Санжафиний Уструшананинг Самарқанд яқинидаги Санжафин қишлоғида таваллуд топган. Баъзи бир манбаларда унга Исмоил ибн Абу Абдурраҳмон деб мурожаат қилинган. Кейинчалик илм истаб Самарқанд шаҳрига келади ва шу ерда фикҳ илмини чуқур ўрганadi. Манбаларда унга Самарқанд фақиҳларидан бири деб таъриф берилади. У кўплаб ҳадислар ҳам ривоят қилган. Аллома ҳадисларни Абу Иброҳим ибн Исмоил ал-Боб, Абу Яъқуб ал-Абор, Саид ибн Хушном, Абу Бакр ал-Журжоний ва бошқалардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳошим ад-Дихний, Муҳаммад ибн Осим ал-Қатавоний ва Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандийлар ривоят қилган. Мавжуд манбаларда алломанинг таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган.

**ЮСУФ ИБН АЛИ АН-НУЖОНИКАСИЙ**

Абу Муҳаммад Юсуф ибн Али ибн Аббос ибн Абу Бакр ибн Солиҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Солим ан-Нужоникасий ал-Уструшаний. Ибн Асир «Ал-лубоб» асарида ёзишича, аллома Уструшананинг Нужоникас қишлоғида таваллуд топган. Кейинчалик Самарқанд шаҳрига кўчиб ўтиб, шу ерда муқим яшаган. Самарқанддаги ал-Атторин масжидида мударрислик қилган. Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан ва ишончли муҳаддислардан бири эди. Унинг Абу Бакр Муҳаммад ибн Юсуф исмли етук фақиҳ ва муҳаддис ўғли бўлган. Аллома ҳадислар ҳам ривоят қилган. У ҳадисларни Абу Аммора ибн Аҳмад ал-Муфасссирдан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни машҳур муфасссир Абу Ҳафс Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. Абу Муҳаммад Юсуф ибн Али ан-Нужоникасий (527/1133) Самарқанд шаҳрида вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн этилган.

**МУҲАММАД ИБН ҲАСАН АЛ-ЁРКАСИЙ**

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Жаъфар ибн Али ибн Аҳмад ал-Ёркасий Уструшананинг Ёркас кишлоғида 447/1055 йили таваллуд топган. Кейинчалик илм-маърифат истаб Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда муқим яшайди. Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий аллома ҳақида шундай дейди: «Дустимиз Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ёркасийнинг отаси Самарқандда яшаб, қози имом Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хаффофнинг қўлида фикҳ илмидан таълим олган». Аллома кўплаб ҳадислар ҳам ривоят қилган. У ҳадисларни Абу Бакр ибн Ҳамза ал-Мадиний воситасида қози Абу Али Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Фақоийдан эшитиб ёзиб олган. Аллома 520/1126 йили вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

**АБУ МУҲАММАД ИБН МУҲАММАД АЛ-ҚАТАВОНИЙ  
(ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ БИЛАН БУЛУНҒУР ТУМАНИ  
ОРАЛИҒИДА)**

Абу Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Айюб ал-Қатавоний Уструшананинг Қатавон кишлоғида таваллуд топган. Аллома фикҳ илмидан ташқари ҳадис ва тафсир илмларини ҳам чуқур эгаллаган. Ҳадисларни замонасида дин ифтихори саналган Абу Ҳошим Абдумутталиб ибн Фадл ибн Абдумутталиб ал-Ҳошимий ал-Ҳалабийдан ривоят қилган. Аллома 507/1113 йили вафот этган.

**ҲАСАН ИБН АЛИ АЛ-ҚАТАВОНИЙ**

Абу Али Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ал-Қатавоний (ваф. 522/1128 й.). Аллома Куръони каримни тулиқ ёдлаган, ўз замонасида фатво бериш даражасига етган муфтий ва етук фақиҳлардан бири бўлган. Унинг муҳаддис ва фақиҳ бўлиб шаклланишида оилавий муҳитнинг аҳамияти катта бўлган. Зеро, унинг илк устози ҳам ўз отаси фақиҳ Али ибн Муҳаммад ал-Қатавоний (ваф. 484/1091 й.) эди. Аллома ҳадисларни отасидан ва Абул Қосим Ҳамза ибн Муҳаммаддан ривоят қилган.

### **УСМОН ИБН УМАР АЛ-ҚАТАВОНИЙ**

Абу Умар Усмон ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Али ибн Амр ал-Қатавоний ас-Самарқандий Уструшананинг Қатавон қишлоғида туғилиб, шу ерда дастлабки илмларни олади. Кейинчалик илм-маърифат талаби билан Самарқандга келади ва шу ерда муқим яшай бошлайди. Аллома ўз замонасида жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилган. У ҳадисларни Абул-Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. У 514/1120 йилда Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

### **АБДУЛҲАМИД ИБН УМАР АЛ-ҚАТАВОНИЙ**

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Али ибн Амр ал-Қатавоний Уструшананинг Қатавон қишлоғида туғилиб, шу ерда дастлабки илмларни олади. Кейинчалик илм-маърифат талаби билан Самарқандга келади ва шу ерда муқим яшаб қолади. Аллома ўз замонасида Нусайриддин деган шарафли номга сазовор бўлган. У она томондан бобоси муфтий Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қатавоний ва Али ибн Аҳмад ал-Ҳазоий воситасида Ҳайсам ибн Кулайбдан ҳадислар ривоят қилган. Аллома 523/1129 йилда Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

### **АҲМАД ИБН АБУ ҲАСАН АЛ-ХУШУФАҒНИЙ**

Абул-Аббос Аҳмад ибн Абу Ҳасан Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Хушуфағний Уструшананинг Хушуфағн қишлоғида таваллуд топиб, дастлабки илмларни шу ерда олган. Кейинчалик илм талаби билан Мовароуннахрнинг илм марказлари – Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида кўп йиллар муқим яшаб, илмий фаолият олиб борган. Унинг «Китоб ал-Жомий ас-саҳиҳ» ва «Китоб ас-сафина» номли фикҳий асарлари мавжуд. У ўзининг «Китоб ал-Жомий ас-саҳиҳ» асарида бобоси муҳаддис Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Бажир ибн Хозим ал-Ҳамадоний ал-Хушуфағний ўз даврида йигирма минг ҳадис ёдлаган ҳофиз номи ила улуғланган. Аллома Хушуфағнга келиб, 373/983 йилда вафот этган.



### **БАКР ИБН АБДУЛЛОҲ АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абдурраҳим ал-Харқоний. Нажмиддин Абу Ҳафс ан-Насафий уструшаналик бу муҳаддис хақида ўзининг «Ал-қанд фи зикр уламои Самарқанд» асарида шундай хикоя қилади: «Мен бир марта Бакр ибн Абдуллоҳ билан намоз ўқиб, ундан кўплаб ҳадислар эшитганман. Унинг тўлик исми – Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абдурраҳим ал-Харқонийдир. У 525/1131 йилда вафот этган».

### **ҲУСАЙН ИБН АБУ ШАҲОБ АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Хусайн ибн Абу Шаҳоб ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Хусайн ибн Қосим ибн Ҳамза ибн Ҳасан ибн Али ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Убайдуллоҳ ибн Аббос ибн Али ибн Абу Толиб ал-Алавий ал-Харқоний Уструшананинг Харқона қишлоғида 446/1054 йили таваллуд топган. У асли халифа Али ибн Абу Толиб авлодларидандир. У дастлабки илмларни ўз қишлоғи Харқонада олиб, кейинчалик илм-маърифат талаби билан Самарқандга боради ва шу ерда муқим яшаб қолади. Унинг амакиси машҳур ханафий фақиҳларидан бири, замонасида имомлар саййиди номига мушарраф бўлган Абу Шужо Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Хусайн эди. Аллома ҳадисларни Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Заҳрийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. Аллома 76 ёшида 524/1130 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

### **ҲУСАЙН ИБН ЮСУФ АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абу Али Хусайн ибн Юсуф ибн Абу Яъқуб ал-Харқоний 435/1043 йилда Уструшананинг Харқона қишлоғида таваллуд топган. У фикҳ ва ҳадис илмларидан дастлаб ўз қишлоғи Харқонада таълим олиб, кейинчалик илм талаби билан Самарқандга келиб муқим яшаб, шу ердаги бир масжидда имом-хатиб бўлиб ишлайди. Айни вақтда Самарқанддаги аҳолиси зич бўлган Амур деб номланган йўл бошидаги бир мадрасада фикҳ ва ҳадис илм-

ларидан сабоқ беради. Аллома ҳадисларни Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Заҳрий ал-Харқонийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. Аллома Самарқанд шаҳрида 505/1111 йили 27 сентябрь шанба куни вафот этади ва Чокардиза қабристониға дафн этилади.

### **МУҲАММАД ИБН ЖИБРИЛ АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жибрил ибн Яҳё ибн Жибрил ибн Солих ибн Юсуф ал-Харқоний 452/1060 йили Харқона қишлоғида таваллуд топган. У дастлабки илмни ўз қишлоғида олиб, кейинчалик илм талаби билан Самарқандга келиб муқим яшаган. Аллома ҳадисларни Абул Қосим Маҳмуд ибн Аҳмад аз-Заҳрий ал-Харқонийдан ривоят қилган. Ундан ҳадисларни Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ривоят қилган. Аллома 522/1128 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган ва Чокардиза қабристониға дафн этилган.

### **МАСЪУД ИБН МАҲМУД АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абу Муҳаммад Масъуд ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Харқоний ҳанафий мазҳаби уламоларидан бири бўлиб, отасидан сўнг Харқонада бош имом-хатиб бўлиб ишлаган. Аҳмадхон замонида бош қози Аҳмад ибн Сулаймон Абу Муҳаммад Масъуд ибн Маҳмудга Харқонадаги қозихонада ўзига ноиб бўлишни таклиф этади. Аллома қози ноиби бўлишдан бош тортиб, Қошғарга қочиб кетади ва ўша ерда вафот этади.

### **АҲМАД ИБН ҲУСАЙН АЛ-ХАРҚОНИЙ (ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ)**

Абул-Фатҳ Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Абдуррахмон ибн Абдурраззоқ аш-Шоший ал-Харқоний ал-Форобий 469/1076 йили Уструшананинг Харқона қишлоғида таваллуд топган. Алломанинг отаси Ҳусайн ибн Абдуррахмон асли Шош воҳасидан бўлиб, Харқонага кўчиб борган ва шу ерда

муқим яшаб қолган. Аллома илм-маърифат талаби билан Самарқандга бориб, илмини давом эттиради ва шаҳарнинг тоғлик ноҳияларидан бирида жойлашган Фороб қишлоғида муқим яшай бошлайди. Абу Саъд ас-Самъоний Самарқандда бўлган пайтида унинг ижозати билан шахсий кутубхонасидаги Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Алавий ал-Бағдодийнинг асарларидан мутолаа қилган экан. Аллома 505/1111 йили Фороб қишлоғида вафот этган.

### **МУҲАММАД ИБН МАНСУР АН-НАВҚАДИЙ (БАХМАЛ ТУМАНИ)**

Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Мансур ибн Мужлис ибн Исмоил ан-Навқадий факих ва муҳаддис. Фикҳ илмидан сабоқни Абулоср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Баздавийдан олган. Шунингдек, унинг шогирди аллома Абу Ёқуб Юсуф ибн Мансур ибн Иброҳим ас-Сайёрий ҳисобланади. Самарқандда муфтий ва мударрис бўлган. Аллома 535/1141 йили апрель ойида вафот этди.

### **ҲУСАЙН ИБН АҲМАД АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Маждуддин Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний – факих. Манбалар унинг ўқимишли ва зиёли оилада тарбия топганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Аллома XII асрда Уструшанада яшаб, фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Унинг Маҳмуд ва Аҳмад исмли икки факих ўғли ва муғуллар истилосининг дастлабки йилларида Самарқандда муфтий бўлган Муҳаммад исмли факих невараси бўлган.

### **АҲМАД ИБН ҲУСАЙН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Бурҳониддин Аҳмад ибн Мажиддин Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний – факих. Соҳибул-фусул Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг амакиси. Унинг «Китоб ал-фатово» номли фикҳий асари бор. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний ўзининг «Ал-асъила вал-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар») асарида амакиси Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшанийнинг «Китоб ал-фатово» асаридан фойдалангани ҳақида ёзган.

**МАҲМУД ИБН АЛ-ҲУСАЙН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний ўз даврида «Жалол ад-дин» (Дин улуғлиги) деган шарафли унвонга эга бўлган ханафий мазҳаби факихларидан бири. Мавжуд манбаларда алломанинг номи «Сохибул-фусул»нинг отаси ёки Бурхониддин ал-Марғинонийнинг шогирди сифатида зикр этилиши, боз устига, унинг шаънига қисқача мадҳ битиш қонуниятга айлангани унинг илм аҳли орасида катта обрӯ-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлганидан дарак беради. Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшанийнинг «Ал-фавоъид» номли фикхий асари маълум.

Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшаний ҳақидаги муҳим маълумотни Ҳожи Халифа ўзининг «Кашфуз зунун» асарида шундай келтиради: «Шайх имом ал-ажал ал-мутаккий Жалолул милла вад-дин Маҳмуд Носириддин Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий (ваф. 556/1161 й.)нинг «Мултакот фил-фатово» асарини 603/1207 йилда Уструшанада тажнис қилиб (яъни тартибга солиб, қисмга ажратмоқ), 615/1219 йилда Самарқандда имло қилган». Бу маълумотлардан қуриниб турибдики, ал-Уструшанийлар оиласи 603/1207-615/1219 йиллар орасида Уструшанадан Самарқандга кўчиб ўтган. Шунингдек, алломанинг ўғли Муҳаммад ибн Маҳмуд «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарининг хотимасида отаси ва бобоси ҳақида шундай ёзади: «Отам Шайхул имом ал-муттакий Жалолул-милла вад-дин муфтиул умма Маҳмуд ибн шайхул имом ал-ажал ал-кабир мажидул-милла вад дин ал-Ҳусайн ибн Аҳмад, отамни умрини узок қилсин ва отасини раҳмат қилсин... ва китобни 625/1228 йилининг 28 июль куни кечаси тугатдим». Юқоридаги маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкин, ал-Уструшанийнинг бобоси Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний 625/1228 йилдан олдин вафот этган ва отаси Маҳмуд эса 625/1228 йилда ҳаёт бўлган. Юқоридаги маълумотларга таяниб, Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшанийнинг вафот санасини 625/1228 йилдан кейин деб белгиласак бўлади.

**БАДРИДДИН АШ-ШИБЛИЙ**

Бадриддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аш-Шиблий 769/1367 йили вафот этган ҳанафий фақиҳларидан бири. Унинг «Маҳосин ал-васоил фи илмил-авоил» асари бор.

**БУЮК ФАҚИҲ МАЖДУДДИН АЛ-УСТРУШАНИЙ**

Мовароуннаҳрлик. фақиҳлар ислом оламининг бошқа минтақаларида ҳам эътироф этилган бўлиб, улар томонидан таълиф этилган фикхий асарлар ҳозирги кунда ислом оламининг нуфузли илм даргоҳларида ҳуқуқшунослик бўйича асосий қўлланма вазифасини ўтамоқда. Бу эса ўз навбатида Мовароуннаҳр фикҳ илмининг юзага келиши, ривожланиш босқичлари, йўналишлари, ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини ўрганишга жиддий ёндашув лозимлигини кўрсатади.

Юртимизда фикҳ илми ривожланган марказларни минтакавий жиҳатдан тадқиқ этиш ўзига хос бир йўналиш бўлса, йирик фақиҳлар ҳаёти ва илмий меросларини махсус ўрганиш яна бир бошқа сермахсул ёндашув ҳисобланади. Мовароуннаҳрлик йирик фақиҳлардан бири Маждуддин ал-Уструшаний нинг (577-637/1180-1240 йилдан кейин) ҳаёти, ижоди ва аллома яшган даврни илмий ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Минтақанинг нуфузли марказларидан бири бўлган Самарқанддаги мазкур илм ривожини ёритишда асосан унинг кўзга кўринган вакили Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳаёти ва ижодига эътибор қаратилади. Унинг шогирди Маждуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний фаолияти ва илмий мероси ҳам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмади. Бир қатор олимлар фақиҳнинг таржимаи ҳолини тарихий-биографик асарлар маълумотларига таянган ҳолда бир оз ўрганганлар. Аммо Маждуддин ал-Уструшанийнинг ўз асарларида берилган қимматли автобиографик маълумотлар эса тадқиқотчилар диққат-эътиборидан четда қолди.

Алломанинг кўп сонли асарларидан биргина «Жомий аҳком ас-сиғор» чоп этилган бўлса-да, у ҳозиргача етарлича тадқиқ қилинмаган. Шунинг ҳам айтиш лозимки, ушбу нашрларни амалга оширишда маълум текстологик хато ва камчиликларга йўл

қўйилган. Бир гуруҳ саудиялик тадқиқотчилар алломанинг «Китоб ал-фусул» асаридан муайян булакларни илмий жиҳатдан чегараланган, фақат замонавий шариат илмлари доирасида таҳлил этиб, тадқиқот олиб бордилар. Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихига бағишланган умумий хусусиятдаги тадқиқотларда Маждуддин ал-Уструшаний ҳаёти ва баъзи асарларигина зикр этиб ўтилади. Аммо юқорида кўрсатилган ишларда Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний ҳаёти, илмий мероси ва алломанинг Мовароуннаҳр маданияти тарихида тутган ўрни масалалари комплекс равишда махсус тадқиқ этилмаган.

Алломанинг тўлиқ номи Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Хусайн ибн Аҳмад Маждуддин ал-Уструшаний бўлиб, у XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Олим Уструшанада туғилиб, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда ижодий фаолият олиб боради. Маждуддин ал-Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фикҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига туғри келади. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг илмий меросини ўрганиш орқали мўғуллар истилосидан кейинги дастлабки йиллар жамиятда фақиҳларнинг ўрнини белгилашга тааллуқли масалаларга ойдинлик киритишга имкон яратилади.

Тадқиқотчи А.Мўминов ўзининг номзодлик диссертациясида Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг илмий меросига қисқача тўхталиб ўтган. Ўзбекистонлик тадқиқотчи олимлардан М.Комилов, О.Қориев, А.Ш.Жузжоний, Н.Ж.Юсупова кабилар ўз тадқиқотларида Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг отаси ҳақида қисқа маълумот берганлар.

Европалик шарқшунослар томонидан Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотлар амалга оширилмаган. Фақат биргина Карл Броккельман (Германия) Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг илмий мероси ҳақида умумий тарздаги мухтасар маълумотларни келтириш билан кифояланган, холос.

Куриниб турибдики, Маждуддин ал-Уструшаний ҳаёти ва мероси ҳақидаги маълумот етарли эмас. Аммо тадқиқот жараёнида олимнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалардан бирида унинг замона илмий жамоатчилиги эътиборидан четда қолиб келаётган «Ал-асъила вал-ажвиба» («Саволлар ва жавоблар») асари мавжудлиги аниқланди. Бу асар ханузгача ҳеч бир табақот жанрига оид асарларда қайд этилмаган. Асар бизга аллома ҳаёти ҳақида тамомила янги маълумотларни берди. Натижада, аллома ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазалар бир томондан ойдинлашса, иккинчи томондан, янада чигаллашди. Гап шундаки, мавжуд манба ва тадқиқотларда Маждуддин ал-Уструшаний 632/1234-35 йилда вафот этган, деб қайд этилиб, туғилган йили эса зикр этилмаган эди. Аммо олимнинг ўзи «Ал-асъила вал-ажвиба» асарининг хотима қисмида шундай ёзган: «...Лекин кунлар 60 ёшли оқсоқ кампир сингари ўз ёпинчигига ўралиб, мендан юз ўгириб кетди. ...Китобни тамомлаш тонги ҳижрий 637 сананинг зул-қаъда ойининг олтинчи куни пешиндан олдинроқ ёришди».

Агарда олим ушбу асарини 637/1240 йил 28 майда 60 ёшида тугатган бўлса, демак, унинг туғилган санасини 577/1180 йил атрофида деб фараз қилиш мумкин. Яъни асар ёзиб тугатилган санадан 60 ёшни чегириб ташланса, олимнинг туғилган йили ойдинлашади. Биз юқоридаги маълумотларга таяниб, Маждуддин ал-Уструшаний тахминан 637/1240 йилдан сўнг вафот этган дейишимиз мумкин.

Аллома ўзининг ёшлик йиллари ҳақида шундай дейди: «Ўзимни мураккаб масалаларни мутолаа қилишга ва дақиқ (нозик) далилларни мушоҳада этишга ўргатиб, тасниф этилган ажойиб китоблардан баҳраманд бўлишга ва аҳком соҳасида таълиф этилган ҳалол ва ҳаром нималиги баён қилинган асарлардан тўғри йўл излаб топишга ҳимматимни жалб қилдим».

Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн Маждуддин ал-Уструшанийнинг илмий-маънавий меросини «Китоб ал-фусул», «Жомий аҳком ас-сиғор», «Ал-фатово», «Ал-қуруд вад-дуон» ва «Ал-асъила вал-ажвиба» каби асарлари ташкил этади.

Аллома XII асрда Уструшанада яшаб, фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Отаси Маҳмуд ўз замонасида «Жалолуддин» («Дин улуглиги») деган шарафли унвонга сазовор бўлади. Амакиси Бурҳонуддин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний ҳам фақиҳ бўлиб, «Китоб ал-фатово» номли фикҳий асар таълиф этган. Аллома ўзининг амакиси ҳақида «Китоб ал-фусул» ва «Ал-асъила вал-ажвиба» асарларида маълумотлар келтиради. Муаллиф ўз асарларида амакисининг фикрларидан кенг фойдаланган.

Онасининг бобоси «Шамс ал-аимма» («Имомлар куёши») шарафли унвонга ва тоғаси Муҳаммад ибн Аҳмад эса «Шамсуддин» («Дин куёши») лақабига эга бўлганлари ҳақидаги маълумотлар манбалар асосида аникланди. Шунингдек, Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг ўзи муфтий бўлган ва ўз замонасининг мужтаҳид олимларидан ҳисобланган.

Олимнинг илк устози – ўз отаси фақиҳ Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний бўлган. Мавжуд манбаларда унинг исми «Соҳиб ал-фусул»нинг отаси ёки Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг шогирди сифатида зикр этилиши, унинг шаънига қисқача мадҳ битиш талабга айлангани унинг илм аҳли орасида катта обрӯ-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлганидан дарак беради. Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшанийнинг «Ал-фавоид» номли фикҳий асар ёзганлиги маълум.

Тадқиқотчи Одил Қориев «Ал-Марғиноний – машҳур фикҳшунос» рисоласида алломага қуйидагича таъриф беради: «Жалолуддин Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшаний Фарғона вилоятида таваллуд топган. Фикҳ илмида Бурҳонуддин ал-Марғинонийдан таълим олган. Кейинчалик ўзи ҳам Шайхулислом, Жалолуддин ва Бурҳонуддин каби шарафли номларга эга бўлган». Туғри, Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшаний фикҳ илмида Бурҳонуддин ал-Марғинонийдан таълим олган. Маҳмуд ибн ал-Ҳусайн ал-Уструшаний ҳақида аниқ маълумотни унинг ўғли қаламига мансуб «Жомъ аҳком ас-сиғор» асарининг хотимасидан олиш мумкин: «Отам Шайх ал-имом ал-муттакий Жалол ал-милла вад-дин муфтий ал-умма Маҳмуд ибн шайх ал-имом ал-ажал ал-кабир мажид ал-милла вад-дин ал-Ҳусайн ибн Аҳмад, отамнинг умрини узок қилсин ва отасини раҳмат қилсин...».



\* \* \*

Бугунги Жиззах вилояти ҳудуди Қозоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, Самарқанд, Навоий вилоятлари, Тожикистон Республикаси билан чегарадош.

Вилоятда Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи таркибидаги Шароф Рашидов музейи, Зомин тарихи музейи, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи, Бахмал халқ ижодиёти, Ғаллаорол шоншараф музейи фаолият кўрсатади.

Вилоятда Парпи ота, Парпи она, Навкат ота, Авлиё ота, Маликаждар ота, Саъд ибн Абу Ваққос, Сайфин ота, Саврик ота, Қавс ота зиёратгоҳлари, Темур дарвоза, Хуттот, Қуёш таквими обидалари, қадимги Жиззах, Ҳошим кўрғон, Абдуллахон кўрғони, Қукработ, Сабат каби археологик ёдгорликлар мавжуд.

Жиззах қадимдан илм-фан ва ижодкорлар ўсиб улгайган юрт. Бу заминда Абу Наср ибн Жундабек ал-Усрушаний, Поянда Заминий, Соки Заминий каби ислом маърифати ва фикр илмига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаб ўтган.

Кейинроқ XIX-XX асрларда Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламқаш, Нарзулло Нарзий, Иномхон Махжур сингари ижодкорлар бой адабий мерос қолдирган. Ўзбек адабиёти ривожига Жиззахда туғилиб ўсган Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Шукур Саъдулла, Сарвар Азимов, Нурали Қобул каби адибларнинг муносиб хиссаси бор. Жиззахдан етишиб чиққан тиббиёт фанлари доктори Аҳрор Раҳимов каби олимлар халқ манфаати учун фидокорона хизмат қилишган.

Жиззах шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Сангзор дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 460 метр баландликда, Тошкент-Самарқанд темир йўли ва Катта Ўзбекистон тракти ёқасида Тошкентдан 230 км узоқликда жойлашган.

Шаҳарда Ўрда, Бобо Якка, Қалиятапа, Нуриддин Ҳожи мадрасаси каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. Жиззахда Я.Ғ.Ғуломов (1951, 1960-61), Ҳ.Муҳамедов (1956-59), М.Аминҷонова (1964), С.Раҳимов (1966-70), Р.А.Бадахов (1980), Ҳ.Алимов (1982-84) каби олимлар археологик қазилар олиб боришган. Жиззах ҳудудидаги Учтепа мавзесидаги III-IV асрларга оид мозортепалардан турли сопол парчалари, тангалар топилди. Шаҳар яқинида 1955 йили Я.Ғ.Ғуломов жез даврига оид тош курсини топган.

## ШАРОФ РАШИДОВ МУЗЕЙИ

Шароф Рашидов музейи Жиззах шаҳрининг Ш.Рашидов кўчаси, 4-уйда жойлашган. Атокли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи ва публицист Ш.Рашидов 1917 йили 6 декабрда Жиззах шаҳрида туғилиб, 1983 йили 31 октябрда вафот этган. Пойтахтнинг Мустақиллик майдони рубарусида, Ш.Рашидов кўчасида унинг тошбюсти барпо этилган.

Ш.Рашидов адабиётга шоир сифатида кириб келди. «Чегарачи» достони 1937 йили нашр қилинган. «Қаҳрим» шеърлар тўплами 1945 йили чоп этилди. «Бўрондан кучли» (1958) ва «Кудратли тўлқин» (1964), «Ғолиблар» (1972) романларини яратди. Ҳинд халқ афсонаси асосида ёзилган «Кашмир қўшиғи» лирик қиссаси (1956) Ш.Рашидовни халққа танитган машҳур асар ҳисобланади. Унинг 5 жилдлик асарлар тўплами ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Ш.Рашидов республикага раҳбарлик қилган йилларда қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вафотидан сўнг Ўзбекистондаги тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари, камчиликлари унга юкланиб, Марказ томонидан 80-йиллар ўрталарида уюштирилган қатағонда ноҳақ қораланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Шароф отанинг номи оқланди ва унинг Ватанимиз тараққиёти олдидаги хизматлари холис баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланди. Президентимизнинг «Халқимизнинг оташин фарзанди» номли маърузасида Шароф Рашидовга қилинган адолатсиз муносабат моҳияти очиб ташланди ва унинг тоталитар тузим шароитида республика манфаатлари учун олиб борган саъй-ҳаракатлари тўғри кўрсатиб берилди (Бу ҳақда қаранг: Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. Т., 1996; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида, Т., 2000.).

Россияда 2008 йили Ш.Рашидов ҳақида «Кремлёвские похороны» (Кремльда дафнлар) рукнида 2 серияли хужжатли теле-

фильм ишланиб, Россияда намоиш этилди. Телефильм электрон дискларда тарқатилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи президенти Ислом Каримовнинг (1938-2016) «Халқимизнинг оташин фарзанди» мақоласидан айрим лавҳаларни келтириб ўтамиз. Бу лавҳаларда ўзбек халқининг ҳурматли фарзанди Шароф Рашидовнинг инсоний сиймоси, маънавий портрети (шарқона удумга қура маноқиб) ўта аниқ ва гоаят самимий тасвирлаб берилган. Ислом Каримов шундай ёзади:

«Биз атоқли давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг сеvimли фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини нишонлаш учун муътабар Жиззах заминига тўпландик. Бугун ўзбек халқи, республикамизнинг ҳар бир фуқароси Шароф Рашидов руҳи ва хотирасини эслаб, ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шу кунларга етказгани учун Аллоҳга минг қатла шуқур дейишимиз керак.

Бугунги тантанани сўнгги йилларда она Ватанамиз, жафокаш халқимизни мисли қурилмаган тухматлардан, игво, маломат тошларидан бутунлай халос қилиш бўйича олиб борган машаққатли курашимиз натижасининг зуҳури десак хато бўлмайди. Минглаб асоссиз жабрланганлар, уларнинг оҳу фарёд чеккан ота-оналари, муштипар аёллари, фарзандлари, камситилган халқимиз ҳаққи-ҳурмати, рўй-рост айтайлик: бу кунни орзиқиб кутган эдик!

Бу кунни энг орзиқиб кутган, энг маҳтал бўлган – Шароф Рашидовнинг муқаддас руҳидир! Ҳаммамизнинг ниятимиз – руҳи поклари шод бўлсин.

Ўтганларни эслаш – халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири. Бугунги замоннинг баҳосини бериш учун, авваламбор, кечаги кунга, ўтмишга нисбатан қандай муносабатда эканимизга баҳо бериш керак. Ўтмишга нисбатан ношуқурлик, нонқўрлик, бепишандлик - халқимизнинг, миллатимизнинг табиатига зид.

Бугун асрлар давомида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури ерга топталган эл-юртимизнинг эзгу ниятларига эришдик - мустақил давлат қурыпмиз. Давлатимизнинг қанчалик тез улғайиши, қуч-қувват ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фаҳри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана

шуни инобатга олган ҳолда янги жамият барпо этмокчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини, маънавий кадриятларимизни тиклаш вазифасини қўйдик...

Аждодларимиз бошидан не-не суронлар, фожиалар, талон-торожликлар кечмади! Аммо инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни, донишмандларни, саркардаларни етиштирган, бебаҳо маънавий кадриятларни яратган ҳам ана шу халқимизнинг даҳосидир.

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо хуррият ва эрк сари интилишдан тўхтамади...

Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатагонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган муътабар инсонларнинг номлари биринкетин тикланыпти. Миллатимиз озодлиги йўлида шахид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотида қайтмоқда...

Бизнинг энг муқаддас ва шарафли вазифамиз – истиклолимиз кадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан сақлаб қолиш. Уни мустаҳкамлаб, бойитиб келажак авлодларга етказишимиз шарт.

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйгоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир. Иймоним комилки, улуғ бобокалонларимизнинг руҳи поклари истиқлол йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлайди.

Сўнгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисоаларни нашрдан чиқардик. Урф-одатларимизни, миллий маросимларимизни кенг тарғиб этдик. Борлигимизни, бойлигимизни, кадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Ана шулар эвазига халқимизнинг қаддини ростлашга, ҳақиқий миллий ғурурни тиклашга эришяпмиз. Халқимизнинг миллий онги, ғурури ўсиши билан муштарак ҳолда дунёкараши, тафаккури ҳам янгиланмоқда...

Мустабид тузумда бор кучини халқи учун фидо қилган кўпгина аждодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тулик ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб гишт қўя олган арбоблардан эди. Шароф Рашидовнинг ҳаётини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айрича тасаввур қилиб бўлмайди.

Нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади? Нега халқимиз уни давлат арбоби сифатида юксак эъзозлайди? Нима сабабдан ҳамма уни ёзувчи, шоир, инсон калбининг зукко билимдони сифатида ардоқлайди?

Шароф Рашидов ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлигини тиккани учун! Ҳақиқатан ҳам юрт соҳиби халқ ғамини ўйлагувчи бўлса, Яратганнинг ўзи ҳам, қолаверса, халқ ҳам уни қўллайди, асрайди, тиклайди, эслайди.

Бугун Шароф Рашидовнинг муборак айёми муносабати билан унинг сермазмун ҳаёт йўлига яна бир бор назар ташлаб ўтиш жоиздир.

Шароф Рашидов бундан 75 йил муқаддам ана шу сиз ва биз турган заминда – Жиззахда таваллуд топган эди. Шароф Рашидов авлодларидан, отасидан мерос қилиб олган – барча ишда олдинда юриш, кундалик турмушда камтар бўлган ҳолда иш бобида талабчанлик, одамларнинг дардига малҳам бўлишдек ўзбекона фазилатларни умр бўйи кадрлади. Қишлоқдаги етти йиллик мактабда, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиганида ҳам, Ўзбек давлат университетида таҳсил кўрганида ҳам, талаба бўла туриб вилоят газетасида ишлаганида ҳам унинг мана шу фазилатлари намоён бўлган. Салоҳияти юксаклиги боис, университетнинг охириги курсида ўқиб турганида муҳаррирлик лавозими-га кўтарилди.

Шароф Рашидовнинг дастлабки қадамлари билан танишар экансиз, унинг замондошларини лол қолдирган қобилияти сабаблари аён бўлади. 1942 йили Шимоли-ғарбий фронтдаги ўқчи бригаданинг йигирма беш яшар сиёсий раҳбари Шароф Рашидов жангда оғир ярадор бўлиб, юртига қайтади. Ўттиз ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб та-

йинланади. Республика журналисти учун бу лавозим – олий чўкки эди.

Шароф Рашидовни Ўзбекистон адиблари Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси этиб сайлашади.

Шароф Рашидов ўттиз уч ёшида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлади. Собик СССР тарихида бундай ёш рахбар, олий ҳокимият эгаси бўлмаган. Аммо Ш.Рашидовнинг тақдиридаги асосий поғона ҳали олдинда эди. У 1959 йили ўша даврнинг энг юқори лавозими – Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланганида эндигина кирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охиригача сабот ва матонат билан ишлади. Республикага қарийб чорак аср етакчилик қилди. Бу йиллар тарихнинг ўзига хос мураккаб даври эди.

Шароф Рашидов ҳақида гапириш, бу кўп қиррали инсон ҳаёти ва фаолиятини ифодалаш – гоят масъулиятли иш. Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов даври ва унинг шахси ҳали тарихчилар, олимлар ва ижодкорлар томонидан пухта ўрганилади. Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади...

Ўтмишни бўяш ва безашнинг ҳожати йўқ. Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан куз юмганидан кейин, умр бўйи ҳимоя этган тузуми унга хиёнат қилди. Дунёда ҳеч бир бундай беандиша тузум бўлмаганки, инсон кадрини бу қадар беобрў қилса! Бугун кўкларга кўтариб, эртасига ер билан яқсон этса! Ш.Рашидов вафотидан кейин республиканинг иктисодий тараққиёти кескин сустлашди, ҳатто кўп ҳолларда бутунлай тўхтаб ҳам қолди. Лекин шуни ҳам тан олишимиз керакки, маълум даражада республикамиз ва унинг жафоқаш халқи бошига тушган бу кулфат обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг ҳам натижаси бўлди.

Шароф Рашидовнинг порлок хотираси олдида бош эгар эканмиз, ўзимиздан очикчасига сўрайлик: нима учун ўзбек халқининг энг яхши сифатлари ўзгаларга таҳқирлатиб қўйилди? Қора ниятли кимсаларнинг максоди шундоқ ҳам кўришиб турмаганмиди?!

Ҳақиқат эгилса эгиладики, синмайди. Ўзбекистон халқи Шароф Рашидов ўзининг муносиб фарзанди эканини исботлай олди ва шу билан бирга ўзининг ҳам иззат-нафси, гурурини ҳимоя қила билди...

Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли, ўз халқи сингари барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теган тафаккури ҳамда билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам ҳайратда қолдирар эди. Унинг ижодий истеъдоди ҳам кўп қиррали эди – шоир, но-сир, публицист сифатида яратган асарлари бу жанрлардаги ҳар қандай асарлар билан беллаша олади.

Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, авваламбор, ўша давр зиддиятлари (социалистик мулкчилик, комфирка яккахокимлиги, хусусий мулкчиликка мутлақо йўл берилмаслиги) хусусида гапириш керак. Бу мураккаб шахс бир тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан – марказдан келган, туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур. Унинг умри сандон билан болга ўртасига қўйилган эди, деб айтсак ҳам асло муболага бўлмайди.

Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди. У ўз халқининг эртасини ва келажagini ҳаммадан кўпроқ ўйларди. Энг оғир шароитларда ҳам Шароф Рашидов халқига фарзандлик бурчини қўлдан келганича адо этди. Марказдан келган буйруқларни юмшатишга, юртимиз ободонлиги учун пул ва маблағ ундиришга ҳаракат қилди. (Ҳаёт, сиёсат, давлат бошқаруви у даврда шундай тартибда қўйилган эдики, Ўзбекистонимиз тупроғидан олинадиган бойликларни – маблағларни марказдан яна ўзимиз ялиниб сўраб олишга мажбур эдик.)

Республикадаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектларнинг қурилиши Шароф аканинг номи билан чамбарчас боғлиқ.

Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши Ўзбекистон келажаги билан бевосита боғланган эди. Миллионлаб гектар қуриқ ерларда пахта, боғ-роғлар ва бошқа озиқ-овқат экинларининг жой олиши аслида узокни ўйлаб иш тутиш натижаси эди. Ўша пайтда

ўзлаштирилган чўлу биёбонлар бугун Ўзбекистон истиқлоли учун хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навоий ва Зарафшон, Янгиер ва Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар барпо этилди. Республиканинг ҳамма жойида қурилиш ва ободончилик ишларини кенг миқёсларда олиб бориш, ишлаб чиқариш кучларини раванқ топтириш ҳақида у киши тинимсиз қайғуради.

Ўзбекистоннинг ҳамма бурчаги, ҳамма элати Шароф Рашидов учун бирдай ардоқли эди. Бирок Шароф Рашидов Тошкент халқи ва Тошкент шаҳри учун алоҳида меҳр-муҳаббатга сазовор. Тошкентни Шарқнинг энг гузал шаҳрига айлантириш Шароф Рашидовнинг орзуси эди. Тошкентнинг ҳар бир улкан қурилиш иншооти, тураржой бинолари, меҳмонхоналари, шифохоналари, олий ўқув юртлиари, мактаблари ва хиёбонлари Шароф Рашидовнинг назарида турар эди. Халқимиз Шароф Рашидовни ҳақли равишда Тошкентнинг бош меъмори деб атайдди. Бу, айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин янада ёркинрок намоён бўлди. Тошкент ер ости қасри – метроси учун биз биринчи навбатда Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олдида таъзим бажо қиламиз!

Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатида ўзбек халқини дунёга танитишда хизматлари беқиёсдир. Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракати фаолият юритганлиги, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали ўтказилиб турилганлиги бунинг ёркин далилидир.

Шароф ака ҳар йили пахтакорлар қурултойида нутқ сўзлар эди. Бу нутқни кўпчилик соғиниб қутар эди. Қурултой ўзбек тилида ўтарди ва раҳматли Шароф ака деҳқонлар билан шундай содда ва самимий тилда сўзлашар эдики, турли мажлис ва йиғинларда русча гапиравериб, она тилини ҳаддан ташқари соғингани сезилиб қоларди.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Ўта зиёли оилада тарбия топган. Ўзи пухта тарбия кўргани сабабли фарзандларига ҳам ғоят пухта сабоқ берган.

Шароф Рашидов бизга ва келажак авлодга катта мерос қолдирди. Бу мероснинг моҳияти – Шароф Рашидовнинг таби-



атан камтар, ҳалол, покиза ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган раҳбар сифатидаги ибратидир.

Биз Шароф Рашидов фаришта эди демоқчи эмасмиз. Беайб – парвардигор, дейдилар. У кишининг фаолиятида хато ва камчиликлар ҳам бўлган. Лекин шахсан бир нарсага ишончим комил: Шароф Рашидов улкан давлат арбоби сифатида нимаики иш қилган бўлса, энг аввало, Ўзбекистонни ўйлаган, ўз халқининг истикболини ўйлаган. Ш.Рашидов ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу тўғрисида халқимиз юрагидаги муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган. Қарамликдаги ўз халқини ўйлаб, ўзга халқнинг иродасини бажаришга мажбур бўлган кишининг аччиқ тақдири Шароф Рашидовнинг ҳам бошига тушган эди.

Биз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилиб, халқ иродасини яна бир бор амалга оширганимизни кўриб турибмиз. Бу юбилейни ўтказишдан мақсадимиз, авваламбор, шу улуғ зотнинг қарийб 40 йилга яқин Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматларини тағин бир бор эътироф этиш, унинг ҳалол ва покиза номини авлодлар олдида тиклаш эди, деб айта оламан.

Биз раҳматли Шароф Рашидов номи асил ҳолига тикланганидан беҳад мамнунмиз. Биз унинг руҳи олдида, халқимиз олдида ва адолат олдида қарздор эдик. Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик. Номини келажак авлодлар учун тиклайлик. Шундай қилсак, мустақил давлат тузиш йўлида ўзбек халқи учун хос бўлган фазилатларни яна бир бор мустаҳкамлаган бўламиз. Бобоқалонларимиз, қадимий аجدодларимиз хотираси, руҳлари ва келажак авлодлар ҳурмати, масъулияти олдида бошқача бўлиши мумкин эмас.

Бугун кечираётган ҳаётимиз, ҳаракатларимиз, интилишимиз тарихда қолади. Келгуси авлодлар бу тарихни мустақиллик, озодлик, ҳуррият тарихи деб эъзоз-ҳурмат билан эслашлари муқаррар.

Эндиги вазифа – миллатнинг, нафақат миллатнинг, балки бутун Ўзбекистон халқининг яқдиллигини таъминлашдан ибо-

рат. Эндиги вазифа – Ватан равнақи учун сидқидилдан меҳнат қилиш. Ватан озод экан, энди қиладиган меҳнатимиз меваси четга кетмайди, балки шу юртнинг келажаги, фарзандларимиз бахт-саодати учун хизмат қилади.

Йиллар ўтади, асрлар ўтади. Янги авлодлар мутлако янги жамиятда, жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бирига айланган (бунга ишончим комил) хур Ўзбекистонда яшайди. Она-юрт тарихи, мустақиллик учун кураш тарихини ўрганади. Ана шу муборак тарихда Шароф Рашидовнинг ҳам қутлуг номи хурмат ва ғурур билан тилга олинади.

Шароф Рашидов номини тиклаш билан биргаликда, энг аввало, ўзбек халқининг пок номи ва баланд обрўсини тиклаш мақсадимиз эди. Бугун биз шунга эришдик. Бугун Шароф Рашидов шаънига, унинг оиласи шаънига айтилган барча яхши гапларни бутун ўзбек халқи шаънига айтилди, деб ҳисоблайман.

Азиз биродарлар! Юрагимда йиғилиб юрган, айтсам ҳам ҳеч адо бўлмайдиган аламли бир нидо борки, уни яна бир бор такрор айтмасликнинг иложи йўқдир. Тинчлик ва бутлик кадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоғлик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Аллоҳга шукрона айтмоқ жоиздир.

Илғари бу гапни айтмаган эдим. Аммо бугун сўзламоқ пайти келди. Майли, айтаман. Маккага сафар қилган чоғимизда, Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимнинг бугуни ва келажагини бер, дея Худога илтижо қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча хурмат ва иззат — Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатуллоҳ зиёратида улуғ бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига имон келтирдим.

Бу буюк ишонч бизга Ўзбекистонда, нафақат Ўзбекистонда, балки буткул кўҳна Туркистонда тинчлик ва осойишталикни сақлашда бизга мадад бергуси. Ҳар бир оила, ҳар бир хонадоннинг тинчлигини сақлай билсак, марра — бизники. Жуда оддий, аммо энг улуғ вазифа аслида шу ўзи. Барча оқсоқолларимизни, фахрийларимизни, диндорларимизни, масжидларда хизмат қилаётган муътабар имомларимизни ҳам

шунга даъват этсак. Юртимиз аҳлини бирлаштиришда уларга сидқидилдан ёрдам берсак, ўзбек халқи ёруғ кунларга шунчалик тезроқ етажак!

Билиб қўйинглар, бир-икки йил ўтиб, ўзимизни унғласак, елкамизга офтоб тегса, ўшанда Ўзбекистон ўзининг неларга қодир эканини дунёга намоёиш этади! Илоё, шундай чоғларга тустугал, сафларимиз тўлиб етайлик. Бу йўлда Аллох таолонинг ўзи бизларга мадад берсин!»

*(Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантананда сўзланган нутқ, 1992 йил, ноябрь. Жиззах шаҳри.)*

\* \* \*

2016 йилнинг 18 ноябрида Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловолди компанияси доирасида Президентликка номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев вилоят сайловчилари билан мулоқот чоғида Жиззахдан улуғ шоирлар, олимлар ва давлат арбоблари етишиб чиққанини таъкидлаб, шундай тарихий шахслардан бири Шароф Рашидов эканлигини фахр билан эсга олди.

Бу азиз инсон ўз халқига ва собиқ тузумга садоқат билан хизмат қилганига қарамай, 1983 йили вафот этганидан сўнг, унинг қабри бошқа жойга кўчирилгани, хотираси матбуотда беҳурмат қилингани, оила аъзолари таҳқирланганини таъкидлади. Аммо адолат қарор топиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исом Каримов савий-ҳаракатлари билан 1992 йили ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов номи оқланганини қайд этиб, 2017 йили Шароф Рашидов таваллудига юз йил тўлишини йиғилганлар ёдига солиб, ўзбек халқининг фидойи фарзанди таваллудини бутун мамлакат бўйлаб кенг миқёсда нишонлаш лозимлигини айтди.

Ш.Мирзиёев Жиззах туманига Шароф Рашидов номини бериш ва ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ҳақида таклиф киритди.

## **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИНИНГ ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА ЗУЛФИЯ ФИЛИАЛ-ҚАДАМЖОСИ**

Жиззах вилоят Ўлкашунослик музейининг Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиали шаҳарнинг адабиёт ва маданият аҳли учун кутлуғ қадамжо саналади. 1988 йили ташкил этилган. Музейнинг умумий экспонатлари сони 1920 дан ортик. Айни кунларда филиал фаолиятини янада жонлантириш мақсадида Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган янги-янги экспонатлар тўпланмоқда ва илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ҳамид Олимжон билан Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган энг гўзал китоблардан бири Зулфиянинг садоқатли шоғирди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ажойиб шоира ва заҳматқаш журналист, Марғилон фарзанди Мухтарама Улуғова томонидан ёзилган “Мухаббат саройида мангу қолганлар” асари бўлиб, унда икки улуғ инсоннинг фазилатлари бой далил ва ҳужжатлар асосида ёритиб берилган.

Ҳамид Олимжон XX асрда ўзбек халқи учун ато этилган Яратганнинг ноёб истеъдоди эди. Ўттиз беш йил умр кўриб, унинг йигирма йили давомида тенгсиз жушқинлик билан бир неча ижодкор қилиши мумкин бўлган адабий, тарихий, илмий ва таржима асарлари яратиб кетди. Уни шоир десанг, публицистик асарлари хайратга солади, таржимон десанг, илмий тадқиқотлари фан докторлари ишидан устун туради, муҳаррир десанг, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти буй кўрсатиб туради. У ўзининг насрий асарлари билан замонавий ўзбек адабий тили раўнақиға катта ҳисса қўшди.

Бу азиз инсон ҳақида жуда кўп илмий асарлар яратилган бўлиб, зиёратгоҳлар ҳақидаги китобда уларни такрорлаш лозим бўлмаса ҳам, хотира музейиға қадам қўювчи кишилар учун энг муҳим маълумотларнигиға эслатиб ўтишни жоиз деб билдик.

Ҳамид Олимжон 1909 йили 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилиб, 1944 йилнинг 3 июлида вафот этган. Тошкентнинг «Форобий» (Чигатой) қабристонига қайта дафн этилган. У шоир, публицист, адабиётшунос ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА

мухбир аъзоси сифатида ўзбек маданияти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган. Шоир 150 дан ортиқ шеър, 9 та дoston яратган. Ундан ортиқ илмий тадқиқотлар ёзиб қолдирган. Ҳамид Олимжон ўзбек тилидаги асарларини араб графикасидаги туркий хатда, рус тилидаги асарларини крилл алфавитида ёзган. Шоир Самарқандда ўқиган йиллари Абдурауф Фитратдан адабиёт сирларини ўрганган.

Ҳамид Олимжон «Алпомиш» халқ эпосини Фозил Йулдош ўғлидан ёзиб олиб, уни нащрага тайёрлаган. Навоийнинг 500 йиллик юбилеи муносабати билан унинг адабий меросини ўрганиш жараёнида мумтоз ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодига қатта меҳр билан ёндашган ва маданий меросимизнинг бу олтин саҳифаларини тўғри илмий позициядан туриб талқин этган. У Навоий юбилеини ўтказиш комитетининг масъул котиби сифатида улуғ шоир меросини ўрганиш ва асарларини рус тилига таржима қилиш ишига қатта хисса қўшган.

Шоир миллий адабиётимиз тарихини яхши билгани ҳолда, рус тилини мукамал эгаллаб, А.С.Пушкиннинг «Кавказ асири» ва «Сув париси» дostonларини, М.Ю.Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссасидаги «Бэла» ва М.Горькийнинг «Челкаш» ҳикояларини, Н.Островскийнинг «Пулат қандай тобланди» романини, А.Корнейчукнинг «Платон Кречет» пьесасини, шунингдек, Ж.Байрон, А.Пушкин, Т.Шевченко, П.Тичина, М.Безименский, М.Светлов, К.Симонов, В.Инбер каби шоирларнинг қатор шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ўқиб таълим олган, яшаб ижод қилган буюк сиймо Жиззах фарзанди бўлгани боис, туғилиб ўсган юртида унинг музейи очилган. Музей Жиззах шаҳрининг Ш.Рашидов кўчаси, 60-уйда жойлашган бўлиб, у доимо мактаб ўқувчилари ва талабалар билан гавжум бўлиб туради.

## ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Жиззах воҳасидаги зиёрат манзиллари тарихи республикамизнинг бошқа вилоятларидаги жойларга нисбатан кам ўрганилган, ёритилмаган жиҳатлари бисёр. Аждодлардан мерос обидалар ва улардаги битиклар ва рамзу ишораларни ўрганмоқ ва авлодларга етказмоқ – шарафли иш. Марҳум адиб Саттор Қорабоев (Ога Бургутли) ҳам ўзи туғилиб ўсган замин зиёратгоҳлари ҳақида баҳоли қудрат бир китоб ёзган эди. Бунда у маҳаллий ижодкорларнинг маълум бир зиёратгоҳга тегишли материалларидан имкон даражасида фойдаланган, илмий манбалардан мавзуга тегишли маълумотларни жамлашга интиланган.

Жиззах вилоят тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш Давлат Инспекцияси тавсияси билан нашр этилган бу мўъжаз асар «Фан» нашриётида 2008 йили босилган. Фалсафа фанлари номзоди Сирожхон Ғозиев, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаев, тарих фанлари номзодлари Бахтула Абдулғозиева, Алексей Грицина каби олимлар тақриз берган бу китоб Жиззах вилояти зиёратгоҳлари тарихини Ўзбекистоннинг ялпи зиёратгоҳ ва қадамжолари тарихини ўрганиш доирасига жалб этиш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлаб ўтамыз.

Она диёримиз – Ўзбекистон тарихи, шу заминда яшаб ўтган буюк аждодларимиз қолдирган жуда катта маънавий, моддий ва этник мерос билан ҳар қанча фаҳрлансак арзийди. Жиззах воҳаси ҳам ана шу буюк тарих шодасида авлодлар ардоғига муносиб маданий манзиллари, бебаҳо тарихий масканлари билан муносиб ўринга лойиқдир.

Жиззах тарихининг энг қадимги саҳифалари ҳақида гап кетганда, албатта, жаҳон тарихига дахлдор саналмиш «Сайхонсой қоятошлари»даги суратларни (4,5 минг йил аввал чизилган), энг қадимги одамлар яшаганлиги тахмин этилаётган «Пешағор ғори» маданий қатламларини, 2-2,5 минг йиллик тарихга эга «Мозорсой ёдгорликлари»ни, «Жомонжар ер ости эҳромлари»ни, қадимги манбаларда тилга олинган Газа, Харакана, Зомин, Собот, Мик, Марсманда, ундан ҳам қадимгирок бўлмиш хитой солномала-

рида тилга олинган «Йечи шахри» қолдиқлари булмиш қадимги қалъалар ва шаҳарлар ўринларини фахр билан тилга оламиз.

Бундан минг йиллар бурун боболаримиз ўз замонасида бутун Марказий Осиёда энг қадимги ва энг маҳобатли ирригация - суғориш иншооти саналмиш «Банд тўғони»ни жуда катта маҳорат билан бунёд этишганлари кишини лол қолдиради.

Бу ҳудудда яшаган эл-улус томонидан минг йиллардан бери азиз тутиб келинган «Темир дарбоза», «Саъд ибн Абу Ваққос», «Парпи ота», «Хужамушкент ота», «Новка ота», «Ўсмаат ота», «Саййид Мир Халилиллоҳ ота», «Хужабобон ота» каби кўплаб муътабар зиёратгоҳ ва қадамжолар борки, бугунги мустақиллик шарофатидан улар янада обод ва кўркем манзилларга айланди, ўз салобати билан юртимиз жамолига янада шуқуҳ бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга етказиш чораларини кўриш ва ёдгорликларнинг давлат муҳофазасини таъминлаш мақсадида қатор тадбирийд чоралар кўрилмокда.

2008 йилгача Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объекти (шундан 42 тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳ, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 монументал ёдгорлик(ҳайкаллар, бюстлар, хотира майдонлари) «Давлат муҳофазаси рўйхати»га киритилган. Қуринадики, Самарқандга туташ Жиззах воҳасининг ҳам муътабар зиёратгоҳлари бор. Уларни кўриш, зиёрат қилиш, маънавий ҳордиқ олиш мақсадида сайёҳлар тинимсиз келиб-кетеди. Шунга кўра, бор манбалар асосида зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар бериб ўтамиз.

**ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ – ТАБАРРУК ҚАДАМЖО**

Марказий Осиё жуда қадим замонлардан бери, тўрт минг йиллар бурун «Турон» деб номланар, Амударё – Укуз, Сирдарё – Яксарт номлари билан аталар эди... Уша қадим замонлардан бери бутун бир ўлкага «Туркистон – туркийлар яшайдиган Ватан» номини берган тоғ – Туркистон тоғлари бағрида яшаб келаётган халқ эканлигимиз бот-бот ёдимизга келади. Шундай Ота тоғ, Она маконда Ватан тутган аجدодларнинг авлодларимиз.

«Рабғузийнинг «Қисас ур-Рабғузий» асарида шундай ёзилган: «...Нух алайҳиссаломнинг уч ўғли - Хом, Сом ва Ёфас бор эди. У бир куни кемада ухлаб қолди. Шамол авротини очиб юборди. Буни кўриб Хом қулди, Сом Хомга маломат қилиб, урди. Ёфас эса тўни билан отасининг уятли жойини ёпиб қўйди. Хом Сомнинг урганига чидай олмай бакириб йиғлади. Отаси бу овоздан уйғониб кетди. Нима гаплигини суриштирди. Сом воқеани баён қилди. Нух алайҳиссалом Ёфасни яхши дуо қилди, сендан ҳаёли-иболи, такводор фарзандлар туғилсин, деди. Хомни дуоибад қилди. Шундан Хомнинг юзи ҳам нутфаси қора бўлди. Фарзандлари қора терили бўлиб туғила бошлади».

Рабғузийнинг айтишича Хомдан ҳиндуслар, хабашлар, занжилар тарқалган, араб ва яҳудийнинг отаси Сомдир, Нух Ёфас авлодларини Хазардан Бойқўлгача бўлган ҳудудларда яшашга юборди. Унинг авлоди иккига бўлиниб, бири орёнийлар, бири муғуллар бўлди. Форслар, фаранглар, олмонлар орёнийлардир, турк, хазар, татар, рус, ёпун, курё, хитой ва муғуллар муғул иркидандир.

Нуфузли манбаларда Нух алайҳиссаломнинг кемаси сувдан чиккан тоғнинг номи «Ғубдун тоғи» эканлиги айтилади!? Баракаллоҳ! «Бизнинг Ғубдунтоғ уша тоғ эмасмикан?» деган ҳақли савол туғилди...

2006 йилнинг кузида минг бир машаққатлар билан Ғубдун тоғининг энг баланд нуқтасига чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, унинг устида... улкан кемасимон тошқолдиқларига дуч келдик! Баҳайбат тоғ тошларининг ёнбошлаб ётиши айнан кемага, аерлар давомида абгор бўлган машҳур кемага ўхшар эди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ҳудудда жуда катта археологик илмий тадқиқот ишларини ўтказиш лозим бўлади. Ғубдун тоғининг устида, нари-берисида, теварак атрофида юзлаб тарихий манзилгоҳлар борки, ўз илмий тадқиқотчиларини кутиб турибди.



## ЖИЗЗАХ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

### «ҚУЛФИСАР ОТА»

«Кулфисар ота» зиёратгоҳи Жиззах туманидаги собиқ Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг урамида хонакоҳ, масжид, археологик ёдгорликлар ўринлари – калъалар қолдиқлари ва кўҳна қабристон мавжуд.

«Кулфисар» – «қулфлаб кўмилган бош» деган маънони англатади. Ривоятларга кўра қабрдаги бош эгаси исломдан аввал яшаган, аниқроғи Лут пайгамбар замонасида яшаб ўтган. Куръони каримга кўра, қадимги давр одамлари жуда узун бўйли бўлишган. Ҳатто инсон танасининг узунлиги 8 газдан 13-14 газгача бўлганлиги айтилади. Шу сабаб бўлса керак, зиёратгоҳдаги қабр 12-13 метрни ташкил этади. Қабрдаги «қулфланган бош» эгасининг танаси Фориш туманининг Синтоб-Мажрум қишлоғида сақланади, йўл ёқасида тош билан белгилаб қўйилган.

...Кулфисар отанинг бошининг кўмилиши тарихи қуйидагича: қадим замонларда бутга, оловга сигинган қавмнинг исми номаълум подшоси тавҳидга ишонувчи авлиёнинг бошини ғараз билан танасидан жудо қилиб олиб келишни буюради. Аскарлар кекса отахоннинг бошини танидан жудо қилиб, найза учига илиб олиб келаётганларида чарчаб, ҳозирги «Кулфисар ота» зиёратгоҳининг ўрнига келган пайтларида кечаси тунаб қоладилар.

Бу ерда ёлғиз бир уй бўлиб, унда бир кампир олти-етти нафар ўғиллари билан яшар экан. Кекса кампир Аллоҳнинг бирлигига имон келтирган имон-эътиқодли инсон экан.

Саҳар пайти ибодат қилиш учун таҳоратга чикса, ухлаб ётган аскарлар ўртасида найза учига қадаб қўйилган бошга кўзи тушибди. Бошга осмондан нур тушиб турганлигини ва бошнинг (тили) калима қайтариб турганини сезибди.

Кампир тезда ўғилларини уйғотиб, «Бу аскарлар ёвуз одамлар экан – бир қароматли авлиё одамнинг бошини олиб кетишаётганга ўхшайди, уни олиб қолишимиз керак!» дейди.

Шунда Аллоҳнинг розилиги билан кампирнинг бир ўғли шахид бўлиб, бошини беришга рози бўлади. Кампир ўғлининг бошини олиб бориб авайлаб ҳалиги бош ўрнига алмаштириб ва валий зотнинг бошини сандиққа солиб қулфлаб қўяди.

Аскарлар кетганидан сўнг кампир ўғлининг танасига авлиёнинг бошини яқинлаштирганида каромат юз бериб бегона бош бегона танага бирикиб қолади. Шундан сўнг жасад ва бошни биргаликда дафн этишади («Қулфисар ота» тарихи ҳақида маълумот. Кадастр иши. 5-бет. 2008 йил).

### «ҚИРҚЧИЛТОН»

Мазкур зиёратгоҳ Жиззах тумани «Кўрпасой» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Шўрбел қишлоғи яқинида жойлашган бўлиб, ҳудуди 7,5 гектарни ташкил этади. Янгидан ташкил этилган боғ ўртасида хонакоҳ бор. «Қирқчилтон» деб номланиши ҳақида куйидаги маълумотга эътиборингизни қаратмоқчимиз...

«...Шуни билмоқ керакким, ер юзида чилтонлар бор. Булардан юкори мартабада турадиган ҳафтан бор. Булардан юкори мартабада турадиган ситанлар бор. Буларнинг устидан Кутби Абдол каттадурлар. Қачон кутб оламдан ўтса, ситанлардан бир кишини кутб килиб сайлайдилар, ҳафтанлардан биттасини ситаннинг ўрнига сайлайдилар, чилтонлардан биттасини ҳафтанларга қўшадилар ва ер юзидаги солих кишилардан бирини топиб, чилтонларга аъзо қиладилар. Буларнинг ададлари киёмат кунигача кам бўлмас. Буларни рижол ул-гайблар дерлар. Буларнинг дуоларининг баракотидин инсонлар вояга етадилар ва кўп кишилар тўғри йўлни топадилар («Ҳазрати Башир тарихи». «Шарофнома» фонди. Тошкент, 1994 йил. 67-бет.).

Авлиёи киромлар орасида вазифалари инсонларга шодлик улашишдан иборат бўлганларидан ташқари бошқа вазифалари ҳам бўлган валийлар тайин қилинган. Масалан, Аллоҳ таолога яқин, севикли (авлиё) қуллардан бир қисмини ташкил қилган абдоллар бўлиб, улар инсонларга ёрдамда ва хизматда бўлади. Кўздан яширин, (яъни зоҳиран билинмайдиган) бўлган бу зотларнинг сони етти, қирқ, баъзан етмишта эканлигини алло-

ма Саййид Шариф Журжоний ёзиб ўтган. «Хиятул-авлиё»да айтилган ҳадиси шарифда улар ҳақида шундай дейилган: «Расулуллоҳ: «Умматим орасида ҳар доим қирқ киши топиладики, уларнинг қалблари Иброҳим алайҳиссаломнинг қалблари кабидур. Аллоҳ таоло улар сабабли ер юзидаги бандалар бошидан балоларни қайтаради. Улар бу даражага намоз ўқиш ва рўза тутиш орқалигина етишмайдилар», дедилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Маъсуд «Ё Расулуллоҳ! Улар нима билан бу даражага етишдилар?» деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в): «Сахийлик ва мусулмонларга насихат қилиш йўли билан», деб марҳамат қилдилар.

...Кўз билан кўриб, билиб бўлмайдиган, кўздан холи нарсалар ҳақида ишлатиладиган «гайб» сўзи билан бирга тузилган «рижол ул-ғайб» бирикмаси «кўринмас эрлар» деган маънони билдиради. Булар бутун махлуқотлар юкларини зиммасига олиб, ғам-ташвишларини кетказишга масъулдирлар. Булар Аллоҳнинг дўстлари, ахлоқи ҳамида соҳиби бўлган ирфонли кишилардир...

Авлиёликда юксак даражаларга эришган, муборак олимларнинг бир қисмига қутб дейилади. «Қутб» дегани аслида тегирмон тошининг милага берилган ном бўлиб, тасаввуфда «оламнинг маънавий жиҳатдан бошқарилиши учун масъул бўлган валийлар салтанатининг бошлиғи» демақдир. Мутасаввифларга кўра, тегирмон тоши ўз милининг теварагида айлангани сингари бутун олам ҳам унинг атрофида айлангани учун валийларнинг бошлиғи «қутб» деб юритилади.

«Қутб» сўзи ўзи ишлатилганда бошқа маъноларни ҳам берганлиги, бу ерда эса битта қутб, яъни «валийлар бошлиғи» ҳақидагина сўз юритилаётганлиги учун Қутб ул – Ақтоб (қутблар қутби) атамаси қўлланилади. Қутбни яна Ғавс ёки Ғавс ул-Аъзам ҳам (бу улуғликка Бағдодда мақбараси бўлган Аодулқодир Ғилоний (1079-1166) сазовор бўлган) деб аташади. Чихил тан – қирқ тан ҳақида «Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари»нинг биринчи китобида етарли маълумотлар берилганлиги учун бу ерда қўп тўхталмадик.

## ТЕМУР ДАРБОЗА (ТЕМИР ҚОПУҒ)

Жиззах воҳаси тарихида «Темур дарбоза» муҳим ўрин тутади. Мазкур ёдгорлик қўпдан-қўп азиз зотларнинг, боболарнинг назари тушган, турли жангу жадаллар шоҳиди бўлган муқаддас ва муқаррам қадамжо сифатида ҳар қанча эътироф ва эъзоз этишга лойиқ маскан.

Мазкур маданий мерос объекти Туркистон тоғлари гуруҳига кирувчи Морғузар ва Нурота тоғлари туташган жойда, Сангзор дарёсининг тоғни кесиб ўтган жойида ҳосил бўлган дара қисмида Жиззах шаҳри Қорасой маҳалласи жойлашган бўлиб, бу ердаги тарихий ёзувлар, ғор, тош расмлари, археологик манзиллар олис тарихимизнинг акс-садолари ҳисобланади. Дарадан автойўл, темир йўли, сув-бетон ариғи ва дарёнинг эски ўзани ўтади. Ёдгорлик ҳудуди 10 гектарни ташкил этади.

Мазкур ёдгорликнинг «Амир Темур дарбозаси» деб ҳам аталшига сабаб, жаҳонгир Амир Темур «Европага юриш бошлаши пайтида унинг қўшинига тоғ дараси икки томонга ажралиб йўл берганлиги ва шундан мазкур тоғ дараси Амир Темур номи билан атала бошланган»лиги айтилади (Путеводитель по Туркестану и Средне-Азиатской железной дороги. Под редакцией А.И.Дмитриева-Мамонова. С-Петербург 1903. стр.341.). Нима бўлганда ҳам саркарда Амир Темур бу жойларда жуда қўп марта бўлган, дам олган. Бу жойни муҳим ҳарбий аҳамиятга эга манзил сифатида асраш ва назоратда ушлаб туриш лозимлигини яхши билган.

Йўловчилар бу ерда табиий ғорга дуч келадилар. Ёдгорликнинг шарқий томонида икки-икки ярим метрлар баландликда ўйиб туширилган тош расмлар бу ҳудуднинг инсоният маданий эволюциясининг бронза даврига бориб тақалишини кўрсатади. Яқин атрофларда жойлашган археологик тепаликлар ўрта асрлар тарихида қадим Сўғддан - Самарқанддан Уструшона орқали то Чин Мочинга йўл олган қўхна қарвон йўли устида жойлашган қўналгалардан бўлиб хизмат қилганлигини эътироф этади.

Баъзи манбаларда, жумладан, «Култегин битиктоши»да «Темир копуғ» тарзида тилга олинган мазкур ёдгорлик қадимги турклар салтанатининг жанубий чегара ҳудуди сифатида тилга олинади. Шундан ҳам «Темир дарвоза» - Буюк Ипак йўли устида жойлашган қўрғон ва қалъалар тизимига оид стратегик манзиллардан саналади. «Илон ўтди» атамаси эса бу ҳудудда сойнинг бураланиб, илон изига ўхшаш из ҳосил қилганлиги учун номланган бўлиб «Бобурнома»да бир неча бор тилга олинади.

Буюк саркарда Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳар ва қўрғонлар қурилиши муғул истилосидан сўнг ўзининг юқори босқичига кўтарилган. Жумладан, XIV асрда таъмирланган ва қайта қурилган Қалъатепа ва Ўрда шаҳарлари, Работ ва Молтоп қўрғонлари ва Кўкгумбаз қалъаси географик жиҳатдан шимоли-ғарбий Уструшонани Самарқанд билан боғловчи асосий йўл бўлмиш «Темир дарвоза»ни умумий «занжир» ҳосил қилиб ўраб олган ҳолда жойлашган.

Мирзо Улуғбек ҳукмдорлиги даврида, яъни 1409-1449 йиллари Тошкент, Еттисув (Жете) ва Муғулистонда темурийларга қарши бўлган муҳолиф кучларнинг фаоллашувига тўғри келиб, Самарқанд учун «Темир дарвоза» ва шимоли-ғарбий Уструшона воҳаси ҳудуди қадимги даврлардагидек муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятни касб этганлиги учун ҳам тезлик билан бу ерда қалъа ва қўрғонларни тиклаш, таъмирлаш ишлари ўтказилган. Ҳудудда янги бино ва иншоотлар қуришдан кўра, Чингизхон истилоси ёки ундан аввалги замонларда вайрон этилган қалъа ва қўрғонларни таъмирлаш, уларнинг ўрнида янгидан истеҳкомлар барпо этиш ишларига катта аҳамият берилган.

Мирзо Улуғбек Муғулистонда кучли хонлик юзага келиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида хонзодалар ўртасида тахт учун курашга аралашади ва Дашти Қипчоқда Шермуҳаммадхоннинг хон бўлиб кўтарилишига ёрдам беради. Улуғбек шундан кейин Бароқхон билан Шермуҳаммадхонлар унинг топшириқларини сўзсиз бажаришига умид боғлаган эди. Лекин, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон Амир Темурнинг ниятларини қандай пучга чиқарган бўлса, Бароқхон ва

Шермухаммадхонлар ҳам Улуғбекнинг кўрсатмаларини худди шу тарзда назарга илмай кўядилар.

Бу менсимасликдан ғазабланган Мирзо Улуғбек 1424 йилнинг октябр ойи ўргаларида уч қисм кўшин билан юриш бошлайди. Асосий кўшин Шоҳрухияда қишлаб, юришни 1425 йилнинг март ойида бошлайди. Улуғбек Чу дарёсидан кечиб ўтиб, мўғулларнинг амир Иброҳим ва Жаҳоншоҳ бош бўлган кўшинларини Ашпара ва Оқсув бўйида енгади. Шаббон ойининг (июнь) ўргаларида Мўғулистон хонининг қароргоҳи бўлган Сулдузни ҳам босиб олади.

Катта ўлжа ҳамда асирлар билан Самарқандга қайтаётган Улуғбек бу ғалаба шарафига «Илон ўтди» дарасидаги қоятошга мазкур сўзларни ўйдириб ёздиради:

«Оллоҳ таолонинг инояти билан, хонлар ва беклар, халқлар подшоҳи, Оллоҳнинг ердаги сояси, буюк султон Улуғбек Кўрагоний (Худо унинг умрини зиёда қилсин!) жетелар ва мўғуллар мамлакатига юриш қилди ва у ерлардан хижратнинг 828-йилида эсон-омон қайтиб келди».

«Темир дарбоза»даги иккинчи лавҳа Абдуллахонга (1557-1598) тегишлидир. Абдуллахон ҳукмронлиги даврида Дашти Қипчоқда ҳокимиятни Абдуллахонга нисбатан кучли рақиб ҳисобланган Барокхоннинг ўғли Бобохон эгаллайди.

Абдуллахон бир неча йил давомида Бобохон ва Дарвешхонга қарши қураш олиб боради ва ниҳоят 1572 йил «Илон ўтди» дарасида уларнинг кўшинлари тўқнашади. Жанг узок ва шиддатли тус олади. Унда Абдуллахоннинг кўшини ғалаба қозонади. Бу ғалаба муносабати билан Абдуллахон қоятошга куйидаги сўзларни ёздириб қолдиради:

«Хижрий 979 йили... хонларнинг улуғи, Оллоҳнинг ердаги сояси, Искандархон ўғли, буюк хокон Абдуллахоннинг халифалик кучлари бўлмиш 30 минг кишилиқ жанговар тўдаси билан Дарвешхон ва Бобохонлар тўдаси ўртасида жанг бўлиб ўтди. Мазкур тўдада ҳаммаси бўлиб султонлар авлодидан 50 мингга яқин киши ҳамда Туркистон, Тошкент, Фарғона ва Дашти Қипчоқдан келган 400 мингга яқин хизматкор бор эди. Бу жангда бахт юлдузи ҳамроҳ бўлган тўда ғалаба қозонди.

Бу тўда султонларни енгди, уларнинг қўшинига шунчалик каттиқ зарба бердиким, жангда ўлганлар ва асир олинганларнинг қони Сангзор дарёси сувида бир ой давомида оқиб тургани маълум бўлсин!»

Учинчи ёзув яқин йилларгача ҳам турган, аммо бугун олиб ташланган рус тилида ёзилган «Николай II 1895 йили буюрди: «Темир йўл бўлсин». 1898 йили бажарилди» сўзлари бўлиб, XIX асрнинг охирларида Рус подшохи Николай II шарафига ёздирилган, унда Тошкентдан Самарқанд томон тортилган темир йўл қурилиши санаси битилган, ёзув ёнида Чор Россиясининг герби чизилган эди.

Бугун тарихий ёдгорлик сифатида Давлат рўйхатига киритилган мазкур кадамжо ҳар қачонгидан ҳам асраб-авайлашга муҳтож. Чунки, мазкур тарихий маскан Катта Ўзбек Трактининг ёқасида бўлиб, ҳар куни ўнлаб, юзлаб сайёҳлар тўхтаб ўтадилар. Афсусланарлиси шундаки, айрим йўловчилар тошлар бетига турли аҳамиятсиз ёзувларни битиб кетмоқдалар, тошларни кўчириб ташламоқдалар. Бу ҳаракатлари билан улар тарихий ёдгорлик обрўсини тўкиб, унинг табиий ҳолатига зиён-заҳмат етказмоқдалар.

Мана шу ҳолатни кўрган зиёли Саттор Қорабоев қуйидаги фикрларни баён этган эди: «Эй Дўст! Вақт ва Замон тушунчасининг олдида Сен билан Мен қанчалар митти жон эканлигимизни, бу яшаб турган маскан Сени Менга омонат бериб кетилганлигини, Сен ва Мендан кейин ҳам бу заминда болаларимиз яшашлигини тушунасанми, идрок қила оласанми? Агар шу оддий ҳақиқатни англай олган бўлсанг, боболаримизга, аجدодларимизга дахлдор ёдгорликдан қўлингни торт, уни асраб-авайлагин, токи сендан кейинги авлод ҳам унинг чеҳрасидан баҳраманд бўлсин, Сендан миннатдор бўлсин!»

**«ПАРПИ ОТА»**

«Парпи ота» зиёратгоҳи Жиззах шаҳридан 45 километрлар чамаси узокликда, Моргузар тоғларининг орасида, «Курпасой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ялпокбош қишлоғи худудида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан азиз маскан сифатида эъзозлаб келинади.

Зиёратгоҳда сирли-синоатли тешиктош бўлиб, «гуноҳи борларни синаб, сўнг поклар эмиш...» Тешиктошга туташтириб хонақоҳ, айвон, алоҳида муваққат масжид биноси қурилган. Баъзи манбаларда зиёратгоҳга Х асрда яшаб ўтган ҳадис илмининг буюк билимдони, сўфийлик тариқати сардорларидан бири Аҳмад ибн Абу ҳамид Ғаззолийнинг (вафоти 1122 йил) қадами етган деб тахмин қилинади.

Зиёратгоҳ жуда қадим замонлардан бери маълум бўлиб, унинг жойлашган ўрни кўҳна карвон йўлларининг устида жойлашганлиги билан характерлидир. Ўрта асрлар араб тарихчилари ёзиб қолдирган маълумотларга таяниладиган бўлсак, Уструшонадаги «тоғ йўли» устидаги зиёрат манзили. Бу маскандан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўтганлиги аниқ, чунки «Бобурнома»да «Чўбар ошуви» ҳақида сўз юритган Бобур мазкур тоғ йўлидан ўтмаслиги мумкин эмас эди...

Мазкур зиёратгоҳга яқин жойда жуда қадимги кабрстон бўлиб, у жойдан миллоднинг II - III асрларига оид сопол кўзалар синиқлари чиққан, остадонлар (инсон суяклари солинган идиш) қолдиқлари топилган.

«Парпи ота» – «оқ ота» демак бўлиб, арабчада «парфи» – «оқ» деганидир. «Парпи ота» номи бизга «оқ кийимли ота», «оқ ниятли ота» ёки оқ рангли тешиктошга нисбат берилиб «оқ тош ота» каби маъноларга эга бўлиши мумкин.

Аммо, нима бўлганида ҳам мазкур зиёратгоҳнинг сирли хусусияти шундаки, унга келиб ихлос билан қабр соҳибини шафъ килиб туриб, Яратгандан ҳар бир инсон қандай тилак тиласа ниятига етишади – давлат сураганга давлат, соғлиқ сураганга соғлиқ ато этилади. Ихлос инсон руҳиятига янгича куч, умид, аъло кайфият бериб, унинг орзуларини юзага чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.



### ЧУҚМОЗОР ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Жиззах тумани Работ ҚФЙ, Урокли кишлоғи қабристони худудидаги зиёратгоҳ. Зиёратгоҳ қадимги қарвон йўлида жойлашган бўлиб, худуди 0,15 гектарни ташкил қилади. Худудда қарийб олти асрлик муқаддас саналган бир туп тут дарахти мавжуд.

Зиёратгоҳ ҳақида маҳаллий аҳоли орасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Ушбу қабрга дафн этилган авлиёсифат киши тоғдан ҳассаси билан чизиб арик қазиб сув олиб келган ва шу қишлоқни обод қилган. Қарвон йўлидан ўтаётган йўловчилар шу жойдан ўтаётганларида ҳар доим уловдан тушиб яёв ўтишган. Бир бой киши отдан тушмай ўтиб кетаётганда оти тўхтаб уни йикитган деган қараш мавжуд. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, кечаси қабрдан нур таралиб туради, шу сабабли зиёратгоҳни “Чуққомзор ота” деб номлашади.

## ФОРИШ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

### ҲАЗРАТИ ЭШОН ХАЛИФА ЗИЁРАТГОҲИ

Мазкур зиёратгоҳ 2015 йили маданий мерос объекти сифатида муҳофазага олинди, давлат рўйхатиغا киритилган ва маҳаллий халқ учун мўтабар кадамжолардан бири ҳисобланади. Ушбу табаррук маскан Фориш туманининг чекка тоғли худудидagi Андагин қишлоғида жойлашган. Қадамжо Жиззах шаҳридан 120 км, туман маркази – Бoғдон шаҳарчасидан 45 км шимолигарбдаги узoқликдадир.

Андагин номининг этимологияси ҳақида бир неча талкинлар мавжуд. Шулардан бири, академик А.Муҳаммаджoновга таалукли бўлиб, унга асосан қадимий суғд тилига хос бўлган Андагин сузи (анди – «якин», гин – «сув»), сув якин маъносини беради. Олим Андагин, Андигон, Андижон каби топонимларнинг ҳаммаъно эканлигини таъкидлайди. Ушбу худудда олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қишлоқда тахминан IV-V асрларда қурилган, атрофи девор билан ўралган ва маҳаллий халқни хавф-хатардан сақлаш учун хизмат қилган, қадимий истехкомли қалъа ва қўрган мавжуд бўлган.

«Ҳазрати Эшон халифа» тарихий ёдгорлиги Андагин қишлоғининг ўрта қисмида жойлашган. Бу манзилни сўнгги макон тутиб, авлиёлик мақомига эришган азиз зотнинг исмлари Жалолиддин ибн Абдукарим бўлиб, XIX асрда яшаган ва маҳаллий халқ орасида Эшони халифа номи билан машҳур бўлган. Нияти холис ул киши, ҳақ ва ҳақиқатга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилган. Бухоронинг ўз даврида машҳур бўлган Мир Араб мадрасасида ўқиган, мукаммал таълим олган, зохирий илмларни марок билан ўрганган. Ўз даврининг донишманди бўлган, ушбу мўтабар шахс, одам ва олам моҳияти устида бир умр мушоҳада юритган, дунёни мукаммал, ҳаётни тўқис, инсонни баркамол қўришни орзу қилган. Ривоят қилишларича, эътиқоди билан ўзгаларга намуна бўлган, бутун ҳаётини илм, маърифат ва донишмандликка бағишлаган азиз зотнинг хужраларида эски буйра, китоблар тахланадиган тахта ва ёстиқдан бошқа нарса бўлмаган.

Домла Жалолиддин нақшбандия тарикатининг воҳа бўйлаб кенг тарқалишида ҳолис хизмат қилган. Нақшбандия – ислом динининг фалсафий таълимотларидан бўлиб, бу йўлга қирганлар ўзларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб, яъни ички ва ташқи иллатлардан поклаб, Аллоҳ ризосига эришиш, ҳақиқатни англаш учун ўзларини доимо такомиллаштириб борганлар. Шу сабабдан, домла Жалолиддин ҳазратлари каромат соҳиби бўлишлари билан бирга, меҳнат қилиш эвазига рўзгор тебратишликни хуш кўрган. Ул киши бутун умри давомида асосан тарикат одобларидан сабоқ бериб, халқни динга тарғиб этиш ва исломий ахлоққа чорлаш билан шуғулланганлар. Шариат аҳкомларига нафақат ўзлари, балки бошқаларни ҳам тула ва мукаммал амал қилишга даъват қилган.

Ривоят қилишича, кунларнинг бирида пирини зиёрат қилиш учун Қизилқум чўлидан қозоқ муридларидан бири, уругининг энг бой-бадавлат кишиси билан бирга уйларига ташриф буюришади. Меҳмонларни ўзи кутиб олиб, уловларини боғлайди ва қўлларига сув қуйиб, уйга таклиф қилади. Пири қомил хизматга чиққан вақтида бой шеригидан «Эшон қани, нимага келмайди?» деб сўрайди. Муриди бойга, хизмат қилаётган киши эшоннинг ўзи бўлади, деганда, бойнинг кўнглида «хизматкор» эшонга нисбатан шубҳа пайдо бўлади, аммо сир бой бермайди.

Бу воқеадан кўп вақт ўтмасдан бойнинг қорни дамланиб, шиша бошлайди ва у қийин аҳволга тушиб қолади. Дуолари мустажоб бўладиган пири қомилга бу ҳолат аён бўлган ва у киши эшикдан киришлари билан, қозоқ муриди бой густоҳлик қилганлиги учун узр сўраб мурожаат қилади. Эшон ҳазрати мийиғида қулиб, ҳассаси учини бойнинг қорнига тегизади ва бир оз вақт ўтгандан кейин бой ўзига келади. Шу воқеадан кейин, бой қозоқ умрининг охиригача ҳар йили зиёратга келиб, қўй сўйиб ҳудойи қилишни қанда қилмаган. Донишмандлар дейдиларки, «авлиё Худо эмас – Худо ундан жудо эмас». Авлиёлар албатта, ўз кароматлари билан азиздурлар.

Зиёратгоҳнинг ҳозирги ҳудуди салкам ярим гектарни ташқил этади. Тарихий ёдгорлик усти том билан ёпилган учта хонадан иборат, унинг иккитасида сағана бор, учинчиси чиллаҳона вазифасини бажарган. Зиёратгоҳ ҳовлисида ажойиб бўлоқ бор ва мўъжазгина ҳовуз қурилган. Чашма суви шифо-

бахш хусусиятларга эга бўлиб, ундан доимо тоза зилол сув оқиб туради. Ҳовузда реликт хисобланган гулмоҳи балиқлари куп.

Асосий бинога киришдаги чап томондаги хонада аёл кишининг қабри жойлашган. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар доим — дунё яралибдики яхшилиқ билан ёмонлик курашиб келади. Ривоят қилинишича, аёл киши ёш боласи билан жоҳил ёвлардан қочиб, уларнинг қўлига тушмаслик учун Яратгандан нажот сураб илтижолар қилган ва шу жойда ер ёрилиб боласи билан бирга ерга кирган. Кейинча, авлиёлик мақомига эришган домла Жалолоддин у кишининг арвоҳи билан (муроқаба усулида) ғайбона учрашади ва уша учрашган ўринда қабр пайдо қилинади. Маҳаллий аҳоли орасида ер қаърига боласи билан бирга ғойиб бўлган аёл «Ҳазрати Биби Рушнои» номи билан машҳурдир.

Ушбу табаррук масканнинг пайдо бўлиши, унинг муқаддас ва мўътабар зиёратгоҳга айланишига домла Жалолоддин авлиё сабабкор бўлган. Ҳовли ичкарасида диний ва миллий маросимларни ўтказиш учун янги бино қурилган. Зиёратгоҳ ҳовлисида ташқарида, дам олувчилар ва зиёратчилар учун қулайлик яратиш мақсадида ошхона биноси қурилган. Миллий маросимлар вақтида таом тайёрлаш учун барча ошхона жиҳозлари муҳайё қилинган. Сўнгги йилларда ҳашар йўли билан тарихий ёдгорликнинг ички ва ташқи томони текисланди, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилиб обод қилинди.

Зиёратгоҳ ҳовлисида бир нечта қадимий тут ва ёнғоқ дарахтлари бор. Кекса боботут дарахтининг ёши тахминан 250-300 йилни ташкил қилади. Ҳовли атрофи девор билан ўралган. Асосий бино XIX асрда қурилган ва сўнгги марта ўтган асрнинг 60-йилларида Абдушукур махсум ҳомийлигида қайта таъмирланган. Ҳозирги кунда «Ҳазрати Эшон халифа» зиёратгоҳи қисман таъмирталаб ҳолатига келиб қолган. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, маҳаллий халқнинг хайр-эҳсонлари ва саховатпеша инсонларни сайъ-ҳаракатлари билан зиёратгоҳ қайта таъмирланади, обод ва масрур масканга айланади.

## «ХОНБАНДИ» ҚАДАМЖОСИ

Тарихий манзилгоҳлар тарихимизнинг ўтмиш замонларидан гаройиб афсоналар, гўзал эртақлар сўйлаб беради. Фориш тумани марказидан Банд шаҳарчасига қараб йўлингиз тушса, гаройиб ва антиқа тарихий ёдгорликка – Хонбандига кузингиз тушади.

Пасттоғ аталмиш қоялар туташган тоғ оралиғида қафтдек текис кумлоқ ҳудуддан чиқасиз ва йўл шу кумлоқ текисликни ёқалаб бориб бирдан тик тушган қоядор тўғон устидан чиқасиз.

Беихтиёр типпа-тик тўғон устида туриб оёғингиз остида зич қилиб тошлардан берчлаб, парчинлаб, тахлам-тахлам қилиб бунёд этилган Банд – тўғон маҳобатидан лол қоласиз. Бир томонда қават-қават, зина-зина бўлиб ётган тошлар сизни хув-в, пастларга олиб тушиб кетса, бошқа томонда қафтдек текис «кум кўли» ястаниб ётади. Асли ана шу «кум кўли» ўрнида бундан минг йиллар бурун сувли кўл чайкалиб турган. Пасттоғ этакларидаги ҳудудсиз боғлар, полизлар ва экинзорларга мана шу тўғондаги новлардан ариқ тўлиб сувлар оқиб турган.

...Бу гаройиб манзилни минг йилдан бери гоҳ «Банд - тўғон», гоҳ «Хонбанди», «Хоннинг банди», «Хоннинг тўғони» деб атайдилар.

– Мазкур тўғон иншооти Марказий Осиё – кўҳна Турон халқлари бунёд этган суғориш иншоотлари орасида энг қадимгиси ҳисобланади, – дейди академик Эдуард Ртвеладзе. – Ҳарқалай бундай маҳобатли кўҳна тўғон милоднинг X асрида қурилганлигига қарамай, ёзма манбаларда у ҳақда маълумотлар йўқ.

Банд – тўғон қурилиши бизнинг тахминимизча сомониylар салтанати даврида бошланган ва X аср охирида бошқа сулола – қорахонийлар ҳукмронлиги даврида тугалланган кўринади.

Чунки, айнан «Абдулатифхон чорбоғи» деган тарихий манзил ўрни ҳам айнан «Банд» яқинида барпо этилгани тахмин қилинмоқда. Абдулатифхоннинг эса ким эканлиги ҳали ўрганилган эмас.

\* \* \*

Тўғоннинг юқори қисми кенглиги 51,75 метр, тағзамин қисми 24,35 метр, баландлиги 15,25 метрга тенг, у тарошланган гранит тошларидан берчланиб қурилган. Ҳатто, сизот сувлари ҳам ўта олмайдиган берч – лой қоришма ҳам тўғон усталари томонидан айнан шу жойнинг ўзида тайёрланган.

Тўғонни кўздан кечирсак, ҳақиқатдан ҳам бобоқолонларимизнинг ўта маҳоратли ва тадбирли бўлишганига қойил қолмай илож йўқ! Тўғон иншооти кун чиқишдан кун ботарга қараб чўзилади ва шимолга қараб очилади. Тўғоннинг чап, яъни кун ботар томонида турли баландликларда сув очиш учун тўққиз тешик – сув йўли қолдирилган.

Олимлар «тўғон қалинлиги саккиз метр бўлган», деб хулосалашди. Тўғон устки қисмида бу кенглик икки метрга тенг. Буюк мозий қаърига сингиб, йўқолиб кетган адоқсиз бог-роғлар, экинзорларга ҳаёт улашиб турган бу тўғонга сув тўлганида узунлиги 1,5 километрлик ҳайбатли қўл мавж уриб турган.

«Хонбанди» сув омбори икки юз йиллар чамаси фаолият кўрсатиб турганлиги тахмин қилинади. Чингизхон бостириб келган замонларда эса... бундай сув иншоотидан фойдаланишга имкон қолмаган, сув омбори қум билан, сел оқиндилари билан тўлиб бўлган эди, деб тахмин қилинмоқда.

Боболар қўли билан тикланган ёдгорлик – қадамжо сифатида бугун жуда гавжум. Тарихий иншоот ўз гўзаллиги ва маҳобати билан кишиларни ҳали ҳозир ҳам ўзига мафтун этади. Ёдгорлик асраб-авайланишга, қадрланишга муҳтож.

### «ЖОНДАҲОР ОТА»

Фориш туманининг тоғли Гараша қишлоғида Муҳаммад Шариф (Мавлоно Грекушоҳ) номи билан азиз тутилувчи иккита зиёрат манзили бор. Биринчиси, ул зоти бобарокотнинг хонақоҳи бўлса, иккинчиси «Жондаҳар ота» («жонга роҳат берувчи», «жонга дармон берувчи» маъносида) зиёратгоҳи ҳисобланади. Зиёратгоҳ назоратчиси, юрт тарихи жонқуяри Саидмурод ота Толипов шундай ёзади:

«Муҳаммад Шариф (Мавлоно Грекушоҳ) пайғамбарзо-

далардан, пайгамбаримизнинг (с.а.в.) кизи Биби Фотимадан Имом Ҳусайн, имоми Зайнул Обидин авлодларидан бўлиб, ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг шогирдларидан бири бўлган эканлар.

Устозлари уни бир ок туяга миндириб фотиха бериб жўнатадилар. Туялари ўшал «Жондахар ота» манзилгоҳига келиб тўхтади ва ул зот ўша жойга тушиб, сувсиз жойга асоларини уриб чашмани чиқарадилар, сўнгра бу жойда макон тутадилар.

Гараша қишлоғининг номи ҳам (Мавлоно Грекушоҳ) «тугунларни ечувчи» сўздан олинган бўлиши мумкин. Кейинчалик чашма атрофида кўп минг кишилик кўргон-қалъа қурилади. Бу қурилиш ривоятларга кўра XII асрда амалга оширилган.

Чашманинг суви шифобахш хусусиятларга эга, масалан, сарик касаллигини даволайди, теридаги ҳар хил доғларни кеткизади, кутирган ит қопганлар бу сувда чўмиладилар, ҳар хил ошқозон-ичак хасталиқларида ҳам бу чашманинг сувини ичиш кони фойда...»

Гараша қишлоғи кексалари Умархон бобо Ихтиёров, Ҳомид бобо Абдурахмонов, Рауф бобо Рашидов, Абдурахмон бобо Асроров, Сулаймон бобо Товбоевлар томонидан сақлаб келинган жуда кўхна арабий имлодаги икки ҳужжат 2001 йилда Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигига тақдим этилган бўлиб, улар ўрганиб чиқилди.

...Биринчи ҳужжатнинг орқасида муҳр бор, аммо у кимнинг муҳри эканлигини аниқлаш имкони бўлмади. Ҳужжатда келтирилган сана 841 ҳижрий йил ҳисоби бўлиб, милодий 1438 йил, яъни Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда Султон Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилаётган давр эди... Унда, жумладан, қуйидагилар ёзилган:

«841 ҳижрий йилида 12-рабби ул-аввал ойида султон (бу ерда Мирзо Улуғбек назарда тутилмоқда) томонидан ёзилган гувоҳномада мавлоно Гаришоҳ - машойихлар машойихи яқинларидан бўлмиш мухтарам хожи Шамсиддин Муҳаммадга Сўғди Калон мавзесидаги Марвақ қишлоғи суюрғол сифатида тақдим этилган...»

Иккинчи ҳужжатда «909 ҳижрийда (1503 милодий йили) мавлоно Гаришох авлодидан булмиш шахсга... (укиб булмади) Сўғди Калон туманидаги кишлок ва ерларни суюрғол тарзида тақдим этилгани» баён қилинган.

Мустақиллик йилларида Муҳаммад Шариф хонақоси, масжиди қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. «Жондаҳар ота» зиёратгоҳида булокни асраш, ободонлаштириш юзасидан катта ишлар қилинди. Гараша қишлоғининг тарихи ҳақида шу ерда туғилиб, камол топган зиёлилар ҳам тарихий, адабий ва этнографик мақолалар ёзишган. Шоир ва журналист, жамоат арбоби Саъдулла Ҳаким Гараша афсоналари таъсирида яхши шеърлар битган.

### «ХҲЖА БОҒБОН ОТА»

Мазкур зиёратгоҳга Фориш туманининг Қоратош қишлоғидан бурилиб, тоғ томонга, дала йўли билан кириб борилади. Хассос адиба Саъдина Бобомуродованинг «Қоратош» деган бадихаси «Жиззах ҳақиқати»да босилиб чиққан эди. Унда шундай сатрлар бор...

«...Қадим аждодларимиз бизларга, яъни ҳозиргининг одамларига ўхшаб, ҳашаматли уй-жойлар қуришга ружу қўймаган экан. Ўзи беш кунлик дунё бўлса, чин уй - чин дунёда бўлади дея ғорларда, ертўла, қапа, ўтов ва чайлаларда яшайверишган экан.

...Етти юз эллик йиллар муқаддам, ун иккинчи асрнинг етмишинчи йилларида асл исмлари Ибн Муҳаммад ал-Восеъ бўлган «Хўжа Боғбон авлиё» отамиз фикҳ ва исломий илм-маърифат тарқатиш учун шу жойларга келиб, яшаб қолиб кетган эканлар.

Улуғ бобокалонимиз, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобида етти юз етмиш авлиёнинг исм шарифи келтирилган. Китобдаги олтинчи ўринда Ибн Муҳаммад ал-Восеъ зикри келтирилиб, унда «...Ўз замонасининг беназири эрди ва тобеиндин кўпига хизмат қилубдур ва суҳбатига етибдур ва кўп машойихлар билан суҳбат тутибдур... Анинг сўзидурким, «Бу дунёда зоҳид бўлгин ва ҳеч кишидан таъма қилма, то барча халк сенга муҳтож бўлғайлар..» деган фикрлар билан бошлана-



диган жумлалар бор. Мен, ўша кишининг хокини чиндан ҳам шу ерда деб хис этаман, ул зоти бокарамнинг қадамлари бу ерга теккан деб хис этаман...

Хуллас, авлиё бобо шу жойларга истикомат учун келибдилар. Ҳар доим, дунё яралибдики яхшилик билан ёмонлик курашиб келган. Шу юртга яқин келганида орқасидан уни ўлдириш учун кувиб келаётган жоҳил ёвлар жуда яқинлашиб қолибди. Авлиё ота шу ғорга кирибдилар-да Яратгандан нажот сўраб, илтижолар қилибдилар. Шунда ғор оғзида қалин ўргимчак тўри ҳосил бўлибди. Тўр ичкарасида эса бир мусича пайдо бўлибди...

Ҳалиги ёвлар етиб келиб қарашса, ғор оғзида қалин ўргимчак тўри, тўр орқасида бир мусича қунишибгина турганмиш. Улар «қочган киши агар шу ерга кириб кетган бўлганида, бу ўргимчак тўри, албатта, бузилиб кетган ва мусича ҳам учиб кетган бўлар эди», дея ўйлашиб, орқаларига қайтиб кетган эканлар...

Авлиё ота қирқ икки ёшларида узлатга чекинибдилар. Узок тоат-ибодатдан сўнг, бир куни жамъи азиз-анбиёлар руhini хузурларига чорлаб, суҳбати аржуманд қилмоқчи бўлибдилар. Машойихлар, авлиё-анбиёлар руhi кўпи билан икки сонияга қолмай етиб келишибди.

– Ё Аллоҳ! – дебди авлиё ота. – Энди бу азиз меҳмонларни қандай зиёфат қиламан?..

Шунда ғойибдан илоҳий пайғом бўлибди:

– Гирдо-гирдингга мевали дарахтларнинг қурук чўпларидан бўлса ҳам сукиб кўй!

Ота чўпларни ерга суккан захоти, улар мевалари ҳилм-ҳилм пишиб турган дарахтларга айланаверибди. Турли тарафда қирмизи гуллар, бинафшалар очилиб, равочлар бош кўтарибди, қоратошни ёриб тош полалар чиқибди.

Кейин Қоратошдан булоқ сизиб чиқибди. Сувининг тиниқлидан қаранг, ичидаги тошларининг ранги ҳам аниқ кўринар экан. Йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдай илиқ, бирдай ёқимли...

Меҳмонлар мезбон ҳаққига дуолар қилишибди. «Бул маъво-лар, беҳиштдан нур ёғилган, нур оккан – «Нурак» жойлар экан! Сиз эса асл пири боғбон экансиз. Энди сиз «Хўжа Боғбон авлиё ота бўлдингиз», дея дуо беришибди...

Хўжа Боғбон авлиё отанинг антиқа булоғи бор, ёзда ҳам, кишда ҳам илиқкина... Кекса тут дарахтларининг ёши минг йилдан кам эмас... қурилган масжид биносига ҳам икки юз йилдан ортиқ вақт бўлган бўлса ажабмас...

Бугун бу ерда анчагина ободончилик ишлари бажарилган. Улуғ авлиё отанинг манзили обод ва кўркем, йўлақлар, зиналар, гуллар, ҳовузлар зиёратгоҳга файз киритиб турибди. «Хўжа боғбон ота» хонақосини тиклаш ҳаракати бошланган.

### «НАРВОЙ ОТА» ЗИЁРАТГОҲИ

Нарвой Нурота тизма тоғининг жанубий дала-даштларидаги энг катта қишлоқлардан бўлиб, Фориш тумани ҳудудида жойлашган. Қишлоқнинг табиати ниҳоятда гўзал, икки томонида баланд адирликлар, серсув булоқлари ниҳоятда кўп. қишлоқнинг энг юқори қисмида «Сувқўшилиш», «Нарвой ота», «Ҳайдарбойнинг ҳаёти», «Қўнишбойнинг равоти», «Тўнғизлик мулла Аҳмад бобонинг боғи», «Кенжабойнинг ҳаёти», «Аллаёрбойнинг олмазори», «Келдиёрбойнинг уриқзори» деб аталувчи мевали ва манзарали дарахтзорлардан иборат гўзал боғлар бор. Бу боғлар яқка хўжалиқни тугатиш йилларида давлат мулкига айлантирилган.

Бу табиий гўзалликни шу қишлоқдан чиққан шоира Гулчехра Усмон шундай таърифлайди:

*Соф ҳавоси танга роҳат баҳиш этган,  
Зилол сувли, қайнар булоқли юртим.  
Сут-қатиги жонга қувват киритган  
Тоғ дараси, жаннатмакон - Нарвойим!..*

«Нарвой ота» қабристонида қабрлар устига қўйилган бешик шаклидаги мармар тошлар ва ундаги ёзувлар қишлоқ тарихига гувоҳлик беради. Ёзувлар араб алифбосидаги форс тилида ёзилган. 2003 йилда нарвойлик Шакар Эгамов илтимосига асосан, олимлар Фаҳриддин ва Музаффар эшонлар қабр тошларидаги ёзувларни ўқиб, шарҳлаб берганлар.

1-қабртошда: «Қутлуг Хўжа қизи биби Қутлуг Текин 77 ёшда бандалиқни бажо келтирди», деб ёзилган.

2-қабртошда: «Шамсутдин Сайфутдин ўғли 867 ҳижрий йилда қўйилди», деб ёзилган.

Кишлоқ номининг «Нарвой» деб аталиши ҳақида ҳам ёзма манбаларда маълумотлар йўқ. Ҳикоятларга кўра, кишлоқ аҳолисининг туб келиб чиқиши ўзбеклар 92 уруғининг бири - манғитларга бориб такалади. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, «Манғит» сўзи «манглайли от» деган маънони англатар экан. Отнинг ҳаммасида ҳам манглай бўлади, аммо гап отнинг манглайдаги кашкаси ҳақида кетмоқда. Отнинг оқ кашкаси борини мингувчилар «Оқ манғит», қора кашкаси борини мингувчилар «қора манғит» деб аталганлар. Ана шу манғит уруғидан бир гуруҳи Нарвой кишлоғига кўчиб келиб жойлашганида улар орасида энг катта ёшдаги инсон Нарвой бобо бўлган экан. У киши шайх бўлиб, ҳозирги «Нарвой ота зиёратгоҳи» ўрнида яшаган ва шу ердаги ғорга кириб ғойиб бўлган экан...

Алишер Навоий асарлари лугатида «нарвой» - «серсоя, дарахтлар тигиз ўсадиган жой» маъносини билдиради, деб кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам «Нарвой ота»да беҳисоб булок сувлари бири-бирига қўшилиб катта чашма ҳосил қилиб оқиб ётади. Чашманинг икки ёқасида ўн метрдан эллик метргача кенликда серсоя, сарвкомат, қурилишбоп манзарали дарахтларнинг борлиги юқоридаги лугавий маънони тасдиқлайди.

### ҲАЗРАТИ ЗАЙНУЛОБИДИН ЗИЁРАТГОҲИ

Фориш туманининг энг чекка, Навоий вилояти Нурота тумани билан чегарадош ҳудудида Можурум қишлоғидаги зиёратгоҳ бўлиб, маҳаллий аҳоли ўртасида зиёратгоҳ ва унга номи берилган Ҳазрати Зайнулобидин тўғрисида қуйидагича ривоят бор. «Ҳазрати Зайнулобидиннинг кўз ўнгида ислом динини тарғиб қилиб юрган вақтларида отасини душманлар ўлдиради. У кишининг таналари Можурум қабристониде, бошлари эса Чустда, дейилади. У кишининг кароматлари тўғрисидаги бошқа бир ривоятда «Бу авлиё сифат кишини таналари факат намоз ўқиётган вақтларида бўшашади, бошқа пайтларда белбоғларини ечмаса, у кишига ўк ёки қилич зарби ҳам таъсир қилмаган»<sup>2</sup>, дейилади.

Зиёратгоҳ ва унга номи берилган Ҳазрати Зайнулобидин

<sup>2</sup> Рустамжон Раҳматуллозода. Аждодлар меросига эҳтиром.-Т.: 2006. Б.4-7.

туғрисидаги маълумотларни тушлаш мобайнида бир қанча ахборотчилар билан суҳбатлашдик, аммо улар бу шахс туғрисида етарлича аниқ маълумотларни бериша олмади. Лекин зиёратгоҳ тарихи ҳақида, асли ушбу кишлоклик бўлган Рустамжон Раҳматуллозоданинг «Аждодлар меросига эҳтиром» деб номланган, 2006 йил «Фан» нашриётида нашр этилган рисоласида бир қанча аниқ маълумотлар берилган («Бошлари Чустда» деган гапда ҳам жон бор. Чунки, Чустга яқин Поп тумани худудида Имом ота зиёратгоҳи ҳам Зайнулобидин қабри дейилади).

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёмалари маркази фондида сақланаётган «Хизонат ул-асфиё» китобида келтирилишича, мусулмон оламида икки зот Зайнулобидин деган лақаб олган. Бу лақабни биринчи олган киши Имом Али бўлиб, Имом Ҳусайннинг ўғли бўлган. У зотнинг кунялари – Абулҳасан, лақаблари Зайнулобидин бўлиб, 36 ёки 38 хижрий йилда Мадинада туғилганлар, оналари биби Шаҳрибону Эрон подшоси Яздижарднинг қизи бўлганлар. Номи зикр этилган китобда келтирилишича, Имом Али ибн Ҳусайн кечаси таҳажжуд намози ўқиётганларида шайтони лаъин аждаҳо суратига кириб, у кишини намоздан тўхтатиш учун келади. У зот унга эътибор ҳам қилмайдилар, оқибатда аждаҳо оёқларига ниш уради. Аммо ҳазрат оёқлари каттиқ оғриғига ва шишганига қарамай, намозни тарк қилмайдилар. Оллоҳ таоло у зотга унинг шайтон эканлигини маълум қилади. Шунда у зот «ла ҳавла»ни ўқиб, бир тарсаки урадилар, у тутунга айланиб ғойиб бўлади. Шу онда ғайбдан «ё Зайнулобидин» деган овоз келади, шундан сўнг у кишига Зайнулобидин лақаб бўлиб қолади («Хизонат ул-асфиё», 31-бет).

Иккинчи Зайнулобидин деган лақабни олган зот ҳазрат Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг 24-авлодлари, яъни ҳазрат Алининг 25-авлодлари, исмлари – Алоуддин, лақаблари – Зайнулобидин. Ҳазрати Зайнулобидин айни йигитлик даврларида Ноғур йўлида отасининг кўз олдида йўлтўсарлар қўлида шахид бўладилар («Хизонат ул-асфиё», 124-бет). Тақрибан хижрий 895 йилда туғилиб, 915 йилларда шахид бўлганлар. «Хизонат ул-асфиё»да келтирилишича, Саййид Алоуддин, Саййид Ғавсул Аъзам Абдулқодир Жилонийнинг 12-авлодлари ҳисобланади.

Ҳазрат Абдулқодир Жилоний ҳазрат Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг 12-авлодларидир. Ҳазрат Абдулқодир Жилоний 470 хижрий йили (милодий 1079) туғилганлар ва тўқсон йил, етти ой, 9 нафар кун умр кўрганлар. Бу улуғ зотнинг 42 нафар фарзанди бўлиб, тўққиз фарзанди улуғ макомларга, зоҳирий ва ботиний илмларга эга бўлган. Туртинчи ўғиллари шайх Тожиддин Абдураззоқ бўлиб, у зот беш фарзанд кўрганлар: 1. Шайх Абу Солиҳ. 2. Шайх Абулқосим. 3. Шайх Абдурахим. 4. Шайх Абулмаҳосин. 5. Саййид Жамолуллоҳ.

Шайх Саййид Жамолуллоҳ бувалари Абдулқодир Жилонийга жуда ҳам уҳшашлигидан Ҳазрат Ғавсул Аъзам мазкур невараларини жуда яхши кўрганлар. Шу боисдан Шайх Саййид Жамолуллоҳ буваларининг дуолари барокотидан узоқ умр кўрганлар. Бу зот, кўпинча Самарқандда яшаганлар («Хизонат ул-асфиё», 109-бет). Самарқанд вилояти Ургут туманида Ғавс (Ғус) деган қишлоқ ва зиёратгоҳ бор. Модомики Саййид Абдулқодир Жилоний ҳазратларининг набиралари Самарқандда яшаганлари ҳақида аниқ маълумот бор экан, демак, бундан у зотнинг авлодлари Ургутга келиб истикомат қилганлари ҳақиқатдан узоқ эмаслиги келиб чиқади. Энди Можурумдаги ҳазрати Зайнулобидинга келсак, у зотнинг боболари Самарқанд ва ундан кейингилари Ургутда истикомат қилган бўлсалар, бу зотнинг ҳам Можурумга келган бўлишлари мумкинлиги аён бўлади<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган далиллардан зиёратгоҳ Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг 24-, Ҳазрат Алининг 25-авлодлари бўлган исмлари – Алоуддин, лакаблари – Зайнулобидин номи билан боғлиқ деган хулосага келиш мумкин, сабаби:

**биринчидан**, зиёратгоҳга номи берилган зот Зайнулобидин эканлиги ва у зот отасининг кўз ўнгида йултўсарлар кўлида шаҳид бўлганлиги тўғрисидаги ривоят Можурум қишлоғида истикомат қилаётган кишиларнинг ота-боболаридан авлодларга оғиздан оғизга бир неча юзлаб йиллардан буён ўтиб келганлиги, бу ривоятдаги кароматпеша кишининг исми ва воқеалар «Хизонат ул-асфиё» китобида келтирилганлиги;

<sup>3</sup> Рустамжон Раҳматуллозода. Аждодлар меросига эҳтиром.-Т.: 2006 й. Б.4-7.

**иккинчидан**, «Хизонат ул-асфиё» китобининг 124-бетида у зот шаҳид бўлиб, таналари Мажурумда қолганлиги;

**учинчидан**, қадимги қарвон йўлининг Нурота-Фориш-Жиззах йўналиши шимолида жойлашган «Қулфисар ота» зиёратгоҳи тўғрисидаги ривоятда ҳам айнан «...қадим замонларда бутга, оловга сиғинганларнинг подшоси ғараз мақсадда аскарларига авлиёнинг бошини олиб келишни буюради. Аскарлар авлиёнинг бошини танидан жудо қилиб олиб келаётганларида ҳозирги «Қулфисар ота» зиёратгоҳининг ўрнига келган пайтларида кечаси тунаб қоладилар.

Бу ерда ёлғиз бир уй бўлиб бир кампир ўғиллари билан яшар экан. Кекса кампир Аллоҳнинг борлигига иймон келтирган имон-эътиқодли инсон экан. Саҳар пайти ибодат қилиш учун таҳоратга чикса, ухлаб ётган аскарлар ўртасида найза учига қадаб қўйилган бошга осмондан нур тушиб турганлигини ва бошнинг калима қайтариб турганини кўриб қолибди.

Кампир тезда ўғилларини уйғотиб, «Бу аскарлар ёвуз одамлар экан – бир қароматли авлиё одамнинг бошини олиб кетишга ётганга ўхшайди, уни олиб қолишимиз керак!» дейди. Шунда Аллоҳнинг розилиги билан кампирнинг бир ўғли шаҳид бўлиб, бошини беришга рози бўлади. Кампир ўғлининг бошини олиб бориб авайлаб ҳалиги бошга алмаштириб олиб сандиққа солиб қулфлаб қўяди.

Аскарлар кетганидан сўнг кампир ўғлининг танасига авлиёнинг бошини яқинлаштирганида мўъжиза юз бериб бош танага бирикиб қолади ва шу ерга дафн этилган<sup>1</sup>лиги баён этилиши;

**тўртинчидан**; Ушбу ҳудудда қадимдан ислом оламига машҳур бўлган Мажармий нисбасини олган ўнлаб алломаларнинг етишиб чиққанлиги ҳам Мажурумда азалдан диний ва дунёвий билимлар ривожланиб, бу ерга қўплаб тарикат пирлари ва азиз зотларнинг қадами етганлиги ҳам фикримизни исботлайди.

<sup>1</sup> Ота Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Фан. -Т.: 2008. Б.36-37.

## БАХМАЛ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

### БУНЖИКАТ – БАХМАЛ

Уструшана минтақасининг пойтахти Бунжикат йирик хунармандчилик ва савдо маркази бўлганлиги манбаларда таъкидланади. Айни пайтда Бунжикатдан қуроқ-яроқ, темир ҳамда мисдан ясалган асбоб-анжомлар, ёғочдан ясалган асбоб-ускуналар, эгар-жабдуқлар ва бошқа хунармандлик маҳсулотлари Шарқ мамлакатларига сотувга чиқарилган.

Бунжикатда вилоят ҳокимининг қароргоҳи, шаҳар ташқарисида эса қасрлар, боғлар, узумзор ва экинзорлар бўлиб, шаҳар атрофи хандаклар билан ўралган эди. Бунжикат Самарқанддан олти фарсах масофада жойлашган.

Ўрта аср араб манбаларида Бунжикат кенг ёритилган бўлиб, ўз замонида унинг катта аҳамиятга молик эканлиги шубҳасиз. Машҳур географ олим ал-Истахрий «Масолик ал-мамолик» асарида Бунжикатга шундай таъриф беради: *«Бунжикат вилоят ҳокими яшайдиган шаҳар бўлиб, уйлари ёғоч ва лойдан қурилган. У ички ва ташқи шаҳардан иборат, деворлар билан ўралган. Ички шаҳарнинг икки дарвозаси бор, шаҳарнинг ичидан катта дарё оқиб ўтади. У ерда жоме масжид, бозорлар ва тегирмон ҳам бор. Шаҳар айлана деворининг атрофида бир фарсах келадиган боғлар, узумзорлар ва бир неча қасрлар бўлган. Ташқи шаҳарнинг тўрт дарвозаси: Зомин, Миросманда, Нуҷкет ва Қаҳалбоз дарвозаси номлари билан аталган. Ташқи шаҳарда олти анҳор бўлиб, улар шаҳардан ярим фарсахдан камроқ масофада жойлашган дарёдан бошланган. X асрда Бунжикатда 10 минг эркак аҳолиси бўлиб, ички ва ташқи шаҳардан иборат ва шаҳардан дарё оқиб ўтган. Ташқи шаҳарда қамоқхона жойлашган».*

Мазкур тарихий ва объектив далиллар асосида Бунжикатдан ярим фарсах масофадаги дарё Сангзор дарёси ва шаҳарнинг ҳозирги даврдаги ўрни эса Жиззах вилоятининг Бахмал тумани деб белгиланди. Бахмал 1943 йил 8 майда ташкил этилган туман бўлиб, у Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманлари, Самарқанд ви-

лояти ва Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 1,86 минг км. Аҳолиси 100 минг киши (2015 йил). (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жуз. 651-бет).

### «ЎСМАТ ОТА» ЗИЁРАТГОҲИ

Бахмал туман марказида, Қўрғонтепа пойида сулим гуша «Ўснат ота» - зиёратгоҳи бор.

Ўснат тарихан аввалроқ, миллоднинг бошларида пайдо бўлганлигини тарихий асори атиқалар, археологик материаллар тасдиқлайди.

Бахмаллик ёзувчи Саййид Азим тарихчи олимлар - Олимжон ва Жалолиддин Жўраевлар фикрига таяниб, Ўснат ота қабрини ўснатлик фикхшунос олим, ўз даврининг йирик қонуншуноси бўлмиш Абул Фатҳ Мухаммад ибн Абдулҳамид Ўсмандий ас-Самарқандий номи билан боғлайди. Абул Фатҳ Ўсмандий 1095 йили таваллуд топиб 1158 йили, 63 ёшида вафот этганлиги маълум. Унинг араб тилида битилган, бир неча жилддан иборат бўлган «Шарҳ ал-жомий ал-қабир» асари бизгача етиб келган. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Имом Усмони Туркистоний ҳақида гап бораётир. Бу ерда «Туркистоний» таҳаллусини «туркистонлик» эмас, балки «Туркистон» - «турклар яшагувчи Ваган» номи билан юритилгувчи Зомин ва Бахмал тоғларига киёсан - «Туркистон тоғилик» маъносида тушунган маъкул.

Авлиёлик мақомига эришган зот - Усмони Туркистоний замондоши Ҳазрати Башир (асли исми Султон Саййид Аҳмад) билан маслакдош эдилар. Асли китоблик бўлган Ҳазрати Башир дарвешлик мақомати билан бир қанча муддат Сангзорда турганлиги маълум...

«Ҳазрати Башир тарихи» китобида ёзилишича, Ҳазрати Башир ва устод Усмони Туркистоний Туркистонга Хожа Аҳмад Яссавийнинг зиёратига ялангоёқ йул оладилар. Йулда кўп қийинчиликлар кўрадилар. Фирорга (Авлиё кишлоғининг аввалги номи шундай бўлса эҳтимол) етганларида бир уйдан, «ўчоқда озроқ оёғимизни иситиб олайлик», дея ижозат сўрайдилар. Уй эгаси озроқ ёғ беради, оёқларининг ёрилган жойларига суриб оловда тоблайдилар.



«Ҳазрати Шайхи Бузруквор (Ҳазрати Башир) айтдилар: «Менинг кўзим уйкуга кетганидан кейин туш кўрдим. Тушимд: Саййид Аҳмад Яссавий айтдилар: «Эй фарзанд, авом халқнинг жафосига қўнишлик Оллоҳнинг розилигини топишлиқдир!» Уйғониб тушимни устод Усмонга айтдим. Устод Усмон айтдилар: «Бу ерга Ҳазрати Садри бобо раҳматуллоҳи алайҳининг мазорлари яқиндур, у кишининг фарзандлари, пирлари ва мужовирлари бордурлар. У ерга бориб, бу воқеани баён қилайлик» деб Садри бобо мазорларига бориб тавофу зиёрат қилдик...»

Чунончи, устод Усмони Туркистоний авлиёлик мартабасини топган кишилардандур. Ҳазрати Шайхи Бузруквор айтур эрдиларким, «Ҳар кишиким мани зиёратимга келсалар, авваламбор ҳазрати устод Усмони Туркистонийни зиёрат қилсин...» (Ҳазрати Башир тарихи. Тошкент. 1994).

Ҳазрати Башир милодий 1379 йилда туғилган бўлиб, Ҳазрати устод Усмони Туркистоний авлиёуллоҳнинг ёшлари Ҳазрати Шайхи Бузруквордан каттарок бўлганлиги маълум.

Ўсмаёт ота зиёратгоҳи Баҳмал туманининг марказида, боҳаво тоғ булоқлари қуршовида жойлашган бўлиб, ер майдони ярим гектарни ташкил этади. Айни пайтда рекреацион - хордик, зиёрат мақсадларида фойдаланилмоқда.

Иккинчи вариант эса Фаррух Ақчаевга мансуб бўлиб, у қуйидагича фикр юритади:

Уструшана, Жиззах воҳаси бугунги табаррук масканлардан бири бўлиб, қадимдан Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган. Унинг илм-фан ривожига ва маданият юксалишидаги ўрни жуда юқори саналади. Қуйида биз фикр юритмоқчи бўлган «Ўсмаёт ота» зиёратгоҳи ва унга номи берилган аллома, ўрта асрлар мусулмон шарқининг машҳур олимларидан бири ҳақидадир (ушбу зиёратгоҳ тарихини ёритишда Имом Бухорий халқаро маркази нашриёт бўлими бошлиғи Отабек Мухаммадиевнинг мақолаларидан фойдаланилди).

Уструшана воҳасининг кўзга кўринган фарзандларидан бири, шубҳасиз, ўз даврининг машҳур факих ва мутакаллим олими, мутафаккир Мухаммад ибн Абдулхамид Усмандий Самарқандийдир.

Олимнинг тулик исми – Абулфатх Алоуддин Мухаммад ибн Абдулхамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, унинг туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда «Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган», – деб келтирилса, кўпчилик манбаларда «У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири «Усманд»да таваллуд топиб, 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган», дейлади. Манбаларда Абулфатх Мухаммад ибн Абдулхамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб «Оламнинг устуни» сифати билан машҳурдир, деб келтирилади.

Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг «Асманд» ёки «Усманд» деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. Баъзи олимлар бу жой «Асманд» деб номланган ва алломанинг нисбаси Асмандий бўлган, деб келтиришса, бошқалари қишлоқнинг номини «Усманд», яна баъзилари эса «Саманд» шаклида баён этганлар.

Фикримизча, аллома туғилган қишлоқнинг номи «Усманд» бўлган, чунки ҳозирда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида Усмағ номли шаҳарча мавжуд бўлиб, қатор олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан шу ном қайта тикланган. Шу билан бирга, ҳозирги Жиззах вилояти ҳудуди олдин кўҳна Самарқанд таркибида бўлганлиги тарихдан маълум. Усмағ вилоят маркази Жиззахдан 70 км ғарбда.

Аллома туғилган жойга қараб унга Асмандий ёки Усмандий нисбасининг берилишида ҳам ихтилофлар мавжуд. Юкорида келтирилганидек, баъзи манбаларда унга Асмандий деб нисбат берилса, кўпчилик манбаларда Усмандий (араб тилида биринчи ҳарфи ҳамзали алиф заммали ўқилади) деб келтирилган.

Алломанинг отаси Абдулхамид ибн Умар Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва моҳир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган. Тулик исми – Абу Мухаммад Абдулхамид ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тоҳир Усмандий бўлиб, манбаларда унинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина ёзиб қўйилган. Унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани,

хаттоки туғилган ёки вафот этган йиллари ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

Ёзма манбаларда алломанинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот келтирилган. Уларда фақат Алоуддин Муҳаммад Усмандийнинг 552/1157 йили Бухорода вафот этганлиги қайд этилади, холос.

Аллома фикҳ илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан олган. Имом Ашраф Алавий фикҳ бўйича таълимни отаси Муҳаммаддан, у эса отаси Абу Шужоъдан олган ҳамда ундан ривоят ҳам қилган. Самъоний ўзининг «Аз-зайл» асарида келтиришича, у ҳақда Марв козиси Ғози Муҳаммад ибн Утба Сойигий ривоят қилган.

Имом Ашраф Алавийнинг отаси Самарқанддаги Қусам ибн Аббос (р.а.) мадрасасида ўқиган. Ҳижозга сафар қилиб, Бағдодга хожи бўлиб келган ва Самарқандга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда дарс бериш ва илми ёйиш билан шуғулланган. 491 хижрий йилнинг шаввол ойида 54 ёшида вафот этган ва Самарқанддаги машхур «Чокардиза» қабристонида дафн этилган.

Ҳадис илмини эса «Садруш-шаҳид» лақаби билан машхур бўлган Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан ўрганган. Ҳисомуш-шаҳид, Садруш-шаҳид, Саффоруш-шаҳидлар шулар жумласидандир.

Аллома қатор исломий илмларда, айниқса, фикҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган илмул-хилоф бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида «Алоуддин» (Диннинг устун) каби юксак лақаблар билан машхур бўлган.

Манбаларга таяниб комил ишонч билан айтиш мумкинки, аллома тарбиялаб вояга етказган шогирдларининг энг машхури – Абулмузаффар Жамол Ислом Асъад Каробисийдир. Қураший ўзининг «Жавоҳирул-музийя фи табақотил-ҳанафийя» («Ҳанафийлар табақасига мансуб олимлар ҳақида ёрқин жавоҳирлар»), шунингдек, Ибн Қутлубғо ўзининг «То-

жунт-тарожим» («Таржимаи ҳолларнинг тожи») асарида келтиришича, алломанинг тулик исми Асъад ибн Муҳаммад ибн Хусайн Каробисий, лакаби «Жамолул-ислом» бўлиб, у «Ал-фурук фил-масоил-фиракия» («Фиркалар ҳақидаги масалалар уртасидаги фарқлар») асарининг муаллифидир. У фикҳ илмини Алоуддин Усмандий Самаркандийдан, Саййид Ашраф ва унинг отаси Абулваззоҳ ҳамда унинг отаси Саййид Абу Шужоъдан олган. Каробисий 570 ҳижрий йилда вафот этган.

Алломанинг «Ал-фурук» асари 1982 йилда Қувайтда чоп этилган бўлиб, биринчи жилдида Умар Насафийнинг «Манзума»сига шарҳ ёзган «Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Ханафий» Каробисийнинг устозларидан бири бўлган, деб келтирилган.

Бундан ташқари, илм оламида яхши маълум бўлган «Ал-ансоб» (Насабнома) асарининг муаллифи машҳур Абдулқарим Самъоний (1113-1167 й.) мазкур асарида «Ўғлим Абулмузаффар (ваф. 1217 й.) ундан (Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий) ҳадис эшитган», деб келтиради. Бундан алломанинг ҳадис ровийи ҳам бўлганлигини англаймиз.

Шунингдек, машҳур «Ал-Ҳидоя» асарининг муаллифи буюк фақих Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123-1197) ўғли Шайхулислам Низомуддин Умар ибн Шайхулислам Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр Марғиноний ҳам алломанинг шогирдларидан бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Алоуддин Муҳаммад Усмандийнинг «Ҳасрул-масоил ва қасруд-далоил» («Муайян масалалар ва қиска далиллар»), «Тарикатул-хилоф фил-фикҳ байнал-аниматил-аслоф» («Ўтган алломалар уртасида фикҳ илмидаги ихтилофлар»), «Базлун-назар фил-усул» («Фикҳ асосларига чуқур назар»), «Ат-таълика фил-фикҳ» («Фикҳ илмида изох»), «Ал-амолий фит-тафсир» («Тафсир илмида имло қилинган масалалар»), «Лубобул-қалом» («Қалом илмининг жавҳари») «Мухталафур-ривоя», «Ал-муътариз вал-мухталиф» ҳамда усулуд-дин бўйича «Ал-ҳидоя фил-қалом (фи усулил-эътикод)» номли асарлари бор.

Умуман олганда, алломанинг ҳаёти ва у қолдирган бой илмий-маънавий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш юртимиздан чиққан олимларнинг ислом маданияти ва фалсафаси,

айниқса, исломий илмлар ривожига салмоқли ва улкан ҳисса қўшганларини яна бир бор тасдиқлайди.

### «НОВҚА ОТА» ЗИЁРАТГОҲИ

Бу манзил Бахмалнинг Новқа кишлоғидаги қадим ва кўркам зиёратгоҳ. Латиф сувларида ўйнаб юрган баликлари муқаддас ва азиз... Бу ерга келган киши зиёратгоҳга туташ қадим қабристон худудида миллоднинг бошларига оид тош соатлар ётганлигига гувоҳ бўлади. Бу манзилдаги Бешиктошга Самарқанд ҳукмдори Жувонмардхоннинг хотинлари ва икки боласи Новқа кишлоғида манғитлар томонидан 1578 йили қатл этилганлиги ҳақидаги битиклар ёзиб қолдирилган.

Бу ердаги булокнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган воқеалар ҳам халқ орасида сақланиб қолган: «...Балх шаҳридан йўлга чиққан бир туя ҳомиладор аёлни олиб келиб шу жойда чўқади. Бола туғилиб тирноклари билан ерни тирнаса, сув сизиб чиқади ва бола балиққа айланиб кетади...»

Шайх Парда Ҳамид қаламига мансуб юкоридаги ривоятдан бошқа яна бир қўлёзма борки, унда «йўқолган ҳасса ривояти» келтирилади. Эмишки, бир чўпон Ойқортовнинг устидаги кўлга таёғини тушириб юборади ва бу таёқ Новқа отадаги булоқдан сизиб чиққан эмиш. Дарҳақиқат, Оллоҳ назари тушган мазкур гўша ҳақида кўплаб ривоят ва ҳикоятлар мавжуд. Шундан бўлса керак, қадамжо кўплаб зиёратчиларнинг эътиборига сазовор.

Зиёратгоҳнинг «Новқа ота» дея номланишини кўпроқ «Нақъатун» (арабча) - яъни «туя» маъноси билан боғлашади. Илмий адабиётларда Науқат, Науқат, Навқанд, Навқад (Навқадий) атамалари айнан туя маъноси билан боғлиқлиги таъкидланади. Бундан ташқари баъзи олимларнинг фикрича, Новқат «яшил жой», «яшнаган манзил» деган маъноларни билдиради. Фарғона ва Ўш вилоятларида ҳам Новқат номли кишлоқлар бор. Форсча «нав - янги» ва туркча «кент» - кишлоқ сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган бу сўз «янги кишлоқ» деган маънони билдириши ҳам мумкин (масалан, Риштон туманидаги Қалайнов кишлоғи форсча Қалъаи нав, яъни янги қалъа деган маънони билдиради).

С.Корабоевнинг ёзишича, «Қишлоқ худудида «Норчўқди» деган жой номи бор. Бу жойда яқин-яқингача кичик бир тепалик бўлиб, қишлоқ одамлари бу тепаликни ривоятга кўра, «аёл туясини чўқтирган жой ва айнан туянинг колдиғи» деб уқтиришади, чунки тепаликка узоқдан қаралса, ҳақиқатан ҳам у худди чўқиб ётган туяга ўхшаб кетарди... Афсуски, тўрт-беш йил бурун бу тепалик бутунлай текисланиб кетди.

«Новқа ота» зиёратгоҳи ҳақида гап кетганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, зиёратгоҳ номланишининг ушбу хонақоҳга хоки қўйилган зотга алоқаси йўқдай, бу ердаги қабр эгаси ҳақида қўлимизда маълумотлар ҳам мавжуд эмас. Ёдгорликнинг бунёд этилиш тарихи, санаси, дастлабки киёфасини аниқлаш мақсадида Я.Ғуломов номидаги Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти томонидан умумий илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республика Тарихий мерос объектларини ўрганиш ва қайта таъмирлаш бўйича илмий ишлаб чиқариш Бош Бошқармаси топшириғига кўра, бир гуруҳ мутахассислар «Новқа ота» маданий мерос объектининг Кадастри ишларини бажариш чоғида зиёратгоҳ худудига қисман тааллуқли «Новқа ота тепа» қабристонига кўплаб қабр тошлари ва сопол синикларига дуч келишган. Улар мазкур худуднинг шубҳасиз минг йиллик тарихга дахлдор эканлигини тасдиқлайди, дея хулоса қилишган.

Мутахассислар ўз ҳисоботларида бу ерда хайбатли тош юзасига ўйиб, доирасимон шакл туширилган антика топилдикларга дуч келишганини таъкидлашган. «Улардан бири шундайгина ер юзасида ётган бўлса, иккинчиси унинг ёнгинасида ерга ботиб кетган ҳолатда ётарди. Аввалига, уларнинг нима вазифани уддалаб берганлигини изоҳлай олмадик. Кейинчалик, олимлар билан фикрлашиб бу ғалати тошлар - қадимги тош соатлари колдиклари бўлиши мумкин, деган хулосага келдик. Шу қабристон худудида яна бир қабр тошига дуч келиндики, унинг ишланиш шакли бетимсол бўлиб, ўймакор нақшлар бетакрордир. Айнан қабр тошини ана шу жиҳатлари билан чинакам санъат асари сифатида муҳим тарихий-илмий аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз».

Бахмаллик ўлкашунос Саййид Азимнинг «Бахмалнома» китобида шундай сўзлар бор: «Уструшона давлати таркибидаги шаҳарларнинг бири ҳозирги Новқа булоғи атрофида бўлган. Шаҳар «Наукат» деб аталган... Бу шаҳар Сўғддан Шошга ўтадиган ёзги қарвон йўли ёқасида жойлашган... Наукат шаҳри миллоднинг XIII асрида Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олганидан кейин бузилиб кетган... XIV-XV асрларда ҳаёт бирмунча тикланса-да, Наукат шаҳри қайта шаҳар бўлиб қад ростлай олмаган...»

Бир сўз билан айтганда, «Новқа ота» тарихий манзилгоҳи ҳудуди илмий жиҳатдан чуқур ўрганилиши лозим бўлган битмас-туганмас бир хазинадирки, унинг қатларида қадим замонлар тарихининг неча-неча замонлар элагидан ўтган асрорлари ётибди. Ўлкашунослар, археологлар, тилшунос-лингвистлар ва тарихчилар эътиборини ана шу мўъжизавий масканга тортиш билан она-диёримизнинг ўрганилмаган тарихидан яна бир олтин зарварағига эришилиши тайин.

Зиёратгоҳ Бахмал туманининг шарқи-жанубида, Туркистон тизма тоғлари этагидаги Новқа қишлоғининг тоғ томон бикинида, уч томони қир ва адирлар билан ўралган ихчам сойликда, кўҳна «Новқа ота» қабристонининг ёнгинасида жойлашган бўлиб, Бахмал тумани маркази Ўсмадан беш чақирим, Жиззах шаҳридан эса 90 километрлар чамаси узоқликда жойлашган.

### «БОҒИ МОЗОР»

(«Саййид Мир Халилulloҳ ота» зиёратгоҳи)

Бахмал туманининг Мўғол қишлоғига яқин жойда шундай зиёратгоҳ бўлиб, мазкур манзил ҳақида «Ганжи Алишер» номи билан Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида ҳам маълумот бериб ўтилган.

Академик олим Яхё Ғуломов ёзади: «Навқонинг шарқий тарафида, ундан 4 километрлар масофада жойлашган Боғи Мозор қишлоғи (Мўғал деб ҳам аталади) XV-XVI асрларда «Ганжи Алишер» аталган бўлса, эҳтимол. Боғи Мозорда катта хонақоҳнинг қолдиқлари бор. Шунга қараганда бу қишлоқ қадимдан зиёратгоҳ жойлардан бири бўлган.

Саййид Азимнинг «Бахмалнома» китобида шундай хикоя бор: «1369 йилнинг кўклами пайтида Амир Темурнинг қўшини жетеларга (Жеттисув - Еттисув бўйида яшайдиганларга) қарши жангга тайёрланар эди... Айтишларича, шундай кунларнинг бирида Темурбекнинг эътиборини қозонган Саййид Мир Халилуллоҳ бетоб бўлиб қолади. Лашкарбошилардан бири бўлган бу садокатли зот Темурбекнинг пири Саййид Мир Бараканинг укаси эди.

Барча муолажа чоралари беҳуда кетади ва чорасиз қолган Темурбек беморни тоғ дараларидаги энг сулим жойга олиб боришни мулозимига буюради. Бундай жой Қўшчинор соялари эди. Бу ерда ночор ва бемажол Саййид Мир Халилуллоҳ улуғ амир қўлидан сув ичмоқ ниятини айтади. Раҳмат булоғидан келтирилган сувдан чанқоғини қондирган бемор атрофдагилардан розиризолик сўраб жон беради.

Анча йиллар ўтиб, бутун Мовароуннахрнинг қудратли ҳукмдорига айланган Амир Темур ўша мулозимини чақириб сўрайди:

– Қўшчинорда қолдирган белгимиз эсингдами? Ўша ерга ихчам бир хонақоҳ қурдирмоқчиман, ўзинг бош бўлиб бунёд этасан. Барча керакли жиҳоз ва кучларни ихтиёрингга бераман.

Шундай қилиб саййидлар авлоди руҳига кўрсатилган беқиёс ҳурмат, чексиз садокат рамзи бўлмиш гумбазли хонақоҳ қад ростлайди... Хонақоҳга бораверишда турли ўйма, бўртма нақш ва араб ёзувлари билан ороланган кўктош ерга ярми қадар ботгунича ўтган- кетган зиёратчилар эътиборини тортиб ҳамон тубди.

Бу тош ҳақида халқ оғзида шундай нақл юради: Соhibкирон сафдоши ҳокини мангу шарафга буркаш мақсадида Ғозғон сангтарошларига қабр тоши тайёрлашни буюради. Лекин, тошнинг тайёр бўлиши унинг навбатдаги жанговар сафари вақтига тўғри келиб қолади. Иложсиз қолган амир тошни қабр бошига етказишни Саййид Мир Бараканинг камолга етган шогирдларидан бири - кекса дарвешга буюрибди. Кекса дарвеш ёш ҳамроҳини тайёр қилиб қўйилган тош ёнига эргаштириб келиб, шундай деб тайинлабди:



- Шунини қўлтиқлаб Боғимозор хонақоҳига олиб бориб қуй!  
Иулда зинҳор ортингга қарама, қарасанг ташвишинг ортади.

Ёш дарвеш Аллоҳ исмини дилига жойлаб тошни қўлтиқлаб, тайинланган манзил сари равона бўлибди. Қўшчинордан ўтиб, энди етиб келганига ишонган дарвеш ғайри ихтиёрий тарзда ортига бир карабди... Шу лаҳза қўлтигидаги тош ерга тушиб ярми қадар туфрокқа ботиб кетибди.

Шу-шу битик тошни қайта қўтариш унга насиб бўлмай, Самарқандга қайтиб кетган экан. Соҳибкирон Амир Темурнинг пири Мир Саййид Бараканинг Мир Саййид Халилуллоҳ исмли иниси бўлганлиги тарих китобларида битилган бўлиши мумкин. Бу хусусда изланишлар давом этади.

### ҲИКОЯТ

«...Ҳазрати Амир Темур Ирок урушида бўлган вақтларида ниҳоятда оғир муаммоларга дуч келиб қолади. Шу вақтда Ирок мамлақатида авлиёуллоҳлардан, ака-укалар Саййид Мир Барака ва Саййид Неъматуллоҳ Соҳибкироннинг оғир аҳволдан хабар топиб, бутун молу дунёлари билан ва ўзларига тобе бўлган кишилар билан биргаликда ҳазрати Темурга ёрдам қиладилар. Темур Ирокни забт этиб олганидан кейин буларга жуда эътиқоди ва муҳаббати бекиёс ортади.

Ўшал замоннинг энг улуғ зотларидан бири бўлган Саййид Мир Баракага ҳазрати Темур қўл бериб байъат қилади ва Ирокдан Самарқандга қайтган вақтида Саййид Мир Барака ва Саййид Неъматуллоҳни ўзи билан Самарқанд вилоятига келишларини илтимос қилади. Улар ҳазрати Темурнинг илтимосини қабул қилиб, бирга-бирга Самарқанд вилоятига келадилар.

Шу вақтда Эрон диёридан яна икки киши Темурнинг энг манзур кўрган одамлари бўлиб, булар доимо Темурнинг хизматларида эдилар. Бу икки эронлик кўрдиким, Амир Темур саййидларга чексиз муҳаббат билан қарар ва баъзи ишлар уларнинг маслаҳатларисиз битмас эрди. Бу икки эронлик Амир Темурнинг билан Саййид Мир Барака ҳамда Саййид Неъматуллоҳнинг ўрталарига адоват солиш учун кўп хийла ва тadbирларни ишлатадилар. Ҳаттоки, Амир Темурга дейдиларким: «Сиз буларга

жуда қаттиқ эътиқод кўйяпсиз, лекин буларнинг фикри қачондир фурсат топиб, Сизга қатта зарар етказишдир».

Амир Темур кўнгли бу сўздан озор чекади. Ҳазрати Саййид Мир Барака таҳорат қилиб, икки ракат намози ҳожат ўқиб, мурукабага (фикр-хаёлни Аллоҳга боғлаш) бориб қарасалар, Темурнинг эътиқодлари аввалгидан кўра анчагина паст кўринади. Шу вақтда Саййид Неъматуллоҳга қараб айтадиларки: «Эй биродар, икковимиз бирдан чиқайлик, амирнинг кўнгилларида хижолат пайдо бўлганга ўхшайдир, хавф қилурманким, бирор осибе (зарар) бизларга етмасун!»

Саййид Мир Барака ва Саййид Неъматуллоҳ икковлари шаҳардан чиқиб Қоратепа тоға билан Қойни тоғанинг аросида хожа улуғлайдиган майдонга етганларида Амир Темурга хабар етадиким, «Саййидлар Самарқанддан чиқиб кетдилар», деб. Амур Темур отига миниб, акобиру вазирлар билан изларидан етиб бориб, шамширларини бўйинларига осган ҳолатича «Эй пирим, мен тавба қилдим. Мен қасамёд қиламанким, то ҳаётим борича сизларга хизмат қиламан ва сизларга, иншооллоҳ, ҳеч ким томонидан зарар етмайди», деб тавба-тазарру қилади.

Шу аснода Саййид Мир Барака иниси Саййид Неъматуллоҳга айтдиларким: «Эй биродар, энди сиз шу маконда истиқомат қилинг, мен Самарқандга қайтаман», – деб хайру хўш қилиб Темур билан Самарқандга қайтадилар. Шу аснода муборак нафаслари кетиб: «Эй Саййид Неъматуллоҳ, Барака биз томонда булур ва Неъмат сиз томонда бўлсин», – дея илтифот қилдилар.

Самарқанд шаҳрида, Гури Амир деб аталган жойда Ҳазрати Саййид Мир Бараканинг жасадлари Амир Темур қабрларининг бош томонига қўйилгандир.

Филология фанлар доктори, профессор Нажмиддин Комилов ёзишича: «Ҳазрати Башир, яъни Султон Сайид Аҳмад Вали Мирзо Улуғбекнинг замондошидир. Унинг тарихи «Мири ҳақиқат» таърих санаси сифатида келтирилган.

Саййид Мир Бараканинг биродари Мир Саййид Неъматуллоҳ Косатарош қишлоғига келиб, Хўжа Ҳасан деган мўътабар бир мўйсафиднинг уйига меҳмон булади. Мўйсафид фарзанди йўқлигидан ҳасрат қилади. Шайх Мир Саййид Неъматуллоҳнинг дуоси шарофати билан Хўжа Ҳасаннинг хотини Биби Малокат

ҳомиладор бўлиб, ўғил кўради. Аммо, кўкрагида сут йўқ эди. Шунга биноан, Султон Сайид Аҳмадни тожикча «бешир», яъни «сутсиз» деб атайдиган буладилар.

«**Мири ҳақиқат**» сўзининг абжад ҳисобидан чиқадиган натижаси хижрий 868 йилга тўғри келадики, уни милодийга айлантурсак, 1464 йил булади. Демак, «Мири ҳақиқат» лақабига сазовор бўлган Сайид Аҳмад Вали Урта Осиёда нақшбандия таълимоти тарқалган бир замонда яшаган. Бу шайхнинг таважжуҳи кўпроқ Хужа Аҳмад Яссавий тариқатига қаратилган. Бовужуд, тариқат одоби, зикр тушиш тарзи ва бошқа қоидалар яссавия йўлида бўлишлиги маълум. Айниқса, самоъга кўп аҳамият берилган. Султон Сайид Аҳмаднинг ўзлари самоъ рақсларидан ҳузурланиб, шогирд-муридларига ҳам бунни ўргатганлар. Самоъ пайтида дарвешнинг руҳи осмонларни сайр этади, илохий руҳлар билан учрашиб, маърифатдан баҳраманд булади, деган экан ул зот» (Н.Комилов. *Руҳи қудсийлардан бири. Тошкент. Ш.Рашидов фонди. 1994 йил*).

Султон Сайид Аҳмад Вали, тахаллуслари Ҳазрати Башир бўлиб ул зот – Ҳазрати Шайхи Бузруквор айтадиларким, «Менинг насаби отам Сайид Неъматуллоҳдирларким, мен шу зоти бобарокотнинг дуолари туфайли дунёга келдим. У зоти бобарокот мани исмимни Сайид Аҳмад қўйганлар».

Сайид Аҳмад Валининг падари бўлмиш зот Сайид Неъматуллоҳнинг қандай қилиб «Мирхалуллоҳ»га айланиб қолиши устида бироз фикр юритиб кўришга тўғри келади...

Қадамжодаги масжид биноси Амир Темур томонидан бунёд этилганлиги ҳақидаги афсона остида маълум маънода ҳақиқат бордай... 1409-1449 йилларда Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик даврида Мирзо Улуғбек Самарқанд хирожининг бир қисмини Китоб тоғларида кўним топган Ҳазрати Баширга – Сайид Неъматуллоҳнинг фарзандига бериб турганлиги, Ҳазрати Баширнинг эса бу маблағларни «Панжакент тарафларда...» масжид қуриш учун сарфлагани тарихдан маълум...

Қурилиши камтарлик ила «Панжакент тарафларда...» деб тилга олинган масжид биноси айнан падар сифатида деб Ҳазрати Башир томонидан эътироф этилган Сайид Неъматуллоҳга бағишлаб унинг қабри жасади топган маскан - Боғи мазорда бунёд этилган бўлиши эҳтимолга яқинроқ. Замонлар ўтиши

билан «Саййид Неъматуллоҳ – «Мири халилуллоҳ»нинг «Неъматиллоҳ»и тушиб қолган ва «Саййид Мир Халилуллоҳ» шаклига айланган бўлса, эҳтимол!

«Саййид Мир Халилуллоҳ зиёратгоҳи» мустақиллик йилларида халкнинг хайр-эҳсонлари эвазига қайта таъмирланди, хонақоҳ қайта тикланди, обод ва маъмур масканга айлантирилди. Бугунги кунда бу ердан ўтмиш қадриятларимизга беқиёс ҳурмат ва эъзоз кўрсатаётган зиёратчилар қадами узилмайди.

## ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

### «САЪД ИБН АБУ ВАҚҚОС» (Р.А.) ЗИЁРАТГОҲИ

Ўзбекистондаги мавжуд авлиёлар қабрлари, азиз қадамжоларнинг аксарияти ислом дунёсида машҳур кишилар, пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, пирлар, халифалар ва шайхларнинг номи билан боғлиқдир. Ана шундай қадамжоларнинг бири Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳидир.

Бу маскан Жиззахнинг анча машҳур зиёратгоҳларидан бўлиб, айна кунларда қайта таъмирланиб, кўрку салобатини намоён қилиб турибди. Мазкур қадамжо Ғаллаорол туманининг Авлиё қишлоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди икки булакка бўлинган. Юқори қисми – кўлбўйи ҳудуди – шифобахш ва муқаддас булоқлари, гузал ва сулим гушалари, ажойиб табиати, бетакрор манзаралари билан киши дилини нурафшон айласа, пастки булагидagi кўхна масжид ва хилхона диққатни янада жалб этади.

Масжид биниси XIX асрда жиззахлик усталар – уста Комил, уста Қобил, уста Зухур ва уста Мирзиёлар томонидан шарқона услубда бунёд этилгани манбалардан маълум. Ганҷкорлик ва масжид шифтидаги ранго-ранг чиройли нақш ишлари эса ўша замонларда уста Мирзо Зоид ва уста Бобожонлар томонидан маҳорат билан ишланган бўлиб, бугунги кунгача ҳам оҳорини йўқотмаган.

Бу зиёратгоҳ тарихи ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш учун Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) шахсияти ҳақида билиш зарур. Бу мухтарам инсон саҳобалардан саналади. У Макка ашрофларидан бирининг ўғли бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик ваҳийси келган пайтда навқирон йигит эди. Пайғамбар даъвати билан ислом динига киради ва саркардалик хислатларини намоён қилади.

У зот ҳижратнинг 16-йили халифа Умар ибн Хаттобнинг Форс ва Мовароуннаҳр ўлкаларига юборган қўшинига лашкарбоши этиб тайинланади.

Ҳозирги Авлиё қишлоғи яқинида ўтган бир жангда яраланиб, синчилоғи узилиб тушади, хонақоҳ ўрнига қони тўкилади. Саркарданинг синчилоғини қишлоқнинг шимол томонидаги қабристонга қўмишади (бу ерда чоғроқ хонақоҳ бор), табаррук зотнинг қони томган қўл бўйига яқин жойда ҳам хонақоҳ бунёд этилади.

Бир бармоғидан ажралиш Саъд ибн Абу Ваққоснинг соғлиғига қўп таъсир этмайди, албатта. У зот кейинчалик Арабистонга қайтиб кетиб, узоқ умр кўрадилар. Унинг кексалиги давлатмандлик соясида ўтади. Мағозийларга бағишланган китобларда Саъд ибн Абу Ваққос ҳақида кенг маълумотларни ўқиш мумкин.

(Маълумотлар «Мунжид» ва «Саҳобалар ҳаёти» китобларидан олинди).

### **САЪД ИБН АБУ ВАҚҚОСНИНГ (р.а.) ДИЁРИМИЗДАГИ МАВЖУД ҚАДАМЖОЛАРИ**

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Авлиё ота қишлоғида Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) отанинг синчилоғи ўз қўллари билан дафн этилган бўлиб, бу манзилда муборак қадамжо мавжуд. Шунингдек, юртимизнинг бошқа бир қанча жойларида ҳам у зотга эҳтироман қадамжолар бунёд этилган. Улар қуйидагилар:

- Сурхондарё вилоят Олтинсой тумани Хужасоат қишлоғи;
- Навоий вилояти Қизилтепа тумани Зарметан қишлоғи;
- Андижон шаҳри Қирлик маҳалласи “Ўртоқлар” қабристони;
- Тошкент вилояти Зангиота тумани “Саъд Ваққос ота” қабристони;
- Фарғона вилояти Қува тумани Тошназар қишлоғида.

Саъд ибн Абу Ваққосга нисбат берилган мақбаралар дунёнинг турли ҳудудларида ҳам мавжуд. Юртимиз сайёҳларидан бирининг ҳикоя қилишича, Хитойнинг Шанхай шаҳри четроғида, баланд тоғ юқорисида Саъд ибн Абу Ваққоснинг мақбараси бор экан. Уйғур миллатига мансуб хитой фуқаролари билан суҳбат чоғида улар ўзбекистонлик сайёҳга саҳоба Саъд

ибн Абу Ваққос денгиз йўли билан Арабистондан Шанхайга келгани, шу жойда вафот этгандан сўнг тоғ тепасига дафн этилгани ҳақида сўзлаб беришган. Табиийки, бу зиёратгоҳ ҳам қадамжо мақомидадир.

Мағозийларга бағишланган китобларда Саъд ибн Абу Ваққос ҳақида кенг маълумотларни ўқиш мумкин.

Энди ўзимизнинг Авлиё ота қишлоғидаги қадамжого кайтадиган бўлсак, зиёратгоҳнинг таркибий қисми бўлган булокни ҳам «Саъд ибн Абу Ваққос булоғи» деб атайдилар. Бугун бу манзил жуда гузал манзара касб этган, вилоят ҳокимлигининг эътибори билан, саховатпеша, қалби тарихий қадриятларга ҳурмат билан лиммо-лим кишиларнинг хайру эҳсонлари эвазига зиёратгоҳ бинолари таъмирланган, кўл тартибга келтирилиб, зиёрат жойлари обод этилган. Кўлда «муқаддас баликлар»ни – Ўзбекистон «Қизил китоби»та киритилган реликт корабаликларини кўриш мумкин.

Хуллас, бугун ушбу қадамжода кўплаб зиёратчиларни кўриш мумкин. Бу хол, албатта халқимизнинг улуғ саҳобий – Саъд ибн Абу Ваққосга бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббатлари туфайлидир. Энди ушбу муътабар зот ҳақида имкон қадар батафсилроқ маълумотларни тақдим этамиз.

Пайғамбар ёнидаги кишилар» китобида шундай ривоятни ўқиймиз: Умар ибн Хаттобни форс қўшинларининг кетма-кет хужумлари безовта қила бошлади. Хусусан, Ирок аҳли ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бузиб, натижада тўрт мингдан ортиқ мусулмон ҳалок бўлган Жиср (кўприк) уруши ҳақидаги хабар Умарни (р.а) ниҳоятда ларзага солди. Ҳазрат Умар форслар билан бўладиган ҳал қилувчи жангда мусулмонлар қўшинига ўзи қўмондонлик қилмоқчи бўлди. Аммо баъзилар фикрига қўшилмай, бу муҳим иш учун бошқа бировни тайин қилишни таклиф этишди. Абдурахмон ибн Авф мана шу фикрни ўртага ташлаган эди. Ислоом бошидан кечираётган бу муҳим кунларда мўминлар амирининг ҳаётини хатарга қўйиш тўғри йўл эмаслигини барчага тушунтирди.

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб мусулмонларни шўро (маслаҳат) учун тўплашга амр берди. Бу шўрога Али ибн Абу Толибни ҳам чорлади. Барча мусулмонлар Абдурахмон ибн Авфни

қўллаб-қувватлаган ҳолда, Умарни (р.а.) Мадинада қолдиришга келишиб, ўрнига бошқа одамни қўмондон қилиб юборишга қарор беришди.

Умар розияллоху анху бу фикрга қўшилиб: «Ирокка қўмондон қилиб кимни жўнатишни таклиф этасизлар?» – деб сўради. Мусулмонлар бир оз сукут саклаб жим турганида Абдурахмон ибн Авф бирдан: «Мен топдим», деб юборди. Умар розияллоху анху: «Ким экан у?» - деб сўради. Абдурахмон: «Арслонни чанғалида тутган инсон... Саъд ибн Молик Зухрий», - деди. Мусулмонлар бу фикрни қўллаб-қувватлашди. Муминларнинг амири Саъд ибн Молик Зухрийни ҳузурига чорлаб, уни Ирокка амир ва қўшинга қўмондон қилиб тайинлади.

Саъд ибн Абу Ваққос ушбу жангда қаҳрамонлик кўрсатиб, ғозийлик мартабасига эришган зот эди.

Саъд ибн Абу Ваққоснинг (р.а.) бобоси Расули Акрамнинг оналари Оминанинг амакиси, Ухайб ибн Манноф эди. Саъд ўн етти ёшида Исломни қабул қилди. У аввалги мусулмонлардан бўлиб, ўзи ҳақида шундай дейди: «...Ўша кунларда мен уч нафар мусулмоннинг бири эдим». Яъни, у имон келтирган дастлабки уч нафар мусулмоннинг бири бўлган эди.

Тарих ва сийрат китобларининг таъкидлашича, Саъд ибн Абу Ваққос Ҳазрат Абу Бакр мусулмон бўлганидан кейин, хусусан, унинг даъвати туфайли Исломни қабул қилганлардан биридир.

Саъд ибн Абу Ваққос ҳар бир инсон ҳавас қиладиган ҳислат ва фазилатлар билан сийланган эди. Аммо шунга қарамай, шу фазилатлар ичида фақатгина иккитаси билан фахрланарди. Биринчиси, у Аллоҳ йўлида биринчи бўлиб камон отган киши эди. Иккинчиси, Пайгамбар алайҳиссалом унинг фидойи ишларидан таъсирланиб, «ота-онам сенга фидо бўлсин», деган эдилар. У мана шу икки улуғ фазилатини доим эслаб, бу неъматга етиштирган Аллоҳга шукроналар изҳор қилар эди.

Саъд ибн Абу Ваққос энг жасур чавандозлардан ҳисобланарди. Унинг икки қуроли бор эди: биринчиси камонининг ўқи бўлса, иккинчиси дуоси эди. Жангда душманга қараб узган бирорта ўқи хато кетмаган, Аллоҳга юзланиб қилган бирорта дуоси ижобатсиз қолмаган. Бундай шарафга



эга бўлишининг сабаби Расулulloҳнинг унинг ҳақиға қилган дуоларидир.

Шундай қилиб, у биродарлари орасида дуоси қилич каби ўткир инсон бўлиб танилди. У бирор-бир кишининг ҳақиға унинг ишини Аллоҳға ҳавола этган ҳолда дуо қилса, албатта ижобат этарди.

Дуоси ижобат бўлиши унинг руҳи поклиги, имони ростлиги ва ихлоси чуқурлиги туфайли эди. Саъд таквосини фақатгина ҳалол лукма ейиш билан қувватлаб турарди. У шубҳа аломати сезилган ҳар бир дирҳамдан ўзини қаттиқ тияр эди. Саъд ана шу тариқа ҳаёт кечириб, ҳатто мусулмонлар орасида энг бой кишилардан бирига айланди. У вафот этганда, қатта бойлик қолдирган эди. Садақа қилиш бобида у барчага устоз бўлди. Аллоҳ йўлида қилган инфоқ-эхсони ҳалол ва пок йўл билан тўплаган молидан зиёда эди.

Саъд Аллоҳдан кўркиб жуда кўп кўз ёш тукарди. Расулulloҳ алайҳиссалом ваъз-насиҳат қилган пайтларида, унинг кўзларидан тўкилган ёшдан кўкси жикка ҳўл бўлиб кетарди. Бир куни Жаноби Расулulloҳ саҳобалари билан ўтирган эдилар, у зот бирдан кўзларини уфққа қаратиб, жимиб қолдилар. Сўнгра саҳобаларига дедилар: «Ҳозир жаннат аҳлидан бўлган инсон ҳузурингизга қириб келади».

Саҳобалар бу сўзни эшитгач, кўзларини эшик томонга қаратган ҳолда улкан насиба эгаси бахтли инсон ким экан, деб кута бошлади. Бир оз фурсат ўтиб, ҳузурларига Саъд ибн Абу Ваққос қириб келди. Ҳатто бу ҳолат уч кун кетма-кет такрорланди. Шу воқеадан кейин Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.) Саъд ибн Абу Ваққосга ниятини билдирмай, унинг қандай амаллари борлигини билиш учун уйда уч кун тунашга ижозат сўради. Қараса, барча мусулмонлар қилаётган ибодатдан сира ҳам ортиқча амали йўқ. Сўнгра Абдуллоҳ Расулulloҳнинг башоратларини Саъдга айтиб, бу юксак мукофотга етиштирган қандай амали борлигини ўзидан сўради. Саъд: «Барча одамлар қилаётган ибодат ва амаллардан ортиқ ҳеч нарсам йўқ. Аммо мен ҳеч қачон бирон-бир мусулмонга ҳасад ва адоват қилмайман», - деди.

Саъд покиза тил ва қалб эгаси. Саъд Бадр, Ухуд ва бошқа барча ғазотларнинг чавандози. Саъднинг онасига қилган яхши

муомаласини мактаб-қувватлаб Аллоҳ таоло қуйидаги оятни Пайғамбаримизга нозил қилган: «Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) амр этдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкрагидан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки), «Сен менга ва ота-онангга шукр қил! Қайтишлик менинг ҳузуримгадир!» Агар улар (яъни, ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир булсалар-да,) дунёда яхши муомалада бул ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргаш! Сўнгра (яъни, қиёмат кунида) қайтиш Менинг ҳузуримгадир, бас, сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман» (Ахзоф су-раси, 15-оят).

Саъд ибн Абу Ваққос мўминлар амири Умарга (р.а.) суиқасд уюштирилганда Мадинада эди. Оғир ярадор булган Ҳазрат Умарга асхоблар янги халифа тайин қилиш вазифасини топ-ширишди. Умар розияллоҳу анҳу ўшанда: «Мен Расулуллоҳ рози бўлган олти кишини танладим», - деган эди. Улар ораси-да Саъд ибн Абу Ваққос ҳам бор эди. Умар розияллоҳу анҳу васият қилиб: «Агар Саъд халифа этиб тайинланса, шун-дай бўла қолсин. Агар ундан бошқаси халифаликка тайин қилинса, Саъдга суянсин», - деди. Халифа сайлаш анча можоро-ларга сабаб булди.

Бир куни жияни Ҳишом ибн Утба унинг ёнига келиб: Эй амаки, мана бу ерда юз минг қилич сизнинг халифалик-ка энг лойиқ инсон эканлигингизни кўряпти», - деди. Саъд унга: «Менга ўша юз минг қиличдан кўра, ўзимнинг биргина қиличим афзал. Агар у билан мўминни урсам, унга ўтмайди, агарда кофирни урсам, бошини кесади», - деб жавоб берди. Амакисининг нияти ва хоҳишини тушунган жиян унга ҳеч нарса демади. Бу фитналар тугаб, ҳукмронлик Муовиянинг қўлига ўтгач, Муовия Саъддан сўради: «Нима учун биз билан бирга жанг қилмадинг?». Саъд унга қуйидагича жавоб қилди: «Мен Али ибн Абу Толибга қарши жанг қилмайман. Чунки Расулуллоҳ унга: «Сен менга Мусо ёнидаги Ҳорун кабисан, факат мандан кейин Пайғамбар келмайди», - деган эдилар», - деб жавоб қилди.

Ҳижратнинг 54 йили саксон ёшдан ошган Саъд ибн Абу Ваққос Атиқдаги ҳовлисида Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурига кетиш учун тайёр эди. Унинг охирги дамларини ўгли куйидагича хикоя қилади: «Отамнинг боши куксимда эди, жони узилай деб турарди. Бу ҳолатни кўриб йиғлаб юбордим. Отам менга деди: «Нима учун йиғлаяпсан, ўғлим? Аллоҳ таоло мени ҳечам азобламайди. Чунки мен жаннат аҳлиданман!». Хужрасига ишора қилиб, у ердан эски ридосини олиб чиқишларини сўради. Ниҳоятда эскириб кетган ридони олиб чиқишди. Сунгра Саъд аҳлларига ўзини мана шу кийимга кафанлашларини буюриб деди: «Мен Бадр куни мушрикларга мана шу ридоим билан йўлиқиб, уни мана шу кунимга саклаб қўйган эдим». Бу эски кийим оддий бўлибгина қолмай, мўмин, ростгўй ва шижоат эгасининг улуг ва узун ҳаёти устида ҳилпираб турган бир байроқ ҳам эди. Саъд ибн Абу Ваққоснинг покиза жасади Бакеъ қабристон тупроғидан макон топди.

### **ҲАСАН ИБН МУҲАММАД АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ал-Ғубдиний ханафий мазҳаби фақиҳларидан бири. Фақиҳ Ҳасан ибн ал-Муборакнинг устози. Мавжуд манбаларда алломанинг факат исми ёзиб қўйилган бўлиб, унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, хаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Амр ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Ғубдиний Уструшананинг Ғубдин қишлоғида туғилиб, кейинчалик ота-онаси билан ёшлиқ чоғида Бухорога кўчиб боради ва шу ерда муқим яшаб қолади. Аллома хат-саводини Бухорода чиқариб, етук муҳаддис даражасига кўтарилади. Аллома ҳадисларни Ибн Солих Халаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Хайём, Абу Саид Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собирлардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни ўз даври-

да йигирма минг ҳадис ёдлаган ҳофиз номи ила улуғланган Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ал-Харифий ривоят қилган. Абу Муҳаммад ал-Ғубдиний 420/1029 йилдан кейин Бухорода вафот этган.

### **МУҲАММАД ИБН ҲАСАН АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Мансур ал-Ғубдиний ўз замонасида фозил имомлардан бири бўлиб, Самарқандда кози лавозимида фаолият юргизган. Аллома жуда кўплаб шаҳарларга бориб, жумладан, Марв шаҳрида Абу Тоййиб Тоҳир ибн Ҳасан ал-Матуъий ва Абу Али Ҳусайн ибн Али ал-Ломишийдан, Бухорода Абу Ҳафс Умар ибн Абу Бакр ас-Субхийдан ва Самарқандда Абу Муҳомид Махмуд ибн Аҳмад ас-Соғиржийлардан ҳадислар ёзиб олган. Аллома 505/1111 йили август ойида Бухорода вафот этган.

### **АЛО ИБН МУҲАММАД АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Абулхусайн Ало ибн Муҳаммад ибн Наим ибн Исҳоқ ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳотим ал-Ғубдиний ҳадисларни отаси аллома Муҳаммад ибн Наим ал-Ғубдиний, Халаф ибн ал-Хайём ва Абу Аҳмад Абдуррахмон ибн Абдуллоҳ ибн Яздод ар-Розийлардан ривоят қилган. Алломадан ҳадисларни аллома Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ва Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийлар ривоят қилган. Аллома Абулхусайн ал-Ғубдиний 337/948 йили туғилиб, 409/1019 йили 25 январда пайшанба куни вафот этган.

### **ҲУСАЙН ИБН МУҲАММАД АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Абу Наим Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Наим ал-Ғубдиний ўз даврининг фозил, зоҳид, такводор имомларидан бўлиб, дастлабки таълимни ўз кишлоғида олган. Кейинчалик илм талаби билан Хуросон, Ироқ, Ҳижоз каби шаҳарларга бориб, у ерда замонасининг энг машҳур алломаларидан сабоқ олган. Аллома ҳадисларни ёзиб олиш учун жуда кўплаб шаҳарларга борган. Жумладан, Бухорода Абу Солих Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём, Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ар-Астрабодий, Абу

Амр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийлардан, Найсобур шаҳрида Абулқосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ан-Насавийдан, Бағдодда Абу Тохир Муҳаммад ибн Абдуррахмон ал-Мухлис ва Абу Ҳафс Умар ибн Иброҳим ал-Каттонийлардан ҳадисларни эшитиб ёзиб олган. Алломадан ҳадисларни Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ва қози Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафийлар ривоят қилганлар. Аллома Абу Наим ал-Ғубдиний 341/952 йили июн ойида таваллуд топиб, 427/1036 йили апрел ойида вафот этган.

### **АБДУЛВОҲИД ИБН ҲУСАЙН АЛ-ҒУБДИНИЙ**

Абдулвоҳид ибн Хусайн ибн Аҳмад ибн Наср ибн Назар ибн Юсуф ибн Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳаммод ибн Аббод ибн Яъқуб ибн Иброҳим ал-Ғубдиний жуда кўплаб ҳадислар ривоят этган муҳаддислардан бири. Мавжуд манбаларда Абдулвоҳид ибн Хусайн ал-Ғубдинийнинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина ёзиб қўйилган бўлиб, унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, ҳаттоки, таваллуд топган ёки вафот этган йили ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган.

### **САЙФИН ОТА ЗИЁРАТГОҲИ**

Ғаллаорол тумани Сайфин ота қишлоғидаги эски қабристон ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ. Маҳаллий аҳолининг берган ахборотига кўра, қадимда ушбу кишлоқ ҳудудида шаҳар кўринишидаги катта кўрғон бўлган. Зиёратгоҳнинг чап томонида ҳозир ҳам археологик тепалик, кўрғон қолдиқлари, бир қанча сопол буюмлар қолдиқлари сақланиб қолган. Зиёратгоҳ ободонлаштиришга мухтож бўлиб, илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Қабристон ҳудудидаги бешта катта мраммар нақшинкор безаклар ва арабий ёзувлар билан безатилган, бир неча кичик қабртошлар мавжуд. Бешбулоқ сойининг ўнг томонида жойлашган қабр тошлардаги ёзувлар мутахассислар томонидан ўқилганда уларда “Сайфин”(ёки Сайфиддин) деган исмга дуч келинмади. Бу шундан далolat берадики, Сайфиддин бирор

бир кишининг исми эмас, балки лақаби ёки унвонидир. «Сайф» сўзи арабчадан таржима қилинганда «қилич» деган маънони англатади.

Биринчи катта қабр тошида Куръон оятлари, ҳадислар билан бир қаторда, Хожа Муҳаммад ибн Исобобой, 925-ҳижрий, иккинчи тошда Амир Жалолиддин, 813-ҳижрий, учинчи тошда Мавлоно Тохир Муҳаммад ибн Бобохожи Исобобой 925-ҳижрий, тўртинчи қабр тошда Амирхўжа ибн Менгликхўжа 842-ҳижрий сўзларини битилган. Тош Саидбек Маҳмуд томонидан тарошланганлиги қайд этилган. Бешинчи қабр тошдаги ёзувлар анча хиралашиб қолганлигига карамай ўқилганда “Қутлугбек ўғли Тархоннинг ёдномаси” ёки “Қутлугбек Тархон Султон ўғли” 841-ҳижрий деган ёзувлар битилгани маълум бўлди. Бундан ташқари бир қанча кичик қабр тошларда Амир Муҳаммадбек ибн Тархон 819-ҳижрий, Амирзода Абулхусайн ибн Амир Султон Дархон деган ёзувларни ўқиш мумкин<sup>5</sup>.

Битикларда “Мавлоно”, “Амир”, “Дархон” ёки “Тархон” сўзларининг борлиги бу қабртошлар ўз даврида етук уламо ёки ушбу худуднинг ҳокими бўлган шахсларга атаб қўйилган.

Дархон - тархон деган сўзнинг айнан ўзи бўлиб, эркин ва озод инсонларга нисбатан қўлланади. Масалан, ўзбекларда бир одам катта уй-жой, боғ-роғ, бахаво манзилга эга бўлиб яшаётган бўлса, “Жуда ўзига дархон бўлиб кетган экан” дейишади. Ўзбекларда ўғил болаларга Дархонбой, Дархонали деб исм ҳам қўйишади. “Дархон” сўзи: 1. Ўрта асрларда солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган, имтиёзли, дахлсиз қабила ёки мансабдор шахс. 2. Солиқ ва тўловлардан ёки бошқа мажбуриятлардан озод этилган, енгиллик берилган киши, деб изоҳланган. Чингизхон ва авлодлари, Амир Темур ва темурийзодалар даврида Тархонлар (дархонлар) махсус ёрликка, имтиёзга эга бўлган кишилар (ҳарбий хизматчилар, дин пешволари, нуфузли амалдорлар) бўлиб, улар турли ер солиқлар ва бошқа тўловлардан озод этилган эдилар.<sup>6</sup>

<sup>5</sup> Дала тадқиқотлари. Ғаллаорол тумани Сайфин ота қишлоғи. 2016 йил, апрел.

<sup>6</sup> Ғофуров Ғ., Шоймардонов И., Тухлиев Ж. Яққабог тумани. Т.: “Шарк”, 1997.

**СОВРУК ОТА ЗИЁРАТГОҲИ**

Ғаллаорол тумани Соврук ота қишлоғидаги эски қабристон ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ. Зиёратгоҳ ҳудудида мустақиллик йилларида “Соврук ота” жоме масжиди, рамзий қабр устига кўркам макбара бунёд этилиб, атрофи ободонлаштирилган. Ушбу зиёратгоҳ ҳудудидан оқиб ўтувчи Совруксойнинг ўнг томонида муқаддас саналган булок ва чап томонида бир қанча касалликлардан фориғ қилувчи тешиктош мавжуд. Маҳаллий аҳоли зиёратгоҳни Суфён Саврий билан, муқаддас саналган булокни Нурота булоғи билан боғлашади. Зиёратчилар асосан ўзбекларнинг қирк уруғи вакиллари бўлиб фарзанд кўриш ва кутирган ит қопганда булок сувидан олиб ювиниш учун келишади (Пардаев Абдубоки 65 ёш, Зубайдуллаев Раим 76 ёш).

**ҚОЗОН ОТА ЗИЁРАТГОҲИ**

Ғаллаорол тумани Хитойюзи қишлоғи ҳудудидаги қадимий қабристон ҳудудидаги зиёратгоҳ. Зиёратгоҳ ҳудудида “Қозон ота” жомеъ масжиди, зиёратчилар дам олишлари ва маросим ўтказишлари учун мўлжалланган бинолар қурилган. Зиёратгоҳнинг жануби-шарқида маҳаллий аҳоли “Қўрғонтепа” деб номлайдиган қадимий кўрғон қолдиқлари сақланиб қолган бўлиб, унинг ҳудудидан ҳозирги кўнғача ҳам бир қанча сопол кўзалар, остодонлар, мис ва кўрғошиндан ишланган тангалар топилган. Кўҳна қабристонда бир нечта эшонзодаларнинг катта-кичик қабр тошлари мавжуд бўлиб, уларнинг бирида “Ақринбек ибн Муҳаммад 836-ҳижрий” деган ёзувларни ўқиш мумкин. Қозон ота рамзий қабри остидан чиқувчи булок сувини кўтириш, темир ўтки ва сугал қаби тери касалликларини даволовчи хусусияти бор. Зомин тумани Ём қишлоғида истиқомат қилувчи Исохонов Асатуллаҳон хонадонидан сақланаётган “Насабнома”даги шажарада Аҳмад Ясавий авлодларидан бирининг лақаби “Қозон ата” эканлиги кўрсатилган.

томонга йўл кетган, бири Шош ва иккинчиси Фарғона водийсига йўналган. Зоминдан Саботгача 3 фарсах, Харконагача 9 фарсах, Ховос йўли орқали Куркет кишлоғигача 13 фарсах масофада жойлашганини ал-Истахрий ўзининг «Масолик ал-мамолик» асарида таъкидлаб ўтган. Муҳаммад ибн Махмуд ал-Уструшаний «Ал-асъила вал-ажвиба» (Саволлар ва жавоблар) асарида Зоминни «мадина» ёки «булайда» деб атамаган, балки «қасаба», яъни бош шаҳар, деб мурожаат этади. Бундан Зомин мустаҳкам қалъалар билан уралган стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳар бўлгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Уструшана худудидан етишиб чиккан алломалар орасида Зоминда туғилган улуғ зотлар ҳам талайгина. Урни билан «Зоминий» тахаллусини олган алломалар ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамир.

Зомин тумани Марказий Осиёдаги энг қадимги тамаддун манзилгоҳларидан бири бўлиб, тоғли худудлардан сизиб чикувчи минглаб булоқ сувларидан таъминланувчи, суғорма дехкончилик ва чорвачилик маданияти ривожланган замин сифатида машҳурдир.

Қадимги Зоминнинг муҳим жиҳати шунда эдики, бир томондан Хўжанд, Фарғона, Хитойга элтувчи, иккинчи томондан Марказий Осиёнинг шимолий худудларига олиб борувчи, учинчи томондан Самарқанд ва Бухоро томонларга элтувчи уч айрилиш марказида жойлашганлигида эди. Бошқа муҳим томони эса унинг Зомин даштларида яшовчи кўчманчи халқлар билан алоқаси эди. Чунки Зоминга яқин чўлларда кўчманчи элатларнинг юрт ва қўрғонлари қатор қатор бўлиб ястаниб турарди. Бирок бахтга қарши ўша қўрғон ва қораўларнинг нишонлари бизгача сакланиб қолмаган. Қўрғонтепа қулочилик мажмуалари буюмлари саҳройи типда бўлиб, ўтроқ аҳолининг даштликлар билан яқин алоқада бўлганлигини кўрсатади.

Хитойларнинг Таншу хроникаларида қатта дарёдан узок камсув худудлар Шуайдушана, Суйдушана, Уструшани деб тилга олинади. Бу худуд Гўйчжанта (Хўжанд) дан 200 ли шимоли шарқда, Ши (Чоч) дан 200 ли шимолда, Кана (Самарқанд) дан 300 ли жанубда, Тухоло (Тохаристон) дан 500 ли жанубда



эканлиги кўрсатилди. Айни бу тасвир ҳозирги Зомин ҳудуди ҳолатини англатади. Олимлар фикрича, Уструшана аҳолиси тили Амударё билан Сирдарё бўйларида яшовчи барча суғдлар тилига яқин, тўғрироғи суғдлар тили билан қоришиқ тил бўлган.

Хан даври солномачиси Сюань Дзан ўз хроникаларида ёзишча, Даван (Фарғона)дан тортиб, унинг ғарбидаги Аньси (Қанғ) давлати ҳудудларида яшовчи элатлар ўзаро мулоқотда бир-бирининг тилини яхши тушунганлар.

Мазкур маълумотномаларда Уструшананинг шарқий томонида катта қумликлар ястаниб ётиши ҳақида гап кетади. Бу Мирзачўл экани аниқ. Шунингдек, унинг шимолида Боси тоғи борлиги айтилади. Бу Туркистон тизма тоғ ва қирларидир. Нумизматик маълумотлар Уструшананинг биринчи ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатачариг Раханч исмли кишилар бўлганлигини, ҳукмдорлик отадан ўғилга мерос бўлиб ўтганлигини ҳам билдиради. Сюань Дзан уструшаналикларнинг маросимлари Чоч вилояти аҳолисиникига ўхшаб кетишини ҳам таъкидлаган.

Турк хоқонлигида савдо-сотик гуллаб-яшнаб турган пайтларда шарқни ўз назоратларига олган ҳолда, ғарбга томон савдо йўлини очишгани, бу йўл сосонийлар Эронига, Хоразм орқали Каспий денгизи, ундан нари Кавказ ва Византияга элтганлиги маълум. Бу йўл Марказий Осиё савдогарлари курукликдаги йўл ва манзилларни ўз қўлларида ушлаб туришига замин яратганлигини кўрсатади. Хитой билан Суғд ўртасидаги савдо алоқалари Уструшана орқали амалга оширилган. Бу эса ўша даврда Зоминда шахрий маданиятнинг тез суръатлар билан ўсишини таъминлаган. Шу вақтларда битилган ёзма манбаларда (милодий VIII бошлари) Зомин Уструшананинг йирик маъмурий, савдо ва маданий марказиларидан бири сифатида тилга олинади. Савдо қарвонлари сони ортиб боргани сари шаҳар четида қарвонсаройлар барпо бўлди. Шундай қарвонсаройлардан бири Азлартепа бўлиб, бу ўрта аср илк Зоминининг ўрнини белгилашда муҳим жой бўлиши мумкин.

Ҳозирги Зомин ҳудудида материаллари яхши сақланиб қолган тўрт ёдгорлик бор. Улардан бири Ўрдатепа туман марказининг жанубий қисмида жойлашган. Унинг иккинчи номи Кўрғонтепа

эканлиги ҳам маълум. Н.Б.Немцева ва Г.Я.Дресвянская бу шахристоннинг археологик харитасини мукаммал тавсирлаб беришган.

Навбатдаги ёдгорлик Октепа бўлиб, у Зоминсувнинг ун соҳилида жойлашган. Қазилма ишлари бу тепалик қорахонийлар даврига тегишли эканлигини кўрсатади. Унинг ғарбий қисмида насронийлар қабристони қолдиқлари бор. Ёдгорликнинг микрорельефи унинг чор атрофида зинч уйлар бўлганлигини кўрсатадики, унинг худуди ҳозирги ҳокимият биноси худудига томон давом этган.

Тўртинчи ёдгорлик Жартепа эса Зоминсувнинг чап соҳилида, Қўрғонтепадан 1,5 км шимолда жойлашган. Ёдгорликнинг шарқий қиялиги сойга томон эниб боради. Унинг пастки қисмидан паҳса деворлар қолдиғи топилган, бўлиб, улар илк ўрта асрларга, юқори қисми эса охириги қорахонийлар даврига тегишлидир.

Хулоса қилиб айтганда, тўрт тепадан Ўрдатепа Зоминнинг қадимги ўрнига “даъвогарлик” қилиб турибди. Аммо у “янги шаҳар” эканлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Ўрта асрларда Сарсанда (Сусанда) деб номланган Зомин учун Октепа ва Жартепа “Эски шаҳар”нинг қолдиқлари бўлиши мумкин. Азлартепага келувчи қарвонлар ва сайёҳлар Пишағар, Аржи ва Аччи (қамишзор аччи дейилади.) кишлоқларига яқин жойдан ўтган. Азлартепадан бошланган йўл Чиғирик кишлоғидаги Мозортепадан ўтиб кетган. Ундан эса Октепага, яъни Зомин рустоқига (қалъаси) етиб борган. Ундан эса давом этиб, қўшни Сабат қалъасига етиб борган.

Зомин тумани, асосан, Туркистон тоғи, қисман Молғузар тоғининг 1000-4030 м гача бўлган баландликларида жойлашган. Унинг геоморфологик ландшафти ҳар хил бўлиб, табиий шароитлари тоғ баландлик поясларига боғлиқ. Айниқса, кенглиги 500 м ва чуқурлиги 450 м тенг бўлган Чуртанга жарлигидаги шаршара, Супа текислиги сайёҳлик жиҳатдан катта эътиборга эга.

Арчазорлар боғ майдонининг 55 фозини ташкил қилиб, 2000-3000 м баландликларда жойлашган. Бу ерда арчанинг зарафшон (қора арча), совур-арча ва туркистон арчалари тарқалган. Боғ минтақаларида 400 ёшли ва ундан катта арчаларни учратиш

мумкин. Айниқса, боғ худудида доривор ўсимликларнинг 30 дан ортиқ тури борлиги, лолаларнинг кўплиги, мевали буталарнинг кенг тарқалиши эътиборга сазовор.

### **КУЛТЕПА ШАҲРИСТОНИ – ЎРТА АСР САБАТИ**

Култепа шаҳристони шу номли қишлоқ худудида Хужамушкентсойнинг чап соҳилида жойлашган бўлиб, ўрта асрлардаги Сабат шаҳри ўрни деб эътироф этилади. Ўрта аср Сабати шимолий Уструшананинг дашт худудлари қишлоқларидан бўлиб, Зоминдан наридаги Сўғд, Хўжанд, Фарғона, сўнг Хитойга элтувчи савдо йўли устидаги аҳоли манзилгоҳи ҳисобланган.

Айрим араб географлари Сабатни Устришана шаҳарларидан бири деб кўрсатишади. Айримлари эса Сабат йирик қишлоқ бўлганлигини қайд этишган. Шаҳристон ўрнини аниқлаш бўйича иш олиб борган қадимшунос П.С.Скварский Эски Сабат (ҳозирги Сават-Рават) бугунги Сават қишлоғидан 10 км шимолда бўлганлигини тахмин этган эди. 1974 йили бу ерда қидирув ишлари олиб борган Н.Б.Немцева унинг Саватнинг шимолида эмас, балки жанубида Култепа шаҳристони қалъаси ўрнида бўлганлини айтади. Бироқ умумий тадқиқотлар у Хужамушкентсой ҳавзасида бўлганлигини кўрсатади. “Сабат” сўзи қайси тилдан олингани хусусида турли қарашлар мавжуд.

Сабат ўрни Уструшана маркази Бунжикатдаги Шаҳристан бўлганлиги ҳам айтиб ўтилади. Истаҳри эса Уструшана маркази билан Сабат ўртаси уч фарсах жануби шарқда дейди. Айни Шаҳристон Култепадан жануби шарқда жойлашгани эътиборга олинса, Уструшананинг шарқий қисмида бўлганлиги келиб чиқади. Ўрта аср Сабати Уструшананинг қатор аҳоли манзилларидан бири бўлиб, араб сайёҳлари таърифига кўра, унда сизма булоқлар кўп бўлиб, унинг натижасида кўпгина боғлар барпо этилган. Хўжамушкентсой ўша сизма булоқларнинг тупланишидан ҳосил бўлган. Шаҳардаги бир неча бозорлар тимлари паст бўйли уйлардан иборат бўлган. Ўрта асрларда бундай бозорлар Чағониён, Земма ва Омудда ҳам бўлган. О.Г.Большаков фикрича, бозор биноларининг усти қалин ёғочлар билан беркитилган.

Бошка манбага кўра, Сабат йўлнинг бўлиниш нуктасида жойлашган. Бу йўлнинг бири вилоятнинг асосий шаҳри Бунжикентга олиб борган. Бу йўлнинг иккинчи тармоғи Хужамушкентсой ўзани бўйлаб давом этиб Шахристонга кутарилиб борган. Бу йўллар Ховос билан Баландчакирни ҳам бир бири билан боғлаган. Култепанинг баландликда жойлашганлиги унинг ўрта асрларда кузатув манзили, қоровуллик қўналғаси вазиғасини бажарганлигини кўрсатади.

Сабат йўлидан эҳтиёжи бор одамлар Ховосга, ундан Шошга боришлари мумкин бўлган. Йўл бўйлаб Мозорбототепага яқин жойда ичимликка ярайдиган булок бор. Йўл йўналиши Шўрбулоксойдан ўтиб, Ховосга етиб борган.

А.Р.Мухаммаджонов фикрича, Сабат уч айрилишда жойлашган, ундан уч томонга йўл булган, “се бат”, яъни уч қарвонсарой маъносини беради. Аммо ерли аҳоли Сабатни гаврондан тўкилган сават номидан келиб чиққан, дейдилар. Яъни тут новдаларидан икки томони очик қилиб тўкилган саватлар ёрдамида балиқчилар саёз сувли қўллардан, сойлардан балиқ тутишган. Бундай сават тўкувчилар саватбоғлар дейилган (Бу фикр ҳақиқатга жуда яқин. Айни кунларда ҳам саёз қўллардан бундай цилиндрсимон саватларда балиқ тутилади, бундай саватни босма дейишади. Ғазнавийлар (XI аср) даврида Балхда Сабадбофон номли маҳаллалар бўлганлигини Байхакий ҳам ўз асаридида келтириб ўтади.

### МИҚ ҚАЛЪАСИ ВА УНИНГ АТРОФИ

Милодий VI—VII асрларга келиб Уструшана давлати пайдо бўлиши билан, унинг тоғли ҳудудлари Молғузарда Мик деб ном олган аҳоли манзили ва қалъаси барпо бўла бошлайди. Жиззах вилояти ва унинг атрофларида пайдо булган турли афсона ва ривоятларга кўра, бу ерда қудратли шох истиқомат қилган ва ўзи учун арпазорлар бағрида ҳашамдор қалъа бунёд эттирган.

Шуниси эътиборлики, Мик водийсига етиб бориш учун 20 километр жанубдаги тор йўлли Йўлсой ва Ёттикечиксой аҳоли манзилларини босиб ўтиш зарур бўлади. Йўлда сизга 50 метр

баландликда жойлашган минора колдиғи кўриниб туради. Бу ўша пайтларда йўлда ҳаракатланаётган бегоналарнинг келиб кетишини назорат қилиш учун қурилган.

Мик Зоминдан 43 км жанубда бўлиб, ўтган асрнинг 30-йилларида қалъа билан бир номдаги қишлоқча одамлари бу ерларни тарк этишган. Қадимшунос-харобашунослар уч объектдан иборат Микни шартли равишда Мик-I (юқори қалъа), Мик-II (қуйи қалъа), Мик-III (қорхона-яшаш манзили) деб номлашга келишиб олганликларини қайд этишади.

### **Мик-I ҳақидаги маълумотлар**

Қалъанинг ҳозирги ҳолати унинг учдан бир қисми сақланиб қолганлигини кўрсатади. Аввало, узоқ йиллик табиий ҳодисалар натижасида харобага айланган бўлса, иккинчидан қалъа учун олиб борилган қурашлар натижасида вайрон бўлган бўлиб чиқади. Қалъадан VII аср бошларидан то VIII аср охиригача фойдаланиб келинган. Унинг деворларига турли расмлар чизилган, безаклар берилган. Қалъага махсус ўт қўйилганлиги билиниб туради. Турли мақсадларда бу ерда тадқиқот олиб борган мутахассислар, аввало, бу қалъа ва унинг атрофи одамларнинг дам олиб кетиши, табиат манзараларидан, тоза суви ва ҳавосидан баҳраманд бўлиш учун хизмат қилганлигини ҳам қайд этишади. Бундан ташқари XVIII—XIX асрларда 1200 йил давомида бу қалъа беклик маркази вазифасини ўтаб келган.

### **Мик-II ҳақидаги маълумотлар**

Қалъанинг меъморий композицияси ўзига хос бўлиб, юқори қавати 13 та хонадан иборат. Пастки қавати 18 хонадан иборат бўлиб, салқинлиги билан эътиборлидир. Хоналарнинг баландлиги 1,5 ва 4,5 метрли. Пахса деворлар орасида бир неча тоқчалар бўлиб, ҳаво алмашилиши учун хизмат қилган. Бу ерда ҳам қачонлардир каттиқ ёнғин чиққанлиги сезилади.

Қалъанинг ташқи кўриниши қалъасозлик меъморчилигининг энг яхши намунаси эканлигини намоён этади. Бошқа қалъалар билан қиёслаганда у тўққизинчи асрга тегишли деб ҳисоблашга асос беради. XI асрнинг 30-йилларида Марказий Осиёда Қорахонийлар

давлати таркибидаги маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ҳудуд ва ҳукмронлик талаш-тиш ҳаракатлари авж олиб кетди. Яшаш учун жуда қулай, сероб ҳамда серўт тоғ яйловларига эга бўлган Миқ ҳам жангу жадаллар ўрамига тушиб қолди. Буни қалъа деворларидаги ёнғинизлари, ташлаб кетилган рўзғор буюмлари, супалардаги гилам қолдиклари, улар билан ёнма ён инсон суяклари тасдиқлаб туради. Тадқиқотчилар бу ерда 80 дан ортиқ деҳқончилик, темирчилик ва дурадгорчилик асбобларини, қуро-л-яроғ, пичок, қулф, турли рўзғор буюмларини топишган. Энг муҳими бу ердан темирдан тайёрланган ярим фабрикат товарлар, от-улов жабдуклари, найза ва миҳлар, бронзадан тайёрланган зеб-зийнатли идишлари, тақинчоқлар, қуфий хат ёзилган кўзачалар, фил суягидан ясалган буюмлар, турли суюқлик ва рангли бўёқлар сақлашга мўлжалланган шиша идиш-чалар топилган.

Миқдан топилган гоят қимматли асори атиқалар 74 граммли қумуш билакузуклар жамланмаси, 1300 та “қора дирҳам” қумуш тангалар эди.

Маҳаллий аҳоли бу ердан бир неча вазифани бажарувчи зарбли ва пуфлама мусиқа асбоблари топилганлигини ҳам эслашди. Қизиги шундаки, тоғ иқлимнинг шарофати билан бу ерда шафтоли данаги ва ёнғок чиримасдан яхши сақланган. Албатта, қалъанинг қадимги ҳолатини қайта тиклаш амри маҳол. XI аср билан XII аср орасида, XII аср ўрталарида унинг майдони темирчилик устахонаси вазифасини бажариб келган. Темирчилар бу ерда икки хил меҳнат қуроли - ўроқ ва ооч тайёрлайдиган технология барпо этишган. Бироқ босқинчилар ҳужуми пайтида бу технологияни ўзлари билан олиб кетишга муваффақ бўлишмаган. Шундай қилиб, Миқда уларнинг фаолияти тўхтаб қолган.

### Миқ-III ҳақидаги маълумотлар

Миқ-III Миқ-II шимолида жарлик поёнида жойлашган бўлиб, айни кунда унинг чегарасини аниқ кўрсатиш мушкул. Бироқ бунда ўсимликларнинг ўсиш ҳолати бизга ёрдам бериши мумкин. Бу ерда тўк жигарранг майсалар ўсади. Бу майсалар ўз ўзидан ўсиб ётмайди, балки уларни қачонлардир инсонлар атай бошқа

жойдан олиб келиб ўтказгани билиниб туради. Качонлардир археологлар бу ерда қазилма ишларини бориш жараёнида бир км худудни зондлар билан ўраб чиқишгани, зинапоя вазифасини бажарувчи тошларнинг тартиб билан ётқизилгани унинг худудини кўз олдимизга келтиришга ёрдам беради. Хуллас, Мик-III Мик-I ва Мик-II қалъалари функцияларини бажариб келган бўлиб, бу ердан топилган асори атикалар қорахонийлар даври қулоччилиги ва Хўжанд қандакорлигига мансуб айрим буюмлар ҳақида гувоҳлик беради.

10x10 метр майдонда олиб борилган қазилма ишлари уч жойда темирчилик қорхонаси фаолият олиб борганлигини кўрсатган. Темир шлаклари (темир кўпиги қотишмаси), қайта ишлов берилгани аниқ бўлган турли шаклдаги темир парчаларининг учраб туриши бу ерда яшаган аҳолининг ишлаб чиқариш фаолиятини аниқлаб беради. Агар биринчи турар-жой бошлиқлар турадиган, бошқарув манзили вазифасини бажарган бўлса, иккинчи турар-жойда ярим тайёр метал буюмлар ишлаб чиқарадиган технологиялар устахонаси фаолият кўрсатган, учинчи турар жойда оғир метал буюмлар қуйиш технологиялар устахонаси ишлаб турган. Шундай қилиб, тоғли Утрушананинг муҳим худудларидан бири бўлган Мик бир неча юз йилликлар мобайнида метал қазиб олувчи ва уни қайта ишловчилар маскани бўлиб келган, Уструшананинг ишлаб чиқариш раванқини таъминлашга катта ҳисса қўшган.

## **АБУ КАСИР САЙФ ИБН ЗОҲИД АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абу Касир Сайф ибн Ҳафс Зоҳид аз-Зоминий Уструшананинг Зомин шаҳрида туғилган. Абу Касир аз-Зоминий ўз ёшлигини Зоминда ўтказиб, IX асрнинг ўрталарида Самарқандга йўл олади ва у ерда муқим яшай бошлайди. Машҳур олим Муҳаммад ибн Али ал-Лайн ал-Балхий аллома ҳақида шундай ҳикоя қилади: «У ўз даврининг солиҳ ва зоҳид зотларидан бири бўлиб, мен ундан кўплаб ҳадислар эшитганман». Аллома 297/909 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган.

**АХМАД ИБН МУҲАММАД АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яздоз ар-Розий аз-Зоминий уструшаналик муҳаддислардан бири бўлиб, Зомин шаҳрида таваллуд топган. Аллома ҳадисларни Муҳаммад ибн Айюб ва Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Лайслардан ривоят қилар эди. У Зоминда муқим яшаб, шу ерда 302/914 йили вафот этган.

**ИСРОФИЛ АЗ-ЗОХИД АЗ-ЗОМИНИЙ**

Шайх Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий Уструшана минтақасининг Зомин шаҳрида таваллуд топган. У ҳақида факих Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳ ас-Самарқандий шундай хикоя қилади: «Аллома ўз даврида фикҳ илмининг устаси, солиҳ ва зоҳид зотлардан бири эди, у Муҳаммад ибн Ҳадравайх ас-Самарқандийдан ҳадислар ривоят қилган».

**МУҲАММАД ИБН АСАД АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий Уструшана минтақасининг Зомин шаҳрида таваллуд топган. Машҳур аллома Абул-Аббос ал-Мустағфирий у ҳақида шундай хикоя қилади: «Мен Хуросонга сафар қилган чоғимда у менга ҳамроҳлик қилиб, йўлда мендан айрилди ва Ирок, Ҳижоз ва Мусалга сафар қилди. Шунингдек, у ҳадис эшитиш мақсадида Марв ва Сарахсда ҳам бўлган. У 415/1024 йилининг бошида Бухорода вафот этди».

**АХМАД ИБН МУҲАММАД РУЁНИЙ**

Қози, аллома, ислом фаҳри, шофеъийлар шайхи Абул Маҳосин Абдулвоҳид ибн Исмоил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Руёний Табарий Шофеъий.

Ҳижрий 415 йилнинг охирида таваллуд топганлар. Бухорога келиб, фикҳни ўрганганлар.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдурахмон Табарий, Абу Ғоним Аҳмад ибн Али Куроъий Марвазий, Абдусаммад ибн Абу Наср Осимий Бухорий, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Балфар Хаббозий, Абу Ҳафс ибн Масрур, Абу Бакр Абдулма-



лик ибн Абдулазиз, факих Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Баён ва бошқалардан ҳадис эшитганлар.

Фикҳ ва ҳадис талабида юрт кезганлар, фикҳ илмида кўзга кўринганлар, моҳир бўлганлар, ихтилофий масалаларда баҳс-мунозара қилганлар, аклни лол қолдирган китоблар ёзганлар.

Бу кишидан Зоҳир Шаҳомий, Исмоил ибн Муҳаммад Таймий, Абу Тоҳир Силафий, Абу Рушайд Исмоил ибн Ғоним, Абул Футух Тоий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Руёний: “Агар шофеъий мазҳабининг барча китоблари ёниб кетса ҳам, ҳаммасини ёддан қайта ёза биламан”, – деганлар.

У кишининг ушбу мазҳабдаги ниҳоятда фойдали “Ал-Баҳр” номли китоблари бор. Шунингдек, “Маносийси шофеъий”, “Ҳиятул муъмин”, “Ал-Кофий” номли китоблари ҳам машҳур.

Ниҳоятда обрўли, салобатли, қалбга яқин, фикҳ илмида чуқур билимли бўлганлар.

Силафий айтганлар: “Бизга етиб келган хабарларга кўра, Руёний Омудда ҳадис ёздирганлар, ўта диндор ва каттиққўл бўлганлари учун мажлисда дарс ўтиб бўлганларидан кейин муҳаррам ойида ўлдирилганлар”.

Раъй аҳлининг ўз замонларидаги пешвоси Имод Муҳаммад ибн Абу Саъд айтганлар: “Абул Маҳосин ўз замонларида шофеъийларнинг қозиси эдилар”.

Маъмар ибн Фохир айтганлар: “У киши “Омуд” масжидида, муҳаррам ойининг 11-сида – жумъа куни мулҳидлар, яъни исмоилийлар томонидан ўлдирилдилар. Низомулмулк у кишини ниҳоятда ҳурмат қилардилар”.

Хижрий 501 йилда ўлдирилганлар.

Руён – Табаристонга тегишли шаҳар. Аммо Рай катта шаҳар бўлиб, унга нисбат берилганлар “Розий” дейиладилар. Зомин тумани Аччи кишлоғидаги қадимий қабристонда бу азизнинг рамзий қабри мавжуд.

**ЖАМОҲИР ИБН АЛИ АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абу Бакр Жамоҳир ибн Али Зомин шахрида таваллуд топган. Аллома ҳақида Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳ ас-Самарқандий шундай ҳикоя қилади: «Абу Бакр Жамоҳир ибн Али аз-Зоминий Зоминда бош қози эди. Мен ҳадисларни Зомин шахрида ундан эшитиб ёзиб олганман. У Самарқандга бориб ҳадисларни шайх Ясмайх Бишр ибн Мусодан ривоят қилган».

**ИЛЁС ИБН ХОЛИД АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абул-Фадл Илёс ибн Холид ибн Ҳаким аз-Зоминий XI асрда Зомин шахрида яшаб, жуда кўплаб ҳадислар ривоят қилган. Муҳаддис Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий Зомин шахрида Абу Фадл Илёс ибн Холид ибн Ҳаким аз-Зоминийдан ҳадис эшитганини ривоят қилган. Мавжуд манбаларда алломанинг вафот этган йили ҳақида бирорта маълумот келтирилмаган. Агарда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Асад ибн Товус аз-Зоминий Зомин шахрида ундан ҳадис эшитганлиги ҳақидаги маълумотга суянсак, алломанинг вафот санаси 415/1024 йилдан кейинга туғри келади.

**АЛИ ИБН АБУ САҲЛ АЗ-ЗОМИНИЙ**

Абул-Ҳасан Али ибн Абу Саҳл ибн Ҳамза ибн Мансур Уструшананинг Зомин шахрида таваллуд топган. Аллома илм-маърифат тарқатиш йўлида Самарқанд шахрига келиб, Афрохи Амир Нунад маҳалласида мударрислик қилган. Аллома Самарқандда муқим яшаб, 494/1101 йили вафот этган ва Чокардиза қабристонининг Машҳад дарвозаси олдида дафн этилган.

**ШОҲИМАРДОН ДОМЛА ТУРБАТИ**

Замонавий уламоларимиздан бири Шохимардон домла (Шохимардон Йсаев) жиззахликлар учун кадрдон, соҳибфазл инсонларидан бири эди. 2010 йили дорил бақога рихлат қилиб кетган бўлсалар ҳам, одамларнинг тилида ва дилида ҳамон яшаб келмоқдалар. Бул зот 1944 йили Сурхондарё

даргоҳга кадам куйганингиз ҳамона, кўнгилни ажиб бир осойишталик камраб олади. Гуёки, ўзингизни ғам-ташвишга тўла дунё орқада қолиб, беташвиш оламга киргандек ҳис қиласиз. Тепарокда эса макбара жойлашган. Макбара рўпарасида масжид қад кўтарган бўлиб, зиёратгоҳнинг хушхаво табиатиغا ўзгача улуғворлик бахш этган.

Бу ерда қабри муқим бўлган инсон, улуғ олим бўлиб, исмлари Мавлоно Муҳаммад Пешоғарий дейилади. У киши 1321 йили таваллуд топган. Унинг илмий фаолияти ҳақида Фаҳриддин Али ибн Воиз ал-Қошифийнинг «Рашаҳату айнал ҳаёт» номли тазкирасининг 215-216-бетларида бир мунча маълумотлар келтирилган. Ушбу маълумотларга қараганда, Мавлоно Муҳаммад силсилаи Хожагон йўналишидаги «Нақшбандия» тариқатининг забардаст вакилларидадан бўлиб, илми зоҳир ва илми ботинда машҳури жаҳон эканлар. Туғилган йиллари хижрий санада 700 йил (1291 йил), таҳаллуси «Хожаи Сароб» ёки «Хожаи Сароб».

Айтишларича, шу инсон олис юртлардан бизнинг юртимизга саёҳат қилиб келиб қолган. Морғузлар тоғидан ўтаётганларида иттифоқо, сўлим ва баҳаво жойга кўзлари тушиб, унда бу масканда муқим қолиш истаги туғилибди.

Шу истак билан бир қулба қуриб, истиқомат қила бошлабди ва ўзларига «Пешоғарий», яъни «пешағорлик» деган таҳаллус ҳам танлабдилар.

Хўжаи Сароб ота умрининг охирига қадар ушбу масканда яшаб, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат ила кун кечирган, шу билан бирга маҳаллий аҳоли фарзандларини илму маърифатли қилган комил инсон экан. «Рашаҳату айнил ҳаёт» рисоласида келтирилган шажарага кўра, Мавлоно Муҳаммад Пешоғарийнинг отаси Имом Шамсиддин ва у кишининг оталари Имом Тожиддин Дарғомий, оналари орқали Хўжа Маҳмуд Шоший, у кишининг оталари Шайх Шаҳобиддин орқали Абу Бакр Қафқол Шошийга бориб тақалади<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Уша манба. 107-б.

Халк орасида бу ердаги булокнинг шифобахшлиги, кимки ундан яхши ният билан ичса дардига даво топиши, ҳам ниятига етиши ҳақидаги ривоятлар хали ҳамон машхур. Ҳозирда бу булоқдан Пешағор ва Қангли қишлоғининг 3 мингдан зиёд аҳолиси сув ичмоқда.

Дарҳақиқат, булок ойна-кул бўлиб оқиб, қанчадан-қанча ташна дилларнинг чанқоғини қондиради. Қўлдаги кадрёб балиқлар эса шўх-шўх ўйнаб, зиёратчилар ташлаган нон ушоқларини «ким ўзар»га илиб ейишади.

### ПЕШАҒАР ҒОРИ

Хитой манбалари, жумладан Тан-шу императорлигининг тарихий солномаларида Жиззах вилояти ҳудуди бўлмиш Уструшона «Цао», «Сутулусен», «Суду» ёки «Су-дуй-ша-на» деб юритилган. Унда айтилишича, Ши (Тошкент) ва Кан (Самарқанд) шаҳригача бир хил масофа узокликда бўлган «Йеча» шаҳрида оғзи маҳкам беркитилган гор бўлган. Бу горда йилига икки марта қурбонлик маросими ўтказилган. Одамлар гор оғзида туриб юзларини гордан чиқаётган тутунга тутишган. Тутун қурбонлик ўтказаётганнинг яқинларини турли бало-қазолардан асрайди, деган ақида бўлган.

Эрамизнинг 618-626 йилларида Судуйшанада ёш ҳоким бўлиб Кан ҳокими билан бирга Хитойга элчи юборади. Бу пайтда Су-ду шаҳри ҳам Судуйшанага қараган.

3.Мамадалиеванинг ёзишича, «Хитой тарихчиси Сюань-Цан бу ўлкани «Сутулисен» деб атаган ва унинг ҳудудини 1400-1500 ли (Чоч ўлкасидан 1,5 баробар узун) дейди. Урф-одат ва удумлари, емаги чочликларга ўхшайди. Сутулисенда шох бўлганидан бери бу ўлка туркларга қараган. Шимоли-ғарбида ўсимликсиз ва сувсиз жуда катта қумлик чўл (Мирзачўл) бўлган.

Б. Ғафуров, Усрушона ҳокимлари – «афшин»ларнинг қароргоҳини Шаҳристон сойининг ўнг қирғоғидаги Қалъаи Қаҳқаха харобаларидан изламоқ лозим, дейди. Аммо, афшин қароргоҳи Йеча шаҳри бўладиган бўлса, унинг маҳкам

тамбаланган ва қурбонлик маросимлари ўтказиладиган ғори бўлиши керак-ку!?

Бизнингча, Йеча шаҳри қолдиқларини Бош Пешағар қишлоғи яқинидаги ҳадсиз кенгликларда жойлашган кўрган ва қадим шаҳар қолдиқларидан изламоқ лозим. Ахир, бу ерда оғзи маҳкам тамбаланган ғор ҳам бор. Қолаверса, биз ғорда кўрган ва ҳикоя қилганимиз еручоклар, айнан шу ғорда ўтказилган минглаб қурбонликлардан гувоҳ эмасмикан? Қолаверса, Бош Пишағар қишлоғи теварагидаги харобалар микёсига кўра ҳам жуда катта. Пешағарда ҳозир ҳам кекса кишилар суғдларга, арабларга, муғулларга нисбат берилган бешта қадимий қабристон борлигини, уларда минг йиллар бурунги ота-боболар ҳоқи ётганлигини ҳикоя қиладилар. Хитой манбаларида айтилган Судуйшана пойтахтини шу жойдан изламоқ жоизга ўхшайди...

Ҳуш, нега Туркистон тизмасининг ғарбий қисми – Моргузарнинг шимолий ёнбағрида, Зомин – Жиззах автомобил трактининг пастки Пишағар қишлоғидан ўтиш чорраҳасидан 20 километрлар жанубда, Пишағарсой ирмоғи Дуланакудуксойнинг чап бетида жойлашган ғор хусусида бирон бир замонавий манбаларда маълумот йўқ? Нега шундай ғор мавжудлигини фақатгина юқори Пешағар қишлоғининг кексаларигагина билишади? Бу ҳам кўп жумбоқларнинг бири...

Қизиғи шундаки, – дея сўзини давом эттиради муаллиф – ўз сафарлари чоғида жой ва манзил хусусида батафсил сўз юритувчи Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек зукко зот томонидан ҳам мазкур ғор ҳақида ҳеч бир сўз айтилмаган. «Бобурнома»да «Пешоғар», «Зомин», «Работи Хожа» каби «кент»лар номи, шу қишлоқлар жўрофиясига оид эслатмалар бир неча ўринда қайта ва қайта тилга олинган. Бироқ, нима учундир улкан ғор хусусида бирон бир гап айтилмаган? Балки Бобурнинг бу ғордан хабари бўлмагандир?!

Пешағар қишлоғи номининг этимологияси хусусида бир неча оғиз сўз. Жой номи тарихи, маъносини ўрганувчи топонимия фанининг етакчи олимлари «Пешағар»нинг «беш оқар» (беш арик) тарзида маъноси бўлиши мумкинлигини тилга оладилар, аммо «Пешағар»нинг «Пешағор – «ғор оғзидаги (этагидаги) қишлоқ»

тарзидаги маъноси ҳам бор-ку?! Қолаверса, Бош Пешағар қишлоғи ғордан беш-олти километр масофада, унинг этагида жойлашганлигига нима дейсиз? Ва яна, қишлоқ ичидан оқиб ўтувчи сув «беш оқар» эмас, балки «бир оқар» – бир сойнинг, «Хўжаи Сароб» – «сув боши хўжаси, эгаси» деб номланган жойдан бошлангучи Пишағарсойнинг суви, «беш жилға»дан эмас, балки қиш ва баҳор мавсумида юзлаб жилғалардан йиғилади. Шунинг учун ҳам «Пишағар» атамаси аслида «Пешағор» тарзида таркиб топган ва даврлар ўтиши билан талаффузи ўзгарганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Шуни такрор айтмоқ лозимки, юқорида биз сўз юритган улкан горнинг чуқур илмий-археологик тадқиқоти янги қизиқарли маълумотлар бериши аниқ. Ғор заминидаги туфроқлар остидан ҳақиқатан ҳам афсонавий суғд ботирининг излари топилар?! (Йиғма материаллар. Кадастр иши. 12-13 бетлар.)

### ЗАҲИРИДДИН МУҲАММД БОБУРНИНГ ПЕШОҒАРДА ЎТКАЗГАН КУНЛАРИ

Бобур Самарқанд тахтини қўлдан бой бериш арафасида Жиззах ҳудудида ўзининг оғир ва таҳликали кунларини бошидан кечирган. Афғонистонга ўтиб кетиш палласида Зоминда ҳам яшаб турганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Бу воқеалар «Бобурнома»да ҳам ўз аксини топган. Ўшанда Бобуршоҳ 15-16 ёшли ўспирин эди. Ўшанда Мулла Бобо Пешағарий унинг садоқатли навқари бўлиб хизмат қилган.

(1498-1499 йиллар воқеаси). Самарқандга эврушмак дояси била анга кишилар йибориб, сўзлашиб, Ёрёйлоқ кентларидин Пешоғарниким, Ҳазрат Хожанинг мулк кентларидиндур (бу фатаротта анга тааллук бўлуб эди), тиладукким, бу қиш офияти бергай, то анда ултуруб Самарқанд вилоётига иликдин келганча эврушгайбиз. Муҳаммад Хусайн мирзо ҳам рози бўлди.

Хўжанддин отланиб Пешоғарга мутаважжих бўлдум. Зоминга етган фурсатта иситтим. Бовужуди истима Зоминдин отланиб илғор қилиб, тоғ йўли била ўтиб, Работи Хожанинг устига келдимким, ғофилликта шоту қўюб чиқиб, Работи

Хожа кўргониниким, Шовдор туманининг доруганишини ул-дур, олилгай. Субҳ вақти етилди. Эли хабардор бўлдилар. Яна ёниб, ҳеч ерда таваккуф қилмай, Пешоғарга келилди. Бовужуди иситма ўн уч-ўн тўрт йиғоч йўлни суубат ва машаққат била қатъ қилдим. Неча кундан сўнг Иброхим соруни ва Вайс Лоғарийни ва Ширим тағойини ички беклар ва йигитлар била илғор тайин қилдукким, бориб Ёрйлоқ кўргонларини сўз била ё зўр била иликлагайлар.

Улфурсатта Ёрйлоқ Сайид Юсуфбекдаэди. Мен Самарқанддин чиққонда қолиб эди, Султон Али мирзо ҳам риоят қилиб эди. Сайид Юсуфбек ини, ўғлини Ёрйлоқ кўргонларининг забт ва рабтига йибориб эди. Аҳмад Юсуфким бу тарихда Сиёлкут ҳукумати андадур, ул кўргонларда эди. Бизнинг беклар ва йигитлар ҳам бориб тамом қиш баъзи кўргонни сулҳ била илик ладилар, баъзини урушуб зўр била олдилар, баъзини айёрлик ва инчкалик била ўгурлаб мутасарриф бўлдилар. Ул вилоётларда мўғул ва ўзбак жихатидин ҳеч кент йўқтурким, анинг кўргони бўлмағай. Ушбу фурсатларда бизнинг жихатимиздин Сайид Юсуфбек ини, ўғлидин бадгумон бўлуб, Хуросонга рухсат бердилар. Бу қиш бу навъ талош ва тортиш била ўтти. Ёз бўла сулҳ йўсун Хожа Яҳёни йибордилар, ўзлари ҳам черик ангизи била Шероз ва Кобуд навоҳисиға келдилар. Бизнинг бўлгон сипоҳиймиз икки юздин кўпроқ ва уч юздин озроқ бўлғай эди, ҳар тарафда кучлук ганимлар Андижонга эврушуб, толе ҳеч мадад қилмади. Самарқандга илик қўюб ҳеч иш очилмади. Зарураттин сулҳгуна қилиб, Пешоғардин мурожаат қилилди (Бобурнома. Тошкент.: «Юлдузча». -1983. 56-бет).

1498-1499-йиллар воқеаси. Марғинонга киргандин икки-уч кун сўнг Қосимбекка Пешоғарийдин ва янги навкар бўлгонларидин ва Али Дўст бекнинг навкарларидин юздин кўпрак қиши қўшиб, Андижоннинг жануб тарафидаги тоғ эллариға, мисли Ашпориён ва Тўруқшорон ва Чакрак ваҳаларға йиборилдиким, истимолат била ё зўр била бу элларни келтургай (Бобурнома. Тошкент.: «Юлдузча». -1983. 58-бет).

1500-1501-йиллар воқеаси. Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулла келмиш-

лар, мен истикболларига чикмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға голибо бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари бокиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедим-ким, «Мендин эмасдур, дастурхон солғучи таксир қилибтур». Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиктим. Ушбу уйнинг долонида ўнг кўлимдин ё сўл кўлимдин тутуб андок кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Таки дедиларким; «Шайх маслаҳат берди». Ушул неча кунда-ўк Самарқандни олдим (75-бет).

1500-1501-йиллар воқеаси. Яна баъзи ичкилар ва йигитлар, мисли Каримдод, Худойдод туркман ва Жоника кўкалдош ва Мулло Бобойи Пешоғарий Ўратепа сари чиқтилар. Уя фурсатта Мулло Бобо навкар эмас эди, меҳмон йўсинлуқ юрур эди. Яна баъзилар, мисли Ширим тоғойи жамоати била бовужудким, бизнинг била Самарқандға кирди, машварат қилиб ўлуктирикни Самарқанд кўрғонининг ичида кўриб, кўрғонни беркитмак бўлдук. Менинг онам эгачиси, синглиси кўрғонда туруб, бўлғон кўч ва урук ва киши-қаросини Ўратепага чиқориб йибориб, ўзи бир неча киши-қароси била жариди кўрғонида турди. Бир бу эмас, доим мундок каттиқрок ишлар тушганда мундок юпкалик ва ноҳамжиҳатликлар андин содир бўлғондур (85-бет).

1501-1502-йиллар воқеаси. Мундок душман балосидин ва очлик истилосидин халос бўлуб, амонлиғ роҳатиға ва арзонлиғ фароғатиға этуштук. Уч тўрт кун Дизакга истироҳат қилдук. Андин сўнг Ўратепа сари азимат қилдук. Пешоғар бир нима йўлдин йироқтур, чун муддати анда бўлиб эдим, ўтуб борурда, бориб ани сайр қилдим.

Пешоғарнинг кўрғонида отунким, муддати мадид менинг онам хонимға мулозамат қилур эди, бу навбат улуксизликтин Самарқанддин бу ерга ёёк (пиёда) келибдур. Менинг онам хонимнинг синглиси Хўб Нигорхоним олами фонийни вироқ қилған экандур. Ўратепада хонимға ва менға эшиттурдилар. Менинг отамнинг онаси ҳам Андижонда вафот қилғон экандур, ани ҳам мунда эшиттурдилар (86-бет).



\* \* \*

1503-1504 йиллар воқеаси. Агарчи Хуросон азимати қилилиб эди, вале ушбу ҳол била бу вилоёттин ва Хисравшоҳнинг навкарларидин умидворлик бор эди. Ҳар неча кунда бир киши келиб, вилоёттин ва эл ва улусдин сўзлар тақрир қилур эдиким, мужиби умидворлик бўлур эди. Бу фурсатта Мулло Бобой Пешоғарийниким, Хисравшоҳқа элчиликка йиборилиб эди, келди. Хисравшоҳдин кўнгулга ёккудек сўз келтурмади, вале эл ва улусдин сўзлар келтурди. (Бобурнома. Тошкент.: «Юлдузча». - 1983. 108-бет).

1505-1506-йиллар воқеаси. Манга айттуруб йиборибтурким, шарт қилиб эдиларким, тўккиз гуноҳ мендин содир бўлмагунча сўрамағайлар. Мен Мулло Бободин ун бир гуноҳини бирар-бирар хотирнишон қилиб айтиб йибордим. Мулзам бўлди. Кўч ва моли била Ҳиндустон тарафиға рухсат берилди. Узининг бир неча навкарлари Хайбардин ўтқариб келдилар (Бобурнома. Тошкент.: «Юлдузча». - 1983. 156-бет).

1506-1507 йиллар воқеаси. Қобул қўрғонида Мулло Бобойи Пешоғарий халифа ва Муҳиб Али қўрчи ва Аҳмад Юсуф ва Аҳмад Қосим бошлиқлар эди, булар яхши бордилар. Қўрғонни мазбут ва мустаҳкам қилиб асрадилар. (177-бет).

1506-1507 йиллар воқеаси ...Бибимоҳруйга етардин бурунрок арқтин улуг ўт чиқти, маълум бўлдиким, хабардор бўлмишлар. Сайид Қосимнинг кўпруғиға ета Шириим тоғайи била бурунғор кишисини Мулло бобонинг кўпруғи сари йиборилди. Жувонғор ва Фул Бобо йўла била бўлдик. Ул маҳалда Халифанинг боғининг ўрнида бир кичикрок бокча эди. Улуғбек мирзо солиб эди. Лангар йўсунлик. Агарчи дарахт ва йиғочи қолмайдур эди, вале муҳавватаси бор эди. Мирзахон анда ўлтуруб эди.

Муҳаммад Ҳусайн мирзо Улуғбек мирзо солғон Боғи Биҳиштта эди. Мен Мулло Бобо боғининг кўча тарафидаги ғўристонға етиб эдиким, тезлик қилиб илгари борғонларни уруб, ёндуруб, бизга тикдилар (178-бет).

1507-1508 йиллар воқеаси. Чун Ҳиндустон жониби бормоқ салоҳи топилмади, Мулло Бобойи Пешоғарийни бир неча йигитлар била Қобулға йиборилди. Мандровар навоҳисидин

кўчуб, Атар ва Севага келдук. Бир неча кун ул навоҳида ўлтурулди. Атардин Кунар ва Нургилни бориб сайр қилдим. Кунардин жолаға ўлтуруб, ўрдуға келдим. Андин бурун жолаға ўлтургон эмас эдим. Хейли хуш ёкти, мундин сўнг жола шое бўлди (194-бет).

### ХОЖА ШОҲИМАРДОН ШЕРДОР ЗИЁРАТГОҲИ

Мазкур зиёратгоҳ Зомин туманининг Туркман кишлоғида эски тут дарахлари ҳовучида, яшил боғ-чорбоғ ичида жойлашган бўлиб, бир неча тариқат вакиллари сўнгги манзил тутган обод маскан. Ҳазрат Алига нисбат берилади.

### САЙИД БУРҲОНИДДИН ҚИЛИЧ ЗИЁРАТГОҲИ

Зомин туманининг Бешкуби кишлоғи ҳудудида шу номдаги зиёратгоҳ бор. Бу манзилгоҳда иккита археологик тепалик бўлиб, бири «Қилич Бурҳониддин авлиё» ва иккинчиси «Сайид Бурҳониддин авлиё» деб аталади. Ҳар иккисида ҳам қабр бор. Қабрларнинг узунлиги 12-15 метрни ташкил этади. Манзилгоҳга туташ ҳудуд обод, боғ-чорбоғ қилинган, хонакоҳни яқин-йироклардан келган кишилар зиёрат қиладилар, тилаклари ижобат бўлишига ишонадилар.

Султон Бурҳониддин Қилич тўғрисида асосан, икки қадимий манба мавжуд: 1) 800 йилча илгари Имом ан-Насафий томонидан ёзилган «Қандия» (Ал-қанд фи таърихи Самарқанд) китоби; 2) XVI асрда ёзилган «Жоме ул-мақомот» (Махдуми Аъзам тарихи) асарларидир.

«Қандия» китоби Самарқандда фаолият кўрсатган алломаларга алоқадор воқеаларга бағишланган асар бўлиб, бизгача етиб келган энг қадимий асарлар ичида ушбу китобда Султон Бурҳониддин Қилич тўғрисида кам бўлса-да, илк марта маълумот келтирилган.

Султон Бурҳониддин Қиличнинг энг машҳур авлоди бўлган Махдуми Аъзам Дахбедий лақабли Сайид Аҳмад Косоний тўғрисида Хожа Абулбақо томонидан ёзилган «Жоме ул-мақомот» китобида Бурҳониддин Қилич тўғрисида кенгрок маълумотларни учратамиз.

Юқоридаги манбалардан ташкари яна “Зафарнома, Самария”, “Торихи Муқимхоний”, “Шарафномаи шоҳий” (Абдуллонома), “Жазабот ул-ошиқин”, “Тухфат уз-зоирин”, “Равойиҳ ул-қудс”, “Сафинат ул-авлиё”, “Рисолаи таворихи Даҳбедия”, “Тарихи Маҳмуд Чарос”, “Тарихи Хумулий”, “Зубдат ул-ҳақоик”, “Кашкули Салимий”, “Тазкираи Мутрибий” каби туркум асарлар ҳам мавжудким, улардан Султон Бурхониддин Қилич авлодлари тўғрисида қимматли маълумотларни олиш мумкин.

Биз бу ўринда мазкур асарларнинг аслиятидан таржима қилиб келтиришга ҳаракат қиламиз.

«Сафинат ул-авлиё»дан: «Биринчи боб – Махдуми Аъзамнинг зоҳирий насабининг Ҳазрати Пайғамбарга (с.а.в.) бориб етишининг зикри ҳақида. Билгилким, Ҳазрати **Махдуми Аъзам Даҳбедий** (яъни, Мавлоно Аҳмад - Хожаги Косоний) ибн Мавлоно Саййид Жалолиддин Косоний ибн Саййид Жамолиддин ибн Саййид Бурҳон Хоҷам ибн Саййид Амир Маҷнун (Мир Девона) ибн Саййид Бурхониддин Қилич ибн Саййид Камолиддин Мадиний ибн Саййид Жалолиддин ибн Шох Ҳусайн ибн Шох Ҳасан ибн Саййид Муҳаммад ибн Саййид Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Афзал ибн Абдуллоҳ ал-Акмал (Аъраж) ибн Саййид Абу Толиб Ҳужжагуллоҳ (Муҳаммад Али Аршад) ибн Имом Али Мусо ар-Ризо ибн Имом Мусо ал-Козим ибн Имом Жаъфар ас-Содиқ ибн Имом Муҳаммад ал-Боқир ибн Имом Али Зайнулобидин ибн Имом Ҳусайн ибн Имом Али (р.а.) ибн Абу Толиб (ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин).

Ҳазрати Сайид Камолиддин, Расулуллоҳнинг шаҳарлари бўлмиш Мадинаи мунавварада яшарди. Ногаҳон сўфийлик жазабасига тушиб, Оллоҳнинг авлиёлари аҳли орасидан пир ахтариш дарди ул зотда пайдо бўлади ва шу дардга даво изловчи табиб-муршидларни излашга тушади.

Сафарга чиқиб, сураб-суриштириб Фарғона давлатига келиб, Ўзганд шаҳри четида бир муддат истироҳатда дам олишга кўнади.

У даврларда уша давлатда Ҳазрати амирал мўминин Абу Бакр Сиддик авлодидан бўлган Султон Илик Мозий подшоҳ эди ва у камолга етган етти авлиё султоннинг бири ҳисобланарди. Ҳазрат

Сайид Камолиддиннинг келишларини ушбу Султон Илик Мозий каромат юзасидан олдиндан хабар топиб, аён бўлган эдики: «Фалон тарихда бир сайидзода бу юртга ташриф буюради; унинг нишона ва белгиси шундайким, ҳар вақт дам олса ё ухласа, аждар суратидаги бир фаришта унга соя солиб туради ва химоя этади; сенинг қизингни унга ақди никоҳ билан боғлашади».

Шундан бери, Ҳазрати Султон Илик Мозий ушбу сайидзоданинг келишини интизорлик билан кутар эди. Чунон сайидзоданинг келиш вақти етиб келгач, Султон Илик ўз мулозимини чакириб дейди: «Фалон мавзегга бориб, ушбу нишонли кишини топасан ва яқинига бориб кузатасан; ул шаҳс уйғониб, уни химоя этаётган фаришта нари кетгач, одоб билан ул зотнинг мулозаматларига бориб саломимни етказ ҳамда айтки, сизни подшоҳ сўраётир».

Мулозим айтилган жойга бориб, сайидзодани топади ва подшоҳнинг сўзини етказади. Шунда Сайид Камолиддин дейди: «Мен бир қаландарсифат одамман, ватанимдан пир излаш талабида чикканман ва подшоҳлар мулозиматида бўлишга иштиёқим йўқ». Қачонки, мулозим меҳмоннинг бу жавобини Ҳазрати Султон Иликга етказгач, у дейди: «Яна бориб Ҳазрат Сайидга арз қилгилким, агар руҳсат берсалар мен олдиларига борарман».

Шундан сўнг, мулозим бориб Султоннинг арзини Сайидга етказади. Ҳазрати Сайид иноят этиб дедиларки: «Ғар Султоннинг хоҳиши дарвешлар суҳбати бўлса, мулоқотдан четга чиқиб бўлмас ва бизнинг боришимиз яхшироқдур, чунки подшоҳларнинг амри вожибдур», – деб саройга қараб йўл олишади. Султон ҳам уларнинг келаётганларини эшитиб, ташқарига истиқболларига чиқади ва тамоман эъзозу иқром билан кутиб олиб, саройга таклиф этади.

Шундан сўнг, неча муддат ўтгач, Ҳазрати Султон Илики Мозий бир куни Ҳазрати Сайид Камолиддинга дейдилар: «Менинг ягона киз фарзандим бор, хоҳлардимки сизга унаштириб кўйсам».

Ҳазрати Сайид бу сўзларни эшитгач, уялинкираб, дедилар: «Мен ватанимдан Худо йўлида хизмат қилиш учун пир излаб сафарга чикканман, менда оила қуриш хаваси йўқ».

Ҳазрати Султон яна дедилар: «Воқеада ғойибдан менга хабар келдики, менинг фарзандим билан сизни осмонда ақд бойлашиб, никоҳлашган эканлар. Қабул қилиш лозим кўринади».

Сайид Камолиддин бу ишни тақдир этилганини билгач, қабул қиладилар. Ва Ҳазрати Султон Илики Мозий қизларини Ҳазрати Сайид Камолиддинга никоҳ қилиб берадилар.

Сайид Камолиддинга маълум бўладики, Ҳазрати Султон Илик Мозий ниҳоятда соҳибкамол ва кароматли инсон эканлар. Шул жиҳатдан қайн оталарини пир билиб, бир муддат хизмату мулозаматларида бўладилар ва касбу камолга эришадилар. Кўп ўтмай, яқинларини кўриб келиш иштиёқида ватанлари Мадинаи мунавварага қараб йўл оладилар. Мадина шаҳрига етгач, анча вақт ўтмай вафот этадилар.

Ҳазрати Сайид Камолиддиннинг вафот этган вақтларида ўғиллари Султон Бурҳониддин ҳали туғилмаган ва оналарининг қорнида эди. Ҳазрати Сайид Камолиддин вафот этишдан олдин васият қилган эканларким: «ғойибдан эшитдимки, ўғлим туғилар экан; номини Султон Бурҳониддин қўйингизким, соҳиби камол ва кутб бўлғусидир ҳамда авлоди ҳам ўзи каби соҳиби камол бўлиб дунёга келишади».

Ҳазрати Сайид Камолиддин вафот этганларидан сўнг кўп ўтмай ўғиллари Султон Бурҳониддин туғилади. Қачонким, Султон Бурҳониддин 9 ёшга киргач, онаси ўғлини бобоси – Султон Илик Мозий олдига олиб боради. Бир қанча вақт ўтиб, Ҳазрати Султон Илик Мозий вафот этади. Вафотидан олдин набираси Султон Бурҳониддинни ўз ўрнига тахтга ворис этган эди. Ва боболаридан сўнг, Султон Бурҳониддин ҳам бир қанча вақт ҳукм суриб, халқни адолатга ва ҳидоятга бошлайди. Султон анча вақт подшоҳ бўлиб, салтанатда адолат ўрнатади.

Кунларнинг бирида, ногаҳон Султон Бурҳониддинга илоҳий жазбалардан келиб етади ва ул зот ҳам Султон Иброҳим Адҳам каби тожу тахтни қадрсиз ҳисоблаб, ўша замон кутби ва муршиди Ҳазрат Шайх Муслиҳиддин Хўжандийга иродат қўлини бериб мурид тушади.

Ҳазрати Султон Бурҳониддин Қиличнинг камолу қобилияти ҳаддан зиёд кучли эди. Чунончи, пирлари Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Хўжандий шогирдлари Ҳазрати

Бурхониддиннинг ташриф буюришларидан олдин ул зотни синаш мақсадида ходимларига буюрадилар: «Меҳмонхонага Султон Бурхониддин учун етти қават кўрпача ёзингиз, токи ул зот бемалол ёнбошлаб, ором олсинлар». Ходимлар етти қават кўрпача тушайдилар. Қачонким, Султон Бурхониддин ташриф буюриб кўрсаларки, кўрпача етти қават экан. Шунда ул зот – «кўрпачалар жуда баланд тўшалган экан», деб камтарлик билан дарҳол уч қаватини олиб ташлайдилар ва тўрт қавати устига ўтирадилар. Ўша заҳоти Оллоҳнинг инояти билан Султон Бурхониддинга тўрт қават осмон сиру асрори кашф этилади.

Эртаси куни саҳарда пирларининг зиёратига борганларида, Шайх Муслиҳиддин Хужандий шогирдлари Султон Бурхониддинга қараб дейдилар: «Агар биз тўшаган кўрпачаларнинг бариси устига чиқиб ўтирганингизда, етти қават осмоннинг бори сизга кашф бўларди; уч қаватни олиб, тўрт қаватга ўтирганингиз боис, фақат тўрт қават осмон сизга кашф этилди». Шу воқеадан сўнг, неча муддат пирлари ёнида хизмат қилиб касбу камолга етишадилар. Пирлари Ҳазрати Шайх Муслиҳиддин вафот этгач, Ўзганд вилоятига борадилар ва у ердаги халқни ҳидоятга бошлаб, Пайгамбарга (с.а.в.) хос фақирлик, камтарлик билан тариқат йулини кунлик фаолиятга жорий этадилар.

Ҳазрати Султон Бурхониддинга ғайратлик сифатлари (яъни, ғазотга рағбатлари) чунонам ғолиб ва қўб эдики, ушбу ғайрат ва кароматлар туфайли ислом лашкари билан ғайридинларга қарши курашар эдилар (Она томондан подшозода эканлари эътибордан фориғ бўлмасин). Шу билан бирга, кимки ул зот тўғрисида беадабона гапни айтса ёки қўнглидан ўткарса, шул заҳоти унинг ҳаёт риштаси узилиб, вафот этарди.

Бир киши бунинг сабабини билиш учун Ҳазрати Султоннинг хонақоҳларига келади. Аммо у ўз саволини бериб улгурмай, Ҳазрати Султон Бурхониддинга бу аён бўлади ва ғайратлик кароматлари туфайли хонақоҳ деворида соч толасига осилган бир ялтироқ қилич пайдо бўлиб, пашшаю қўнғизлар ҳар тарафдан учиб келишиб ўзларини ялтироқ қилич дамига уришар ва икки пора бўлишиб, ерга йикилиб ҳалок бўлишарди.

Бу воқеадан ҳайрон бўлиб кўриб турган кишига қараб Ҳазрати Султон Бурҳониддин дейдилар: «Эй махдум, айб қиличдами ёки ўзларини қиличга ураётган хашаротлардами?». Шу воқеа сабабидан ул зотга «Қилич» лақаби берилиб, ўшандан бери номлари **Султон Бурҳониддин Қилич** бўлиб тарихда қолгандирлар.

Бошқа бир манбада айтилишича, Султон Бурҳониддин ўсмирлик чоғларида кўлларида каттик ёғочдан ясалган қилич тутиб юрар эканлар. Экинзорга кирган бир сигирни ғазаблари келиб, белига ёғоч қиличи билан чунон каттиқ урадиларки, сигирни қок иккига бўлиб юборадилар. Сигир эгаси шикоят қилиб, қозига арз қилади. Қози ёғоч қилич билан катта ҳайвонни ўлдириш ақлга сиғмаслигини айтиб, Бурҳониддинни ҳузурга чакиради. Ўспирин қилган ишини тан олади. Шунда қози бошқа сигирни келтиришларини айтиб, қилич солишни буюради. Султон Бурҳониддин қилични икки қўли билан ушлаб, бор кучини тўплаб сигирнинг белига уради. Худонинг қудрати билан сигир иккига бўлиниб кетади. Буни кузатиб турган қози, сигир эгасига «сиз бу паҳлавон йигитнинг гуноҳидан ўтинг, мен ҳам қойил қолдим, нима деб жазо беришга ҳайронман», дейди. Сигир эгаси ҳам нобуд бўлган сигирининг ҳақидан кечади. Шу кундан бошлаб одамлар Султон Бурҳониддинни «Бурҳониддин Қилич» деб атайдилар. Ҳар икки ривоят ҳам ўзига хос мантиска эга бўлиб, сайиднинг лақаби тарихини исботлайди.

Ул зотдан сўнг, авлодлари орасидан кўп таниқли шахслар етишиб чиқишган бўлишиб, айникса, **Махдуми Аъзам Даҳбедий** лақаби билан машҳур бўлган Мавлоно Аҳмад Косоний бу табақадан чиққан энг машҳур тарихий шахсга айлангандир.

### **СУЛТОН БУРҲОНИДДИН ҚИЛИЧ НАСАБНОМАСИ**

Ҳазрати Султон Бурҳониддини Қилич (асл номи Сайид Бурҳониддин ибн Сайид Камолиддин) Ўрта Осиёда кенг тарқалган машҳур сайидлар табақаларидан бирининг юртимизда тугилган илк вакили эди.

Шайх Сайид Бурҳониддин Қилич асос солган бу табақадан дунёга машҳур муршидлар ва сиёсат арбоблари, жумладан: **Мавлоно Хожа Қози** (темурий подшоҳ Бобур мирзонинг би-

ринчи пири); **Махдуми Аъзам** (Нақшбандия тариқатининг буюк назариётчи олими ҳамда Ҳиндистон подшоҳи Бобур мирзонинг кейинги асосий пири); **Шайх Махдуми Хоразмий** (Кубравия тариқатининг улуғ муршиди); **Хожа Калон Даҳбедий** (замона муршиди); **Хожа Исҳоқ Вали** (Қашқардаги Исҳоқия тариқати асосчиси); **Хожа Ҳошим Даҳбедий** (Ўрта Осиё подшоҳлари ва Ялангтуш Баҳодирнинг пири); **Солиххожа** (Хуросон-Эроннинг муршиди); **Ҳидоятulloҳ Офокхожа** (Ёркент подшоҳи); **Абдуллахожа-Хожам Подшоҳ** (Қашқар подшоҳи); **Мусохонхожа Даҳбедий** (Нақшбандия тариқатининг Ҳиндистон ва Ўрта Осиёдаги энг буюк арбоби); **Умархонхожаи Ғозий** (Самарқандда чор Россиясига қарши ғазовот қузғолони раҳбари, Амир Музаффарнинг пири); **Сайид Жаъфархожа Хилолий-Афғонистоний-Исҳоқий** (соҳибдевон шоир, Афғонистон подшоҳи Абдурахмонхоннинг пири); генерал-маршал **Алихонтўра Соғуний** (Шарқий Туркистон давлати ҳукумати бошлиғи); **Қаттахонхожа Даҳбедий** (Нақшбандия тариқатининг охирги улуғ муршиди, Бурҳониддин Қилич авлодидан бўлган охирги буюк тасаввуф арбоби) каби Ўрта Осиёда машхуру манзур тарихий шахслар етишиб чиқдиким, бошқа бирор табақадан бунчалик кўп ва ҳуб зотлар етишмагандир.

Ҳазрати Бурҳониддин Қиличнинг ота-оналари Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) авлодига мансуб оилалардан бўлиб, уларнинг насабноналари кўплаб эски китобларда, ҳужжатларда, қабр тошларда ва тарихий обидаларнинг пештоқларида кошиний килиб ёзилгандир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жойиздурким, насабнома ва шажара масаласига тўхталадиган бўлсак, Марказий Осиёда шажаралари манбаларда энг кўп қайд этилган ва ёзилган табақа – Сайид Бурҳониддин Қилич авлодидан бўлмиш Махдуми Аъзамийлар табақасидир. Жумладан, «*Жомеъ ул-мақомот*», «*Равойиҳ ул-қудс*», «*Тухфат уз-зоъирин*», «*Тазкираи азизон*», «*Ҳидоятнома*», «*Девони ҳақоиқ ва маъорифи Хилоли Афғонистоний*», «*Маноқибни Ҳазрати Мусохон*», «*Матлаб ут-толибин*», «*Рисолаи таворихи Даҳбедия*» каби жуда кўплаб китобларда Бурҳониддин Қилич авлодларининг тарихи ҳамда уларнинг Пайғамбаргача (с.а.в.) етадиган шажаралари тўлиқ келтирилган. «*Қандия*»,



«Машраб девони», В.Бартольднинг устози рус профессори Н.Веселовскийнинг «Дагбит» номли китобида ҳам уларнинг шажаралари баён қилинган.<sup>8</sup>

Қўп манбаларда Шайх Бурҳониддин Қилич деб номланган бу зотнинг отаси Сайид Камолиддин Мадинаи Мунаввара шаҳрининг шарифларидан бўлиб, жалибий манба бўлмиш Хожа Абулбақонинг «Жомеъ ул-мақомот» китобида келтирилишича, ногаҳон зоҳидлик талабида у ерлардан чиқиб Ўрта Осиёга, Фарғона вилоятига келиб қолган. Аслида, ҳаққоний талкин қилинганда эса Сайид Камолиддин ва у каби ашрафзодаларнинг Ўрта Осиёга келиб қолишлари замирида бошқа сабаб ётади.

Бу каби имомзодалар ўз замонасида халқ орасида жуда катта мавқеъга эга бўлсалар-да, ҳам диний ва ҳам дунёвий ҳокимиятга асосий даъвогарликлари учун ҳукмдорлар томонидан таъқиб остига олинганлар. Айниқса, уммавийлар (661-750 йиллар), қисман аббосийлар (750-1258) давларида имомзодаларни оммавий қирғин ва қувғин қилганлар. Қўшни мамлакатларнинг, жумладан, юртимиз Мовароуннаҳр ҳукмдорлари уларни ўз паноҳига олишган.

Масалан, аббосийлар даврида, 850 йилда имомзода Ҳасан ул-Амир Самарқандга оиласи билан келганида бутун шаҳар аҳли пешвоз чиккан ва у ўн бир йил Самарқандда яшаб сўнг Балхга қайтиб кетган. Ўрта Осиёда яшаётган Термизий сайидлар аталмиш авлоднинг асосчиси ушбу зот эди.<sup>9</sup>

Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний даврида (892-907) имомзода Амир Абдуллоҳ Бухорога келган ва кейинчалик подшоҳ Исмоил Сомонийнинг кизи Моҳ Сиймога уйланган. Бухоролик Худовандзодалар сайидлари аталмиш авлоднинг асосчиси ушбу зот бўлган.

Амир Темур Кўрагоний даврида унинг музофотига келган имомзода Мир Сайид Барақа эса соҳибқиронга пир бўлган. Ҳозирги вақтга келиб парокандаллашиб кетган Андхуд сайидлари асосчиси ушбу зот эди.

<sup>8</sup> Н.Веселовский. Дагбит. ЗВО, том – III. (XIX в.).

<sup>9</sup> Кн. «Протоколы заседаний... 1913-1914 гг.» (История термезских сейидов).

Аштархонийлар даврида Эроннинг Машҳад шаҳридан Бухорога имомзода Мир Абу Толибхожа уз укаси Абу Тоҳирхожа билан олдинма-кетин келиб, аштархоний Динмуҳаммадхонга кизи Шаҳрабону бегимни никоҳлаб берган. Бу никоҳдан аштархоний подшоҳ Нодир Муҳаммадхон туғилган. Бу ака-укалар Самарканд ва Бухорода ҳозиргача яшаб келаётган **Мирақоний сайидлари** уруғининг асосчиларидир. Ўзбек ва тожик адабиёти-нинг машҳур намояндаси Садриддин Айний ушбу авлод вакилларидан эди.

Шулар каби XIII асрда Мадина шаҳридан Сайид Камолиддин (Махдуми Аъзамнинг бобокалони) ҳам Фарғонага келган ва Фарғона подшоси Султон Илик Мозийнинг ёлғиз кизига уйланиб, кейинчалик хаж зиёратига борганида Мадинада вафот этган. Султон Бурҳониддин Қилич мазкур Сайид Камолиддиннинг ёлғиз ўғли бўлган. Марказий Осиёдаги «**Махдуми Аъзамийлар**», «**Махдуми Хоразмийлар**», «**Қашқарий-Ёркандий**» каби бир неча авлодлар Султон Бурҳониддин Қилични ўзларининг Марказий Осиёда туғилган илк оталари деб билишади.

Султон Бурҳониддин Қилич авлодлари ҳақидатемурий подшоҳ Бобур мирзо ўзининг «**Бобурнома**» асарида куйидагиларни ёзган: «*Бу табақа муқтадо ва шайхулистом ва қози бўлиб келгандурлар*».

Машҳур «**Қандия**» китобида ҳам бу зот ҳақида: «*Сайид Бурҳониддин Қилич – Имом Абдуллоҳнинг наслидандур ва Даҳбед хожалари ул зотнинг авлодидур*», деб ёзилган.

Нодир манба ҳисобланган «**Равойиҳ ул-қудс**» (муаллифи Мақсуд ибн Носириддин Бухорий) қўлёзма китобининг «**Махдуми Аъзам Даҳбедий**» бобида (1878-82) янада аниқроқ ёзилган: «*Номи мубораки эшон Сайид Аҳмади Косонист ва ба Мавлоно Хожаги Махдуми Аъзами Даҳбеди иштихори доранд ва нисбати шарифи нафиси эшон ба Ҳазрати Шайх Бурҳониддин Қилич қаддасаллоҳу сирраҳу мерасад ва гавҳари насли асили эшон аз садафи касирул-шарафи шаҳиди Дашти Карбало - Абу Абдуллоҳ Имом Муҳаммад Хусайн розийаллоҳу анҳу маъбад ва менайванд...*». Таржимаси:

«Ул зотнинг муборак номлари Сайид Аҳмад Косоний бўлиб, Мавлоно Ҳожаги Маҳдуми Аъзам исми ила машҳурдирлар ва Ҳазратнинг нафису шарафли нисбатлари **Шайх Бурҳониддин Қилич**га бориб, ул зотнинг асл насаб гавҳари эса Қарбало Даштининг шаҳиди **Абу Абдуллоҳ Имом Ҳусайн** (яъни, Пайгамбар набиралари Имом Ҳусайн) розийаллоҳнинг шарафли садафига етади» (таржима К.Каттаевники).

Қадимий манбалар ҳисобланган *«Жомеъ ул-мақомот»* (муаллифи Ҳожа Абулбақо) ва *«Тухфат ул-зоъирин»* (муаллифи Бухоро шахзодаси Носириддин ал-Ҳанафи ал-Ҳусайни ал-Бухорий) китобларининг Ҳазрати Маҳдуми Аъзамга шажаралар бобида қуйидаги насабнома келтирилган:

«Ҳазрати Сайид Аҳмад - Маҳдуми Аъзам

бин Сайид Жалолиддин

бин Сайид Жамолиддин

бин Сайид Бурҳониддин Ҳоҷам

бин Сайид Амир Мажнун (Мир Девона)

бин Сайид Бурҳониддин Қилич

бин Сайид Камолиддин Маданий

бин Сайид Жалолиддин

бин Сайид Шох Ҳусайн

бин Сайид Ҳасан

бин Сайид Муҳаммад

бин Сайид Аҳмад

бин Сайид Абдуллоҳ ал-Афзал

бин Сайид Абдуллоҳи Акмал (Аъраж)

бин Сайид Абутолиб ҳужжатуллоҳ – Муҳаммад Али Аршад

бин Ҳазрати Имом Али Мусо ар-Ризо

бин Ҳазрати Имом Мусо Козим

бин Ҳазрати Жаъфари Содик

бин Ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир

бин Ҳазрати Имом Зайнулобидин

бин Ҳазрати Имом Ҳусайн (р.а.)

бин Ҳазрати Имом Али (р.а.) ва Фотимаи Заҳро (р.а.)

бинти Ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)

Қорахонийлар даврларда Фарғона давлатининг маркази Ўзганд шаҳри бўлиб, унга Султон Илик Мозий подшоҳлик қилар эди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизким, кейинги вақтларда баъзи тарихчилар Султон Илик Мозий билан Султон Санжарни бир шахс деб адаштириб ёзмокдалар», дейди тарихчи Комилжон Каттаев.

Султон Илик Мозий невараси Сайид Бурҳониддин тўққиз ёшга етгунга қадар унинг тарбияти билан махсус ажратилган муаллимлар шуғулланишади. Сўнг ёш Бурҳониддин саройга келтирилиб, унинг тарбияси билан бобоси машғул бўлади. Тасаввуф тарихида тариқатга изчил раҳнамолик қилган етти султоннинг (уларнинг бири хижрий 333 йили туғилган, 80 йил Қашғарда подшоҳлик қилган Султон Сотук Буғрохондир) бири ҳисобланган Султон Илики Мозий ўз набираси Сайид Бурҳониддинга тариқат сулукларидан дарс бера бошлайди. Кўп ўтмай Султон Илики Мозий вафот этиб, васияти бўйича (ўз ўгли бўлмаганлиги учун) кизининг ўгли Сайид Бурҳониддинни Фарғона тахтига ўтказишади.

Манбаларнинг шаҳодат беришларича, Султон Бурҳониддин подшоҳ бўлиб турган вақтидаёқ давлатни бошқаришда тасаввуф тариқатига суянган ҳолда иш кўрган ва халқни ҳидоятга бошлаган. Ҳадис: Подшоҳнинг бир соатлик адолати 60 йиллик ибодат савобига тенг.

Қадимий манбаларда келтирилишича, ул зот муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, «Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жохилларга нисбатан эса қаҳрли бўлган» экан.

Амир Темур ўз даврида Самарқанд Тепакўргонидаги Аркда (ҳозирги «Кўксарой» меҳмонхонаси ёнида) Нуриддин Басирга атаб макбара қурдирган ва шу билан бирга, Ўзгандда Бурҳониддин Қилич макбарасини ҳам қайта қурдирган, деган фикр мавжуд.

Амир Темур тарихи ҳақидаги асосий манба ҳисобланган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зарафнома» асаридан келтирилишича, сафарда юрган Амир Темурнинг тушига Шайх

Бурҳониддин Қилич киради. Тушида Амир Темур ул зотнинг истиқболига шошилиб, Самарқандда касал ётган ўғли Жаҳонгир Мирзонинг саломатлигини Худои таолодан тилашни илтижо қилади. Шайх ўшанда бундай деган: «Бу иш Худога аён, Худо билан бўл!» Уйқусидан чўчиб уйғонган Амир Темур зудлик билан Самарқанддан хабар келтириш учун чопар йўллайди. Кейин маълум бўладики, Жаҳонгир Мирзо вафот этган экан.

Шу каби баъзи асарлардаги аҳамиятли воқеалар тафсилоти Ҳазрати Бурҳониддин Қиличнинг тушларга кириб башорат қилишлари билан баён этилади.

Комилжон Катгаев қуйидаги мулоҳазаларни айтади: «Султон Бурҳониддин Қиличнинг кайси тарикатга мансуб эканлигини бирорта ҳам манбада учратмадик. Аммо фикримизча, ўша даврда энг устувор тарикат суҳравардия тарикати бўлгани боис Султон Бурҳониддин ҳам шу тарикат аъзоси бўлгани аниқдир. Бу фикримизда шунга таяндикким, ўша даврнинг энг машҳур алломаларидан Зайниддин Кўйи Орифоний, Шайх Нуриддин Басир, Шайх Бурҳониддин Соғаржийларнинг барчалари суҳравардия тарикатига кирган эдилар. Бу зотлар билан эса Султон Бурҳониддин Қилич жуда яқин таниш бўлганини «Қандия» китоби исботлаб турибди». Жиззахнинг Ём қишлоғи табаррук хонадонлари эгалари - Аҳмад Яссавий авлодлари бизга ноёб насабнома матнидан нусха бердилар. Туркий тилда битилган «Насабнома» тарихий воқеаларни изчил тарзда, қизиқарли ҳикоя қилиниши билан бошқа насабномалардан фарқ қилади. Шу сабабли уни илк марта алоҳида муҳаббат билан ҳозирги ёзувимизга табдил қилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишга қарор бердик.

### «НАСАБНОМА»

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам куёвиси Ҳазрат Мургазо Али розияллоху анҳу турур, анинг ўғли имом Муҳаммад Ҳанафия турур. Анинг икки ўғли бор эрди; бирининг оти Абдулманнон ва бирининг оти Абдулфаттоҳ эрди.

Ва анинг ўгли Баттол Ғозий Рум тарсолари бирла газовот қилди. Рум тарсоларини халок қилди. Саййид Баттол Ғозийнинг ўгли Абдулжаббор, анинг ўгли Абдулкаххор ва анинг икки ўгли бор эрди. Бирининг оти Абдуррахмон ва яна бирининг Абдулжалил. Абдуррахмон Рум подшохи, Абдурахим Шом подшохи эрди.

Абдурахмон вафот этиб, Исҳоқ боб отаси ўрнида подшоҳ бўлди. Абдужалил яна бир шаҳарда подшоҳ эрди. Абдурахим Исҳоқ боб билан Абдужалилни (ўз ёнига) ундади. Ва учови жам бўлди.

Исҳоқ боб:

– Эй отам қариндоши Абдурахим, бир сўзум бор, айтайин, – деди. Улар:

– Хўб, буюргил, – дедилар.

Исҳоқ боб айди:

– Ул замонда ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху хилофатида эдиким, Абдурахим ун икки минг табаъ тобеъийин бирла Муг тарсолари бирла Ўзгандга, Фарғонага бориб тўқуш қилиб, шаҳид бўлдилар ва Ҳазрат Али Муртазо розияллоху анху хилофатида Қусам ибн Аббос ибн Абдужалил ўн икки минг табаъ тобеъийин бирла бориб Ўзганд ва Фарғонада 2 ва 3 бора Исфижоб тарсо ва муглари бирла газот қилдилар. Ислом ошқора бўлди. Абдурахим айди:

– Алар ислом ошқора бўлмоғи учун тўқуш қилиб ўтубдурлар. Ҳақ субҳонаху ва таоло ислом подшоҳига фатҳ-нусрат бериб-дурким, Худой таоло ризоси учун Ўзганд ва Фарғона бориб ислом ошқора қилғон бўлсалар, эмди бизлар ҳам Худойи азза ва жаллаға муножот қилиб, химмат ва шижоат талаб қилсақ, бамувофики гуфтори забони муборак жадди бузруквор, чароғи кавнайн, султонул анбиё соллаллоху алайҳи ва алиҳи ва салламнинг «Ким ниманики кидирса ўшани топади», хадиси бирла керакким, бирла бирла салоҳи лашкар тузаб, ислом ошқор қилсақ, шоядким Худованди раҳим бизлардин рози бўлса ва анинг ҳабиби Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам руҳониятлари бизлардин хушнуд бўлсалар, – деди. Анда алар:

– Хўб бўлур, маслаҳат мундин бехрок йўқ турур, – дедилар. Анда Исҳок айди:

– Эй Абдурахим, сенинг неча минг табаъ тобеъининг бор?

Абдурахим айди:

– Менинг етмиш минг табаъ тобеъин бор турур ва барчалари сипохи мукамал турурлар.

Абдурахим Исҳокбобдин савол қилди:

– Сенинг неча минг табаъ тобеъининг бор?

Исҳок боб айди:

– Менинг эллик минг табаъ тобеъиним бор ва барчалари жабор ва баислох турурлар.

Исҳок боб Абдужалилдин савол қилди:

– Сенда неча минг табаъ тобеъин бор?

Абдужалил деди:

– Менинг қирқ минг табаъ тобеъиним бор, ҳамалари жангжўй, муборизи майдон, баислох турурлар.

Андин сўнг учови аҳд қилдилар, салоҳ лашкари ораста қилиб Исфакон келдилар, андин Мозандарон келдилар, андин Сарниғил келдилар, андин Балх келдилар, андин Термиз келдилар, андин Бухоро келдилар, андин Самарқанд келдилар, (улар келган пайт) Бухоро ва Самарқандда мусулмонлик ошқора эрди. Андин Фарғонага келдилар, андин Ўш Бобга (Попга) келдилар, андин Косон келдилар (*Ўш Боб деганда ҳозирги Ўш шаҳри эмас, Поп бўлганлиги ҳақиқатдир, чунки Косон Ўшдан кўра Попга яқин жой, Ўшга эса Андижондан ўтиб кейин борилади. Ундан ташқари Косон ўша вақтда Фарғона маркази саналган. – Муаллифлар*).

Фарғонада икки подшоҳ бор эрди, бирининг оти Корвон ва бирининг оти Охшит (Ахшайит) эрди, исломдин бегона эрди. Ислом ошкор бўлмоғи учун тукуш қилдилар. Аларни халок қилдилар. Анда қирқ мингу беш мусулмон шахид бўлди. Андин Шош ва Истинжоб келдилар. Исҳок бобнинг бир табаъ тобеъини бор эрди, анинг оти Қаффол эрди, раҳматуллоҳи алайҳи.

Ҳазрат имом Қаффолни Шош вилоятида қўйдилар. Ҳазрат имом Қаффол эллик беш йил Шош вилоятида халифага илми хикмат ўргатди. Ислом ошкор бўлди.

Андин уч қисм бўлдилар. Абдурахимни Арғу, Талос ва Етти-кент йибордилар. Андин Ҳзганд ва Кошғарга келдилар. Кошғар вилоятинда бир тарсо бор эрди. Лақаби Уй Жунгузлук Бугро Қорахон эрди. Имонга даъват қилдилар, буйюн сунмади. Ислом ошқори учун тўқуш қилдилар. Минг етти мусулмон шаҳид бўлди. Етти минг тарсо ўлди. Тарсоларга шикаст бўлди. Мусулмонлик ошқор бўлди.

Абдурахим Кошғар вилоятинда ўттуз йил подшоҳлик қилдилар. Ислом ошқор бўлди. Ариғлик Бугро Қорахон атанди. Андин Алмалиғ элига бордилар. Авлиё Қорахон отанди, анинг ўғли Қўзи Болиғ(га) келди. Қилич Қорахон атанди. Анинг ўғли Солиғ Болиғга келди. Арбуз Қорахон атанди. Анинг ўғли Талосга келди. Авлиё Қорахон атанди. Анинг ўғли Саройида Мансур-хон атанди, қирк уч йил подшоҳлик қилди. Анинг ўғли Исмоил-хон атанди, анинг ўғли Илёсхон атанди, анинг ўғли Аҳмадхон атанди, анинг ўғли Арслонхон атанди, анинг ўғли Санжархон атанди, анинг ўғли Ҳасанхон, анинг ўғли Билгахон, анинг ўғли Қиличхон. Ҳтрор элига келдилар. Билгахонни (ёвлар) тутуб ўлтурдилар, андин Алининг «Насабнома»си келди.

Исҳок боб Сарёмга (Сайрамга) келди. Анда бир подшоҳ бор эрди. Оти Биндор эрди. Сарёмнинг уч юз рустоси (қишлоғи) бор эрди. Барчаси тарсолар эрди. Исҳок боб Биндорни имонга даъват қилди. «Етмиш отадин (бери) тарсоман, – деди. Менинг диним ҳақ турур, сенинг бирла тўқуш қилурман», – деди. Уч кеча-кундуз тўқуш қилдилар. Саккиз минг тарсо ўлди, беш минг мусулмон шаҳид бўлди. Биндор қошти. Сўлхонга борди, бир табаъ тобейинни саройда қўйдилар. Оти Жабборлик эрди. Халойикга қирк беш йил подшоҳлик қилди ва ислом йўлини ўргатти.

Сўлхон бирлан Биндор сипоҳ тутуб ўлтурди. Андин Қарғалик борди, уч қат хисор бино қилди, эллик тўрт йил подшоҳлик қилди. Ул халойикни мусулмонликка даъват қилди, ислом ошқор бўлди.

Таки Исҳок боб Каъбага борди, Каъбахонани ўлчаб келиб, Сарёмда Жўба (Чўба, яъни ёғоч) масжидни бино қилди.

Исҳок бобнинг ўғли Ҳорун шайх, анинг ўғли Муъмин шайх, анинг ўғли Мусо шайх, анинг ўғли Исмоил шайх, анинг ўғли Ҳасан шайх, анинг ўғли Усмон шайх, анинг ўғли Умар шайх,



анинг ўгли Ифтихор шайх, анинг ўгли Илёс шайх, анинг ўгли Иброҳим шайх.

Анинг ўгли икки эрди. Бирининг оти Аҳмад хожа, яна бирининг оти Қорачукий Садр хожа.

Садр хожанинг икки ўгли бор эрди, бирининг оти Абдулмалик хожа, тақи бирининг оти Донишманд хожа.

Абдулмалик хожанинг бир ўгли бор эрди, Абдол Али хожа.

Аҳмад Яссавий ва Қорачукий Садр хожанинг иккисин оталари Иброҳим хожа. Анинг биродари бор эрди Қўббошлик Мусо хожа отлик. Иброҳим бирлан қўб чилла ўлтиришга хилват қилиб эрдилар. Иброҳим хожа бирлан Мусо хожага Ҳизр ва Илёс ишорати бўлди – «Ясси элинда хожа йўқтур, борғил, суфра тутғил, деб ижозат бўлди, қирк уч йил тутти анда.

Хожа Аҳмад Яссавий йигирма ёшинда эрдилар. Мусо хожанинг Ҳизр ва Илёс бирлан қирк йил суҳбати бор эрди. Бир кун Ҳизр ва Илёс иккиси келдилар, Мусо хожага айдилар: «Сенинг қизинг Оиша расида бўлубтур, қизингни Иброҳим хожа ўгли Аҳмад хожага берғил», дедилар.

Андин сўнг Ҳизр ота ва Илёс ота Иброҳим отага «Ҳазрат Таборак ва таоло инояти бўлди, ўғлунг Аҳмад Яссавий хожанинг юз йигирма йил умри бўлғуси, бизнинг бирла ҳамсуҳбат бўлуб, улуғ машойих бўлғуси турур», деб айдилар.

Иброҳим хожа ўглига айдилар:

– Санга дастур ул турурким, борғил, хожа Ҳизр ва Илёс ижозати бирлан Яссида Мусо хожа санга қизини берсун, – дедилар. Аҳмад хожа Сарёмдин Яссиға келди, Мусо хожанинг қизини никоҳ бирлан олдилар. Мусо хожа дунёдин кеттилар, Аҳмад хожанинг Яссида юз йигирма йил умри бўлди. Ҳазрат хожа Ҳизр ва Илёс бирлан суҳбатида бўлди. Хожа Аҳмад Яссавий намозин суннатин Яссида ўқуб, фаришасин Каъбада адо қилур эрди. Икки йил Ҳизр ва Илёс бирлан ҳамсуҳбат бўлди.

Хожа Аҳмад Яссавий Садр хожа бирла руҳуллох қариндош эрди. Бул сабабдин Садр хожа ўгли Абдулмаликни оталик қариндош деб бир ёшинда ўғулланди (ўғил қилиб берди). Аҳмад хожанинг бир қизи бор эрди, оти Гавҳаржўш (Гавҳархуш) де-

ган. Гавҳаржўшни Абдулмаликга берди. Қорачуқий Садр хо; Аҳмад хожа бирлан Заранавкига келди. Хожа Аҳмад Яссавининг бирла қирк йўли (чилла ўтириб) хилват қилдилар. Аҳмад хожадин суфи Муҳаммад Донишмандга ижозат бўлди, борғи. Утрорда суфра тутқил, деди. Етмиш (йил) суфра тутти, юз ўн йил умри бўлди, анинг икки кизи бор эрди. Бирини Абдулмалик берди. Бирини Қорачуқий Садр хожа ўглига бердилар. Абдулмаликнинг ўглини қариндош деб Печук (бешук) бошинда Аҳмад хожанинг суфрасига солди. Аҳмад хожанинг ўғулланди ўгли Имом бирлан эмукдош бўлди.

Кутлук суфи бирлан Абдол Али икки акрабо қариндош ўғлонлар бўлдилар. Абдол Алига шайхуш-шуюх Суфи хожа ижозати бўлди. Ҳаж бормок бўлди. Бу тарихнома шайхуш-шуюх Сайфиддин хожага Суфи хожадин мерос қолди.

Бу тарихнома оталардин бизга мерос қолди. Мавлоно Сайфиддин хожа улғорди эрса, халойик котинда қариндоши ўгли шайхуш-шуюх Абдол Алини ундади, васият қилди, улуг-кичик котинда бу тарихномани берди, хиркани берди. Таки бир мусаллони (жойнамоз), бир асони Абдол Алига таслим қилди. Бу тарихнома Абдол Али илкида қолди. **Олти юз саккизда эрди** (милодий 1221 йил), кутлуг ражаб ойининг ўн тўртинчи кунда эрди, араб тили собит эрди. Форсий тилига ўгурдилар. Ун бир отадин бир ота Исҳоқ боб турур раҳматуллоҳи алайҳи.

Охир сўнги ота Абдол Али турур. Бу тарихномани туркий тилига ўгурдилар. Бу тарихнома икки эрди, зероки, мавлоно Сайфи хожа ижозати бирлан ўгли Зоҳидга фармонланди. Битиб Зоҳид Абдол Алига таслим қилди. Абдол Алидин Темурчи хожага мерос қолди. Андин Яҳё хожа илкида икки нусха санаи *сабъа ва салосин ситта миъа*, Ул нусхадин бул нусха табдили санаи *саласа ва хомсина ситта миъа*.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг бир муриди бор эрди Зарнук. Оти Маҳмудхожа эрди. Ўгли Муҳаммад Донишманд хожани отаси ўн тўрт ёшинда эгилтуруб хожанинг хилватхонасига солди. Муҳаммад Донишманд икки йил ходимлик қилди, қирк йил хилватга кирди. Юз ўн йил умри бўлди. Уч минг муриди бор эрди. Хос муриди, авлиё муриди, авлиё Малик ота эрди. Ҳизр ва Илёс бирлан суҳбати хожа Аҳмад Яссавийнинг қирк хилватхо-

наси бор эрди, бир йилда қирк йули хилватга кирар эрди. Қирк кун туруб, қирк биринчи кун чикар эрди:

Хожа Аҳмад Яссавий айдиларким,

Кимса ўз тақсирин билмайин,

Ўз яқосин тутмайин,

Ўз тубросин қокмайин, тақи яна бирни тақсирин айтса, бул шарият йулинда хилоф турур. Хожа Аҳмад демаклик, андоғ бўлса равомудурким Ҳизр ва Илёс бирлан ҳам суҳбат булса хонақоҳ тутмоқ, муомала олмоқ, қароматга етмаклик ва бу шароитлар вужудга етмайин ҳарна еса харом ва гушти ҳук турур. Чунончи, Ҳазрат Рисолатпаноҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва амирил муъминин Али Муртазо розияллоҳу анҳу безор бўлғайлар, қиёмат кунда икки юзи қаро бўлур.

Ҳазрат ота Яссавий ҳар кунда юз ракаат яқосин тутуб, Ҳақ таоло таборакга сиғинур эрди. Бобо Мочин тўрт юз эр бирлан Хуросон вилоятидин келди. Ҳар кунда йигирма йигоч учар эрди. Ота Яссавий манъ қилдилар. Бобо Мочин айди: «Эл оздурғучи **Куктунлиқ** қошқа отлиқ сенмусан?»

Ота Яссавий айдилар: «Тутунлар муни, ўзини билмайин сўйлайдур». Бобо Мочинни тутуб хонақоҳ устунига боғладилар то Яссавий айдилар: «Яланғоч қилиб дарра урунлар». Бобо Мочинни яланғоч қилиб қирк дарра урдилар, «Оллоҳ» демади. Бир замон дам бердилар тақи, қирк дарра урдилар, «Оллоҳ» деб чириллади.

Ота Яссавий: “Қуюнлар, урманлар” (деди).

Ҳасанхон Отадин савол қилди: “Ул қирк дарра урганда «Оллоҳ» демай тақи қирк дарра урганида «Оллоҳ» деб чириллади. Ҳикмат не турур», – деди Ота Яссавий айдиким: «Дев анинг орқасида ўй қилиб эрди, ул тақи қирк дев анинг орқасига текди, Оллоҳ демай сўнғи қирк дарра Бобо Мочин орқасига тегди, дев қошти, Оллоҳ деб чорлади». Ота Яссавий айди: «Билдингму ўзунгни, қойдин сен!» (Бобо Мочин) юзин ерга суртуб, ота Яссавийга мурид бўлди. Уч йули хилватга кирди.

Ясси элиндин тўрт толибул илм Урганч вилоятига борди. Икки минг муфтий бор эрди. Фатвога жавоб айтур эрдилар, муфтийларнинг улуғи имом Марғузий эрди. Имом Марғузий муфтийларни жам қилиб ул толиби илмлардин савол қилди:

– Қаю вилоятидин келурсиз?

Толиби илмлар жавоб бердиким: “Ясси вилоятидин келдук”.

Имом Марғузий: “Ясси вилоятида хожа Аҳмад Яссавий отлиғ шайх борму? Ул шариятға хилоф нимарсалар чиқарибму турур?” Толиби илмлар айдиларким:

– Биз билмасмиз ва лекин ўн икки минг муриди бор.

Вале бу сўзни эшитти эрса, Имом Марғузий «Ман анга борайин» деди, масъалаким мушқуле жам қилди. Қирк муфтий бирлан Ясси вилоятиға борди. Хожа Аҳмад Яссавий айдиким, «Қирк муфтий Урганч вилоятидин уч минг масала савол қилғали келатурурлар. Масалани андин тортиб тортиб олинглар. Сулаймон хожа ботин оламида минг масъалани Марғузийдан тортиб олди. Аммо Марғузий айдиким, минг масъала мендин ғойиб бўлди.

Сўфи Муҳаммад Донишмандға айдилар: “Сен минг масъалани олғил». Сўфи Муҳаммад Донишманд ботин оламинда минг масъалани тортиб олди эрса, имом Марғузий айди: «таки минг масъала мендин ғойиб бўлди”.

Бобо Мочинға боз ота Яссавий айдилар: «Сен минг масъалани олғил!» Бобо Мочин минг масъалани олди, таки имом Марғузий айди: «Ботин оламида таки минг масъала қолиб эрди, кўнглимдан ғойиб бўлди».

Неча кун йўл юруб келдилар. Ҳазрат Султон хожа Аҳмад Яссавий аларға ўтру чикиб кўруништилар.

Имом Марғузий айди:

– Аҳмад қаю турур?

Хожа Аҳмад Яссавий айдилар:

– Биз турурмиз.

Имом Марғузий айди:

– Элни оздурғучи сенмусан?

Хожа Аҳмад Яссавий айдилар:

– Бу кун мусофирлиқ ҳаққини сақлағубиз.

Уч кеча-кундуз хизмат қилдилар, андин қад рост қилдилар. Айдилар:

– Эй имом Марғузий, жойингиздин турунг, минбар узра чикиб ваъзи шариф айтинг, халқ someъ бўлсунлар.

Ул жамоат ичинда икки минг муфтий бор эрди. Ўн икки минг

халойик жам бўлуб эрди. Имом Марғузий минбар узра чиктилар.

Ота Яссавий Хожа Сулаймонга айтиб қўйдиларким, имом Марғузий «Аллоҳумма солли аъла Муҳаммад» деса бугзини (илми ботин билан) туткил, дами чикмасун.

Имом Марғузий ваъз ичида «Аллоҳумма солли аъла Муҳаммад» деди эрса, Сулаймон хожа бугзун ботинда забт қилдилар, дами чикмади.

Хожа Аҳмад Яссавий айдилар: «Уч минг масъалани жам қилиб келдингиз, нечун («Аллоҳумма солли аъла Муҳаммад» деб) айтмассиз» дедилар. Имом Марғузий айдилар:

– Маъзур тутунг, таксир, беодоблиг бўлди. Уч минг масъалани жам мушклуб йўқ қилиб соғдакка солиб эрдим, туби тушмас деди.

Имом Марғузийга хожа Аҳмад Яссавий «Билдингму, нечук-дурсан, дедилар. Имом Марғузий узини минбардин солди ва мурид бўлди, муродлари ҳосил бўлди.

Аҳмад Яссавийнинг киз ўглининг оти Суфи хожа эрди. Хизр ва Илёс хожа Аҳмадга айдиларким, «Сўфи хожани Арслон Хожага (муридликка) бергил. Ҳазрат хожа Аҳмад Яссавий Хизр ва Илёс ишорати бирла Суфи хожани Арслон хожага бердилар. Арслон хожага васият қилдиларким, Тангри таоло ризоси учун пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хушнудлиги учун тарбият юзидин иноят ва шафқатингни дариг қилмагил, дедилар. Арслон хожа қабул қилди. Ул вақт Суфи хожа тўрт ёшинда эрди, Аҳмад хожани ўз отимни атадим деб Аҳмад хожа Ота дедилар.

Вале тарихга хижратдин тўрт юз тўксон етти йил ўтиб эрди. Робитул аввал ойининг йигирма кунинда эди. Бу тарихнома бирлан Арслон хожа Аҳмад хожани олиб Қабалиг келдилар. Арслон хожанинг етмиш беш йил умри бўлди.

Аҳмад хожа (яъни Сўфи хожа) қирк йил Хизр ва Илёс бирла суҳбат бўлди. Тонг намозин суннатин Қабалигда ўқуб, фаризасини Каъбада ўқур эрдилар. Аҳмад хожанинг Каъбага борури ошкор бўлди эрди эрса, уқбо сафари қилдилар.

Аҳмад хожанинг ўгли Уъло хожа. Анинг икки ўгли бор эрди. Бирининг оти Олим хожа, тақи бирининг оти Донишманд хожа. Бу тарихнома Арслон хожанин Уъло хожага мерос бўлди. Андин Донишманд хожага мерос бўлди. Бу тарихномага олти юз

етмиш саккизда эрди, муҳаррам ойининг йигирма учунчи кунинда эрди, ондин Маҳмуд хожага мерос қолди.

Бу тарихнома етти юз саккиз эрди, Маҳмуд хожага мерос бўлди, андин шайх Аълоуддин Нурийга мерос қолди. Бу тарихномага саккиз юз йил эрди, қутлуғ Рамазон ойининг ўн олтисинда эрди. Анинг ўгли Исҳоқ шайхга мерос қолди, андин ўгли Исмоил шайхга мерос қолди. Анинг ўгли Мавлоно шайх, анинг тўрт ўгли бор эрди. Бирининг оти мавлоно Абдуллоҳ шайх, таки бирининг оти Мавлоно Маҳмуд шайх, таки бирининг оти Қўчқор шайх анинг ўгли Мирзо Олим шайх, анинг ўгли Мирзо Муҳйиддин шайх. Ва анинг ўгли Мирзо Камолиддин шайх ва анинг ўгли Мирсайид Фозил шайх ва анинг икки ўгли бор эрди. Бирининг оти Обид шайх ва Солих хожа ва анинг ўгли Комил хожа ва анинг ўгли Сайфиддин хожа, анинг ўгли Насриддин шайх ва анинг ўгли Фозилиддин, анинг икки ўгли бор эрди. Бирининг оти Сурҳиддин ва ул Маккатуллоҳни ихтиёр қилди ва анда туруб қолди. Оқибат Мадинаи Мунавварада сокин бўлди ва яна бирининг Алоуддин Нурий дерлар. Хубруй ва божамол аз ҳадди зиёда хуш ва соҳиби узлатгир ва соҳибихтиёр қилур эрдилар. Олим ва Художуй ва олимақом зокир ва олиҳиммат бўлди. Риндхўй эрди. Анинг ўгли Абдулазиз хожа ва анинг ўгли Абдулкарим хожа сўфи хулафолардин бўлдилар, то муроди борларга худоғуйлуқни таълим бермоқ учун.

### ХҲҲА ҚАҲҲОР ВАЛИ ҚАДАМЖОСИ

С.Қорабоевнинг ёзишича, «Зомин» атамаси «Авесто»да тилга олинган «Зомед» – фаровонлик фаришгаси номи билан боғланадиган бўлса, мазкур шаҳарнинг тарихи зардуштий ота-боларимиз замонаси билан, миллоддан аввалги VII-V асрлар билан ўлчанади.

Эрамиздан олдинги 330 йили машхур юнон шоҳи Александр Македонскийнинг (Искандар Зулқарнайн) антик тарихий манбаларда «Киропол» номи билан тилга олинган Зоминга бостириб келгани тилга олинади. Солномачилар Арриан ва Курцийлар жаҳонгир шоҳнинг мазкур шаҳарда бошидан оғир яралангани ҳақида хабар берадилар.

Ўрта асрларда «гуллаб-яшнаб турган Зомин» барча араб тарихчилари томонидан қайд этиб ўтилади. Бу шаҳар Буюк Ипак йўли устидаги энг йирик, муҳим аҳамият касб этган йирик шаҳарлардан бири сифатида тилга олинади.

Шарқ мутафаккири Абдурахмон Жомий (1414-1492) Самарқанддан Шошга кетаётиб Зоминда тўхтаб ўтгани ҳақида хабарлар бор. Шоҳ ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг ўлмас асари «Бобурнома»да Зомин ҳақида бир неча марта тўхталиб ўтган.

Зомин шаҳарчасининг ўртасида ажойиб ёдгорлик мажмуаси жойлашган. Бу мажмуада «Хожа Қаҳҳор Вали» макбараси «Холид ибн Волид» масжиди мавжуд. Масжид қурилган вақтда экилган Боботут дарахтининг ёши икки минг йилдан кам эмас.

Бу ердаги хонақоҳни таъмирлаш асносида сағана атрофи Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Алексей Грицина томонидан ўрганиб чиқилди ва бу ердан топилган сопол синиклари ва тангани илмий ўрганиш натижаларига қараб ёдгорлик миллоднинг X асрига, Сомонийлар даврига тааллуқли, деб топилди.

## АРЧАМОЗОР ОТА

Зомин туманидаги Еттикечув кишлоғидан юкорирокда, арчазор бағрида, Еттикечувсой ёқасида жойлашган мазкур қадамжо шифобахш булоқлари билан эътибор топган. Бу ердаги қабристонга минг йиллар бўлганлиги айтилади. «Арчамозор ота»да XVIII аср охири ва XIX аср бошларида «мулла Назар Вали» деган киши яшаганлиги ва шу ерга қўйилганлиги қайд этилади.

Шоир Ҳамрокул Ризо «Зоминдаги Еттикечув манзараси» шеърида ушбу ҳудуднинг гузал табиатини чексиз илҳом кучи билан тасвирлаб берган эди. Ушбу манзилга келган ҳар бир сайёҳнинг кўнглидан шоир ҳислари ўтиши муқаррардир.

*Зомин сафарига чиққанмисан сен?  
Тиниқ булоқларга қўйганмисан лаб?  
Тизмали тоғларга йўл олсам гар мен,  
Тенгсиз туйғулардан жуш уради қалб.*

Каранг, само билан сўйлашар тоғлар,  
Шулардир ўтмишининг акси-садоси.  
Минг йиллик арчадан сўроқлагайман:  
«Ким бўлган бу тоғнинг катта бобоси?»

Улуғбек қалбидай тоза ва покдир,  
Чўққига кўрк берган бу тоғлар қори.  
Анов арча эмас буй чўзган мағрур,  
Сулус Барчинойнинг севикли ёри.

Оҳ, улар ўтгандир кўҳна дунёдан,  
Лекин яшамоқда арчалар ҳамон.  
Мен тўйиб сипқорай тоғда ҳаводан  
Ва унинг шаънига сўйлай бир достон.

Дараларнинг ўлмас қўшигин куйлаб,  
Еттикечув сойи оқади бунда,  
Тоққа чиққанда ой донодай ўйлаб,  
Ҳавас билан сойга боқади бунда.

Эй сокин тунларнинг маликаси – ой,  
Бу тоғлар бошини тарк этма бир он.  
Мен ҳам ўлка кездим, тинмай ҳойнаҳой,  
Аммо бундай жойни кўрмадим ҳамон.

Мен ўзимни бунда танҳо сезмайман,  
Енимда арчалар дўстимдек сўзлар.  
«Каклик уйқусини асло бузмайман!»  
Сенга огоҳ берар тошда ёзувлар.

Сен Зомин томонга талпингин, журам,  
Осмон нурга тўла, тоғ ўт-ўланга.  
Ез билан ҳамоҳанг яшашни кўклам  
Сен сўзлаб берасан зийрак болангга.

Бир ёнда потукли какликлар сайрар,  
Бир ёнда ўтлайди қўй билан кўзи.  
Бургутлар қояда тумшугин қайрар  
Ва кенгликка тийрак боқади кўзи.



Шаршара бу тоғнинг қайноқ қўшиғи,  
Сен унга боқмасдан кетолмассан ҳеч.  
Агар табиатнинг бўлсанг ошиғи,  
Гузаллик яшайди қалбда эрта-кеч.

Мен ҳам гузалликка хуморман, хумор,  
Хуморли юракда лолалар кулар.  
Бундаги булоққа чўмилсанг бир бор,  
Юракка ёпишган гамлар ювилар.

Ўзни санашади тоғликлар бунда  
Қаноти қайрилмас бургутлар мисол.  
Нурлари рақс этар арча учида,  
Тунда тоғ бошига чиққанда ҳилол.

Қуён юрагига тушиди таҳлика,  
Қоядан қучди бир увоқланган тош.  
Булутлар бу ерга солгач қуланка,  
Қуринмай қолади уфқда қуёш.

Сен кўклам маҳали бўлсанг бир бора,  
Осмондан ёмғирмас, қуйилар зарлар.  
Ёмғирнинг шиддати ошса тобора,  
Қаптару зогларга тўлади горлар.

Нафис тебранади елда майсалар,  
Бир олам завқ билан келганда баҳор.  
Сой суви тошқиндир дейди кексалар,  
Тоғларнинг бошидан аримаса қор.

Жаннат деб аталган Ўзбекистоннинг  
Барқутдай баҳори дейман бу жойни.  
Жуманбулбул айтган ўтли дostonнинг  
Покиза анҳори дейман бу жойни.

Бу гузал даранинг тоза ҳавоси  
Бир умр жой олсин қоним ичида.  
Илҳомим мезони илиниб турсин  
Минг йиллик арчанинг ўткир учида.

*Кеч тушгач, қайтдик биз Гулистон томон,  
Бизларни кузатиб тоғ қолди мағрур.  
Бу шеърни ёзишга илҳом бахш этган,  
Онамиз табиат, мангу яшнаб тур!*

## ПАРПИ ОЙИМ ЗИЁРАТГОҲИ

Увол – тоғлар ховучида, куббасидан қор аримас Моргузарнинг мовий чопони этагидан жой олган, яшил боғлари жаннатга қиёсли кишлоқ. Уволликлар ўз кишлоқларини «кўҳна ва тарихий ҳикояларга бой, табиат чирой ато этган маскан» дея таърифлашади. Табиатнинг наққош қўли билан яратилган ёдгорликлари, қадим тарих билан боғлиқ тошқўрғонлар, афсоналарга тўла Уволсой даралари (Ҳофиз Таниш Мир Муҳаммад Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида «Вол дараси» ҳақида битиклар бор), Шариллоқнинг яшил шаршаралари, Ҳазрат Али минган Дулдул оти туёғининг излари, занжирининг, қиличининг излари... Бу ерларда бир бор бўлган киши тақрор бўлсам, дейди.

Уволсой дарасида «Парпи ойим» номи билан юритилгучи зиёратгоҳ бор. Зиёратгоҳ ҳудудида «дардлардан халос этувчи Тешиктош» ва чоғроқ сағана бор. Бефарзанд аёллар Тешиктошдан уч қарра ўтиб тошидан белига боғлаб юрсалар, армони ушалармиш...

Шу жойда тепада, даранинг баландроқ қисмида ғор бўлиб бу жойдан қўлаб китоблар топилган... Қоялар устида бекларнинг қароргоҳи, зиндони бўлган эмиш...

Даранинг тубида ўйноқлаб оқаётган сувдан кечиб юқориланса, «Тойганчик» деган жойга дуч келинади. Новсимон, тойила берганидан сип-силлик бўлиб кетган, узунлиги ўн-ўн икки кадамлар келадиган бу авлиёна сирпанчиқдан тойганнинг белида дарди, оёғида боди қолмасмиш...

Унинг шундайгина устида тош қоя юзасига ўйиб ёзилган, ўчинкираб кетган араб имлосидаги тош ёзувлар бор. Икки-икки ярим қулоч чамаси юзага ҳуснихат билан, шеърый жумлалар битилган, бу ёзувларнинг ким томонидан қачон туширилгани номаълум. Шаҳристон тоғларида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тошга ўйиб туширилган ғазали борлиги маълум. Балки мазкур ёзувлар ҳам ўша замонлар садосидир? Балки, бу ҳудудларда маълум муддат бўлган ва «Бобурнома»да айнан шу ҳудудга

тааллуқли «Пошшолик бороз», «Катта бороз», «Кичик бороз» («Бороз» – «шудгорлаб, экин экса бўладиган лалми жой») деган жой номларини тилга олиб ўтган Бобур яна бир газални тошга ёздириб кетган бўлса, не ажаб!?

Шу ердан кенг ҳовучга киёсли водий очилади-да баҳаво, чуч-момолар кулф урган табиат гўшаси кўзга ташланади. «Чилла-мозор» деганлари шу жой... Мана, ўша айби борнинг кучоғига сиғмас «Туйнуктош»! Буниси она чиллангур бўлиб қолган бола-сини атрофида етти бор айлантириб, ҳар айланганида қўлидан қўғирмоч тўкиладиган бағайбат қатронги...

Йидоқ тош заминдан тик кўтарилган даралар оралаб ўй-ноқлаганча сув келади. Яхлит тошзаминда қандайдир баҳайбат уч бармоқли хайвон изларини кўргандай бўласиз... Жудаям аниқ, сув тўлиб турган бу излар миллион йиллар илгари шу жойларда яшган улкан хайвонларнинг изидир?.. Сал ўтмай чап томонда қизил аскарлар билан ватанпарвар юртдошларимиз милтиқ отишган Барипояга кўзимиз тушади... Мана шу Барипояда қизиллар (шўро армияси аскарлари) билан маҳаллий аҳоли ўртасида даҳшатли жанг бўлиб ўтгани ҳақида кексалар гапириб берадилар...

«Кейин Ҳомидбекнинг одамлари Умар деганнинг чорбоғида милтиқларини садага осиб қўйиб, алламаҳалгача Ватан озодлиги, эрки ҳақида суҳбат қурибдилар. Эртасига ҳамкишлоқлар – Ражабали Пирматов ва Турди Шодмонқуловлар тоққа, жанг бўлган жойга боришибди. Икки қизил аскар ўзбек экан, жасадини Тортангига, қолган тўрт ўрис жангчисининг жасадини Барипояга дафн этибдилар... (Бу кўҳна Зомин. Тошкент: Чўлпон. 1996. 50-55 бетлар.)

Барчамизга маълумки, инсоният тарихида юз берган муҳим аҳамиятга эга тарихий воқеа-ҳодисалар, инсон ҳаётини ўзгартирадиган кашфиётлар, шу билан бир қаторда кундалиқ ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида вужудга келган турли кўринишдаги эътиқодлар мавжуд. Бу эътиқод ва шундан келиб чиқиб бажариладиган маросимларнинг ҳар бири маълум бир тарихий тараққиёт давомида инсон тафаккури маҳсули сифатида пайдо бўлган. Ҳар бир маросим ва урф-одатларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганар эканмиз, биз уларнинг туб моҳиятини, юзага келиш сабабини англаймиз ва жуда кўп саволларга жавоб топамиз.

Юртимизнинг кўплаб худудларида аёллар номи билан боғлиқ мукаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг борлиги аجدодларимиз энг қадимги даврларда ҳам аёлларни эъзозлаганликларини исботлайди. Хусусан, Абу Райҳон Бериунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида узоқ ўтмишда ҳам аёллар эъзозланганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар қайд этилган. Жумладан, қадимда баҳор арафасидаги ой – «Исфандармуз» деб номланиб, бу ой аёллар оғи ҳисобланган. Шу оғининг бешинчи куни аёлларнинг энг катта байрами сифатида нишонланган. Бериуний «ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», деб ёзади. Исфандармуз сўзининг маъноси «ақл» ва «мулоҳаза» демакдир. Аллома «Исфандармуз» - гузал соҳиба, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир<sup>10</sup> деб таъкидлайди ёки дунёдаги энг қадимги динлардан бўлган Зардуштийлик эътиқодидаги 6 та малойикаларнинг айнан учтаси аёл сиймосига мансуб<sup>11</sup> лигининг ўзи, ёки кўплаб зардуштийликка хос бўлган қадимги ибодатхоналардаги мавжуд она маъбудалар ҳайкалларининг топиллиши ҳам қадимдан юртимизда аёллар улуғланганлигидан далолат беради.

Тарихий манбаларда ислом дини кириб келгунга қадар Марказий Осиёда кўплаб қадимий динлар ва диний қарашлар бўлганлиги қайд этилган. Бу минтақа динлари қаторида тотемизм, анимизм каби ибтидоий дин кўринишлари, кейинги даврда зардуштийлик, буддизм, маздакизм каби эътиқодлар бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланганлиги<sup>12</sup>, бундан ташқари кўчманчи чорвадорларнинг асосий қисми шомонийлик динига эътиқод қилганини<sup>13</sup> алоҳида таъкидлаш керак.

Қадимги даврда дин табиатга сиғиниш йўли билан ривожланган ва табиатдаги баъзи бир кизлар, аёллар сифатида тушинилиб, айрим руҳлар аёллар номи билан аталган.

Қуйида биз фикр юритмокчи бўлганимиз Зомин туманининг

<sup>10</sup> Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.-Т.: 2002 й.

<sup>11</sup> Уразова Р.Т. Зардуштийликдаги маъбудаларнинг тарихий-ижтимоий таҳлили.-Т.: 2013 й.

<sup>12</sup> Уша асар

<sup>13</sup> Тошбоев Ф. Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти.-Т.: 2014 й.

Увол кишлоғи худудида жойлашган нафақат, вилоят балки республикамизнинг кўплаб худудларидан фарзанд кўриш мақсадида зиёратга келадиган Парпи оғим зиёратгоҳидир<sup>14</sup>.

Зиёратгоҳ туғрисида маҳаллий аҳоли ўртасида жуда кўплаб ривоятлар сақланиб қолган бўлиб, бу ривоятлар илмийлик нуқтаи назаридан таҳлилга муҳтож. Мисол учун Парпи оғим, Жиззах тумани Равот ҚФЙ худудидаги Парпи ота кишлоғидаги Парпи ота зиёратгоҳига номи берилган авлиёнинг синглиси деган қараш. Бу икки зиёратгоҳнинг умумий жиҳатлари шундаки, иккаласининг номланишидаги бир хиллик, иккаласида ҳам тешик тошнинг мавжудлиги ва ёш болаларда учрайдиган “парпи” (тиббийёт тилида қахекция) касаллигини даволаш учун зиёратчиларни келишини айтиб ўтиш мумкин.

“Парфи” – “оқ” деган маънони англатишини инобатга олсак ислом дини кириб келгандан кейин маҳаллий аҳоли бу муқаддас саналган жойларга “Парпи ота” – “оқ ота”, “оқ кийимли ота”, “оқ ниятли ота” ёки оқ рангли тешиктошга нисбат берилиб “оқ тош ота” каби номлар билан атаб келинган<sup>15</sup>, Парпи оғим эса “Парпи она”- “Оқ она”, “Пок ва бегуноҳ она” бўлиши мумкин.

Ахборотчиларни берган маълумотларига таянадиган бўлсак, ушбу зиёратгоҳга асосан турмуш қурганига қарамай кўп йиллардан буён ҳомиладор бўлмаган, икки-уч нафар фарзандлари бир ёшга кирмасдан вафот этган аёллар зиёратга келишади ва дуолари ижобат бўлиб фарзандли бўлгандан сўнг бу ердан олиб кетган тошларини қайтариб олиб келиб, маросим ўтказиб кетишади<sup>16</sup>.

Худди шундай анъаналардан бири турк хоқонлиги даврида ҳам бўлиб, оналик сифатларга эга аёл илоҳаларнинг бири Умай ҳисобланган, “Тунюқук” эсдалигида Умай она руҳларининг қўллаб-қувватлаши билан душманларини “чошиб”, “қувиб”, оқ қавмининг, халқини, бегини ўзига бўйсундиргани баён қилинади.

Маҳмуд Кошғарий “Умай” сўзининг мазмунига тўхтаб, уни “йўлдош” деган лексик маънода келтиради. Умайни ёш, тукқан

<sup>14</sup> Дала таджикотлари. Зомин тумани Увол кишлоғи, Парпи оғим зиёратгоҳи. 2016 йил, апрел.

<sup>15</sup> Ога Бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари.-Т.: 2008 й.

<sup>16</sup> Умирзоқов Абдуҷаббор 62 ёш. Зомин тумани Увол кишлоғи, Парпи оғим зиёратгоҳи шайхи. 2016 йил, апрел.

аёллар корнидан чикувчи нарса деб, болани қориндаги йўлдоши эканлигини баён қилади. Қадимги турк халқларида “Умайга сигинса ўғил бўлур” деган мақолнинг кенг тарқалгани, кимдаким (аёл кишидан) Умай руҳига сидкидилдан хизмат қилса, у ўғил туғади деган ирим ўрин олганлигини ёзади. Халқда “қариндош-уруғ” маъносини берувчи “умагай- жумагай” ибораси ҳам бежиз айтилмайди.

Ҳақиқатан ҳам аёллар ўғилли бўлиш учун Умай руҳига сигиниб, ишонч билан умид этган. Айниқса, она ва ёш болани ёмон руҳлардан, ёвуз кучлардан, жин-ажиналардан сақловчи, яхшилик келтирувчи деб тушунишган<sup>17</sup>. Шундай қилиб турк халқларининг бола тарбиялаш тажрибаларига диний тушунчалар аралашиб кетган. Фарзанднинг улғайиб, балоғат ёшигача соғ-саломат ўсишига жин-ажиналар “назарини солиб” зиёнламаслиги учун, ухлаётган болани ёлғиз қолдириб кетмай, кимдир кузатиб ўтирадиган бўлган. Бунда турк халқларидаги чақалокларнинг одам уйқудан уйғонган чоғда кўриб, чўчигандаги психологик салбийликларни, олдини олиш деб ҳам қараш лозим. Баъзи вақтларда оналар тарафидан ухлаётган боланинг ёнида ўтиришга имконият бўлмай қолган вақтлар болаларнинг ёмон руҳлардан чўчиб кўркмаслиги учун аёллар худоси Умайга ишониб топширган бўлган. Турк халқлари Умайни ҳали эси қирмаган боланинг жонига йўлдош, уни асраб сақловчи рух тақлидида тушунган. Туғилгандан уч ёшга чиққангача ўзи юра оладиган ва сўзлай бошлаган давргача Умай чақалок билан бирга бўлади деб ўйлаган. Умай руҳи боланинг киндигида яшайди деган фикр билан чақалокнинг киндиги тушгандан кейин тери ёки чит халтага солиб, бешигининг юқорисига илиб қуйган. Шу орқали Умайнинг бешик ёшида ҳамма вақт чақалок билан бўлишига ишонч пайдо этган. Агар бола ухлаётган пайтда кулса ёки мағрурланиб ухласа, буни Умай болага хабарлашиб турибди деб ўйлашган. Агар бола ухлаётиб йиғласа, Умай болани оз вақтга ташлаб кетган деб тушунишган. Бола касалланиб қолган вақтда, Умай унинг ёнидан вақтинча кетган маҳаллар деб

<sup>17</sup> Жумабеков А., Алиқулов Р. Қадимги турк халқларида умай она тушунчаси.- Самарқанд, 1999 й.

хисоблашган ва Умайнинг тез қайтиб келишини истаб, шаманлик дастурларга амал қилган.

Бундан кўринадики, қадимга турк халқларида Умай Она бир тарафдан ботир-қахрамонларнинг урушда ўз онасига сигингандай сигиниш манбаи деб тушунилса, иккинчи томондан эса кенг кўламда ёш болаларнинг тарбияланиб чиқишидаги ғамхўри, боланинг она қорнидаги ва бола туғилгандан кейинги даврдаги уни турли ёмон руҳлардан сақлаб юривчи йўлдоши деб хисобланган.

Хулоса қилиб айтганда, биз фикр юритаётган “Парпи ойим” аслида қадимги туркий халқларнинг шомонийлик эътиқодидаги оналикни бахш этувчи, чақалоқларни ёвуз кучлардан асраб-авайловчи маъбуда “Умай она”нинг ислом дини кенг тарқалгандан кейинги даврдаги трансформацияга учраган, аммо унга эътиқод қилиш давом этган “Парпи она”- “Ок она”, “Пок ва бегунох она” кўринишидир.

Масалага илмий ёндашадиган бўлсак, тадқиқотчи Ф.Тошбоев ўзининг “Уструшона чорвадорларининг антик даврдаги маданияти” номли монографисида қадимдан ушбу ҳудудларда кўчманчи туркий чорвадорлар яшаганлигини археологик тадқиқотлар асосида исботлаганлиги, бундан ташқари ушбу кишлоқ ҳудудидаги учқир тепаликда чўпонларнинг пири бўлган Ҳазрати Исҳоқ<sup>18</sup> (маҳаллий тилда вақт ўтиши билан Оқсоқ бўлиб кетган) қадамжосининг ҳам ҳозирги кунгача мавжудлиги, унга асосан чорва молларидаги оксоқланиш (овсил) касаллигини даволаш учун бутун вилоят ҳудудидан чорва моллари олиб келиниши ҳам ҳудудда қадимдан чорвачиликка ихтисослашган туркий аҳоли истикомат қилганлиги, чорвадорларнинг ўзига хос удум ва маросимлари исломни қабул қилганидан кейин ҳам сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Ушбу маросимлар авлоддан авлодга ўтиб келган ва бу жараёнлар ислом билан боғлиқ бўлган ҳолда ҳам амал оширилиб ислом анъаналари уларнинг урф одат ва маросимларига янги ўзига хос хусусиятларни олиб кирган. Буни бугунги кунда Парпи ойим зиёратгоҳига келган зиёратчиларнинг Аллоҳ йўлига қурбонлик келтириш, ўтган пайғамбарлар ва азиз-у авлиёларга атаб Куръон

<sup>18</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.-Т.: 1999 й.

тиловат қилишликлари юқорида билдирган фикрларимизни исботлайди.

## ҚОБИЛМОЗОР (ҚУШИНТЕПА)

Улуғ Соҳибкирон Амир Темур ўзининг қатор юришлари давомида Зомин ўлкаси орқали бир неча бор ўтади. Қатор ғалабаларини Зомин тоғларида сиёсий ёвлари билан жангу-жадал қилиб қўлга киритади. Зомин тоғлари қадимдан катта тарихий стратегик аҳамияти ва қолаверса гўзал табиати, маъданларга бойлиги, ов-шикор учун қулай, баҳаво ўлка бўлганлиги учун ҳам жуда кўп подшоҳлар ва хоқонлар эътиборида бўлган.

Амир Темур замонасида «Уструшона» ва «Зомин» дея аталган бу ўлка олдинги ҳукмдорларнинг ҳам назарида турган эди. Жумладан, 1347-1358 йиллар Турон заминида ҳукмдорлик қилган чингизий сулоладан бўлмиш Амир Қозоғоннинг ёзни гох Хутталонда (Сурхон воҳаси) ва гох Мункда (Зомин тоғлари) ўтказиши ҳақида ёзма манбалар мавжуд.

Мунк – бежиз эътиборга тушмаган эди. Бу ерда ҳам табиатнинг гўзаллиги, ҳам темир маъдани қазиб олинганлиги археологлар -қадимшунослар томонидан исботланди. Ҳозирги пайтда ўша қадимги кўхна қалъанинг қолдиқлари, археологик топилмалар шоҳлар салтанатининг белгилари бўлиб хизмат қилганлигини тасдиқлайди.

Илёсхўжа, Тўхтамишхон каби ҳукмдорларга қарши жанглари мобайнида Темур бобомиз Зомин ўлкаси тупроғига бир неча бор кадам қўяди. Жумладан, Ҳисор вилояти тоғларида енгиланидан сўнг қочган Илёсхўжа Бахмал оша Қизилмозор, Мунк, Зомин ва Сабот орқали ўтиб «Хужанд суви» – Сирдарё орқасига қочишга мажбур бўлади. Машхур «Лой жанги» Чиноз атрофларида бўлган, шу жангга боришда ҳам, қайтишда ҳам Темурнинг ҳолдан тойган лашкарлари Зоминнинг баҳаво кир-адирларида дам олган. Ҳозирги пайтда Иттифок кишлоғининг этагидаги каттагина ҳайбатли тепалик «Қушинтепа» деб аталади ва кишилар ана шу тепаликда Амир Темур лашкарлари олис жанглар олдидан ва жангдан қайтаётиб макон тутганлигини хикоя қиладилар...

«Қушинтепа»да бўлган археолог олимлар бу ердан айнан



Амир Темур замонасига оид сопол парчаларини, далилий ашёларни топишди. Франциянинг пойтахти Парижда чоп этиладиган «Temuridis» – «Темурийлар» журналида айнан шу археологик тадқиқотлар ҳақида, мазкур тепаликни асраб-авайлаш лозимлиги ҳақида гап боради.

## КУМ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Зомин туманида Лайлакуя қишлоғида жойлашган мазкур зиёратгоҳ ҳақидаги изланишларимиз куйидагилардан иборат.

«...Улуғ камолотга етган авлиёуллоҳлардан бирлари мавлоно Лутфуллоҳ Чустий раҳматуллоҳи алайҳ эрдилар. Бу зоти бобарокот Лайлаккондеган қишлоқдан бўлиб, илм талабида Самарқандга келганлар. Бу зоти бобарокот вилоятларини Шохруҳия дер эрдилар. (Мирзо Улуғбек замонидаги воқеалар тилга олинаётир, ўша пайтда Жиззах ва Зомин ҳудудлари Шохруҳия вилоятига киритилган. Бу олиҳиммат инсон Самарқанд шаҳрида илм олишга машғул бўлдилар. Ниҳоят даражада олим бўлдилар, ҳамдарслари мавлоно Исмоил эрдилар. Бу икки зоти бобарокотлар, илми зоҳирий ва илми ботинийга мумтоз бўлган эрдилар. Ҳазрати Шайхи Бузруквор буларнинг икковларига хонақонинг шарқий томонидаги хужрадан жой берганлар. Бу зоти бобарокотлар уч йил масжидда эътикофда ўлтирдилар. Ҳазрати Шайхи Бузрукворнинг завжаи мутаххиралари уч йил бу зотларга ўз қўллари бирлан таом пишириб берганлар. Булар учун кийим-кечаклар олиб берганлар. Мавлоно Сайид Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларким, мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳ ҳеч ухлмас эрдилар. Уйку галаба қилса, қиблага қараб ибодат қилгудек ўтириб ухлар эрдилар.

Ҳазрати Шайхи Бузруквор буюрдиларким, «Эй Лутфуллоҳ, сен ўз вилоятингга бориб, одамларни ҳақиқатга даъват қилгин!»

Мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳ қабул қилмадилар. Ҳазрати Шайхи Бузруквор айтдилар: «Эй Лутфуллоҳ, маслаҳат шулдирким, борурсан!» Мавлоно Лутфуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳи «Хўп бўлур», деб ўз вилоятлари Шохруҳияга кетдилар. Андак вақтда Шохруҳиянинг одамлари азиз зот эканлигини биллиб қолдилар, кўплари мурид бўлдилар. Бу зоти бобарокотнинг

барокотидин бу вилоят обод бўлди. Беваю бечоралар камоли хурсандчиликдан дуо килур эрдилар.

### БЕШБУЛОҚ ОТА

Зомин туманида Бешбулоқ қишлоғининг устида археологик манзиллар қуршовида жойлашган мазкур зиёрат манзили ўзининг шифобахш булоқлари билан машҳур. Бу ердаги тепалик остида ғор – чиллахона бўлган. Ҳозирда мазкур чиллахона бутунлай кўмилиб кетган. Кўхна манзиллар, азизлар қабрлари бор.

### ХУЖАКЎНДАЛАНГ ЗИЁРАТГОҲИ

Зомин тумани Қушчи Болғали қишлоғида жойлашган зиёратгоҳ. Бундай номланишига сабаб ушбу ҳудудда барча қирлар жанубдан шимолга қараб пасайган бўлса, зиёратгоҳ жойлашган ҳудуддан бошлаб қир шарқдан ғарбга қараб пасайиб кетганлигидир. Зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли Парпи ота деб ҳам атайдилар, сабаби ушбу зиёратгоҳга зиёратчилар кўпроқ ёш болаларда учрайдиган, халқ тилидаги «парпи», «чиллашир» илмий тилдаги «кахекция» касаллигини даволаш учун келади. Парпи (чиллашир) касаллиги илмий тилда кахекция бўлиб унинг клиник белгилари моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида боланинг ориқлаб, мускул массасининг камайиб кетиши билан характерланади. Бунда боланинг иштаҳаси тамоман йўқолади, там билиш сезгиси бузилади. Кахекциянинг даражаси касалликнинг пайдо бўлиш сабабларига ва йўқотган оғирлигига қараб белгиланади<sup>19</sup>. Зиёратчилар бу ерга келиб хонақоҳ ёнида жойлашган ғорсимон ғовақдан болани уч марта айлантириб, ўзларига хос кичик маросим ўтказиб кетишади. Ахборотчиларнинг берган маълумотларига кўра, бу ерга ихлос билан келганлар, албатта, шифо топишган. Маҳаллий аҳоли ўртасида зиёратгоҳни Жиззах туманидаги Парпи ота, Зомин тумани Увол қишлоғидаги Парпи ойим зиёратгоҳлари билан боғлиқлик жиҳатлари бор деган қараш мавжуд.

<sup>19</sup> М.Вудли, А.Узлан. Терапевтический справочник Вашингтонского университета. Москва. 1995 г. 501 с.

## ҚОПЛОН ОТА

Қоплонтов бағрида Қовункесди ва Бешбулок қишлоқлари оралиғида жойлашган яшил гуша минг йиллар илгари ҳам шундай яшиллиги, шундай бокиралиги билан азиз-авлиёлар назарини тортган бўлса ажаб эмас!

Бу манзилда сунгги макон тутган азиз зотнинг исмлари Аҳмад ибн Сайф, Бурҳониддин бўлиб Ҳазрат Алининг лашкари сафида сопқон отувчи бўлган эканлар. Кечасими, кундузими мўлжаллаб отган тоши нишонга тегмай қолмас экан. Қаҳ-Қаҳ подшо шу атрофларда ҳукмдорлик қилар экан. Уни исломга киритиш учун жангу жадалларга йўл олинган бир пайтда мазкур зот вужудида оғирлик пайдо бўлади ва шу жойда қилишни ихтиёр этади. Шерикларига «Энди менинг сафарим охирлаб қолганга ўхшайди, сизлар бораверингизлар», дейди

...Атроф чилкий (куп-куруқ) тошдан иборат бўлиб, бирон бир сув йўқ экан. «Эй қодир Худо, ҳузурингга менинг бетаҳорат боришимни хоҳлайсанми...» деб нола қилган экан, ғойибдан «қиличингни тошга сук!» деган нидо келибди. Қиличини тошга суккан экан, бир булок пайдо бўлибди.

У зот шу ерда жон берибди, осмондан оккуш киёфасидаги малаклар тушиб уни қафанлаб кўмибдилар... Бир чўпон бу воқеани олисдан кўриб, кузатиб турган экан. «Бу одам авлиё зот экан, майитини хуру ғилмонлар қафанлаптими, бу ерда бир хислат бор», дебди-да, шу азиз жойга бир кўзини худойи қилишни ният қилибди.

Тарихчи олим Алексей Грицина «Қоплон ота» зиёратгоҳи пайдо бўлиши ҳақида шундай афсонани келтиради...

...Шу обровда яшайдиган бир чўпон «қашқаси бор бир кўзини худойи қилиш»ни кўнглига тугибди.

Бир қанча вақт ўтиб, кўзи катта бир кўчқорга айланибди-ю чўпоннинг кўнглидан «мен кўзи худойи қилишга ваъда берувдим, ахир, шунинг учун бу кўчқорни бозорга олиб бориб сотиб иккита кўзи оламан-да, бирини худойи қиламан-у, бирини кўтонга кўшиб юбораман» деган ўй ўтибди.

Кўчқорни сотгани бозорга ҳайдаб йўлга тушибди. Шу обровга яқин жойда «Кўчқор ота» деган жой ҳам бор. «Қоплон

ота»га келганида қаёқдандир забт билан пайдо булган бир қоплон ҳалиги қўчқорни белига ўнгариб тоққа чиқиб кетибди!

«Капалаги учиб кетган» чўпон қўрқиб-писиб уйига қайтиб келиб кўрган-билганини қишлоқдошларига айтиб берибди. Уч-тўртта ботир қишлоқдошлар айтилган манзилга келиб қарашса... ҳалиги қўчқор мўъжаз булок бўйида кекса тут дарахти остида бўйнидан боғлогли – тик турган эмиш! Қора қоплон эса ҳеч жойда кўринмасмиш...

Шу куни қишлоқдошлар йиғилиб ўша жойда қўчқорни сўйишиб худойи қилишибди. Чўпоннинг иши шу кундан бошлаб ўнгланибди, шу атрофнинг энг бой кишисига айланибди».

«Қоплон ота» зиёратгоҳида сағана бор – Аҳмад ибн Сайф Бурҳониддиннинг қўним топган манзиллари – қабрлари шу жой...

Манзилгоҳ мўъжазгина бўлиб, шифобахш булок атрофида, минг йиллик кекса тут ва тол дарахтлари соясида жойлашган. Мазкур манзилдаги шифобахш булокка ният қилиб бир танга ташласангиз ва қўл суқиб бир тош ёки танга олсангиз, ниятингиз албатта ижобат бўлиши мумкинлигини маҳаллий аҳоли чин кўнгилдан айтади.

Бугун бу масканда гўзал боғ яратилган, юртдошлар хайру саховати эвазига тоғ устида жуда гўзал манзара бағрида хонақоҳ тикланган.

## ЯНГИОБОД ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Ўзида табиий, археологик, архитектура ва этнографик маълумотларни жамлаган, аждодларимиз томонидан муқаддас саналган зиёратгоҳлар, халқ орасида ўзининг илоҳий кароматлари билан ном қозонган минглаб азиз-авлиёларнинг қадамжо ва хонақолари биз учун тарихий хотирани тиклаш манбаидир. Ҳақиқатдан ҳам Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиккани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Жиззах воҳаси, яъни Уструшана минтақаси ҳам қадимдан катта ҳарбий стратегик аҳамиятга эга ҳудуд саналган. Уструшанадан жун ва чармдан тайёрланган маҳсулотлар, Уструшана ферузаси, Миросмандида тайёрланган жанговор қуроллар жаҳон бозорида ўзига яраша харидоргир бўлган. Ўрта асрларда Уструшана тараккий этган ҳудудлардан бўлгани боис бу ўлкага араблар, форслар ва хитойликлар катта кизиқиш билан қараганлиги ўрта аср тарихий биографик асарларида ҳамда Хитой йилномаларида қайд этилгани унинг ўз даврида катта маъқейига эга бўлганидан дарак беради. Воҳадан асрлар мобайнида юртимиз илм-фани ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшган юзлаб олиму уламолар, шоирлар, муҳаддис ва фикхшунослар етишиб чикканлиги ҳам диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда «Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бум-буш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради».

Воҳада қадим замонлардан бўён ўзининг муқаддас масканлари, авлиё қадамжолари билан машҳур бўлиб келган. Айниқса, VIII аср-

дан бошлаб ўлкага ислом маданиятини кириб келиши билан улуг алломалар, кароматли авлиёлар, муқаддас пирларга эҳтиром кучаяди. Улар оламдан ўтгач эса, қабрлари обод қилинади.

Шу билан бир қаторда халқимиз орасида зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, қадамжоларга номи берилган авлиёлар ва уларнинг кароматлари билан боғлиқ ривоятлар сақланиб қолганлигини ҳам кўришимиз мумкин. «Авлиё, валий» сўзининг маъноси Оллоҳнинг энг яқин дўсти, яқин кишиси, демакдир. Оллоҳ таолонинг дўстини, яқинини севиш унинг ўзини севишга далолатдир дейилади. Фаридиддин Аттот ҳазратлари «Тазкират ул-авлиё» асарининг муқаддимасида шундай ёзади: «Авлиёларга меҳру муҳаббатимиз уларнинг камоли ва жамолига ва барча фаолиятларига ҳурмат-эҳтиромимиз натижасидир. Ушбу садақат қалбимизга Оллоҳ солган муҳаббат нури каби порлаб, буюк зотларга таъзимимизни юзга келтиради. Оллоҳ таолонинг муборак номини ҳар замон тилидан қўймайдиган азиз-авлиёлар маърифатидан баҳраманд бўлган, ҳар қачон ва ҳар бир ҳолатда Оллоҳ ёдини унутмаган кишилар учун авлиёлар ҳаёти намунадир». Инсоннинг камолот сари қадами комил инсонларга эргashiш, уларни севиш, ардоқлаш ва уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганишдан бошланади».

## ХУЖАМУШКЕНТ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Янгиобод туманидаги бу муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳ Хужамушкент ўрмон хужалигига элтувчи йўл бўйида кир ва адирлар орасида жойлашган бўлиб, вилоятнинг энг нуфузли муборак масканларидан биридир. Зиёратгоҳ мажмуига салобатли дарвоза орқали кириб борилади. Мажмуа таркиби гўзал масжид, меҳмонхона, ошхона, ёзлик чойхона, авлиё Хужамушкент отанинг макбарасидан иборат. Мажмуа мустақиллик йилларида қайта таъмирланди ва ободонлаштирилди.

Халқ орасида Хужамушкент ота хақида турли ривоятлар бор. Жумладан, маҳаллий аҳоли ўртасида шу вақтгача аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган, зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши ва муқаддас қадамжога номи берилган Хужа ибн Исоқ шахси билан боғлиқ бир қанча қараш ва ривоятлар мавжуд. Ривоят қилишларича, «Хужа ибн Исоқ исмли ислом оламида ўзининг

нуфузига эга бўлган кўп кароматлар кўрсатишга қодир бўлган киши ўз иниси (ёки шогирди) билан қувғинда юрган вақтларида ҳозир ҳам мавжуд бўлган “Буқабулок ота” зиёратгоҳи ўрнида жойлашган (ҳозирги Хўжамушкент кишлоғининг кун ботар томонида) қишлоққа келадилар ва шу ерда истиқомат қиладиган бир ёлғиз кампирдан тунаш учун жой сўрайдилар. Кампир руҳсат беради ва уларни қўлидан келгунча меҳмон қилади. Эртаси кун кампирнинг меҳмондўстлигидан хурсанд бўлган ака-укалар унга бир яхшилиқ қилиб кетишлари кераклигини айтишади. Маълум бўлишича, кампирнинг бисотида битта эчкиси бўлиб, ундан олган бир коса сутини бой хонадонига топшириб, улар берадиган ҳақ эвазига кун кўрар экан. Шунда Хўжа ибн Исоқ тол дарахтининг новдаларидан “човли” (новда ёки симдан тўкилган, угра, шилпилдоқ ва шу каби хамир овкатларни сузиб олиш учун ишлатиладиган чўмичсимон рўзғор асбоби) тўкиб, ҳар кун сутни бойнинг хонадонига олиб боришдан аввал шу човлидан ўтказиши кераклигини таъкидлаб йўлга тушадилар. Кампир авлиёлар айтганини қилиб сутни човлидан ўтказиши билан пакир тўлармиш-у, аммо косадаги сут тугамас экан. Шу тариқа кампирнинг уйида бўлиб ўтган бу сир-синаотдан хабардор бўлган бой одамлари кампирни сиқувга олади ва у бўлиб ўтган воқеаларни батафсил айтиб беришга мажбур бўлади. Натижада, бойнинг одамлари ака-укаларни қўлга олади ва улар хизмат қилишга рози бўлишади.

Ака-ука авлиёларнинг хизмати билан ўтган йиллар давомида бойнинг молу дунёси ортиб атрофидаги ҳудудларга донғи кетади. Кунлардан бир кун ака-ука авлиёлар бойдан бу жойлардан кетиш вақти келганини ва уларга руҳсат беришини сўрайди. Бой уларнинг қилган хизматларидан хурсанд бўлиб, уларга молу давлатидан нимаки сўрашса бериши мумкинлигин айтиди. Шунда улар бойга жавобан ҳеч нарсага муҳтож эмасликларини билдирадилар. Вазият шуни тақозо этадики, агар бирор нарса олишмаса, бой хафа бўлишини ва уларни рози қилмагунча қўйиб юбормасликларини таъкидлайди. Натижада, мажбур бўлган ака-ука авлиёлар бойнинг подаси ичида бир кўк рангдаги буқа борлигини, уни олиб чиқиб сўйиб гўштини аҳолига тарқатиши ва терисининг ўрничалик уларга ер берса, шунинг ўзи етарли эканлигини билдиришади.

Хизматчилар уларнинг айтганини бажаради, аммо бир буканинг териси ёйилганчалик жойдан қандай кун кўриш мумкинлигига ҳеч ақллари етмасдан, уларнинг устидан қулишади. Шунда авлиёлар яна бир каромат кўрсатишади, иккаласи терининг икки чеккасидан тортган вақтларида тери шунчалик чўзиладики, бойга қарашли ҳудудининг ярмини эгаллайди, иккинчи томонидан тортишганда ҳам худди шундай ҳудуд эгалланади. Буни кўрган бойнинг одамлари унга бу ака-укалар авлиёлар эмас, балки, сеҳргарлик билан унинг ҳудудининг ярмидан кўпини эгаллаб олганларини етказишади. Бу гаплардан сўнг бой ўйлаб ҳам ўтирмасдан уларни тутиб ўлдириш ҳақида буйрук беради. Натижада, хавфдан огоҳ бўлган ака-укалар икки томонга қараб йўл олишади ва таъқиб қилувчилар Хўжа ибн Исоқ ортидан қувишади. Шунда у зиёратгоҳ ҳудудидаги булоқлар жойлашган ҳудудга келиб яширинади. Авлиёнинг каромати билан уни таъқибчилардан яшириш мақсадида сув парда ҳосил бўлади. Аммо, буни сезган душман аскарлари унга қарага ўқ ва найзалар билан ҳужум қилишади. Шу воқеадан сўнг бу жойда бир қанча булоқлар пайдо бўлган ва ҳозиргача сакланиб қолган Хўжа ибн Исоқ елкасининг ўрни деб тахмин қилинадиган из қолган. Шундан кейин у тепаликка, яъни ғор жойлашган ҳудудга қараб қочади ва оркасидан таъқиб қилиб келаётган душмандан қутилиш мақсадида “Э Аллоҳ, ўзинг мени душманлардан яширинишга ёрдам бер”, деб илтижо қилади ва мушти билан бир урганда ғор пайдо бўлади, натижада, у ушбу ғорга кириб ғойиб бўлади (Абдуқаюм Орипов сўзи, 75 ёш. Янгиобод тумани, Жўлангар кишлоғи. 2014 йил, июль).

Қишлоқ номи бора бора “Хўжа мушти” кенти деб аталади. Кейинчалик “Хўжамушкент” шаклига келиб қолган дейдилар. Бу тоғли ҳудуд сўлим табиати билан сайёҳларни ўзига чорлаб туради. Хўжамушкент ота зиёратгоҳидан 3 чакирим нарида Баят кишлоғида Чилмаҳрам ота зиёратгоҳи ҳам бор. Айтишларича, Хўжамушкент ота Чилмаҳрам отанинг акаси бўлган. “Чилмаҳрам ота”нинг асл исми ҳақида маълумот йўқ.



## ЧИЛМАҲРАМ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Туркистон тоғ тизмаларига кўтарилиш йўлида жойлашган мазкур зиёратгоҳ айни кунларда Хўжамушкент ўрмон хўжалиги худудига карашли бўлиб, туман маркази Баландчақирдан 20 чакирим жанубда, Тожикистон билан чегарадош Баят, Эргана-ли қишлоқлари юкорисида, Баятсойнинг жанубий киргоғидаги кўҳна кабристон ичида жойлашган. Бу ердан Увоқ, Шаҳристон қишлоқлари орқали Фарғона водийсига бориш мумкин. Зиёратгоҳнинг асосий қисми бўлган, макбара ҳамда қадимий тут дарахти халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси тасарруфига олинган. Ушбу маскан 2015 йили ҳашар йўли билан қайта таъмирланган.

Бу ернинг табиати, эски кабристон, булоқлардан ҳосил бўлган зилол сувли ариқлар, боғлар, пистазорлар мазкур гўшанинг қадим аجدодларимиз истикомат қилган табаррук манзилгоҳ эканлигидан далолат бериб туради. Жумладан, ҳозир қайта тикланган макбаранинг кунботиш томонида остадонни эслатувчи қозонсимон хум бор. Тупроқ ишларини бажариш чоғида топилган мазкур қизил сополдан ясалган хумнинг бир чети кетмон тегиши туфайли дарз кетган, одамлар уни шу ҳолда саклаш мақсадида тупроқ орасида қолдиришди. Ичида нима борлиги номаълум. Мутахассислар фикрича, бу исломдан аввалги одамлардан бири дафн этилган остадон бўлиши мумкин. Мақбаранинг кунчиқиш тарафида эса ертўлани эслатувчи ғор бор. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бундан 35 йил аввал ғорнинг ички ҳажми ҳозиргидан анча катта бўлган. Нишаб бўлган тупроқни ёмғир ювиб кетиши сабабли олд қисми кулаб тушган ва бугунги ҳолга келиб қолган.

Айтишларича, бу ғор қирк авлиё дарвиш зикр тушадиган, чилла ўтириб тафаккур қиладиган жой вазифасини бажариб келган. Улар қирк нафар бўлгани учун чилмаҳрам, яъни қирк маслакдош, қирк сирдош деб аталган. Бу қирк маҳрам юртимизнинг қирк гўшасидан келиб, бу ерда вақти-вақти билан тўпланиб турганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Зиёратгоҳнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган шахс ҳақида шундай бир ривоят мавжуд: Ғорда кечаси авлиёлар жаҳрий зикр

қилиб ўтирганда бешикка боғланган маҳаллий 3-4 ёшли болакай ўзини ўзи ечиб, бу ерга келиб, мажлисга қўшилади, (Одатда оилада ёлғиз ўғил болалар юрадиган бўлиб қолса ҳам, бешикда ётишни қанда қилмаган, укасига бешикни бўшатиб бермаган, онаси эркатой боланинг кўнглига қараб сумак ва туваксиз боғлаб қўяверган. Тунда ота-онасидан яширин ҳолда яна бешикка ўзини ўзи боғлаб ётиб олаверади). Тунлардан бирида ота-она бола бешикда йўқлигини билиб қолишади. Уни излаб топиша олмайди. Эрта тонгда қарашса, бешикда бола яна ухлаб ётибди. Бошқа кун тунда пойлаб ўтиришади. Бола бешикдан бўшалиб ғор томон кета бошлайди. Етиб бориб қирк дарвиш сафига қўшилади. Ортидан кузатиб борган ота-она гап нимада эканлигини англаб ҳам хурсанд бўлади, ҳам ташвишга тушади. Айтишларича, бу бола улғайиб, авлиёлар тарбиясини олиб, маънавий камолликка эришади ва Мўғол халқининг пири бўлиб хизмат қилади. Вафотидан сўнг эса халқ орасида (қирк маҳрамга қўшилгани учун) Чилмаҳрам ота номини олади.

Ғайри одатий хислати болалигиданоқ маълум бўлган машҳур кишилар ҳақидаги ривоятлар мазкур воқеанинг ҳам чиндан юз берганлигини тасдиқлайди. Имом Аъзам, Боязид Бистомий, Ибн Сино, Ғавсул Аъзам, Машраб ҳақидаги маноқибларда уларнинг алоҳида истеъдоди жуда ёшлигидан намоён бўлганлигини биламиз. 1867-1923 йиллари яшаб ўтган кўконлик шоир Зиёуддин Ҳазинийнинг гўдаклик чоғида юз берган воқеа онаси томонидан ҳикоя қилиб берилган. Унга кўра, киш кунларининг бирида Зиёуддиннинг онаси ўчоққа олов ёкиш учун уринади. Ўтин тутаб сира ёниб кетавермайди. Шундан уч-тўрт қадам нарида ётган бир ярим яшар боласи эмақлаб келиб ўчоққа яқинлашиб, ўтни пуфлаб ёндириб юборади. Ҳайратланган она бу ишни отасига айтади. Шунда отаси “Кампир, боламизнинг оғзига ҳаром бўлмаса ҳам, мубоҳ бир нарса егизиб қўй, эл қатори катта бўлаверсин, назар тегиб эрта ўтиб кетмасин”, деган экан.

Яқин замонда яшаб ўтган тарикат муршидларидан бирининг гўдаклигида ҳам шу сингари воқеа бўлиб ўтганлигини кейинчалик катта бувиси хотинларга гапириб берган экан. Онахоннинг айтишича, бўлажак эшонбува бешикда ётиб баъзан йиғидан

тўхтамас, уйқуси келмас экан. Бу пайтда кўчада тиланчи юрган бўлар экан, шунда бувиси тиланчига нон ёки бошқа садақа бериб юборса, бола йиғидан тўхтаб ухлаб қолар экан. Чилмаҳрамларга эрта кўшилган болакай ҳам ана шундай зотлардан бири бўлган. Хуллас, бу гўшада хислатли, такводор, художўй, зокир инсонлар истикомат қилгани учун ҳам уларнинг фарзандлари мана шу муҳит таъсирида яхши фазилатли бўлиб вояга етар экан.

Қизиқ томони шундаки, юртимизнинг қаерида Чилмаҳрам номи билан аталувчи маскан бўлса, албатта, ўша ерда ғор бўлган. Жумладан, Бешариқ тумани худудидаги Чилмаҳрам зиёратгоҳида ҳам улкан ғор бор. Бу ғор ҳам дарвишлар чиллаҳонаси бўлиб хизмат қилган. Бизнинг иқлим шароитимизда табиий ғорлар ёки баланд қирлар ичини қовлаб ҳосил қилинган сунъий қўлбола ғорлар ёз чилласида жуда салқин бўлган, кишда эса илиқ бўлган. Шунинг учун хилват излаган дарвишлар ғорларда яшаган, тоат ва ибодат билан машғул бўлган. Ўзгириб олиш томони шундаки, бу ернинг тупроғи шифобахш хусусиятга эга бўлиб, сўғал ва бошқа тери касалликларига суртилса, бир ҳафта ичида тузалиб кетиши айтилади.

Чилмаҳрам ота зиёратгоҳи атрофида 5-6 хонадон истикомат қилади. Улар Чилмаҳрам отанинг авлодлари бўлиб, зиёратгоҳга шайхлик қилиб келишади. Зиёратгоҳга келган одамларга хизмат кўрсатишади. Қишлоқ номини эса “Баят” дейишади. “Баят” сўзи 92 ўзбек уруғидан бири баёт уруғи номи эмас. Бу сўз “Байъат” сўзининг шевада айтилиши ҳисобланади. Хўш, улар кимга байъат қилган. Бухоролик нақшбандий пирларгами ёки бошқа тарикатга мансуб эшонларгами? Айни кунларда шайхлик қилувчи кишиларнинг маълумотиغا кўра, уларнинг ота-боболари Абдулқодир Ғилоний Ғавсул Аъзамнинг қўқонлик авлодларига байъат қилишган. Улар бир бирларининг хонадонида навбати билан меҳмон бўлишиб, маънавий биродарлик ришталарини боғлашган. Жумладан, XIX аср иккинчи ярми, XX биринчи ярмида яшаган Чилмаҳрам ота авлодидан бўлган Шодмонқул ота Қўқонда истикомат қилувчи Саййид Бургутхонтўра билан биродар бўлган. Бургутхонтўра Шодмонқул ота даргоҳига келиб турган. Р.Мирзақуловнинг “Ғавсул Аъзамнинг бешариқлик авлодлари” (“Наврўз” на-

шриёти, 2015.) рисоласида Саййид Бургутхонтўра хакида шундай маълумот берилди:

“Саййид Бургутхонтўранинг асл исми Саййид Абдулазизхонтўра бўлган, 1900 йили Қўқонда туғилиб, вояга етган, Бешарик туманидаги Узун кишлоғида ҳам маълум муддат яшаган, 1957 йили вафот этган. Хосиятни қарангки, ул зот она корнидан 32 тиши тугал ҳолда туғилган ва бирорта тиши тушмай 57 ёшида рихлат қилган экан. Уғли Абдуллахонтўра бир пайтда шундай хикоя қилган эди:

- Отамнинг оталари Саййид Нажмиддинхонтўра бўлганлар. Кароматли бу зот Қўқон шаҳрида яшадилар. У кишининг икки ўғиллари – Саййид Абдураззоқхонтўра (Темирхонтўра) ва отам - Саййид Абдулазизхонтўра (Бургутхонтўра), бир кизлари аммамиз Қирғизхонпошшо бўлганлар. Отам ҳам Қўқонда туғилганлар. Онамнинг исмлари – Оминахонпошшо (Саййид Мўйдинхонтўранинг кизлари). Мен туғилиб, тўққиз ойлик бўлганимда, онам йигирма бир ёшларида казо қилганлар (жойлари жаннатда бўлсин). Отамнинг кейинги оиласидан укаларим бор, ҳозир Қўқонда яшайдилар. Тақдир тақозоси билан мен Бешарикда яшаб қолдим. Бутун умрим давомида отамнинг васиятларига амал қилиб, ҳалол меҳнат - деҳқончилик орқасидан кун кечирдим, рўзғор тебратдим – оила боқдим. Бобомиз Ҳазрати Ғавсул Аъзамга ихлос-эътиқод қилган мўминларга баҳоли қудрат йўл кўрсатиб келмоқдамиз”. (Ул зоти пок 2010 йил 7 июль куни муборак 84 ёшларида чин дунёга рихлат қилдилар)

Раҳимжон Мирзакулов яна шундай ёзади: “Тўраҳон бува-нинг бобоси Саййид Нажмиддинхонтўранинг ўттиз беш нафар халифаси бўлган. Юқорида Саййид Бургутхонтўранинг биринчи рўзғори – Оминахонпошшодан Абдуллахонтўра дунёга келдилар, онаси эрта бандалиқни бажо келтиришган, дедик. Бургутхонтўранинг кейинги рўзғоридан уч ўғил – Алихонтўра, Ҳошимхонтўра, Фозилхонтўра, икки киз Майрамхон ва Ҳажалхонлар туғилади. Ул зотлар Қўқон шаҳрида вояга етиб, оила қуриб умргузаронлик қилишган. Ҳар учала зот ҳам оламдан ўтиб кетишди. Аини кунда Алихонтўранинг фарзандлари Анвархон, Авазхон, Акмалхон ва Ахрорхонлар Қўқон шаҳрининг Тошлоқ маҳалласидаги табаррук хонадонда яшаб келишмоқда.

Бундан маълум бўладики, Шодмонкул отанинг биродари Саййид Бургутхонтўранинг отаси Нажмиддинхонтўра Чилмахрам ота зиёратгоҳига ҳам келган. Кейинчалик фарзандлар ўртасида ҳам борди-келди давом этган.

Шодмонкул отанинг бакувват, келябтали инсон бўлганлиги ҳақида оғзаки ривоятлар сақланиб қолган. Айтишларича, у қиш кунлари ялангоёқ қор ва музни писанд қилмай зикр тушган, дуо-си ижобат бўлган. Қир устида зикр тушганда овози узоқлардан эшитилиб турган. Айтишларича, бир киши пичан ўраётганда кўлини ўрок кесиб кетган. Ўрокчи изтироб чекиб турганида Шодмонкул ота ёнига келиб кўли билан кесилган жойни силайди. Худонинг қудрати билан жароҳат тезда битиб кетади.

Кунлардан бирида Феруз кишлоғида яшовчи бир қассоб катта новвос сўйган. Шодмонкул ота ҳам шу ерга гўшт олиш учун борган. Қассоб “Эй шайх бобо, новвоснинг бир сони гўштини сизга берай, уйингизгача бир кўлингизда кўтариб борсангиз – гўшт сизники”, дейди. Ўша пайтда 80 ёшда бўлган Шодмонкул ота бу шартга рози бўлади, 60-70 килолик новвос сон гўштини бир кўлида даст юкорига кўтариб, 2 чакирим наридаги уйи томон жўнайди, йўлда уни қассобнинг одамлари кузатиб боради. Шодмонкул ота кўлидан гўштни қўймай, уйдан яна қассобнинг ёнига қайтади. Гўштни топширади. Қассоб гўштни олиб кетишни илтимос қилади, аммо Шодмонкул ота фақат унинг шартини бажарганлигини айтади ва ўзига керакли оз миқдордаги гўштни сотиб олади. Қассоб ва томошабин халқ Шодмонкул отадаги хислат ва ғайриодатий кучга тан берадилар ва узр сўрайдилар. Қариндошларининг айтишича, Шодмонкул ота ва унинг ўғли Турсункул отадаги хислатлар унинг чевараси Мирзакаримга (академик Мирзакарим Норбековга) ўтган. Мирзакаримнинг отаси Санакул бобо Шодмонкул отанинг набираси бўлган.

Шодмонкул отадан кейин унинг ўғли Турсункул ота, ундан сўнг ўғли Жумабой ота бу даргоҳда шайхлик қилган. Жумабой отанинг Абдужаббор, Абдусаттор, Ҳазраткул деган ўғиллари бўлган. Катта ўғил Абдужаббор қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис бўлиб, Хўжамушкент ўрмон хўжалигида ишлаган. Жумабой ота Бургутхонтўранинг ўғли қўқонлик Алихонтўра Бургутхонов билан биродар бўлган. Улар шу даражада яқин

булишганки, бири Куконда, бир Хужамушкентда булса ҳам, таважжух робитаси билан боғланиб туришган. Бир бирига ака деб мурожат қилишган. Жумабой ота “Бугун Алихон ака келади” деб йул бошига чиқиб турган, дўсти шу куни етиб келган. Алихон ака “Бугун уйимизга Жумабой ака келади” деса Жумабой ота Куконга етиб борган булар экан.

Жумабой ота 2013 йил 23 декабрь куни 80 ёшида вафот этган. Чилмаҳрам ота макбарасининг кунчиқиш томонига ота-боблари хоки ёнига дафн этилган. Хуллас, бу хонадон вакиллари Чилмаҳрам ота зиёратгоҳини кўз қорачигидек асраб келишда доимий хизматда бўлиб келишади. Бинобарин, бу масканнинг тарихини асрашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшадилар. Зиёратгоҳ тарихини ўрганишда бизга Республика халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси материаллари, шунингдек, Жумабой отанинг кенжа ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан Турсункулов ва неваралари Мардонкул Турсункуловларнинг маълумотлар билан ёрдам берганлари ва Шерзод Норбековга макбара қурилишига ҳомийлик қилганлиги учун миннатдорчилик билдирамыз.

### **ЧҶҚМОЗОР ОТА**

Янгиобод туманида, Қўшқанд қишлоғидан унча узок бўлмаган ҳудудда жойлашган, ўзбек қавмларидан бири Жузнинг бир жузи, Сўлоқли элининг бир бўлаги «Чўқморли» деб юритилади, ана шунга мутаносиб равишда улар зиёрат қилиб кетадиган манзил «Чўқмозор ота» деб аталиб кетилган.

Зиёратгоҳ ҳудудида 600-700 ёшлик кекса тут дарахтлари, кўҳна қабристон, хонақоҳ, археологик тепалик жойлашган. Ҳудуди 3 гектарни ташкил этади.

### **РУСТАМ ОТА ВА ЖУМАҚУЛ ОТА ЗИЁРАТГОҶИ**

Янгиобод тумани Баландчақир қишлоғининг эски қабристони ҳудудида соҳибқаромат Рустам ота ва у кишининг шоғирди Жумакул ота зиёратгоҳи жойлашган. Бу инсонлар яшаб ўтган давр XIV-XV асрлар деб тахмин қилинади. Иккала қабрнинг устига маҳаллий аҳоли томонидан оддий қўринишдаги хонақоҳ барпо этилган.

Ушбу зиёратгоҳга маҳаллий аҳоли фарзандли бўлиш ва кўз

ярани тузалиши учун ихлос қилиб келади. Ўтказиладиган маросимлардан бири тоқ сондаги чалпақлар пишириб келишидир. Марҳумлар хакига Куръони карим сураларидан тиловат қилинади, икки дона пахта пиликли чироқ ёкилади (албатта, бу ишни қиладиганлар унинг бидъат-хурофотлигини билмайди). Куз яраси тузалиб кетиши учун қабр атрофидаги тупроқдан олиб суртилади. Хайр-эхсон сифатида оқ мато қабр тепасига ёпилади. Зиёратчиларнинг келиши мавсум танламайди.

Зиёратгоҳ тарихига оид маҳаллий аҳоли ўртасида куйидаги ривоят сақланиб қолган. Рустам ота бир кун марака ўтказди ва бу маракада сув тугаб қолади. Шунда Жумақул ота устози Рустам отадан сув олиб келиш учун буюм беришини сўрайди. Рустам бобо шогирдига галвир беради. Амал илмидан хабардор шогирд галвирга сув тўлдириб келади. Аллохнинг қудрати билан галвирдан сув худди булоқдан кайнаб чиққандай кайнаб туради, марака тугайди, аммо сув тугамайди. Ушбу воқеадан сўнг устоз шогирдига оқ фотиҳа бериб, энди у ҳам устозлик даражасига етишганини айтади.

### ҚЎЛТИҚАЗИЗ ҚАДАМЖОСИ

Янгиобод тумани Баландчақир қишлоғида жойлашган Қўлтиқазиз қадамжосига асосан маҳаллий аҳоли кўркиш туфайли тутқаноқ касаллигига учраган ва мавсумий ёмон тушлар кўрадиган кишилар келади. Бу ерга ҳам зиёратчилар ўзлари билан 7 дона чалпақ олиб келишади, чироқ ёқишади ва ният қилиб келганлар панжараларга мато бўлагини боғлашади.

Маҳаллий аҳоли ўртасида қадамжо билан боғлиқ шундай ривоят сақланиб қолган. Ислом дини тарғиботчиларидан бири душманлардан қочиб, шу ҳудудга беркинади ва кунлардан бир кун душманлар у кишини топиб олиб, калласини қилич билан кесади ва калла танадан ажралиб ерга тушган пайтда авлиё киши ўз калласини ердан олиб қўлтиғига кистирган ҳолда шу жойга келиб, ер остига кириб ғойиб бўлади. Шу-шу маҳаллий аҳоли номаълум авлиё ғойиб бўлган ушбу жойни муқаддас билиб зиёрат қилиб келишади.

Зиёратгоҳнинг «Қўлтиқазиз» дейилиши «Ёв кесган бошини қўлтиғига қисиб ғойиб бўлган азиз инсон» деган маънодан келиб чиққан.

## ТЕШИКТОШ БОБО ҚАДАМЖОСИ

Янгиобод тумани, Пастки сармич қишлоғида атрофи девор билан ўралган ҳудудда Тешиктош бобо қадамжоси жойлашган. Қадамжода 2 дона нисбатан катта ва 1 дона кичик кўринишдаги тешиктош мавжуд. Маҳаллий аҳоли томонидан 4x6 кв метр ҳажмда оддий кўринишдаги хонақоҳ барпо қилинган.

Маҳаллий аҳоли ўртасида ушбу муқаддас қадамжо билан боғлиқ қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Ислом дини тарғиботчиларидан бири бўлган номаълум авлиё душманларидан қочиш мақсадида ушбу Тешиктош жойлашган ҳудудга келиб, тошлар орасига кириб ғойиб бўлган. Кейин душманлари келиб қараса, тошларда тешик пайдо бўлган. Шу-шу маҳаллий аҳоли ушбу тошларни муқаддас билиб, зиёратгоҳга айлантирган.

Маҳаллий аҳоли ушбу муқаддас қадамжога келиб ўтган азизлар руҳига бағишлаб Куръони карим сураларидан тиловат қилади, икки дона пахта пиликли чирок ёқилади. Хайр-эҳсон сифатида ният қилиб пул ташлайди. Зиёратчилар, асосан, ҳар хил касалликлардан фориғ бўлиш ва фарзандли бўлиш мақсадида келишади.

## БЎТАТОШ ВАЛИ ЗИЁРАТГОҲИ

Янгиобод тумани, Юқорисармич қишлоғида жойлашган зиёратгоҳ. Зиёратгоҳда маҳаллий аҳоли ўртасида муқаддас саналган бўталокни эслатувчи тош мавжуд. Тош атрофини 3x3 кв.метр ҳажмдаги оддий кўринишдаги айвонли хонақоҳ ўраб туради. Зиёратгоҳ ҳудуди тахминан 1 гектарни ташкил этиб ҳудуд манзарали дарахтлар ва гуллар экилиб ободонлаштирилган.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг таъкидлашларича, Тожикистон Республикаси Шаҳристон тумани Холдорқипчоқ қишлоғида Туятоши вали зиёратгоҳи бўлиб, бу ерда жойлашган Бўтатош вали зиёратгоҳи шу билан боғлиқ экан. Туятош ва Бўтатошлар авлиё ёки авлиёларнинг туяси деган қараш мавжуд. Зиёратгоҳни вужудга келиши тўғрисида аҳоли ўртасида қуйидагича ривоят сақланиб қолган.

Туятош болалари билан динни тарғиб қилиб юрган пайтида уни душманлар таъкиб қилиб ўлдириш мақсадида қувлашади.



Шунда Туятош Аллоҳга илтижо қилиб, душманлар унга зарар етказа олмаслиги мақсадида фарзандига қарата «Тош бўл» дейди ва фарзанди бўталок кўринишидаги тошга айланиб қолади.

Ахборотчиларнинг таъкидлашича, бир йилда бир марта онаси ва боласи овоз чиқариб бўзлайди.

Аҳоли ушбу тошни бир неча маротаба сел оқизиб кетмаслиги учун жойидан биров тепароқга кўчиришган, аммо тош яна ўз ўрнига қайтиб келаверган. Маҳаллий аҳоли ушбу зиёратгоҳга фарзандли бўлиш, тутканоқ ва жинчалди касалликларидан фориғ бўлиш мақсадида келиб, пахта пиликли чироқ ёқишади, эҳсон сифатида эса ўзлари билан олиб келган ок матони тош устида қолдириб кетишади.

### ҒОЙИБ ОТА ҚАДАМЖОСИ

Янгиобод тумани, Юқорисармич қишлоғида жойлашган маҳаллий аҳоли томонидан Ғойиб ота номи билан аталадиган муқаддас қадамжо. Аҳоли томонидан оддий кўринишдаги маросим ўтказиладиган хона барпо этилган.

Ахборотчиларнинг таъкидлашича, Ғойиб ота ислом оламида динни тарғиб қилувчи авлиёлардан бири бўлган. У киши ҳам бошқа ривоятлардаги каби гайридинлардан кочиб шу жойга келиб ғойиб бўлган.

Зиёратчилар бу жойга асосан тери касалликлари кўз яра, тошма яра билан касалланган вақтларда келишади ва тупроғидан олиб яра тошган жойларга суришади. Ўтказиладиган маросимлар чироқ ёқиш, мато бўлагини ҳудуддаги дарахтларга ният қилиб боғлаш ва етти дона чалпак пиширишдан иборат.

Қадимги анимизм эътиқодига кўра, муқаддас жойларга келиб чироқ ёқилиши кишининг бу ерга келганлиги ҳақида марҳумлар руҳига хабар бериш белгиси саналади. Гуё пилик ёниб ўзидан аччиқ ҳидли тутун таратганда рухлар бу хиддан ўз авлоди бу ерга келганлигидан огоҳ бўлади ва шодланади.

Ислом динига кўра, марҳумлар руҳига Қуръондан оятлар ўқилса, марҳумлар руҳи бундан баҳраманд бўлиб, шодланади. Аммо туркий халқларда ҳамон Қуръон ўқиш билан кифояланмасдан чироқ ёқиш (ис чиқариш) удумини ҳам бажарилади,

гүё шундай қилинмаса, маросим мукамал бўлмайди. Демак, Куръон ўқиш билан биргаликда чирок ёқиш фарз, суннат, вожиб, мустахаб, мустаҳрак амал эмас, балки хурофий бир амалдир. Чунки Куръон ўқиш савоби, чирок ёқиш амалидаги хатони беркитиб юборади. Аммо Куръон ўқилмасдан чирок ёқиш билан кифояланилса, ислом дини ҳақки адо этилмаган саналади.

## ЭРСУЛАЙМОН БОБО ЗИЁРАТГОҲИ

Янгиобод тумани Жўлангар қишлоғининг эски қабристони ҳудудида Эрсулаймон бобо номи билан аталадиган зиёратгоҳ. Хонақоҳ ичида учта қабр бўлиб биттаси Эрсулаймон бобонинг қабри қолган иккитаси унинг ёшлик чоғида вафот этган фарзандларининг қабри.

Эрсулаймон бобо авлодларидан бўлган ҳозирда шу қишлоқда истиқомат қилаётган Ҳамидулла Ҳафизовнинг таъкидлашича, у киши 17-асрда ислом дини арконларини тарғиб этиш ва қишлоқнинг жомеъ масжидига имомлик қилиш учун оила аъзолари билан Самарканд вилояти Челак кўрғонидан келган.

Зиёратгоҳга тери касалликларига, жумладан, сўғал, темиратки ва соч тўкилиши билан боғлиқ ҳолатларда қабр тупроғидан олиб кетиш мақсадида келишади. Маҳаллий аҳоли ўртасида шундай ривоят сақланиб қолган. Бир одам душманлардан қочиб кетаётган пайтида Эрсулаймон бобо қабри жойлашган ҳудуддаги жарликка дуч келади ва шунда агар шу душмандан қутулсам отимни шу ерда қурбонлик қилиб, савобини Эрсулаймон руҳига бағишлардим, дейди. Шу пайтда от сакраб жарлик ўртасида бир нарсага оёқ қўйиб нариги томонга ўтиб кетади. Ният қилган киши бир кундан кейин келиб, ўз отига ачиниб бошқа отни қурбонлик қиламан, деб турган пайтида жарлик ичидан оппоқ кийимда бир нуруний чиқиб «Мени отим бошқа эди, манглайлари қашқа эди», дейди ва қўйлагини кўтарса, нуруний елкасида от туёқларининг изи борлигини кўради.<sup>20</sup>

<sup>20</sup> Бегимкулов Шойимкул, 77 ёш. Янгиобод тумани Юқорисармич қишлоғи. 2014 йил, июль.

## САИД ИСОХҲУЖА ЗИЁРАТГОҲИ

Янгиобод тумани Жулангар кишлоғи ҳудудида жойлашган. Пишиқ гиштдан замонавий кўринишдаги хонақоҳ билан ўралган зиёратгоҳ.

Маҳаллий аҳоли вакиллари таъкидлашларича, Саид Исохўжа 17 асрда отаси Эрсулаймон бобо билан биргаликда Самарқанд вилояти Челак кўргонидан ислом дини арконларини тарғиб қилиш мақсадида ушбу кишлоққа келган. Ушбу зот билан боғлиқ қуйидагича ривоят сақланиб қолган.

Кишлоққа Ўратепа томондан душман бостириб келаётган вақтда аҳолини қирилиб кетишининг олдини олиш мақсадида Аллоҳга илтижо қилади ва оғзига сув солиб пуркаган вақтда бутун ҳудудни туман қоплаб душман кишлоққа бостириб келиш учун йўл тополмасдан қайтиб кетади. Шу боис бу воқеани кўрган аҳоли Саид Исохўжани соҳибқаромат сифатида эъзозлашади ва у кишининг вафотидан кейин қабри зиёратгоҳга айланади.<sup>21</sup>

## БАЛОГАРДОН БОБО ҚАДАМЖОСИ

Балогардон бобо номи билан аталувчи маҳаллий аҳоли томонидан муқаддас саналган қадамжо. Янгиобод тумани Жулангар кишлоғининг эски қабристони ҳудудида жойлашган. Нақшбандия тарикатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанднинг қовуши ва ҳассаси кўмилган деган қараш мавжуд бўлиб, аҳоли томонидан ҳар хил бало-қазолардан сақланиш мақсадида зиёрат қилинади. Қадамжо билан боғлиқ қуйидагича ривоят сақланиб қолган. Баҳовуддин Нақшбанд вафот этган вақтда Бухорога турли минтақалардан таъзияда иштирок этиш учун одамлар йигилади. Тобутни жуда кўплаб одамлар кўтаришга ҳаракат қилиб кўришади, аммо ҳеч бирлари жойидан кўзгата олишмайди. Шунда ушбу кишлоқдан жанозага иштирок этиш учун борган одамларга навбат келади ва улар тобутни ҳеч қандай қийинчиликсиз кўтаришади. Жаноза намозидан кейин Баҳовуддин Нақшбанднинг яқинлари унинг

<sup>21</sup> Почтаев Саидхўжа, 54 ёш. Янгиобод тумани Юкорисармич кишлоғи, Абу Зарр жомеъ масжиди имом-хатиби. 2014 йил, июль.

ҳассаси ва ковушини эсдалик сифатида ушбу қишлоқликларга беришади. Қишлоқ одамлари ҳасса ва ковушни олиб келиб одамларнинг ҳаммаси ҳам Баҳовуддин Накшбанд қабрини зиёрат қилиш учун Бухорога бора олмасликларини тушуниб, ҳасса ва ковушни қишлоқдаги тепаликка кўмишади ва бу жой зиёратгоҳга айланади.<sup>22</sup>

## ЧАНГОВУЛ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Янгиобод тумани Чанговул қишлоғи ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ. Ислом оламидаги машҳур дин пешволаридан бири Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг қадами етган жой сифатида улуғланади. Рамзий қабр устида икки хонали хонақоҳ барпо қилинган.

Зиёратгоҳга ёз ойлари нафақат вилоят, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан зиёратчилар ташриф буюришади. Бу жойга одамлар асосан фарзанд кўриш мақсадида келиб қўй ва эчкиларни қурбонлик келтиришади ва кўпчилик ҳолатларда гуштни хайр-эҳсон сифатида бева-бечораларга тарқатиб, бир қисмини шўрва қилишади. Маҳаллий аҳоли уртасида зиёратгоҳни ёмон ниятли кишилардан ёлли илон кўриқлайди, деган қараш мавжуд.

<sup>22</sup> Отажонов Ориф, 85 ёш. Янгиобод тумани Юкорисармич қишлоғи. 2014 йил, июль.

### АЗИЗ ЗИЁРАТЧИ КИТОБХОН!

Мана, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйлаб қилган сайёҳатимиз ниҳоясига етди. Биз бу китобда сизни кўпроқ зиёратгоҳлар билан ошно қилиш ила кифояланиб қолмай, қадамжо ва маданий манзиллар, табаррук жойлар билан ҳам таништиришига, азиз инсонлар дафн этилган мунаввар мазорлар тўғрисида тушунча беришига, бу икки қадимий гуша табииати ҳақида битилган шеърӣ асарлардан намуналар келтиришига ҳаракат қилдик. Сирдарё ва Жиззахнинг масжидлари, олий ўқув юртлари, маъмурий бинолари, истироҳат боғлари, шифо масканлари ҳақида етарли ҳикоя қила олмадик. Мустақиллик йилларида янгидан чирой очган чўллар, яйловлар, дашту далалар, гузат тоғлар макони бўлган бу икки вилоятнинг замонавий мафтункор турар жойлари, неъматга тўла бозорлари, маҳаллалардаги ораста гузарларининг ўзи бир зиёратгоҳ, диққатга лойиқ қадамжо! Бу олий гушаларни ҳазрати инсонларнинг ақл-фаросати, қадоқ қўллари, билимлари, меҳрли меҳнати, ҳимматли ижодкорлиги обод ва файзли қилмоқда ва бу бунёдкорлик ишлари ҳамон давом этмоқда.

Биз сизларни «Сирдарё ва Жиззах бўйлаб қилган зиёратингиз қабул бўлсин», дея бешинчи ва олтинчи китобларимизга – рўйи замин сайқали Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти зиёратгоҳлари ва қадамжолари томон етаклаймиз.



Саид Бурхон зиёратгоҳи.  
Зомин тумани.



Қилич Бурхониддин  
зиёратгоҳи. Зомин тумани.



Тоғтерак ота зиёратгоҳи.  
Зомин тумани.




Хожа Ахрор валий  
зиёратгоҳи. Зомин тумани.



Хужамушкент ота  
зиёратгоҳи. Янгиобод тумани.



Саъд ибн Абу Ваққос  
зиёратгоҳи. Ғаллаорол тумани.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATINING MA'MURIY-HUQUQIY BO'LINISHI  
 Markazi - Jizzax sh (146,7 ming kishi)  
 Tashkil topgan sanasi - 1973 y. 29 dekabr  
 Hududi - 21,21 ming kv. km. Aholi soni - 1116,8 ming kishi

Tumanlar soni	Tumanlar nomi	Tuman markazlari nomi
3	Armasoy	G'ulistan q
11	Baxmal	G'amat sh-cha
4	Do'stlik	Do'stlik sh
1	Forsah	Yangiyo'l sh-cha
8	Hasan	Uchtepa q
2	Marjaniyul	Gagarin sh
9	Paytakent	Paytakent sh
12	Yangiyo'l	Balandchaliq q
5	Zafarobod	Zafarobod sh-cha
6	Zarbki	Zarbki sh-cha
10	Zomin	Zomin sh-cha
7	G'allaorol	G'allaorol sh

Yiloyaga to'g'ri keluvchi shahar: Jizzax  
 Tumanga to'g'ri keluvchi shaharlar: Dushanbob, Do'stlik, Gagarin, Marjaniyul, Paytakent, G'allaorol

# JIZZAX VILOYATI

## mashtab 1:500 000

1. Ҳамид Олимжон музейи ва Зулфия музейи
2. Шароф Рашидов музейи
3. Темиур дарботза (Темиур کوпу)
4. "Хужамушкент ота"
5. Рустам ота ва Жумдуқлота зиёратгоҳи
6. Қултиқаниз қаламжоси
7. Саид Исоқхўжа зиёратгоҳи
8. Эрсулэймон бобо зиёратгоҳи
9. Бутатош Вали зиёратгоҳи
10. "Чўқмозор ота" зиёратгоҳи
11. Тешиктош бобо қаламжоси
12. Ғойиб ота қаламжоси
13. Балотардон бобо қаламжоси
14. Чантоғул ота зиёратгоҳи
15. Жондаҳор ота зиёратгоҳи
16. Ҳазрати Эшон халифа зиёратгоҳи
17. Хонбанди қаламжоси
18. Хўжа боғбон ота зиёратгоҳи
19. Нарвон ота зиёратгоҳи
20. Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳи
21. Қурағисар ота зиёратгоҳи
22. Парип ота зиёратгоҳи
23. Қирғичилот зиёратгоҳи
24. Саъд ибн Абу Вакос зиёратгоҳи
25. Сайфин ота зиёратгоҳи
26. Ғубдин ота зиёратгоҳи
27. Совруғ ота зиёратгоҳи
28. Қозон ота зиёратгоҳи
29. Усмет ота зиёратгоҳи
30. Новқа ота
31. Боғи мазор зиёратгоҳи
32. Алдашман зиёратгоҳи
33. Шодимардон домла зиёратгоҳи
34. Парип ойим зиёратгоҳи
35. Қул тўғли ота зиёратгоҳи
36. Хўжаи Сароб ота зиёратгоҳи
37. Хўжа Шодимардон Шердор зиёратгоҳи
38. Саййид Бурқониддин Қилич зиёратгоҳи
39. Хўжа Қалхор Вали қаламжоси
40. Арҷамозор ота зиёратгоҳи
41. Қобилмозор зиёратгоҳи
42. Қум ота зиёратгоҳи
43. Бешбудж ота зиёратгоҳи
44. Хўжақулдалағи зиёратгоҳи
45. Қоплон ота зиёратгоҳи
46. Чилмаҳрам ота зиёратгоҳи







Сардоба (XVIII аср). Сирдарё вилояти тумани. Сардоба қишлоғи.



Чилмахрам ота зиёратгоҳи. Янгиобод тумани.

## ИЛОВАЛАР

### ЗИЁРАТГОҲ ВА ҚАДАМЖОЛАР ҲАҚИДА

«Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари» рукнидаги 1 ва 2-китоблар Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларига, 3-китоб Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрига бағишланган бўлиб, уларда зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий аҳамияти, зиёрат қилишнинг фойдалари ҳақида маълумотлар берилган эди. Аввалги китоблар кўпчиликнинг қўлига етиб бормаганлигини эътиборга олиб, навбатдаги китобда ҳам мазкур маълумотларни илова тарзида такрор беришни лозим топдик. Мақсадимиз шуки, 4-китобнинг таълиф этилиши сабаблари мазкур маълумотлар асосида жамоатчиликка кенгрок ёйилсин, ўқувчилар яқиндан хабардор бўлсин.

Юртбошимиз Ислом Каримов: «Боболаримиз бизга мерос қилиб қолдирган муқаддас тарихий масканларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш шу тупрокда яшайтган ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз бўлмоғи лозим, ота-боболаримизнинг хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин – бизники, унинг буғуни ва истикболи фақат ўзимизга боғлиқ, бу юртда яшаб ўтган буюк аجدодларимизнинг маънавий жасоратларини англаб, улуглаб, уларнинг бу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак» деган эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга етказиш чораларини куриш ва давлат томонидан ёдгорликлар муҳофазасини таъминлаш мақсадида қатор ишлар бажарилиб, бу хайрли анъана мунтазам давом эттирилмоқда.

Бу эзгу саъй-ҳаракатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 июлдаги 269-сонли «Маданий мерос объектла-

рини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисидаги Низом», «Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тўғрисидаги Низом» ва «Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисидаги Низом»лар, Вазирлар Маҳкамасининг «Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва қадамжоларда аҳолига ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги мажлиси баённомаси талабларини бажариш мақсадларига қаратилган.

2013 йилгача бўлган маълумотларга кўра, Республикамиз ҳудудидаги жами 3000 дан ортиқ маданий мерос объектлари, тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, археологик манзилгоҳлар, монументал ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Қарши каби йирик шаҳарларнинг тарихий обидалари ва зиёратгоҳлари қайта таъмирланиб, юртимиз аҳли, дунё халқлари зиёратчилари ва сайёҳлари кўриб, олам-олам таассурот олиб қайтадиган масканларга айлантирилди.

Истиклол бизга шу каби зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, уларни обод қилиш, боболаримизнинг ким эканликларини англаш бахтини ҳам бердики, шўро даврида харобага айланган бу каби қутлуғ даргоҳлар бугун гуллаб-яшнамоқда, халқимизга хизмат қилиш билан бирга, юртимизга таъриф буюрган сайёҳ ва меҳмонларга бир дунё таассуротлар ҳая этмоқда.

Ватанимиз Мустақиллиги туфайлигина қадим аجدодларимиз кўзга суртган муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, уларни обод этиш, эъзоллаш имкониятлари пайдо бўлди. Мустақиллик шарофати боис юртимиздаги ўнлаб муқаддас зиёратгоҳлар ўз бағрида асраб ётган ўтмиш ҳикояларидан сўзлаб бермоқда ва шу асосда Ватан тарихининг ибратли ва хайратли саҳифалари яратилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Кўқон, Марғилон сингари кўҳна шаҳарлар тарихи хусусида сўз юритилганда, улардаги муқаддас зиёратгоҳларга алоҳида урғу берила-

ди. Чунки бу қутлуғ масканлар ўлкада юз берган воқеалар силсиласида ўзига хос ўрин тутибгина қолмай, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва диний қарашларида муҳим аҳамият касб этиб келган.

Ўртимиз тарихига оид ёзма манбаларни кўздан кечирганимизда, албатта, азиз-авлиёлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тўғрисида кўплаб маълумотларга дуч келамиз. Зотан, ҳар бир муаррих мамлакатда содир бўлган воқеалар тафсилоти ва шаҳарлар тарихини баён этар экан, ўз фикрини аниқ далиллаш учун диққат-этиборини шак-шубҳасиз муқаддас қадамжоларга, меъморий обидаларга ҳам қаратади. Чунки улар – тайёр ҳужжат.

Бугунги кунда табиат билан боғлиқ зиёратгоҳлар қаторига улуг инсонлар марқадлари ҳам кўшилиб бораётгани кузатилади. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ воқеалар халқ дostonларида ҳам кенг ўрин олган. Дostonлардаги баҳодирларнинг жасорати азиз-авлиёларнинг ёрдами билан содир бўлишини эътиборга олсак, аждодларимиз турмуш тарзидаги муқаддас жойлар билан боғлиқ қарашлар қадимги даврлардан буён шаклланиб, сайқал топиб келганлигининг шоҳиди бўламиз.

Қадимдан Турон заминида аждодлар мазорларини эъзозлаш, уларни авайлаб-асраш аждодлар учун ор-номус ва ша-раф мезони ҳисобланган. Юнон тарихчиси Ҳеродотнинг (эр. ав. VI аср) «Тарих» асарида келтирилган маълумотларга кўра, жанговор кўчманчи скифларни бўйсундириш учун уларнинг юртига юриш қилган Ахамонийлар подшоҳи Доро скифлар подшоҳи Иданфирисни жангдан қочиб юришда айблаб мактуб юборади. Иданфирис эса шундай жавоб йўллайди: «Агар жанг қилишни жуда истасангиз, оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни оёқости қилишга уришиб кўринглар, жанг қиламизми-йўқми, кейин биласизлар...». Скифларнинг бу тарздаги жавобидан шу нарса маълум бўладики, аждодларимиз учун ота-боболарининг мазорлари муқаддас саналган ва улардан маҳрум бўлиш ватандан жудо бўлиш билан баробар бўлган.

Туркий халқларнинг VIII асрга оид нодир ёзма ёдгорликларидан бири «Билга хокон битиги»даги куйидаги парчага диққат қилайлик: «Ўғуз халқи душман бўлди, уни қўлдан чиқариб юбормай деб, лашкар тортдим, уйини, зиёратгоҳини буздим». Демак, қадимги туркий халқлар ўзига ёв бўлган қавмни пароканда этмоқчи бўлса, дастлаб уша халқнинг уйига ўт қўяди, муқаддас жойларини бузиб ташлайди, душманлигини шу билан изҳор этади. Чунки, қадимги туркийлар эътиқодига кўра, зиёратгоҳларни қўлдан бериб қўйиш урф-одатлардан ажралиш, ёвга таслим бўлишни англатади.

Кундалик ҳаётимизда азизлар, валийлар, бузруклар, зоти бобаракотлар сингари сўзларни бот-бот эшитсак-да, ҳозирги кунимизда кўп ҳолларда унинг мазмун-моҳиятига у қадар эътибор бермаймиз. Аммо ўтмишда бу сўзлар халқимизда ғоят эъзоз билан тилга олиниб келинган. Авлиё сўзини изоҳлаш учун китобларга мурожаат қиламиз: «Авлиё (арабча валий сўзининг кўплиги, Худонинг дўсти, унга яқин одам) тасаввуфда Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан нафсини жиловлай оладиган киши. Ислом ахлоқи бўйича авлиёлар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. Халқ назарида авлиё пайғамбар даражасидан кейин туради. Авлиёларнинг мазорларини зиёрат қилиб, ибрат олиш ислом динининг ҳанафийлик мазҳабида савобли ишлардан ҳисобланади.

Халқ орасида авлиёларга Аллоҳнинг дўстлари, азизлар, қаромат соҳиблари, марди худо, валиюллоҳ, аҳлуллоҳ, эранлар, мардон, аҳли дил, ориф, дарвешлар сингари сифатлар нисбат берилган. Уларнинг ғайритабиий хислатлари хусусида турли қарашлар мавжуд. Бу ҳақда Алишер Навоий «Насойим-ул муҳаббат» асарининг дебوحасида шундай ёзади: «Авлиёларда зоҳир бўладиган ғайритабиий одатлар ва қароматлар баёни авлиёларнинг мартабалари кўп бўлганидек, булар ҳам кўпдир. Чунончи, бир нечасини санаб ўтайин: мавжудликдан йўқ бўлиш ва йўқликдан мавжуд бўлиш ва яширин амрнинг изҳори ва кўриниб турган амрнинг яшириниши ва дуонинг

ижобат бўлиши ва озгина вақт ичида узок йўлни босиш ва сезгилар (кўриш, эшитиш каби) сезмайдиган ишлардан хабар топиш, бир вақтнинг ўзида бир неча хилма-хил жойда хозир бўлмок, ўликни тирилтириш ва тирикни ўлдириш ҳамда жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар тилини англаш, уларнинг Худога тасбеҳини билиб туриш ва таом, ичимликка ҳожат пайдо бўлгандай буларнинг сабабсиз пайдо бўлиши ва сув устида юриш ва ҳавода учишдек ҳамда одамлар емайдиган нарсаларни еб кун ўтказиш ва ҳайвонлар билан дўстлашиш ва баданда ҳаддан зиёд қувват пайдо қилиб, дарахтни илдизи билан кўпориш ва деворни бармоқ ишорати билан агдармоқ ва ғарк бўлаётган кемаларни қутқармоқ. Одам аҳли тилаганидек ишлар, масалан, ёмғир ёғдириш, шамол қўзғатиш, сел келтириш ёки селни даф қилиш ва чигиртка офатини даф қилиш ва турли суратда кўриниш. Биёбонда сарсон булганларга раҳнамолик қилиш ва рухий ёрдам бериш». Навоий бир рубоийсида шундай сермаъно фикрларни баён этган эди:

Халқ ичра Ҳақ авлиёсини бил раҳмат,

Ул хайлдин ўлди элга мойил раҳмат,

Зикр айлаб аларни эт ҳосил раҳмат,

Ким, зикрлари айлади нозил раҳмат.

Маълумки, мукаддас мозорларнинг машҳурлиги унга дафн этилган авлиёларнинг кароматлари билан белгиланган. Агар авлиёлар ҳаёти мобайнида кўплаб каромат кўрсатган бўлса, демак, унинг қабри ҳам шу қадар серфайз бўлади.

Кишилар азалдан мукаддас мозорларни зиёрат қилар экан, мушкулларини осон қилиб, ниятларини ижобат бўлишини тилаб, Аллоҳ таолодан мадад сўраб келганлар. Зеро, кишилар зиёратгоҳларда дуолар ижобат бўлишига ишонганлар. Бинобарин, авлиё зот Паҳлавон Маҳмуднинг (1247-1326) мақбарасига бу ҳақда шундай битик туширилган: «Бизларни халқ ўлик хаёл қилмасин. Қошимизга тўла эътиқод билан келсун. Ҳожатини Ҳақдан тиласин – агар нияти битмаса, биздин гина қилсин».

## ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ, РУҲИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Инсоннинг аралашувисиз табиий шароитда пайдо бўлган зиёратгоҳлар (булоқ-чашмалар, ғорлар, шифобахш тупроқлар, ноёб дарахтзорлар) одамларни табиатни севишга, унинг гузалликларидан баҳра олишга руҳлантиради, жисмоний ва руҳий саломатликни яхшилашга хизмат қилади.

2. Зиёратгоҳлар (мозорлар, макбаралар, табиий объектлар, меъморий обидалар, тарихий манзиллар) узоқ-яқиндан зиёрат қилиш учун келган жамоат аҳли учрашадиган, ўзаро маданий алоқалар алмашиладиган нуқтадир.

3. «Зиёратингиз қабул бўлсин», деган иборада кишиларнинг эзгу ишларини рағбатлантириш, уларга хайрихоҳлик билдириш мақсадлари, ҳаётдаги орзу-умидларининг рўёбга чиқишини ис-таш ифодаланган.

4. Зиёратгоҳ ёш авлод онгида савобли ишлар қилиб дунёдан ўтган хосиятли кишиларнинг сўнгги манзили обод ва азиз жойга айланади, деган тушунчанинг мустақамланишига за-мин яратади.

5. Зиёратгоҳлар кишиларда бошқаларни эъзозлаш туйғусини тарбиялайди. Ҳимматли одамлар иссиқ-совуқ об-ҳаво, қор, ёмғир таъсирида бузилиб кетган қабрлар ўрнини қайта таъмирлаб, то-пишга осон қилиб қўйишган.

6. Бир одамнинг ўзига яқин марҳум қабрини зиёрат қилиб кетиши бошқаларга ҳам одатга айланиб борган. Бора-бора зиё-рат қилиш мавсумий ёки доимий урф-одатга айланган.

7. Зиёратгоҳ ва кадамжолар тарихий хотиранинг моддий ме-роси сифатида миллий ва маънавий қадриятларнинг руҳоний бекати саналади. Улар файз ва таскин топиш, ибрат олиш во-ситасидир.

8. Бир халқнинг зиёратгоҳи сайёҳ бўлиб келган бошқа халқлар учун ибрат ва тажриба алмашиш вазифасини ўтайди.

9. Зиёратгоҳлар аждодлардан мерос бўлиб келган урф-одат, байрам, сайил ва ҳордик чиқариш каби анъаналарни ўзида сақлайди.

10. Зиёратгоҳлар ўзи жойлашган қишлоқ ва шаҳарларнинг обод ва файзли бўлишига, нуфузини оширишга ҳисса қўшади.

11. Зиёратгоҳлар меъморлар, дизайнер ва санъаткорларга ижодий илҳом бағишлайди, янги ижод намуналарининг яратилишига тurtки беради.

12. Зиёратгоҳлар маҳаллий ва халқаро сайёҳлик тизими учун ҳаракат дастури ишлаб чиқиш ва амалий ишлар қилиш учун манба ҳисобланади.



## ЗИЁРАТ ОДОБИ

- Зиёратга келган кишилар зиёратгоҳнинг табиий манзарасига дахл қилмасликлари, уларни ўзгартиришга ҳаракат этмасликлари, экилган гуллар ва дарахтларга зарар етказмасликлари керак;

- бинолар, табиий ашёлар, сув манбалари ва бошқа тарихий жиҳозларига зиён етказмаслик лозим;

- зиёратгоҳ ҳудудида бақириб-чақириш, асабий баҳслашиш мумкин эмас;

- зиёратгоҳ ашёларига турли расмлар, ёзувлар чизиш таъқиқланади ва таъқиб этилади;

- сув ҳавзаси бор зиёратгоҳларда тозалikka риоя қилган ҳолда, фақат рухсат этилган ҳудудларда чўмилиш мумкин.

- зиёратгоҳ ва қадамжоларга қадам қўйганда марҳумлар қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар, уларга эҳтиром бажо келтириб зиёрат амаллари бажарилади;

- зиёратчилар марҳумлар макбарасининг қибла томонида туриб Куръон сураларидан ўқиб, дуо қилишлари мумкин.

## ЖИЗЗАҲ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

- |  |   |
|--|---|
| 1. Ҳамид Олимжон музейи ва Зулфия музейи | 24. Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳи      |
| 2. Шароф Рашидов музейи                  | 25. Сайфин ота зиёратгоҳи               |
| 3. Темир дарбоза (Темир копуғ)           | 26. Ғубдин ота зиёратгоҳи               |
| 4. "Хўжамушкент ота"                     | 27. Совруг ота зиёратгоҳи               |
| 5. Рустам ота ва Жумакулота зиёратгоҳи   | 28. Қозон ота зиёратгоҳи                |
| 6. Қултиказиз қадамжоси                  | 29. Усман ота зиёратгоҳи                |
| 7. Саид Йсохужа зиёратгоҳи               | 30. Новка ота                           |
| 8. Эрсулаймон бобо зиёратгоҳи            | 31. Боғи мазор зиёратгоҳи               |
| 9. Бугатош Вали зиёратгоҳи               | 32. Алдашман зиёратгоҳи                 |
| 10. "Чукмозор ота" зиёратгоҳи            | 33. Шохимардон домла зиёратгоҳи         |
| 11. Тешиктош бобо қадамжоси              | 34. Парли ойим зиёратгоҳи               |
| 12. Ғойиб ота қадамжоси                  | 35. Кўк тўнли ота зиёратгоҳи            |
| 13. Балогардон бобо қадамжоси            | 36. Хужаи Сароб ота зиёратгоҳи          |
| 14. Чанговул ота зиёратгоҳи              | 37. Хужа Шохимардон Шердор зиёратгоҳи   |
| 15. Жондахор ота зиёратгоҳи              | 38. Саййид Бурхониддин Қилич зиёратгоҳи |
| 16. Ҳазрати Эшон халифа зиёратгоҳи       | 39. Хужа Қаҳҳор Вали қадамжоси          |
| 17. Хонбанди қадамжоси                   | 40. Арчамозор ота зиёратгоҳи            |
| 18. Хужа боғбон ота зиёратгоҳи           | 41. Қобилмозор зиёратгоҳи               |
| 19. Нарвон ота зиёратгоҳи                | 42. Қум ота зиёратгоҳи                  |
| 20. Ҳазрати Зайнулбиддин зиёратгоҳи      | 43. Бешбулок ота зиёратгоҳи             |
| 21. Қулфисар ота зиёратгоҳи              | 44. Хужакўндаланг зиёратгоҳи            |
| 22. Парли ота зиёратгоҳи                 | 45. Қоплон ота зиёратгоҳи               |
| 23. Қирқчўлтон зиёратгоҳи                | 46. Чилмаҳрам ота зиёратгоҳи            |

**ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Атаев М. Ҷиззах алломалари. Адиб. Тошкент.: 2014. 148 б.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. М., 1963.
3. Бойназаров Ф. Қадимги давр тарихи. Сангзор. Ҷиззах. 2002.
4. Бердимуратов А. Э. Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса (Северо-западной Уструшаны V-X вв.н.э.). Автореферат дисс...кандидата исторических наук. Москва. 1985.
5. Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом Шелковом Пути. Самарканд-Бишкек. 2006.
6. Вохидов, Эркин. Ҳозирги ёшлар. Шеърлар ва шеърӣ кӣсса. Ёш гвардия нашриёти. Т.: 1974. 64 б. Б.39.
7. Грицина Алексей Андреевич. Северная Уструшана в середине I тысячелетия до н.э. - начале XIII в.н.э. (археолого-топографическое исследование). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Самарканд. 1990.
8. Гулямов Я.Г. К изучению древних водных сооружений в Узбекистане. Изв.АН, 1955, №2.
9. Древний Замин. (Коллектив), Фан. Ташкент.: 1992.
10. Ислом энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият. Тошкент.: 2008.
12. Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. – СПб., 1876.
13. Саидов А. Ҳазрат Занги ота. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2015. 504 б.
14. Темурнома (Амир Темур Қурагон жангномаси). Қулпон, Тошкент.: 1990.
15. Фахрудиддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-қаёт. –Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004.
16. Чехович О.Д. О единстве исторического процесса развития средневековых городов // ОНУ. – Ташкент, 1974. – №6.
17. Чехович О.Д. Городское самоуправление в Ташкенте XVIII в. // История и культура народов Средней Азии. – М.: Наука, 1976.
18. Шевяков А.И. Культурный фольклор на Шелковом пути. -

На среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. Очерки истории и культуры. Ташкент, 1990.

19. Шевяков А.И. Дорожная карта на культовом памятнике скифского происхождения. - МКСА. Ташкент, 1992.

20. Шевяков А.И. «Охота Александра» и ее географическая локализация. – ОНУз №5-6, 1999.

21. Радлов В.В. Из Сибири. М., 1989.

22. Саййид Азим. Бахмалнома. Сангзор. Жиззах. 2001.

23. Оға Бургутли. Тоғ садолари. Мехнат. Тошкент.: 1992.

24. Оға Бургутли. Хужамушкент ота зиёратида. Ватан. 2006.

25. Оға Бургутли. Бу кўҳна Зомин. Чўлпон. Тошкент.: 1996.

26. Оға Бургутли. Човқартовдан тушган одамлар ёхуд карокчилар қиссаси. А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент. 2001.

27. Шайх Парда Ҳамид, Оға Бургутли. Новқа отанинг сири. «Сангзор». Жиззах.: 2004.

28. Б.Эралиев. Саъд ибн Абу Ваккос (р.а.).

29. Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. / МИА №37. М.-Л., 1953.

30. Пардаев М.Х. Северо-западная Уструшана в эпоху раннего средневековья (по материалам нижнего течения реки Сангзар). Автореферат дисс... кандидата исторических наук. Ташкент.: 1995.

31. Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге. Под редакцией А.И.Дмитриева-Мамонова. С-Петербург.: 1903.

32. Ҳазрати Башир тарихи. «Шарофнома» фонди. Тошкент.: 1994.

33. Каюмов А. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Ёзувчи. Тошкент.: 2000.

34. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи (ЎММТ) 33-нашри. Тарих фанлари доктори Т.Ш.Ширинов таҳрири остида. Фан. Тошкент. 2002.

35. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Қут-баракалантирувчи билим. Саодатга йўлловчи билим). Фан, Тошкент.: 1972.

36. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Абдулланом (Шарофномаи шоҳий), 1-2 жилдлар, Фан, Тошкент.: 1966. 1969.

37. Қошғарий, Махмуд. Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони). 2- том. Фан. Тошкент. 1961.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ

Хушкат – Сирдарё кечувидаги шаҳар .....	8
Абу Наср Форобий яшаган қадамжолар .....	10
Эски Ховос қадамжоси .....	16
Мустафокул ота турбати.....	21
«Ёғочли» сардобаси – қадимги манзилгоҳ .....	21
Тура Сулаймон турбати .....	25
Ҳамроқул Ризо (1940-2008).....	27
Ўзбек эли бу .....	28

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ

Дизак – Жиззах .....	37
Исмоил ибн Аҳмад ад-Дизакий .....	40
Али ибн Абдулазиз ад-Дизакий .....	40
Умар ибн Аҳмад ад-Дизакий.....	40
Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Дизакий .....	41
Умар ибн Шуайб ад-Дизакий .....	41
Жиззахлик алломалар .....	41
Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳтар аш-Шиблий .....	43
Муҳаммад ибн Ҳусайн аш-Шиблий.....	48
Усмон ибн Али аш-Шиблий.....	48
Абдулкарим Махмур Коризий .....	48
Убайдуллоҳ Аламқаш .....	50
Муҳаддислар.....	50
Толиб ибн Али аш-Шийрақасий.....	51
Райҳон ибн Муҳаммад ал-Уструшаний.....	51
Абдулвоҳид ибн Абдурраҳмон аш-Шовқатий.....	52
Али ибн Абу Иброҳим ал-Уструшаний.....	52
Мутриф ибн Жамҳур ал-Уструшаний .....	52

Ҳаким ибн Наср ал-Уструшаний .....	53
Юнус ибн ал-Фадл ал-Уструшаний .....	53
Лукмон ибн аш-Шаъбий ал-Уструшаний .....	54
Аҳмад ибн Абдулмулк ал-Уструшаний .....	54
Бакр ибн Ямон ал-Уструшаний .....	54
Ҳасан ибн Муҳаммад аш-Шийракасий .....	55
Усмон ибн Яхё ал-Бунжикатий .....	55
Нуҳ ибн Жанох ал-Можармий (Фориш тумани) .....	55
Аҳмад ибн Аммор аш-Шийракасий .....	56
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ан-Навқадий (Бахмал тумани) .....	56
Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Ховосий .....	56
Зуннун ал-Ховосий .....	56
Али ибн Муҳаммад Амр ал-Ёркасий .....	57
Бакр ибн Аҳмад ас-Соботий (ҳозирги Янгиобод тумани) .....	57
Аҳмад ибн Абдуллоҳ ас-Соботий (ҳозирги Янгиобод тумани) .....	57
Зул-Фадл Ҳамза ас-Соботий (ҳозирги Янгиобод тумани) .....	58
Ҳамд ибн Ҳамид ал-Худийсарий (ҳозирги Жиззах тумани) .....	58
Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Сурҳакатий .....	58
Абдуссайд ибн Абдуссалом ал-Ёркасий .....	59
Али ибн Абу Тоййиб ал-Ёркасий .....	59
Абдулмулк ибн Хусайн ал-Ёркасий .....	59
Муҳаммад ибн Усом ал-Қатавоний (Ғаллаорол тумани) .....	60
Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Навқадий (Бахмал тумани) .....	60
Азиз ибн Наср ибн Лайс ал-Уструшаний .....	60
Умар ибн Муҳаммад ал-Хушуфағний .....	60
Наср ибн Омир ан-Навқадий (Бахмал тумани) .....	61
Муҳаммад ибн Али ан-Навқадий (Бахмал тумани) .....	61
Абдулҳамид ибн Умар ал-Усмандий (Бахмал тумани) .....	61
Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шийракасий .....	61
Абу Солиҳ ал-Можармий (Фориш тумани) .....	62
УстрУшана фақиҳлари .....	62
Аҳмад ибн Хусайн ал-Уструшаний .....	64
Абу Жаъфар ал-Уструшаний .....	64
Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳсин ал-Уструшаний .....	65
Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ад-Дизакий .....	65
Муҳаммад ибн Наим ал-Ғубдиний (Ғаллаорол тумани) .....	66

Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал-Усмандий (Баҳмал тумани).....	66
Абу Аҳмад Зоҳид ал-Ховосий (Ховос тумани).....	66
Исмоил ибн Абдурахмон ас-Санжафиний.....	67
Юсуф ибн Али ан-Нужоникасий.....	67
Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ёркасий.....	68
Абу Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қатавоний (Ғаллаорол тумани билан Булунғур тумани оралигида).....	68
Ҳасан ибн Али ал-Қатавоний.....	68
Усмон ибн Умар ал-Қатавоний.....	69
Абдулҳамид ибн Умар ал-Қатавоний.....	69
Аҳмад ибн Абу Ҳасан ал-Хушугағний.....	69
Бакр ибн Абдуллоҳ ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	70
Ҳусайн ибн Абу Шаҳоб ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	70
Ҳусайн ибн Юсуф ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	70
Муҳаммад ибн Жибрил ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	71
Масъуд ибн Маҳмуд ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	71
Аҳмад ибн Хусайн ал-Харқоний (Ғаллаорол тумани).....	71
Муҳаммад ибн Мансур ан-Навқадий (Баҳмал тумани).....	72
Хусайн ибн Аҳмад ал-Уструшаний.....	72
Аҳмад ибн Хусайн ал-Уструшаний.....	72
Маҳмуд ибн ал-Хусайн ал-Уструшаний.....	73
Бадриддин аш-Шиблий.....	74
Буюк факих Маждуддин ал-Уструшаний.....	74
Шароф Рашидов музейи.....	79
Жиззах вилоят Ўлкашунослик музейининг Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиал-кадамжоси.....	89
Жиззах воҳаси зиёратгоҳлари.....	91
Туркистон тоғ тизмаси – табаррук кадамжо.....	93
Жиззах тумани зиёратгоҳлари.....	94
«Қулфисар ота».....	94
«Қирқчилтон».....	95
Темур дарбоза (Темир қопуғ).....	97
«Парпи ота».....	101
Чўкмозор ота зиёратгоҳи.....	102

**ФОРИШ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

Ҳазрати Эшон халифа зиёратгоҳи.....	103
«Хонбанди» кадамжоси.....	106
«Жондахор ота».....	107
«Хужа богбон ота».....	109
«Нарвой ота» зиёратгоҳи.....	111
Ҳазрати Зайнулобидин зиёратгоҳи.....	112

**БАХМАЛ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

Бунжикат – Бахмал.....	116
«Ўснат ота» зиёратгоҳи.....	117
«Новқа ота» зиёратгоҳи.....	122
«Боғи мазор».....	124
Ҳикоят.....	126

**ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

«Саъд ибн Абу Ваққос» (р.а.) зиёратгоҳи.....	130
Саъд ибн Абу Ваққоснинг (р.а.) диёримиздаги мавжуд кадамжолари.....	131
Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний.....	136
Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний.....	136
Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ғубдиний.....	137
Ало ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний.....	137
Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний.....	137
Абдулвоҳид ибн Ҳусайн ал-Ғубдиний.....	138
Сайфин ота зиёратгоҳи.....	138
Соврук ота зиёратгоҳи.....	140
Қозон ота зиёратгоҳи.....	140

**ЗОМИН ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

Култепа шаҳристонӣ – ўрта аср сабати.....	145
Миқ қалъаси ва унинг атрофи.....	146
Абу Касир Сайф ибн Зоҳид аз-Зоминий.....	149
Аҳмад ибн Муҳаммад аз-Зоминий.....	150

Исрофил аз-Зоҳид аз-Зоминий.....	150
Муҳаммад ибн Асад аз-Зоминий.....	150
Аҳмад ибн Муҳаммад Руёний.....	150
Жамоҳир ибн Али аз-Зоминий.....	152
Илёс ибн Холид аз-Зоминий.....	152
Али ибн Абу Саҳл аз-Зоминий.....	152
Шоҳимардон домла турбати.....	152
«Кўк тўнли ота» зиёратгоҳи.....	153
«Хўжаи Сароб ота» зиёратгоҳи.....	153
Пешағар ғори.....	155
Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Пешоғарда ўтказган кунлари...	157
Хожа Шоҳимардон Шердор зиёратгоҳи.....	161
Саййид Бурҳониддин Қилич зиёратгоҳи.....	161
Султон Бурҳониддин Қилич насабномаси.....	166
«Насабнома».....	172
Хўжа Қаҳҳор Вали қадамжоси.....	181
Арчамозор ота.....	182
Парпи ойим зиёратгоҳи.....	185
Қобилмозор (Кўшинтепа).....	191
Қум ота зиёратгоҳи.....	192
Бешбулоқ ота.....	193
Хўжакўндаланг зиёратгоҳи.....	193
Қоплон ота.....	194

### ЯНГИОБОД ТУМАНИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

Хўжамушкент ота зиёратгоҳи.....	197
“Чилмаҳрам ота” зиёратгоҳи.....	200
Чўқмозор ота.....	205
Рустам ота ва Жумакул ота зиёратгоҳи.....	205
Қўлтиқазиз қадамжоси.....	206
Тешиктош бобо қадамжоси.....	207
Бутатош вали зиёратгоҳи.....	207
Ғойиб ота қадамжоси.....	208
Эрсулаймон бобо зиёратгоҳи.....	209
Саид Исохўжа зиёратгоҳи.....	210
Балогардон бобо қадамжоси.....	210



Чанговул ота зиёратгоҳи.....	211
Азиз зиёратчи китобхон! .....	212
Иловалар .....	213
Фойдаланилган адабиётлар.....	221

**BAXTIYOR ERALIYEV  
IKROMIDDIN OSTONAQULOV  
FARRUX AQCHAYEV**

# **O‘ZBEKISTON ZIYORATGOHLARI VA QADAMJOLARI**

**Sirdaryo va Jizzax viloyatlari**

*To'rtinchi kitob*

Toshkent  
«Turon zamin ziyo»  
2017

Ushbu kitob ko'p jildli «O'zbekiston ziyoratgohlari va qadamjolari» turkumidagi asarlarning to'rtinchisi bo'lib, unda Sirdaryo va Jizzax viloyatlarida joylashgan ziyoratgohlar, qadamjolar, tarixiy obidalar va me'moriy yodgorliklar tarixi, paydo bo'lishi va ijtimoiy-madaniy ahamiyati hamda ziyoratgohlarning vujudga kelishiga sabab bo'lgan aziz insonlarning hayoti va faoliyati, qudsiy fazilatlari xususida hikoya qilinadi.

«O'lkashunoslik va turizm», «Madaniyatshunoslik», «Etnologiya» fanlari uchun yangi o'quv adabiyoti sanalgan mazkur kitobdan tarix, geografiya, folklor, agiologiya (qudsiyatshunoslik), aksiologiya (qadriyatshunoslik), madaniyatshunoslik, adabiyotshunoslik, dinshunoslik fani bilan shug'ullanuvchi o'rta maxsus va oliy o'quv yurti o'qituvchilari, talabalar, maktab o'quvchilari, shuningdek, telejurnalistlar, kinoijodkorlar, mahalliy va xorijiy sayyohlar foydalanishlari mumkin.

*Mas'ul muharrirlar:*

**Shayx Abdulaziz Mansur,**

Xalqaro islom ulamolari kengashi a'zosi

**Akmal Saidov,**

yuridik fanlari doktori, professor

*Taqrizchilar:*

**Safar Abduholiqov,**

falsafa fanlari doktori, professor

**Matluba Qahhorova,**

falsafa fanlari doktori

## KIRISH

«O'zbekiston ziyoratgohlari va qadamjolari» ruknida chop etilayotgan kitoblarning birinchi va ikkinchi jildlaridan Farg'ona vodiysi viloyatlarida joylashgan ziyoratgohlar va qadamjolar tarixi o'rin olgan edi. Uchinchi kitobda qadimiy va muazzam Toshkent viloyati hamda Toshkent shahrida joylashgan ziyoratgohlar, qadamjolar, ular bilan bog'liq aziz-avliyolar, mashhur olimlar va mutafakkirlar hayoti, noyob fazilatlariga to'g'risida hikoya qilingan edi. To'rtinchi kitob Sirdaryo va Jizzax viloyatlari hududidagi ziyoratgoh va qadamjolarlarga bag'ishlangan bo'lib, u ham necha yillar davomida zahmatkash tarixchi, arxeolog, etnolog, adabiyotshunos va dinshunos olimlar tomonidan olib borilgan ilmiy tadqiqotlar, adabiy-publitsistik asarlar, xorijlik olimlarning geografik, tarixiy kitoblaridagi hujjatlar, shuningdek, og'zaki ma'lumotlar, rivoyatlar, gazeta-jurnallarda bosilgan maqolalar, lavhalar, nihoyat «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»dan olingan ayrim materiallar asosida tasnif etildi.

Sirdaryo va Jizzax hududlaridagi tarixiy yodgorliklar, ziyoratgohlar, muhim istehkomlar, yo'llar tarixi, ayniqsa, Toshkent va Samarqand tarixi bilan bog'liq ilmiy asarlarda ko'p tilga olinadi. Keyingi paytlarda bu hududlar tarixi arxeologlar va etnograflar tomonidan alohida o'rganilib, juda ko'p qiziqarli ma'lumotlar jamlanmoqda. A.A.Gritsina, I.D.Ivanitskiy, K.Rahimov, S.Qudratov kabi olimlar Sirdaryo viloyatidagi me'moriy yodgorliklar haqida tadqiqotlar yaratgan bo'lsa, O'.Nosirov, S.Qoraboyev, M.Atayev kabi olimlar Jizzax viloyatining allomalari, ziyoratgohlari va qadamjolari haqida risola va monografiyalar yozishdi. Shoir va adiblar esa o'zlarining adabiy va publitsistik asarlari orqali mazkur hududlarning tabiati, tabarruk manzillari, tarixiy obidalari va mashhur kishilari haqida qimmatli ma'lumotlarni o'quvchilar hukmiga havola etishmoqda. Bu o'rinda Erkin Vohidov, To'ra Sulaymon, Hamoqil Rizo, Sa'dulla Hakim, Ravshanbek Mahmudov kabi ijodkorlar asarlarini eslab o'tish mumkin.

Ayniqsa, biz tanlagan mavzu uchun Sattor Qoraboyevning «Jizzax viloyati ziyoratgohlari» va Muslim Atayevning «Jizzax allomalari» kitoblari katta ahamiyatga ega bo'ldi. Mazkur kitoblardagi ziyoratgohlar va aziz kishilar haqidagi ma'lumotlar juz'iy tahrir orqali qayta keltirilar ekan, ularni tasnif qilishda qaysi tuman hududiga tegishli ekanligiga e'tibor berildi va boshqa ma'lumotlar bilan to'ldirildi.

Kitob matnida yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklar uchun mualliflar oldindan ardoqli o'quvchilardan uzr so'raydilar hamda uni nashrga tayyorlashda yordam bergan xodimlarga o'z minnatdorliklarini izhor etib, xolis ishlariga Yaratgandan ajri savoblar tilab qoladilar.

4x

ISBN 978-9943-4830-6-4



9 789943 483064

*Маънавий-маърифий нашр*

**БАХТИЁР ЭРАЛИЕВ  
ИКРОМИДДИН ОСТОНАҚУЛОВ  
ФАРРУХ АҚЧАЕВ**

## **ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА ҚАДАМЖОЛАРИ**

*Сирдарё ва Жиззах вилоятлари*

Мухаррирлар: *Н.Жураев, Ф.Умурзоқов*

Техник муҳаррир: *Ф.Азизова*

Саҳифаловчи: *Ш.Назарова*

Мусахҳих: *Д.Рустамова*

«Turon zamin ziyo» нашриёти

Лицензия: АІ № 278. 2016 йил 11 январ.

Теришга 2016 йил 30 сентябрда берилди.

Босишга 2017 йил 20 январда рухсат этилди.

Бичими: 70x100 1/16. «Vites Times» гарнитурасида

офсет босма усулида офсет коғозида босилди.

14,5 шарт. б.т. 13,5 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 08-сон буюртма.

“Мухаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.  
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20<sup>А</sup>-мавзеи,  
Сўгалли ота кучаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru